NAFTEN KISLOTALARINING HOSILALARINI OLISH VA QO‘LLANILISH SOHALARINI TADQIQ ETISH.

Ismoilov M.Y., Mamarasulov X. A., Abdusattorova Z.A., Saydaliyev J. K. (FarDU)

Annotatsiya. Maqolada naften kislotalarning natriyli va kaliyli tuzlari emulsion moylarni olishda emulgatorlar va neftni suvsizlantirishda deemulgatorlar sifatida ishlatilishi, kaltsiy va alyuminiy naftenatlari surkov moylari konsistentsiyasini olishda quyuqlashtiruvchi, kaltsiy va rux tuzlari esa motor moylariga dispergirlovchi qo‘ndirmalar sifatida ishlatilishi, qo‘rg‘oshin, kobalt va marganets naftenatlari lok-bo‘yoq sanoatida qurituvchi sifatida ishlatilishi, mis va kobalt tuzlari rangli asfaltlar ishlab chiqarishda qo‘llash mumkinligi ko‘rsatib berildi.

Tayanch so‘zlar: emulgator, deemulgator, quyuqlashtiruvchi va dispergirlovchi qo‘ndirmalar, qurituvchi, rangli asphalt, sintetik surkov moylari.

Аннотация: В статье в качестве эмульгаторов при получении эмульсионных масел и деэмульгаторов при обезвоживании масел используются натриевые и калиевые соли нафтенных кислот, в качестве загустителей при получении консистенции смазочных масел используются нафтенаты кальция и алюминия, а также соли кальция и цинка. В качестве диспергирующих присадок в моторные масла применяют нафтенаты свинца, кобальта и марганца. Показана возможность использования его в качестве осушителя в лакокрасочной промышленности, а солей меди и кобальта - в производстве цветного асфальта.

Ключевые слова: эмульгатор, деэмульгатор, загущающие и диспергирующие составы, осушитель, цветной битум, синтетические смазки.

Annotation. In the article, sodium and potassium salts of naphthenic acids are used as emulsifiers in the production of emulsion oils and demulsifiers in the dehydration of oils, calcium and aluminum naphthenates, as well as calcium and zinc salts are used as thickeners in the preparation of the consistency of lubricating oils. Lead, cobalt and manganese naphthenates are used as dispersant additives in motor oils. The possibility of using it as a drying agent in the paint and varnish industry, and copper and cobalt salts - in the production of colored asphalt is shown.

Keywords: emulsifier, demulsifier, thickening and dispersing compositions, desiccant, colored bitumen, synthetic lubricants.


KIRISH. Neftlarda naften kislotalarning miqdori kam va ularning tabiiy resurslari ma'lum bo'lsada miqdori cheklangan. Shuning uchun naften kislotalarning qo'llanish sohalarining kengayishi sintetik naften kislotalarga e'tibor qaratish zaruratini keltirib chiqaradi. Naften kislotalarini sintez qilishning ko'plab usullari ishlab chiqilgan. Biroq, ularning ko'pchiligidan amaliy foydalanish ularning murakkabligi yoki boshlang'ich materiallarining yetishmasligi tufayli katta qiyinchiliklarga tug'diradi.

So'nggi yillarda naften kislotalarning efirlari sanoatda qo'llanila boshlandi. Texnikaga oid adabiyotlarda paydo bo'lgan ko'plab ilmiy maqolalar ulardan xalq xo'jaligining sohalorida oqilona foydalanish imkoniyatini ko'rsatadi. Biroq, naften kislotalarning efirlari polimer materiallarni plastifikatorlari va surkov moylari sifatida katta qiziqish uyg'otadi. Shuning uchun, ushbu birikmalarning boshqa soxalarda qo'llanilishi texnik va patentga oid adabiyotlarda topish mumkin. Naften kislotasining efirlarini amaliy qo'llashning muhim yo'nalishlaridan biri polimer materiallar asosida turli texnik mahsulotlar ishlab chiqarishda plastifikator sifatida foydalanish hisoblanadi. Hozirgi vaqtda plastifikatorlarning aksariyati alifatik va aromatik dikarbon kislotalarning efirlari (ftal, adipin va boshqalar) va bir atomli spirtlar, shuningdek, bir asosli kislotalarning ko'p atomli spirtlaridir. Efirlarni ishlab chiqarishning hajmi ko'pligiga qaramay, xom ashyo etishmasligi va ularning yuqori narxi tufayli ularga bo'lgan ehtiyoj to'liq qondirilmaydi. Bundan tashqari, fabrikalar tomonidan ishlab chiqarilgan plastifikatorlar uchun efirlar sovuqqa chidamliligi va boshqa ko'rsatkichlar bo'yicha sifatni yanada yaxshilashni talab qiladi. Shu nuqtai nazardan qaraganda, tabiiy naften kislotalari asosidagi plastifikatorlardan foydalanish istiqbolli hisoblanadi. Naften kislotalarning bir va ko'p atomli spirtlari bilan efirlari turli polimer materiallar ishlab chiqarishda plastifikator sifatida taklif qilingan va sinovdan o'tkazilgan. Shunday qilib, 1935-yildayoq nitroselyulozani har qanday nisbatda erituvchi naften kislotalarining metil, etil, propil, amil va etilenglikol efirlari nitroselyuloza qoplamalarini ishlab chiqarishda plastifikator sifatida taklif qilingan. Neftlaridan ajratilgan naften kislotalarning turli efirlari plastikatsiyalovchi sifatida polivinilxloriddan mahsulotlar ishlab chiqarishda, kauchuk ishlab chiqarishda va boshqa sohalarda qo'llaniladi. Naften kislotalarining efirlaridan bir qator plastifikatorlar yaratilgan bo'lib, ular shartli ravishda "ANAZ" deb ataladi [1].

Naften kislotalarini aniqlash bo'yicha ishlar boshqa neft mavjud hududlarda ham keng olib borila boshlandi. Vaqt o'tishi bilan dunyoning yana ko'plab neftlarida ushbu kislotalar topilgan. Naften kislotalarini neft mahsulotlaridan ajratib olish va ularni aralashmalardan tozalash masalalari bilan bir qatorda ularning kimyoviy tarkibi va tuzilishini o'rganish tavsiflari ham muhim o'rin tutadi. Naften kislotalarning kimyoviy tarkibi va tuzilishi haqidagi bilimlar nafaqat nazariy, balki amaliy katta qiziqish uyg'otadi. Bu kislotalar organik sintezning boshlang'ich mahsuloti sifatida ishlatiladigan hollarda ayniqsa muhimdir. Naften kislotalarining kimyoviy tarkibi va tuzilishini o'rganishning dastlabki bosqichida, efirlar, xlorangidridlar, amidlar va nitrillar kabi kislota hosilalari, shuningdek ularning keyingi bosqichida spirtlar, ketonlar, aminlar va to'rtlamchi ammoniy tuzlari olingan va tahliliy maqsadlarda foydalanilgan. Naften kislotalardan maxsus tayyorlangan va amaliy qo'llashning keng imkoniyatlarini ko'rsatadigan bunday birikmalarning katta qismi ma'lum. Ular orasida plastifikatorlar, sintetik surkov moylari va turli sirt faol birikmalar - anion, kation va ion holatida bo'lmagan moddalardir. Ularning sintezi va qo'llanilishi bo'yicha materiallar maqolalar, dissertatsiyalar va ko'plab patentlarda yoritib o'tilgan. Mavjud materialni umumlashtirish masalasi esa amalda bajarilmagan [2].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODLAR. Naften kislotalarni umumiy formulasi $C_nH_{2n-2}O_2$ to'yinmagan tarkibli bo'lsa ham to'yingan xsusiyatni ko'rsatadi va oson eterifikatsiyalanishga uchraydi. Monotsiklik naften kislotalar molekulasida 7 dan 15 tagacha uglerod atomi bo'ladi. Bitsiklik naften kislotalarlarni umumiy formulasi $C_nH_{2n-4}O_2$, Tritsiklik naften kislotalarlarni umumiy formulasi $C_nH_{2n-6}O_2$, tetratsiklik naften kislotalarlarni umumiy formulasi $C_nH_{2n-8}O_2$, pentatsiklik naften kislotalarlarni umumiy formulasi $C_nH_{2n-10}O_2$ bilan ifodalanadi agar yuqori darajali xalqada aromatik xalqani o'z ichiga olmagan bo'lsa [3].


O'rganilgan monotsiklik naften kislotalarda har bir molekuladagi atomlar 7 dan 15 gacha uglerodni o'z ichiga oladi [4].




1-rasm. Bir asosli naften kislotalarning fazoviy ko'rinishi.

Ularning quyi fraksiyalarida alifatik kislotalar aralashmasi, o'rtacha fraksiyalarda (C_{12} dan boshlab) bitsiklik kislotalar borligi aniqlangan.

Neft distillatlaridan ajratilgan kislota fraksiyalarini o'rganishda moylar tarkibida monotsiklik kislotalari bilan bir qatorda bitsiklik $C_nH_{2n-4}O_2$ va tritsiklik $C_nH_{2n-6}O_2$ naften kislotalari borligi aniqlandi. Bular qaynash nuqtasi 160 dan 245 ° C gacha, 20 ° C da 1,4856 dan 1,4965 gacha bo'lgan sinishi indeksi va uglerod soni 16 dan 25 gacha bo'lgan yopishqoq suyuqliklardir[4].



Ushbu bitsiklik naften kislotalar, quyidagicha formulalar bilan ifodalangan tritsiklik naften kislotalar aralashmasidan iborat bo'lishi mumkin.




Chemical Formula: $C_{15}H_{24}O_2$

Exact Mass: 236,18

Molecular Weight: 236,35

m/z: 236.18 (100.0%), 237.18 (16.6%), 238.18 (1.6%)

Elemental Analysis: C, 76.23; H, 10.24; O, 13.54




Chemical Formula: $C_{16}H_{26}O_2$

Exact Mass: 250,19

Molecular Weight: 250,38

m/z: 250.19 (100.0%), 251.20 (17.7%), 252.20 (1.9%)

Elemental Analysis: C, 76.75; H, 10.47; O, 12.78




Chemical Formula: $C_{17}H_{28}O_2$

Exact Mass: 264,21

Molecular Weight: 264,40

m/z: 264.21 (100.0%), 265.21 (18.5%), 266.22 (1.7%)

Elemental Analysis: C, 77.22; H, 10.67; O, 12.11



Chemical Formula: $C_{18}H_{30}O_2$

Exact Mass: 278,22

Molecular Weight: 278,43

m/z: 278.22 (100.0%), 279.23 (19.9%), 280.23 (2.3%)

Elemental Analysis: C, 77.65; H, 10.86; O, 11.49





2- rasm. Tritsiklik naften kislotalarning tuzilishi va molekuladagi atomlarning massa ulushlari.

Kislotalar aralashmasi moyli distillatlarida uglerod atomlarining o'rtacha soni 14 dan 29 gacha, o'rtacha molekulyar og'irliklari 244 dan 435 gacha va empirik formulalar $C_nH_{2n-4}O_2$ dan $C_nH_{2n-10}O_2$ gacha bo'lgan olti fraksiyaga ajratildi. Kislotalar molekulalarida, agar ularning yuqori sikllilik darajasi aromatik halqalarni o'z ichiga olgan kislotalar mavjud bo'lmasa birdan beshgacha naftenik halqalarni o'z ichiga olishi mumkin [5].


NATIJALAR VA MUHOKAMA.

Naften kislotalarda karboksil $\begin{matrix} \text{—C=O} \\ \text{—OH} \end{matrix}$ (karbonil - $\begin{matrix} \text{—C=O} \\ \text{—} \end{matrix}$ va —OH guruhlar bo'lganligi uchun birgalikda karboksil deb ataladi) guruhi bo'lganligi uchun, gidroksil guruhni vadorodi boshqa radikalga almashinishi hisobiga, gidroksid guruhini o'rnini boshqa funktsional guruh egallashi hisobiga kimyoviy jarayonlar yuz beradi.


1. Naften kislotalarga fosforni gologenli birikmalari yoki tionil xlorid ta'sir ettirilganda gidroksil gramma gologenlar bilan o'rin almashinadi va kislota xlorangidridlari hosil bo'ladi.





2. Naften kislotalar gidroksil grupaning spirt qoldig'i bilan almashtirishi (eterifikatsiya reaksiyasi) natijasida murakkab efirlar hosil bo'ladi.





3. Amalda naften kislotani amdini olish uchun galogenangidridlariga ammiak ta'sir ettirish kerak,



4. Naften kislotalar ishqoriy va ishqoriy er metallar asoslari bilan reaksiyaga kirishib metal naftenatlarini hosil qiladi.



5. Naften kislotalar og'ir metallar tuzlari bilan reaksiyaga kirishib rangli birikmalar hosil qiladi.



Naften kislotalarning ko'pgina tuzlari kristallanmaydi, ular surtmaga o'xshagan bo'lib, kolloid tuzilishga ega. Naften kislotalar (texnik nomi atsidol) va ularning metallar bilan hosil qilgan tuzlari («milonaft») yaxshi sirt faol xossalari tufayli ko'pdan beri yuvuvchi va tozalovchi vositalar sifatida ishlatiladi. Naften kislotalarning natriyli va kaliyli tuzlari emulsion moylarni olishda emulgatorlar va neftni suvsizlantirishda deemulgatorlar sifatida xizmat qiladi. Kalsiy va alyuminiy naftenatlari surkov moylari konsistentsiyasini olishda quyuqlashtiruvchi, kaltsiy va rux tuzlari esa motor moylariga dispergirlovchi qo'ndirmalar bo'lib hisoblanadi. Qo'rg'oshin, kobalt va marganes naftenatlari lok-bo'yoq sanoatida qurituvchi (olifning polimerlanishini tezlashtiruvchi) bo'lib xizmat qiladi. Mis tuzlari yog'och va to'qilgan matolarni bakteriologik parchalanishdan himoya qiladi. Alyuminiy tuzlarining skipidardagi eritmasi loklar sifatida qo'llaniladi. Shuningdek, sirt faol moddalar, plastifikatorlar, quritgichlar, motor yoqilg'isi uchun qo'ndirmalar va boshqalar olishda qo'llaniladi.

XULOSA

Naften kislotalarni neft mahsulotlari tarkibidan ajratib olib ularni turli hosilalari sintez qilindi va ularni qo'llanilish soxalari ko'rsatib berildi. Naften kislotalarning natriyli va kaliyli tuzlari emulsion moylarni olishda emulgatorlar va neftni suvsizlantirishda deemulgatorlar sifatida ishlatilishi, kaltsiy va alyuminiy naftenatlari surkov moylari konsistentsiyasini olishda quyuqlashtiruvchi, kalsiy va rux tuzlari esa motor moylariga dispergirlovchi qo'ndirmalar sifatida ishlatilishi, qo'rg'oshin, kobalt va marganes naftenatlari lok-bo'yoq sanoatida qurituvchi sifatida ishlatilishi, mis va kobalt tuzlari rangli asfaltlar ishlab chiqarishda qo'llash mumkinligi ko'rsatib berildi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Исмоилов М., Мирзаходжаева Н., Абдуллаева М. А. Использование смолы госсипол в качестве антиоксидантного соединения // Universum: технические науки, 2021. – №. 4-4. – С. 9-11.
2. Хамидов Б.Н., Фозилов С.Ф., Сайдахмедов Ш.М., Мавланов Б.А. Нефть ва газ кимёси. Олий ўқув юрглари нинг талабалари учун дарслик. – Тошкент: Муҳаррир, 2014. – 598 бет.
3. Исмоилов М. Ю. и др. Сравнительная характеристика нефтей добываемых в Узбекистане // Universum: технические науки, 2021. – №. 5-4. – С. 30-33.
4. Хамидов Б. Н., Исмоилов М. Ю., Мирзаходжаева Н. Н. К. Выделение нафтенных кислот из щелочных отходов нефтеперерабатывающих заводов // Universum: технические науки, 2021. – №. 12-5 (93). – С. 76-79.
5. Nabievich X. B. et al. Preparation of naphthenic acids in the oil of uzbekistan and obtaining their dressing // Conferencea, 2022. – С. 9-10.

Nashrga k.f.d. L.Kamolov tavsiya etgan

МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ОЛТИНГУГУРТ ВА МЕЛАМИН АСОСИДА ОЛТИНГУГУРТЛИ БЕТОН ОЛИШ

Шавкатова Д.Ш. (ҚарМИИ), Аманова Н.Н., Тураев Х.Х. (ТерДУ)

Аннотация. Олтингургуртли бетон олишда органик модификатор сифатида меламиндан фойдаланилди. Меламин модификацияланган олтингургурт билан боғловчи хусусиятни намоён қилиши аниқланди. Модификацияланган олтингургурт ва меламин асосида олинган олтингургуртли бетоннинг кўрсаткичлари барча талаблар бўйича давлат талабларига мос келиши аниқланди.

Таянч сўзлар: меламин, олтингургурт, бетон, модификация, сополимер, боғловчи, тўлдирувчи, модификатор, қул, қум, пластификация, полимер, агрессив муҳит, спектр, термогравиметрия, сиканерловчи, дисперслик.

Аннотация. Для получения серобетона в качестве органических модификаторов использовался меламин. Определено, что меламин с модифицированной серой является вяжущим свойством. Выявлено, что полученные на основе модифицированной серы и меламин полностью соответствуют по всем показателям требованиям госстандарта.

Ключевые слова: меламин, сера, бетон, модификация, сополимер, вяжущие, наполнитель, модификатор, золоунос, песок, пластификация, полимер, агрессивная среда, спектр, термогравиметрия, сиканерования, дисперсная.

Аннотация. To obtain sulfur concrete, melamine was used as organic modifiers. Sulfur-modified melamine has been determined to have astringent properties. It was revealed that those obtained on the basis of modified sulfur and melamine fully comply with the requirements of the state standard in all respects.

Key words: melamine, sulfur, concrete, modification, copolymer, binders, floor filler, modifier, fly ash, sand, plasticization, polymer, aggressive environment, spectrum, thermogravimetry, sicanning, dispersed.

Дунё микёсида ишлаб чиқариш саноатининг кенг доирада ривожланиши хом-ашёдан комплекс тарзда фойдаланиш ва саноат чиқиндиларини утилизация қилишда ундан фойдалана олиш талабини қўяди. Бу эса ўз навбатида хом-ашё ресурсларини тежаш ва экологик муҳитнинг яхшиланишига олиб келади. Шу ўринда элементар олтингургуртнинг тез топилувчанлиги ва унинг юқори реакцион қобилятга эгаллиги сабабли органик ва макромолекуляр синтезларда фойдаланиш имкониятини оширади [1; 560]. Шу ўринда элементар олтингургуртнинг алмашинган ва алмашинмаган ароматик бирикмалар билан таъсирлашуви натижасида гетерозанжирли олигомерларни яъни сульфид боғи тутган олигоариленларни синтезлашнинг илғор усуллари ишлаб чиқилган [3; 72]. Олигоариленсульфидли материаллар ўзининг юқори даражада кимёвий барқарорлиги, иссиқликка чидамлилиги [4; 343], ёнғинга бардошлилиги [5; 148-152], захарсизлилиги, супермустаҳкамлилиги (чузишда 200 МПа гача мустаҳкамлиги) [6; 394-402 б.] ва узоқ юкламада улчамларнинг барқарорлиги [7; 560], механик таъсирларга чидамлилиги [8; 705-716] ва турли хил агрессив муҳитлар ва намликка бардошлилиги [9; 820-826] ҳамда ҳароратга чидамлилиги билан ажралиб туради [10; 168-184]. Олтингургурт ва олтингургуртли бирикмалар нефть ва газни қайта ишлашдаги [12; 335-345, 13; 68-73, 14; 459, 15; 192-196], ҳамда рангли металлларни [16; 30-31] қайта ишлашдаги йўлдош бирикмалар жумласига киради.

Дунё микёсида табиий газни қайта ишлаш тез суръатларда кенг доирада ривожланиб бормоқда. Табиий газ таркибидаги кислотали газлардан газни тозалашда асосан водород сульфиди муҳим ўрин тутди. Табиий газни тлозалаш заводларидан чиқаётган элементар олтингургуртни турли мақсадларда ишлатиш ва ундан рационал равишда фойдаланиш бугунги куннинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Муаллифлар [16; 17; 5-8] ўз илмий ишларида янги олтингургуртли полимер бетонлар олиш, ва дастлабки олтингургурт ҳамда модификацияланган олтингургуртнинг термооксидланиш деструкцияси устида кўпгина илмий ва амалий ишларни амалга оширишган. Шу ўринда элементар олтингургуртни модификациялаш ва у асосида кўпгина боғловчи моддалар синтезлаш орқали турли хил халқ истеъмоли товарлари олиш муҳим ҳисобланади. Айни шу мақсадда биз ҳам элементар олтингургуртни модификациялаб ундан олтингургуртли бетонлар олиш мақсадида бир қанча амалий ишларни олиб бордик.

Бугунги кундаа саноати ривожланган мамлакатларда асосий эътиборни модификацияланган олтингургуртли бетонларни олишга қаратишган. Бунинг учун органик модификаторлар асосида олтингургуртнинг самарали полимерланиши учун турли хил органик моддаларни қўшиш орқали эришилмоқда. Ушбу модификацияланган олтингургурт асосида олинган олтингургуртли бетонлар ўзининг турли хил агрессив муҳитларга чидамлилиги, намлик ва иссиқликка бардошлилиги, ихчамлиги ва таннархининг кескин пастлиги билан ажралиб туради.

Тажрибавий қисм

Ҳажми 100 мл бўлган иссиқликка бардошли кимёвий стаканни механик аралаштиргич ва мой ҳаммоми ҳамда юқори ҳарорат берувчи электроплитка билан жиҳозлаб, унга 10 г олтингургуртни соламиз ва уни доимий аралаштириб турган ҳолда 185 °С ҳароратгача 30 минут давомида шаффоб ковушқоқ мандарин рангли суюқ олтингургурт ҳосил бўлгунча қиздирамиз. Шундан сўнг ушбу шаффоб олтингургуртнинг суюқ эритмаси устига доимий аралаштириб турган ҳолда 0,6 г меламинни қўшамиз ва 1 соат давомида 185–190 °С ҳароратда ушлаймиз. Реакция натижасида аралашманинг ковушқоқлиги бир оз пасайганлигини ва қўнғир тусли олтингургурт ҳамда меламиндан ҳосил бўлган сомономерларнинг ҳосил бўлганлигини кузатамиз.

Ҳосил бўлган маҳсулотни реакция жараёни тугагандан сўнг, кимёвий стакандан шпатель ёрдамида маҳсус идишга ўтказиб олдик ва уни хона ҳароратига қадар совитишга қўйдик. Олинган олтингургурт сополимери суюқ фаза ҳосил бўлгунча термостатланган ёғли ҳаммомда механик аралаштиргич билан жиҳозланган, зангламайдиган пўлатдан ясалган реактор ичида 180-190 °С ҳароратгача қиздирилди.

Модификацияланган олтингургуртли суюлтирилган муҳитга қум, майдаланган тош ва кул қўшилди. Ҳосил бўлган аралашма шу ҳароратда қўшимча равишда иситилиб, 1:2,5 (полисульфид сополимери:қум, майдаланган тош,кул) нисбатида доимий равишда аралаштириб бетоннинг бир хил қоришмасини ҳосил қилди. Қовушқоқ аралашмани маҳсус тайёрланган қолипга солиб, сўнг дарҳол 140-160 °С гача қиздирилган печга қўйиб, 30 дақиқа ушлаб турилди. Сўнгра хона ҳароратига қадар совитилиб, қолипдан эҳтиёткорлик билан олинди. Олинган намуна талаб этиладиган бошқа хоссаларини яъни намунанинг физик механик хоссаларини тадқиқ қилиш мақсадида кейинги тажрибалар учун тайёрланди.

Намуналарни тайёрлаш ва физик механик хоссаларини тадқиқ қилиш усуллари

Намуналарни тайёрлаш жараёни. Олтингургуртли бетон олиш учун тайёрланган намуналар ПНСТ 105-2016 стандарти «Олтингургуртли бетон аралашмаси ва олтингургуртли бетон»дан фойдаланган ҳолда тайёрланди. Дастлаб олдиндан 180 °С ҳароратгача 6 соат давомида қиздирилган қум ва майда тўлдирувчилар, 130 °С ҳароратгача қиздирилган олтингургуртли бетон ҳосил қилувчи иситиш учун мўлжалланган рубашкали ва аралаштиргич билан жиҳозланган контейнерга жойланди. Шундан сўнг кўп вақт ўтмасдан юқоридаги усулда ҳосил қилинган меламина билан модификацияланган олтингургуртли боғловчи қўшилди. Реакцион аралашма модификацияланган олтингургуртли боғловчи бирикманинг суюқ ҳолга келгунча аралаштирилди. Шундан сўнг аралашма маҳсус қолипларга қуйилди ва преслаб олтингургуртли бетон ҳолига келтирилди.

Мустаҳкамлик ва эластиклик бўйича тадқиқ қилиш. Юқоридаги усулда тайёрланган цилиндр кўринишидаги олтингургуртли бетон намунаси 3 кундан кейин мустаҳкамлик ва эластиклик бўйича синовдан ўтказилди. Диаметри 100 мм, баландлиги 200 мм бўлган ГОСТ 10180-2012 бўйича тайёрланган цилиндрсимон намуна сиқиш ва иссиқликка бардошлилиги бўйича синалди. Дастлаб намуна сиқиш бўйича синаш ГОСТ 10180-2012 га мос равишда амалга оширилди. Исситиш бўйича узилиш ГОСТ 10180-90 га мувофиқ амалга оширилди. Деформацияланишдан ҳосил бўлувчи кучланишга боғлиқ бўлган барқарорликни ўлчаш учун узунлиги 100 мм бўлган учта компрессометрдан фойдаланилди. Гидравлик универсал тадқиқот машинаси 1500kN SATECTM Series 1500HDX олтингургуртли бетон намунасининг мустаҳкамлик ва эластиклигини ўлчаш учун қўлланилди.

Эластиклик модулини ўрганиш бўйича тадқиқот. Ҳар қандай бетонлар учун эластиклик модули бир ўқли сиқишни кучланиш эгри- деформациясининг модуллиги

сифатида қўлланилади. Бетонлар учун деформацияланишга боғлиқ ҳолдаги кучланиш бир текис эмас. Модулни ҳисоблаш учун ҳар хил бўлган учта усулдан фойдаланилди. Биринчидан, маълум бир нуктада эластикликнинг тангенс модули ҳар қандай нуктада кучланиш ўзгаришининг эгри чизигига тегиб, чизикнинг модуллиги билан изоҳланади. Иккиламчи эластик модули максимал юкнинг 40 фоизга мос келадиган эгри нуктадан чизилган эгилиш билан ўрнатилади. Ва ниҳоят, аккорд эластик модули $50 \cdot 10^{-6}$ мм/мм деформациясини ифодаловчи нуктадан максимал юкнинг 40 фоиз га мос келадиган нуктада ўтадиган чизикнинг эгилиши билан ўрнатилади [11; 186-194]. Ушбу тадқиқотда иккиламчи эластик модули олтингургуртли бетоннинг эластиклик модулини таққослаш ва ҳисоблаш учун қўлланилди.

Олтингургуртли бетон намунасининг кимёвий реагентларга бўлган барқарорлигини ўрганиши. Олтингургуртли бетоннинг кимёвий реагентларга бўлган барқарорлигини баҳолаш учун, цилиндрсимон намуна учта турли хил агрессив муҳитли кимёвий реагентлар эритмасига туширилди. Бунинг учун агрессив муҳит сифатида 10 фоиз ли HCl эритмасидан, 20 фоиз ли H_2SO_4 ва 3 фоиз ли NaCl эритмаларидан фойдаланилди. Синов ишлари 60 кун ичида олтингургуртли бетоннинг парчаланиши рақамли лаборатория миқёсида массани вақти вақти билан ўлчаш ва бошланғич масса билан таққослаш орқали амалга оширилди. Шунингдек, 60 кун агрессив муҳитда бўлган юқоридаги намуна сиқилишга қарши барқарорлиги ўлчанди. Намунанинг массасини ва сиқилишга бўлган барқарорлигини ўлчашдан олдин намуналар кимёвий агрессив муҳитдан чиқариб олинди, совуқ сувда бир неча бор ювилди ва $105^\circ C$ ҳароратда махсус термостатли печда қуритилди. Учта намуна дастлаб кимёвий агрессив муҳитга ўрнатилгунга қадар сиқилишга бўлган мустақкамлиги ўлчанди ва агрессив муҳитга туширилгандан кейинги ўтган вақтдан сўнг айни шу учта намуна яна сиқилишга бўлган мустақкамлиги бўйича синовдан ўтказилди.

Иссиқликдан кенгайиш коэффиценти бўйича тадқиқот. Олтингургуртли бетоннинг ҳароратнинг ўзгариши билан кенгайиши ва сиқилиши унинг узоқ муддатли хизмат қилишига таъсир қилади. Ушбу тадқиқотда «ПНСТ 105-2016 олтингургуртли бетон аралашмаси ва олтингургуртли бетон» усулига мос техник шароитларида олтингургуртли бетон намуналарининг иссиқликдан кенгайиш коэффицентини аниқлаш учун фойдаланилди. Дастлаб намуналар 2 кун давомида сувда намлаб олинди ва намуналарнинг узунлиги аниқ ўлчаб олинди. Намуна сув идишига ботирилган рамкага солиниб резервуарга жойлаштирилди. Резервуардаги сувнинг ҳарорати $10^\circ C$ дан $50^\circ C$ ҳароратгача кўтариб борилди. Намуналар узунлигининг ҳарорат таъсирида ўзгариши дифференциал трансформаторда қайд қилинди [12; 27-38]. Намуналарнинг чизикли кенгайиши $0,2^\circ C/минут$ оралиғида ўлчаб борилди.

Музлаш ва эришга қарши синовдан ўтказиш. Олинган олтингургуртли бетонни музлаш ва эришга қарши синовдан ўтказиш ASTM C 666 тартиби бўйича $100 \times 100 \times 400$ мм призмасимон намуналарда тадқиқ қилинди. Ҳар бир ҳолат учун учта намуна бўйича бир вақтда тадқиқот ўтказилди. Намуналарнинг нисбий динамик эластиклик модули ҳар 100 циклда ўлчаб турилди. Бир цикл 4 соат оралиғида бўлиб, ҳароратнинг $4^\circ C$ дан $-18^\circ C$ ҳароратгача бўлган диапазонда 300 мартагача такрорланди. Тадқиқот 300 цикл ўтгандан сўнг тўхтатилди.

Натижаларнинг муҳокама қисми

Тадқиқотнинг асосий мақсади янги типдаги азот сақловчи модификацияланган олтингургурт билан сополимер ҳосил қилувчи композицион материаллар асосида олтингургуртли бетон олишга қаратилган. Олтингургуртли бетонларни қурилиш материаллари сифатида қўллаш қурилиш саноатида жуда қулай ва иқтисодий жиҳатдан тежамкор қурилиш материали бўлиб ҳисобланади. Тадқиқот натижасида олинган маълумотлар қурилиш соҳасига оид фаларни бойитишда муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Юқори самарали модификацияланган олтингургуртли бетонлардан фойдаланиш ҳозирги даврдаги қурилиш ишларида энг рационал ёндашувлардан бири эканлигига шубҳа қолдирмайди.

Тадқиқотларни бажариш давомида олтингургуртли бетон аралашмасининг нисбатларини аниқлаш учун модификацияланган олтингургуртли бетоннинг синов

натижалари марказга интилувчи куч ёрдамида текширилди. Текширишлардан маълум бўлдики, сиқиш ва эгилишга қарши энг яхши барқарор мустаҳкамлик полимер олтингургуртли бетон ва тўлдирувчининг 1:2 нисбати миқдори билан эришилди. Шунингдек, олтингургуртли бетон қум:тўлдирувчи 45 % нисбатида яхши шаклланишини кўрсатди. Шунга биноан олтингургуртли бетоннинг умумий ҳажми 100 фоиз бўлганда, ундаги майда ва катта тўлдирувчилар миқдори 36 ва 30 фоизни қоплашлиги аниқланди. Натижаларга кўра полимер олтингургуртли бетон (ПОБ) 20 фоиз учувчан кул билан алмаштирилганда, олтингургуртли бетон энг яхши мустаҳкамликка ва қулай тахтланувчанликка эгаллигини кўрсатди. Шунга биноан ПОБ ва учувчан кулнинг ҳажмий нисбатлари 26 фоиз га 7 фоизни ташкил этиши аниқланди. Ҳар бир компонентнинг вазни ҳар бир материалнинг ўзига хос оғирлигини кўпайтириш орқали ҳисоблаб чиқилди.

Аралашманинг нисбатлари ва тадқиқот параметрлари. Юқоридаги олинган натижаларга асосланган ҳолда қуйидаги 1-жадвалда бешта намуналар турли типдаги ва турли ўлчамдаги агрегатлар билан кул ва олтингургуртли полимер бетонларнинг ҳар хил нисбатларида тадқиқот қилинди. Тадқиқотнинг асосий мақсади аралашмаларнинг муқобил нисбатларини топишга қаратилган.

Қулай ишлаш ва мустаҳкамликни таъминлаш мақсадида агрегатларнинг учта максимал ўлчамларидан фойдаланилди. Учувчан кулнинг миқдори олтингургуртли бетоннинг баҳосини ҳисобга олган ҳолда ошириб борилади. Намуна №4 қайта ишлангандаги катта ўлчамлардаги агрегат сифатида мўлжалланган. Биринчи ва иккинчи намуналар бир хил материаллардан тайёрланган бўлиб, эксплуатация даврининг механик куч таъсирига бўлган боғлиқликни ўрганиш учун ишлаб чиқилди.

1-жадвал.

Аралашманинг нисбатлари ва тадқиқот параметрлари

Намуна	Катта агрегат, (фоиз)		Кичик агрегат, (фоиз)		ОПБ, (фоиз)		Кул қуқуни (фоиз)		Катта агрегатни макси-маль ўлчами (мм)	Катта агрегатни типи	Тадқиқот даврийлиги (days)
	Ҳажм	Мас-са	Ҳажм	Мас-са	Ҳажм	Мас-са	Ҳажм	Мас-са			
№.1	35.2	39.7	30.0	32.1	27.4	22.1	5.8	5.3	19	Natural	3
№.2	35.2	39.6	30.0	32.1	27.4	22.1	5.8	5.3	19	Natural	3
№.3	35.2	38.8	30.0	31.9	18.2	15.2	13.9	12.6	19	Natural	3
№.4	35.2	33.0	30.0	33.6	18.1	15.3	13.9	14.9	25	Recycled	3
№.5	35.2	38.7	30.0	31.5	13.2	12.0	18.1	16.1	19	Natural	3


Ушбу тадқиқот ишида олтингургуртли бетонни тайёрлаш учун меламина ва модификацияланган олтингургурт, кварц. шебень ва кул қуқуларидан фойдаланилди. Юқоридаги олинган таркиб бўйича ҳосил қилинган олтингургуртли бетон турли хил усуллар ёрдамида синовдан ўтказилди. Шунингдек, олинган маҳсулотнинг хоссалари замонавий физик тадқиқот усуллари ёрдамида текшириб кўрилди ва анализ натижалари олинди. Тадқиқот сифатида танланган олтингургуртли бетоннинг физик-кимёвий хоссалари: зичлиги, суюқланиш ҳарорати, эрувчанлиги, ИҚ-спектроскопик маълумотлари ва ДТГ маълумотлари ўрганилди. Модификацияланган олтингургуртли бетоннинг (олтингургуртнинг меламина билан ҳосил қилган полимер маҳсулоти) тавсифлари қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал.

Модификацияланган олтингургуртнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари


Кўрсаткичлар	Модификацияланган олтингургурт
Зичлиги, г/см ³ ГОСТ 15139-69	2,140
Суюқланиш ҳарорати, °С	130
П _{хв}	0,070
Эрувчанлиги	Толуол
Ранги ва ташқи кўриниши	Сарғиш-жигарранг қуқун

Меламин билан модификацияланган олтингургуртнинг ИҚ-спектрида 3433-3340 cm^{-1} соҳадаги кучли ютилиш чизиқлари меламин ҳалқаси билан боғланган учта NH гуруҳининг валент тебранишлари ютилиш чизиқларига мос келади. Шунингдек, 1650-1550 cm^{-1} соҳадаги интенсив ютилиш чизиқлари меламин ҳалқасидаги NH гуруҳининг деформацион тебранишлари ютилиш чизиқларига хос эканлигидан далолат беради. Ушбу бирикманинг ИҚ - спектридаги 1100-1000 cm^{-1} соҳадаги ютилиш чизиқлари C-N боғининг валент тебранишларига мос келса, 1690-1580 cm^{-1} соҳадаги интенсив ютилиш чизиқлари меламин ҳалқасидаги C=N боғининг валент тебранишларига мос келишини англатади. Меламин билан олтингургуртнинг полимерланган ҳолатдаги ўзига хос бўлган N-S боғларининг ютилиш чизиқларини 1650-1550 cm^{-1} намоён бўлишини куришимиз мумкин. Худди шунингдек, ушбу модификацияланган бирикманинг ИҚ – спектридаги 650-500 cm^{-1} соҳадаги кучсиз ютилиш чизиқлари полимерланган олтингургурт тутган S-S боғининг ўзига хос кучсиз ютилиш чизиқларини берганлигини кузатишимиз мумкин.



1-расм. Модификацияланган олтингургуртнинг ИҚ-спектри

Модификацияланган олтингургуртнинг термик хусусиятлари ДТГ аппаратида тадқиқ қилинди. Модификацияланган олтингургуртнинг массаси 207 $^{\circ}\text{C}$ ҳароратда ҳам ўзгармади. Модификацияланган олтингургуртнинг термик хусусиятлари дифференциал-термогравиметрия DT-60 древатограммасида тадқиқ қилинди. Бунда модификацияланган олтингургурт намунасининг массаси 250 $^{\circ}\text{C}$ гача ўзгармайди. ДТГ эгри чизигида битта эндотермик чўкқи 100-120 $^{\circ}\text{C}$ ҳароратда (114,7 $^{\circ}\text{C}$ да) кузатилади, бу ҳарорат намунанинг суяқланишига тўғри келади (2-расм). Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳарорат 307 $^{\circ}\text{C}$ юқори бўлганда, икки босқичда парчалана бошлайди 365 $^{\circ}\text{C}$ гача 6 фоиз минут тезликда, 500 $^{\circ}\text{C}$ дан юқорида эса 2,8 фоиз/минут тезликда парчаланади. Умумий масса йўқотиш 83 фоизни ташкил қилади. Прачаланиш реакцияси эндотермик, умумий парчаланиш энергияси 303,2 Ж/г.




2-расм. Модификацияланган олтингургуртнинг ТГА таҳлили

**Модификацияланган олтингургуртнинг термогравиметрик
маълумотлари**

№	Ҳарорат, °C	Масса йўқолиши, фоиз	Масса йўқолиши, мг(73)	Сарфланган энергия миқдори ($\mu V \cdot s / mg$)
1	100	0,53	72,60	0
2	200	0,40	72,56	6,91
3	300	4,1	70,0	4,09
4	400	24,1	54,08	3,99
5	500	5,1	52,17	4,23
6	600	0,35	51,48	4,67
7	700	0,09	50,01	6,50
8	800	0,11	49,86	4,32
9	900	1,02	36,02	5,62
10	1000	3,19	34,00	5,46
11	1100	1,93	33,02	3,65
12	1200	0,92	32,00	4,56

Электронномикроскопик усул ёрдамида модификацияланган олтингургуртли бетоннинг тузилиши ўрганилди. Модификацияланган олтингургуртли бетон намуналарининг микротузилиши сканирловчи электрон микроскопда амалга оширилди. Олтингургуртли бетонни сканирловчи микроскопда тадқиқ қилиш ишлаб чиқилган методика ёрдамида олиб борилди. СЭМ кучланишини таҳлил қилиш ҳолати 15 кВ ташкил этади. Олтингургуртли бетон олишда органик бирикмалар қўшилгандан кейинги олинган бетоннинг микротузилиши сканирловчи микроскопда ўрганилди. Унга кўра олинган СЭМ тасвир куйидаги 3-расмда кўрсатилган. Куйидаги 3-расмдан кўришиб турибдики, 100 г олтингургуртга 6 г меламина кўшиш дисперс фазалар заррачалари ўлчамининг -0,1 дан 0,6 мкм гача ортишига олиб келади.

Электронное изображение 9



3-расм. Модификацияланган олтингургуртли
бетоннинг СЭМ тасвири

Агарда пластификацияланган полимер олтингургуртга меламина кўшилса дисперс фазанинг сезиларли даражада ортишига ва модификацияланган кўшимчаларни кўшишга тўғри пропорцияланганлигини кузатиш мумкин. Агарда меламина пластификацияланган олтингургурт полимери устига солинса, дисперс фазанинг аҳамиятли даражада ортиши модификацияланган кўшимчага тўғри пропорционал равишда ортишига олиб келишини кузатиш мумкин.

Хулоса

Ушбу мақолада меламин ёрдамида модификацияланган олтингургурт билан бирга юқори деформацияланувчан барқарорлик ва адгеион хоссага эга бўлган олтингургуртли бетон олиш услуби келтирилган. Меламин моддаси олтингургуртнинг модификатори сифатида биринчи бор қўлланилди. Меламиннинг аминогрухлари ҳисобига олтингургурт билан сополимер ҳосил қилиши олтингургуртли бетон олишда асосий боғловчи восита бўлишини кўрсатди. Олтингургуртли бетон олишда тадқиқ қилинган таркиб турли хил снов-тажриба ва завод курилмаларида синовдан ўтказилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Получение и свойства органических соединений серы; под ред. Л.И. Беленького. – М.: Химия. 1998. – 560 с.
2. Неделькин В.И., Зачернюк Б.А., Корнеева Л.А., Соловьева Е.Н., Кудряшова И.Н., Зачернюк А.Б. Элементарная сера в полимерообразовании // Структура и динамика молекулярных систем: Тез. докл. XIX Всеросс. конф. – Казань, 2012. – С. 72.
3. Неделькин В.И., Зачернюк Б.А., Корнеева Л.А., Соловьева Е.Н. Элементарная сера как мономер для синтеза полиариленсульфидов // XX Менделеевский съезд по общей и прикладной химии: Тез. докл. в пяти томах. – Екатеринбург, 2016. т. 2б. – С. 343.
4. Неделькин В.И., Зачернюк Б.А., Корнеева Л.А., Соловьева Е.Н. Электрофильное сульфидирование в синтезе олигоариленсульфидов // Бултеровские сообщения, 2018. т. 53. – №1. – С.148-152.
5. Ginzburg V.M., Tochilnikov D.G., Lyashkov A.I., Lavrentev V.K., Leksovskii A.M., Pozdnyakov A.O., Pozdnyakov O.F., Sukha-nova T.E., and Shepelevskii A.A. Polypara-phenylene sulfide as material for water-lubricated sliding bearings // Friction and Wear. 2010. Vol.31. No. 4. – Pp.394-402.
6. Полимерные композиционные материалы: структура, свойства, технология: учебное пособие; под ред. А.А. Берлина. – СПб.: Профессия. 2009. – 560 с.
7. Гинзбург В.М., Точильников Д.Г., Бахарева В.Е., Анисимов А.В., Киреев О.Ф. Полимерные материалы для подшипников скольжения, смазываемых водой. Обзор // Журнал прикладной химии, 2006. т. 79. – №5. – С. 705–716.
8. Yamamoto Y., and Takashima T. Friction and Wear of Water Lubricated PEEK and PPS Sliding Contacts // Wear. 2002. Vol.253. – No.7-8. – P. 820–826.
9. Zachernyuk V.A., Savin E.D., Nedel'Kin V.I. Recent advances in the chemistry of sulfur-containing poly(arylenes) // Polymer Science. Series C., 2002. Vol.44. No. 2. – Pp.168–184.
10. Kolobova E.A., Lozhkina D.A. Waste Processing Oil and Capacity Radiationresistant Composites on their Basis // Совр. пробл. автоматизации и упр. В энергетике и машиностр.: Сб. науч. тр. междунар. н.-практ. конф. – Пенза, 2015. – С. 335-345.
11. Ахмедова А.Р., Серебренникова О.В., Шиганова. Геохимическая характеристика нефтей центральной Сибирской платформы // Экспозиция. Нефть. Газ, 2017. – №7(60). – С. 68-73.
12. Агабеков В.Е., Косяков В.К. Нефть и газ: технологии и продукты переработки. – Минск: Беларус: Наука, 2011. – 459 с.
13. Швецова А.В., Седики Д.Б., Шинкарь Е.В., Берберова Н.Т. Разработка процесса электрокатализируемого синтеза органических полисульфидов на основе циклоалканов, сероводорода и элементарной серы // Новейшие технологии освоения месторождений углеводородного сырья и обеспечение безопасности экосистем Каспийского шельфа: Материалы VIII Междунар. научно-практ. конф. – Астрахань, 2017. – С. 192-196.
14. Неделькин В.И., Кудряшова И.Н., Зачернюк Б.А., Соловьева Е.Н., Чернова Н.С. Новые подходы к утилизации серы при газоочистке // Современные проблемы развития текстильной и легкой промышленности: Сб. мат. междунар. н.-технич. конф. – М., 2012. – С. 30-31.
15. Амонова Н.Д., Тураев Х.Х., Бекназаров Х.С., Эшкурбонов Ф.Б. Исследование кинетики термоокислительной деструкции исходного и модифицированных образцов серы методами ДТА и ТГА // Наука и мир. Международный научный журнал, – № 6 (82), 2020, Том 1.
16. Аманова Н.Д., Тўраев Х.Х., Бекназаров Х.С. Синтез и исследование нового полимерного серобетона // Universum: технические науки: научный журнал. Часть 3. – М.: «МЦНО», 2020. – №6 (75). – С. 5-8.

Наирга к.ф.д. Л.Камолов тавсия этган

ИССЛЕДОВАНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНГИБИТОРОВ НА ОСНОВЕ АЗОТ, ФОСФОР СОДЕРЖАЮЩИХ СОЕДИНЕНИЙ В КИСЛОЙ СРЕДЕ

**Эшмаматова Н.Б., Акбаров Х.И., Азимов Л.А., Курбанова Л.М., Алиева З.В.,
Каримова М.Б., Валиева Ш.М. (НУУЗ)**

Аннотация. Необходимость защиты металлов от коррозии появилась с момента их использования человеком. Фирмы предоставляют весьма ограниченную информацию о химическом составе, тонкостях и особенностях технологии получения и использования ингибиторов. В литературе имеется обширная информация по ингибированию коррозии в разных системах, технологических процессах, системах нефтедобычи по усилению защитных свойств различными ингибиторами.

Цель исследования, создание новых высокоэффективных ингибиторов по предотвращению коррозии стали в кислой среде на основе азот, фосфор содержащих соединений и исследование механизма их действия. В работе использованы гравиметрия, ИК спектроскопия, а также рентгеноструктурный анализ.

Ключевые слова: *коррозия, ингибитор, тиомочевина, мочевина, сталь, фосфат тиомочевина, фосфат мочевины, ингибирование.*

Аннотация. Инсонлар металлдан фойдаланишни бошлаган кундан бўён уларни коррозиядан ҳимоялашга бўлган талаби орта бошлаган. Турли фирмалар ингибиторларнинг кимёвий таркиби, уларни олиш ва қўллашнинг ўзига ҳос услублари ва аҳамияти тўғрисида унчалик кўп маълумот бермайди. Адабиётларда турли муҳитларда металлларни коррозиядан сақлашда ингибиторларнинг ҳимоялаш ҳоссаларини кучайтириш учун, нефтни қазиб олиш системаларида коррозия муҳитни ингибирлаш бўйича етарлича маълумотлар мавжуд.

Ишнинг мақсади, азот, фосфор тутган бирикмалар асосида пўлат коррозиясини олдини олиш бўйича янги ва юқори самарадорли ингибиторларни яратиш, ҳамда уларнинг таъсир механизмини ўрганишдан иборат. Ишда гравиметрия, ИҚ спектроскопия, ҳамда рентгеноструктура анализи қўлланилган.

Калит сўзлар: *коррозия, ингибитор, тиомочевина, мочевина, пўлат, тиомочевина фосфати, мочевина фосфати, ингибирлаш.*

Annotation. The need to protect metals from corrosion has appeared since their use by humans. Firms provide very limited information about the chemical composition, intricacies and features of the technology for producing and using inhibitors. The literature contains extensive information on the inhibition of corrosion of different systems, technological processes, oil production systems to enhance the protective properties of various inhibitors.

Purpose - creation of new highly effective inhibitors for the prevention of steel corrosion in an acidic medium based on nitrogen-phosphorus containing compounds and investigation of their mechanism of action. Such methods as gravimetric, IR spectroscopy, and X-ray diffraction analysis have been used.

Key words: *corrosion, inhibitor, thiourea, urea, steel, phosphate thiourea, phosphate urea, inhibition.*

Введение. В настоящее время трудно не согласиться с тем, что метод ингибиторной защиты является одним из важнейших в борьбе с коррозией металлов. Вместе с тем в вопросах, связанных с их использованием, многое ещё далеко от желаемой ясности. В силу этих причин широким фронтом ведутся теоретические исследования. Всё глубже оценивается роль комплексобразования [1: 19-26], эффективность смешанных ингибирующих композиций. Это всегда связано с тремя возможными эффектами: аддитивностью, антагонизмом и синергизмом компонентов на всех этапах влияния на коррозионный процесс: адсорбцию, кинетику парциальных электродных реакций, локализацию поражения и защитную эффективность. Исследуется защитное действие различных классов химических соединений в специфических условиях в водных и кислых средах [2: 95-97].

Введение различных функциональных групп в ароматические амины и пиридины увеличивает эффективность этих веществ в качестве ингибиторов. Влияние дополнительных групп, вводимых в основную цепь алифатических аминов, невелико. Наличие непредельных связей в углеводородной цепи амина повышает и его адсорбируемость и защитные свойства [3: 96-114].

Рабочие свойства ингибиторов коррозии проявляются вследствие изменения состояния поверхности металла и его абсорбции или образования с катионами металла

труднорастворимых соединений. Защитные слои, создаваемые ингибиторами коррозии, всегда тоньше, чем поверхность металла. Действовать надо двумя путями: уменьшить площадь активной поверхности или изменять энергию активации коррозионного процесса.

По механизму своего действия любой ингибитор не должен взаимодействовать с окружающей средой. Реакция должна происходить только на поверхности металла, на которой была произведена обработка. Сама защитная реакция достаточно сложна, часто ее не удается продемонстрировать в рамках одной универсальной теории. На сегодняшний день работа ингибиторов металла объясняется адсорбционной и пленочной теориями [4: 82-83].


Полезное действие ингибитора во многом зависит от среды, в которой он применяется. Данный фактор является определяющим и пока не позволяет создать ингибиторы, обладающие универсальными свойствами. С течением времени ингибиторы расходуются, необходимо осуществлять их периодическое добавление в агрессивную среду. Однако, концентрация защитного вещества в неблагоприятных средах остается небольшой. Стоит учитывать и среду, в которой происходит обработка металла - щелочная или кислотная. Еще одной интересной особенностью является применение смесей ингибиторов с одинаковым или схожими физико-химическими свойствами. В результате такого взаимодействия у препаратов друг к другу может проявляться как эффект антагонизма, так и синергизма. При достижении синергизма увеличивается эффективность действия ингибирующей смеси, что приведет к улучшению защитного эффекта по сравнению с отдельным применением ингибиторов. Такого эффекта можно достигнуть при меньшей суммарной концентрации ингибиторов в смеси по сравнению с концентрацией препаратов отдельно [5: 90-91].

Вместе с тем есть вопросы, связанные с эффективностью ингибиторов коррозии, которые выпали из внимания исследователей. Это касается двухфазных систем вода-углеводород, как правило, высоко минерализованных, содержащих H_2O , CO_2 или этих стимуляторов коррозии одновременно и представляющих преимущественную коррозионно-агрессивную среду в нефтедобывающей и нефтеперерабатывающей промышленности [6: 53-59].

Объект исследования и методы проведения экспериментов. Объектами исследования явились органические соли на основе мочевины и тиомочевины. Исследования коррозионного поведения стали (Ст.3) проводили на образцах в форме пластин. Действие ингибиторов на их коррозионное поведение определяли гравиметрическим по убыли их массы после коррозионных испытаний. Исследования проведены в фоновых растворах состава 3% HCl (Ф-1) (pH=2) и при различных температурах. Растворы готовили из реактивов марки «х.ч.» на дистилляте. Электроды изготовлены из Ст.3 состава, %: Fe=98,36; C=0,20; Mn=0,50; Si=0,15; P=0,04; S=0,05; Cr=0,30; Ni=0,20; Cu=0,20.


Фосфат мочевиный аддукт получают следующим образом: в трехгорлую колбу, снабженную механической мешалкой, загружают мочевины (0,1М) и фосфорную кислоту (0,1М), их перемешивают до полного растворения и получения однородной массы. Потом поднимают температуру до 80-100°C и реакцию проводят до полного выделения осадка, который сушат на открытом воздухе.

Синтез водорастворимого фосфата мочевиного аддукта описывается следующей схемой:



Фосфат тиомочевинный аддукт - белый кристаллический порошок с молекулярной массой 174. Растворяется в воде и органических полярных растворителях, таких как ацетон и

этиловый спирт, имеет острый запах. Синтез фосфат тиомочевинного аддукта описывается следующей схемой:



В трехгорлую колбу, снабженную механической мешалкой, загружают тиомочевину (0,1М) и фосфорную кислоту (0,1М), их перемешивают до полного растворения и получения однородной массы. Потом поднимают температуру до 60-80°C и реакцию проводят до полного выделения осадка, который сушат на открытом воздухе.

Результаты исследования и их обсуждение. В аминоксодержащих ингибиторах включая мочевины и тиомочевины возможна связь через азот аминогруппы, имеющий пару электронов [7:3-6, 8:12-18]. Важным фактором, влияющим на эффективность ингибиторов, является пространственная конфигурация их молекул, определяющая площадь ингибированной поверхности металлов. Защита металлов от коррозии ингибиторами, как было показано, часто связана с химической адсорбцией, включающей изменение заряда адсорбирующегося вещества и его перенос с одной фазы на другую [9: 91-96, 10:80]. Фосфаты тиомочевины и мочевины действуют как смешанные ингибиторы на поверхности металла. Фосфат мочевины более эффективен, что связано с образованием нерастворимых комплексов.

В его ИК-спектре появляются соответствующая свободным валентным колебаниям -NH₂ группы в интервале 3428-3224 см⁻¹, полоса в области 2862 см⁻¹ – CH - группы, также при 2179 см⁻¹ (CN). Колебания при 1679 см⁻¹ обусловлены валентными колебаниями –C=O групп, 1169 см⁻¹ (C-O), полоса в области 914 см⁻¹ обусловлена наличием P-O-P группы, при 539 см⁻¹ проявляется (NNN) и в области 415-421 см⁻¹ проявляется группа (NC).




Рис. 1. ИК спектр фосфата мочевины.

В этом случае молекулы ингибитора адсорбируются разными атомами, что приводит к уменьшению сил отталкивания между их молекулами на поверхности металла и способствует образованию более плотной пленки. Роль фосфатов можно объяснить тем, что они образуют на поверхности металла тонкие фосфатные слои, в состав которых входят ионы защищенного металла. Важным фактором, влияющим на эффективность ингибиторов, является пространственная конфигурация их молекул, определяющая площадь ингибированной поверхности металлов.

В ИК-спектре фосфата тиомочевины появляются новые полосы поглощения в интервале 3360, 3243 и 3159 см⁻¹, относящиеся к аминным группам, полоса при 2367 см⁻¹ отнесена к (P-H), при в 727 см⁻¹ проявляется C-S группы, полоса 491 см⁻¹ соответствует

(NCS) гурппе. При 1588 см^{-1} полоса, относящаяся к NH_2 группам, а также определено поглощение ($\text{N}=\text{O}$) группы в интервале 1448 см^{-1} , новые азометильные $\text{C}=\text{N}$ группы - в области 1467 см^{-1} .




Рис. 2. ИК спектр фосфата тиомочевины.

Ведение химической ингибиторной защиты является одним из наиболее эффективных, технологически доступных и экономически целесообразных методов борьбы с внутренней коррозией промышленных трубопроводов. Необходимо понимать, что достижение реальной полезной результативности от проведения работ по ингибированию и следовательно повышению надежности трубопроводов возможны только в случае максимально качественной реализации всех системных процессов, осуществляемых в рамках программы по химической ингибиторной защите, причем как внутри комплекса работ по разработке, производству и внедрению эффективных реагентов ингибиторов коррозии, так и при дальнейшем их внедрении в промышленность [11:34-42].

Следует отметить, что электронная структура олигомерных ингибиторов несомненно играет определенную роль в явлениях адсорбции и ингибирования коррозии. Эффективность этих ингибиторов обусловлена наличием двух адсорбционно-активных центров и адсорбцией продуктов их разложения [12:31-33].

В работе использован метод рентгеноструктурного анализа под большими и малыми углами. Длина волны рентгеновского излучения и расстояния между атомами или их группами в кристаллической решетке вещества одного и того же порядка, решетка кристалла является дифракционной решеткой для рентгеновских лучей.

Таблица 1.

Параметры элементарной ячейки для фосфата мочевины

a	b	c	α	β	γ	V	Структура
5,6	5,6	4,6	90	90	90	150	4/m (t-c) tetragonal

Полученные результаты рентгенографического исследования под малыми углами отличается от каковых, полученных при съемке под большими углами, что показывает следующую структуру:





Таблица 2.

Параметры элементарной ячейки для фосфата тиомочевины

a	b	c	α	β	γ	V	Структура
5,4	7,6	8,5	90	90	90	360	mmm orthorhombic

Съемками под малыми углами показано образование следующей структуры:



Таким образом, необходимой задачей является создание новых органических ингибиторов, которые могли бы обеспечивать высокий защитный эффект в широком диапазоне условий применения, либо улучшение качества уже существующих составов. Также получены результаты определений коэффициента торможения (γ) и степени защиты (Z) гравиметрическим методом, которые приведены в табл. 3. В результате проведенных исследований были выявлены наиболее эффективные ингибиторы, введение которых позволило снизить коррозионную агрессивности Ф-1 и защитить Ст.3 от коррозионного разрушения на 93,25%. Еще очень мало известно о природе химической связи ингибитор-металл, поэтому среди исследователей нет единой точки зрения на механизм синергетического эффекта. Таким образом, исследуемые ингибиторы показали высокую эффективность замедления процесса растворения стали в кислых средах. Отличительными свойствами данных ингибиторов являются низкая оптимальная концентрация, дешевизна, универсальность.

Таблица 3.

Результаты гравиметрического определения степени защиты различных ингибиторов ($C_{\text{инг.}}=30$ мг/л) в фоновом растворе pH=2 при 25°C

Ингибиторы	Т	360 часов			720 часов		
		К, г/(м ² сут)	γ	Z, %	К, г/(м ² сут)	γ	Z, %
Ф-1	25	11,78	-	-	9,38	-	-
Мочевина		4,25	36,22	63,78	3,24	34,65	65,35
Хлорид мочевины		2,94	24,80	75,20	2,04	21,72	78,28
Нитрат мочевины		2,47	21,35	78,65	1,85	19,64	80,36
Фосфат мочевины		2,06	17,50	82,50	1,07	11,40	88,60
Ф-1		12,05	-	-	8,01	-	-
Тиомочевина		3,32	27,55	72,45	2,10	26,16	73,84
Хлорид тиомочевины		2,21	18,44	81,56	1,33	16,53	83,47
Нитрат тиомочевины		1,71	14,19	85,81	0,93	11,50	88,51
Фосфат тиомочевины		0,95	7,86	92,14	0,55	6,75	93,25

В целом можно ожидать, что электронодонорные молекулы с меньшим потенциалом ионизации, большим отрицательным зарядом на атоме азота активного центра и более положительным зарядом на атоме водорода в протонированной форме должны быть лучшими ингибиторами благодаря образованию сильных координационных или водородных связей с металлической поверхностью. Это обусловлено тем, что такие соединения и комплексы обладают повышенной способностью к взаимодействию с металлической поверхностью и активными частицами коррозионных сред, вследствие чего при правильном подборе рецептуры ингибитора может быть обеспечена его высокая адсорбционная активность и склонность к снижению или блокированию тех функций частиц среды, которые вызывают коррозию металла. В растворах ингибиторы, содержащие PO_4^{3-} и $-\text{NH}_2$, также могут адсорбироваться на поверхности стали. Проведены исследования по определению действия ингибиторов и поиску их наиболее эффективных соединений. Чтобы оптимизировать состав ингибиторных смесей необходимо установить все причины отклонения их действия от «аддитивности». Для этого требуются дополнительные исследования и в первую очередь по совместной адсорбции компонентов смесей на

поверхности металла. В связи с этим заслуживают внимания эффекты взаимного усиления ингибирующего действия и адсорбции анионов [13:6489, 14:13-30].

Заклучение

Определены эффективные, безопасные и экономически целесообразные ингибиторы коррозии органического типа на основе мочевины и тиомочевины. На основе проведенных гравиметрических исследований и определения таких параметров как скорость коррозии, коэффициент торможения, степень защиты были установлены состав ингибирующих соединений и определены оптимальные условия их использования.

Наиболее вероятный механизм защитного действия разработанных ингибиторов заключается в образовании малорастворимых соединений с ионами железа и последующей адсорбции органического компонента на образовавшийся слой.

Список литературы

1. Вагапов Р.К., Игошин Р.В., Кузнецов Ю.И., Цирюльникова Н.Б. // Практика противокоррозионной защиты, 2009. – №3. (53). – С.19-26.
2. Юсубов Н.Н., Мамедова З.А., Гасымов Р.А., Алиева Э.Ч. Исследование технической смеси продуктов этилирования и аминотилирования алкенилфенолов в качестве ингибиторов кислотной коррозии // Химия и хим. техн. –Иваново, 2006. – № 2 (49). – С. 95-97.
3. Фахретдинов П.С. Борисов Д.Н., Романов Г.Б., Ходыров Ю.П., Галиакбаров Р.М. Ингибиторы коррозии из ряда аминов и аммониевых соединений на α -олефинов и оксиэтилированных ионил фенолов. Нефтегазовое дело, 2008. – С. 96-114.
4. Задорожный П.А., Суховерхов С.В., Семенова Т.Л., Маркин А.Н. Применение высокоэффективной жидкостной хроматографии с масс селективным детектированием для анализа имидазлинсодержащего ингибитора коррозии // Вестник Дальневосточного отделение Российской академии наук. Вып. 5. 2010. – С. 82-83.
5. Семихина Л.П., Москвина Е.Н., Кольчевская И.В. Явление синергизма в смесях поверхностных веществ // Вестник Тюменского государственного университета. Социально-экономические и правовые исследования. Вып. 5. – Тюмень, 2012. – С. 90-91.
6. Набутовский, З.А., Антонов, А.Г. «Проблемы коррозии и ингибиторной защиты на месторождениях природного газа» «Практика противокоррозионной защиты». – 2000. – № 3(17). – С. 53–59.
7. Медовой О.В., Морозов С.М., Индейкин Е.А. Антиккоррозионные пигменты на основе комплексов гексаметилентетрамина с перхлоратами некоторых лантаноидов // Лакокрасочные материалы и их применение. – М, 2005. – № 3. – С. 3-6.
8. Плетнёв М.А., Захаров А.И., Решетников С.М. Влияние алифатических аминов на коррозию стали в нейтральных средах. Вестник Удмуртского университета, 2008. Вып. 2. – С. 12-18.
9. Слепушкин В.В., Рублинецкая Ю.В., Назмутдинов А.Г., Муковнина Г.С. Исследование анодных и коррозионных свойств сплавов кадмий – олово – висмут гибридным локальным электрохимическим анализом // Химия и хим. техн. – Иваново, 2003. – № 2 (46). – С. 91-96.
10. Килимник А. Б., Гладышева И.В. Химическое сопротивление материалов и защита от коррозии // Учебное пособие. – Тамбов, 2008. – 80 с.
11. Афанасьев А.В. Повышение эффективности ингибиторной защиты промышленных трубопроводов методами актуализации системных процессов. Опыт применения ингибиторов коррозии // Инженерная практика: произв.–техн. нефтегаз. журн, 2012. – №5. – С. 34-42 URL: http://glavteh.ru/files/IP-5_Afanasiev.pdf.
12. Эшмаматова Н.Б. Ингибиторы коррозии металлов на основе гексаметилендиамина // Узбек. хим. журн. – Ташкент, – №2, 2013, – С. 31-33.
13. Akbarov Kh.I., Eshmatova N.B., Fayzullaev N.I., Kalyadin V.G., Azimov L.A. // Synthesis and Physico-Chemical Properties of Oligomeric Inhibitors of Corrosion on the Base of Nitrogen, Phosphorous-Containing Compounds / International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 29, – No.5, (2020), pp. 6489-6506.
14. Eshmatova N.B.¹, Abdiraimova K.M.² Quantitative assessment of efficiency of inhibitors, nitrogen containing on the results of electrochemical and gravimetric research // Central asian journal of medical and natural sciences. Volume. 0.1, Issue 0.2. – No 2 (2020): CAJMNS. pp. 13-30.

Рекомендовано к печати д. х. н. Л. Камаловым

6-МЕТИЛ-2,3-ТРИ-, ТЕТРАМЕТИЛЕН-3,4-ДИГИДРОПИРИМИДИН-4-ОНЛАРНИ N-1 АТОМИГА БРОМЛАШ РЕАКЦИЯСИ

Хақимова З.М., Давронов Л. Т. (ҚарДУ)

Аннотация. 6-Метил-2,3-полиметилден-3,4-дигидропириимидинларни тегишли бромлаш, гидробромидлар. Ҳосил бўлган бирикмаларнинг ПМР-, хромото-масс, ўрганиш.

Таянч сўзлар: электроно акцептор, пириимидин, хинозолин, пириимидин таутомерик ҳолатлар, бициклик тузилиш, ЮСИОҚХ таҳлили.


Аннотация. 6-Метил-2,3-полиметилден-3,4-дигидропириимидины целесобразно проводить обратным исследованием. ПМР-, хромо-масса, исследование образующихся соединений.

Ключевые слова: акцептор электронов, пириимидин, хинозолин, таутомерные случаи, бициклическая структура, анализ ЮСИОҚХ.


Annotation. Appropriate bromination of 6-Methyl-2,3-polymethylene-3,4-dihyropyrimidines, hydrobromides. PMR-, chromoto-mass, study of the formed compounds

Key words: electron acceptor, pyrimidine, quinozoline, tautomeric cases, bicyclic structure, high-efficiency thin-layer chromatography analysis.

Маълумки, 2-Этил-3-метил-3,4-дигидрохинозолин-4-он бром билан реакцияга киришади ва натижада унинг пербромиди ҳосил бўлади [1]:




Турли хил эритувчиларда (хлороформ, муз сирка кислота, 80 фоизли метанол) ҳар хил катализаторлар таъсирида (темир кукуни, алюминий хлорид) ёки катализаторсиз 2,3-триметилден-3,4-дигидрохинозолин-4-оннинг молекулалар бром билан таъсирлашиши ўрганилган. Унинг эритувчиларда (ацетон, спирт, бензол, сув) қайнатилишидан ёки узок вақт сақланишидан бир молекула бром чиқиб кетиши натижасида унинг бромгидрати олинган.




Муаллифларнинг бромлаш реакциясини ўрганишдан мақсади хинозолин-4-он молекуласидаги бензол ҳалқасига электрофил реакция ўтказиш ва 6-бром- ёки 6,8-дибром ҳосилаларни синтез қилиш бўлган. Ароматик ядрога электрофил алмашиниш реакцияси бициклик хинозолинларда осон кетиши аниқланган. Аммо муаллифлар бу усул билан бром атомини уч ҳалқали хинозолин-4-онларнинг бензол ҳалқасига киритишга эриша олмаганлар..

2,3-Триметилден-3,4-дигидрохинозолин-4-онни бромлаш унинг пербромиди ҳосил бўлиши билан бориши кўрсатилган. Пербромидга 5 фоизли натрий гидрокарбонат билан ишлов бериш натижасида эса бромли комплекс олинган [2]:





2,3-Триметилден-3,4-дигидрохинозолин ҳам юқоридаги шароитда бромлаш реакциясига киришиб пербромид ҳосил қилади.

Пербромид юқоридаги каби эритувчиларда (хлороформ, муз сирка кислота, 80 фоизли метанол) қайнатилганда 2,3-триметилен-3,4-дигидрохиназолин гидробромид, натрий гидрокарбонатнинг 5 фоизли эритмаси билан ишлов берилганда эса 2,3-триметилен-3,4-дигидрохиназолиннинг бромли комплексини ҳосил қилади





2,3-Три-, -тетра-, -пентаметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-онлар ва 2,3-триметилен-3,4-дигидрохиназолин сульфотриоксид билан реакцияга киришиб керакли сульфотриоксидларга олиб келади:




Бу моддалар сув таъсирида 2,3-три-, -тетра-, -пентаметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-онларнинг ва 2,3-триметилен-3,4-дигидрохиназолин-нинг сульфат тузлари ҳосил қилади. Улар эса ишқорий муҳитда тегишли хиназолин ҳосилаларининг нейтрал малекуласига ўтадилар.

Шундай қилиб, пиримидин-4 ва хиназолин-4-онлар биринчи ҳолатдаги азот атомининг жуфтлашмаган электронлари ҳисобига комплекс бирикмалар ҳосил қилади. Уларнинг $N^1=C^2$ қўш боғи қайтарилган, яъни 1,2-дигидро ҳосилалари ациллаш реакциясига киришади.


Адабиёт шарҳида бензол ҳалқаси билан конденсирланган пиримидин-4-онлар, -хиназолин-4-онлар турли хил эритувчиларда (хлороформ, муз сирка кислота, 80 фоизли метанол) молекуляр бром билан таъсирлашиб пербромидлар ҳосил қилишини кўриб ўтган эдик [3]. Олинган пербромидларни ацетон, спирт, бензол, сувда қайнатиш ёки ўзоқ вақт сақланганда бром молекуласини ажралиб чиқиши натижасида уларнинг гидробромидлари ҳосил бўлиши кўрсатилган. Пербромидларни 5 фоизли натрий гидрокарбонат билан ишлов бериш орқали эса бромли комплекси олинган:



Юқоридаги бромлаш реакциясини биз 6-метил-2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидропиримидин-4-онлар учун ҳам татбиқ қилиб, реакцияни муз сирка кислота эритмасида олиб бордик. Реакция хона ҳароратида осон кетишини аниқладик:




Пербромидларнинг ҳосил бўлиши 6-метил-2,3-триметилен-3,4-дигидропиримидин-4-онга нисбатан 6-метил-2,3-тетраметилен-3,4-дигидропиримидин-4-онда юқори унум билан бориши аниқланди:




Бу натижани 6-метил-2,3-тетраметилен-3,4-дигидропиримидин-4-ондаги 6-метил-2,3-триметилен-3,4-дигидропиримидин-4-онга нисбатан яна бир метилен гуруҳи борлиги, уни донорлик хусусияти туфайли N-1 атомининг асослилик хусусияти бир оз бўлсада ошиши ва натижада протонланиши осонлашиши билан тушунтириш мумкин.

Синтез қилинган пербромидларни ацетонда хона ҳароратида ишланганда, улар эриб кетиб кейин гидробромид ҳолида оқ чўкма ҳосил қилади, 5 фоизли натрий гидрокарбонат эритмаси билан ишлов берилганда эса водородбромид чиқиб кетиб, бромли комплекси ҳосил бўлиши кузатилди.



Адабиётлардан маълумки азот атоми тўртламчи туз ҳосил қилганда $2200\text{-}3000\text{ см}^{-1}$ ютилиш соҳасида характерли ютилиш чизиғи пайдо бўлади [2].

6-Метил-2,3-тетраметилен-3,4-дигидропиримидин-4-онни бромлаш реакцияси маҳсулотининг ИҚ-спектрида 2620 см^{-1} соҳада ютилиш чизиғинг пайдо бўлиши азот атоми тўртламчи ҳолатида эканлигини кўрсатади (1- расм).



1-расм. 6-Метил-2,3-тетраметилен-3,4-дигидропиримидин-4-он пербромиди, бромли комплекси ва гидробромидларини ИҚ-спектрлари

Пербромидни ИҚ-спектрида тўртламчи боғга тегишли бўлган 2620 см^{-1} соҳада ютилиш чизиғининг ацетон билан ишлов берилганда ҳосил бўлган маҳсулотнинг ИҚ-

спектрида 2500 см^{-1} га, 5 фоизли натрий гидрокарбонат эритмаси билан ишлов берилгандан кейинги маҳсулотнинг ИҚ-спектрида эса 2730 см^{-1} га силжиши ва сигнал интенсивлигининг ошиши бу моддаларнинг бир-бирига ўтиши ва келтирилган тузилишларнинг тўғрилигидан далолат беради.

Пербромидларда $\text{H}\cdots\text{Br}\cdots\text{Br}\cdots\text{Br}$ боғланиш мавжудлиги учун ИҚ-спектридаги тўртламчи боғга тегишли бўлган сигнал интенсивлиги паст бўлади, гидробромид ва бромли комплексларда тўртламчи боғ пербромидга нисбатан анча мустаҳкам (копланиши юқори) бўлади ва натижада сигнал интенсивлиги ортади.

6-Метил-2,3-триметилен-3,4-дигидропиримидин-4-оннинг бромли комп-лексини тегишли ютилиш чизиғи мавжуд.

Адабиётлардан маълумки, икки молекула ўртасида электронлар зичлиги нисбатан кўпроқ бўлган молекуладан электронларни (бизда азот атомининг умумлашмаган электронлар жуфти) иккинчи молекуланинг пастки бўш молекуляр орбиталига (бром молекуласига) тортилишидан донор-акцептор боғланиш юзага келади. Шунинг учун бизнинг мисолимизда ҳам азот атомининг умумлашмаган π -электронлари ва бром молекуласининг δ -бўшаштирувчи орбитали ўртасида донор-акцептор боғланиш ҳисобига комплекс ҳосил бўлади, яъни у $\pi\delta(\text{N}\cdots\text{Br}_2)$ комплекс турига киради. Бу нарса 2,3-полиметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-онларга ҳам таалуклидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шахидоятов Х.М. Хиназолоны-4 и их биологическая активность. – Ташкент: Фан, 1988.
2. Khakimova Z.M., Mukarramov N.I., Shakhidoyatov Kh.M. Condensation of bicycle analogues of deozivazisinone with aromatic aldehydes. 7th international Symposium on the Chemistry of Natural Compounds. – Tashkent, 2007.
3. Шахидоятов Х.М., Ходжаниязов Х.У. Функционально-замещенные пири-мидины. ФБАНРУз, – Ташкент, 2010.
4. Хакимова З.М., Мукаррамов Н.И., Шахидоятов Х.М.. Окисление 2,3-пентаметилен-3,4-дигидрохиназолина гидрохлорида // Химия и химическая технология. – Ташкент, 2010. – №3. – С. 23-25.

Наишга к. ф. д. Л. Камолов тавсия этган

ИККИЛАМЧИ ҚАЙТА ИШЛАШ АСОСИДА ПОЛИЭТИЛЕН ЧИҚИНДИЛАРИДАН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ОЛИШ

Маматова Ш.Б., Қурбанов М.Ж. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада турли хил саноат ва маиший чиқиндилари ҳисобланган полиэтилен чиқиндилари иккиламчи қайта ишланганлиги, полиэтилен чиқиндиси, битум, алюминий оксиди ва элементар олтингугуртдан иборат композицион таркиб иккиламчи қайта ишлаш орқали кимёвий модификацияланди ва олинган композицион материалнинг хоссалари физик-кимёвий усуллар ёрдамида ўрганилганлиги ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Таянч сўзлар: *полиэтилен, элементар олтингугурт, битум, алюминий оксиди, модификация, функционал гуруҳ, тебраниш частоталари, ИҚ-спектроскопия.*

Аннотация: В данной статье описана вторичная переработка отходов полиэтилена, которые рассматриваются как различные промышленные и бытовые отходы, композиционная состоящая из отходов полиэтилена, битума, оксида алюминия и элементарной серы, была химически модифицирована вторичной переработкой, а также свойства полученного композиционного материала. изучали физико-химическими методами.

Ключевые слова: *полиэтилен, элементарная сера, битум, оксид алюминия, модификация, функциональная группа, колебательные частоты, ИК-спектроскопия.*

Annotation. This article discusses the recycling of polyethylene waste from various industrial enterprises and bit waste. The composition consisting of waste polyethylene, bitumen, aluminum oxide and elemental sulfur was chemically modified by recycling and the properties of the resulting composite material were studied by physicochemical methods.

Key words: polyethylene, elemental sulfur, bitumen, aluminum oxide, modification, functional group, vibration frequencies, IR spectroscopy.

Бутун дунёда ҳозирги кунда қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва иккиламчи хом-ашёлардан максимал даражада фойдаланиш ҳозирги ривожланган даврнинг асосий масалаларидан бирига айланиб улгурди. Полимер материалларини ишлаб чиқаришнинг усиб бориши ушбу турдаги чиқиндиларнинг янада кўпайиб боришини таъминлайди ва инсоният ҳаёти фаолиятида ушбу чиқиндиларни бартараф этиш мумаммоларининг кескин даражада ортишига олиб келмоқда [1]. Полимер материаллари уни эксплуатация қилиш имкониятининг юқорилиги боис инсоният ҳаёти фаолияти доирасига чуқур кириб борди. Ушбу полимер типига мансуб материалларни ишлаб чиқариш ҳозирги кунда қора ва рангли металлларни ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан ортиб кетди. Бу материалларнидан фойдаланиш йилдан йилга усиб бормоқда. Бироқ ушбу материалларнинг қанчалик ижобий томонлари бўлмасин, уларнинг бита аҳамиятли даражадаги ката камчилиги мавжуд. Улар ўз хизмат вазифасини ўтагандан кейин кўпчилик табиий материаллардан фарқли равишда уларни атроф муҳит таъсирида тезда йўқ қилиш имконияти мавжуд эмас. Ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқаётган турли туман полимер материаллари чиқиндилари билан бирга инсоният томонидан фойдаланиш муддатлаорини ўтаган полимер материаллардан тайёрланган буюмлар ҳозирги кунда чиқиндихоналарга ташлаб юборилмоқда. Бу эса атроф муҳит экологиясига ва санитария қонун қоидаларига мутлоқо туғри келмаслиги барчага маълум. Шунинг учун юқоридаги полимер материалларидан тайёрланган чиқиндиларни утилизация қилишнинг энг яхши усулларида бири уларни иккиламчи қайта ишлаш усулидир [2].

Иккиламчи қайта ишлашнинг энг оддий усулларида бири бу компостлаш-ажратилмаган полимер чиқиндиларини қайта ишлаш усули бўлиб, асосан полимер чиқиндиларининг табиий ҳолда биопарчаланишига асосланади. Бу технология органик моддалар билан бойитилган ўсимлик ва озиқ-овқат компонентларига нисбатан туғри келади.


Полимер чиқиндиларини замонавий қайта ишлаш чиқиндиларни биринчи навбатда хоссалари ва таркиби бўйича ажратишга асосланади. Чиқиндиларни ёқиш орқали утилизация қилиш ҳозирги кунда перспектив йўналишлардан биридир. Ёқиш орқали чиқиндиларни йўқ қилишда умумий чиқинди массаси уч тўрт баробар камаяди ва турли туман қушларнинг ҳамда кемирувчиларнинг жалб қилиниши олди олинади. Аммо чиқиндиларни ёққанда ундан турли хил заҳарли газлар, тутунлар, қуланса ҳидлар ва заҳарли суюқликлар ажралиб чиқади. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда чиқиндиларни ёқиш махсус печларда амалга оширилади ва ёниш маҳсулотларининг маҳсулоти сифатида сув ва карбонат ангидриди гача парчаланиши эътиборга олинади. Ушбу технологиядан ҳозирда иссиқ сув ва электр энергиялари олишда фойдаланилмоқда [3].

Чиқиндиларни кўмиш услубида утилизация қилиш ҳозирги кунда чорасизликдан келиб чиққан усулдир. Чиқиндиларни кўмиш орқали утилизация қилиш кўпгина ноқулайликлар туғдиради. Жумладан, махсус чиқиндихона қуриш, чиқинди устини кўмиш, унга сув тушиши олдини олиш, чиқиндининг чиришидан ҳосил бўлувчи газларни нейтраллаш ва бошқа шунга ўхшаш муаммоларни барараф этишга туғри келади [4]. Полимер чиқиндиларининг асосий манбаи полимерларни қайта ишлайдиган ва синтезлайдиган корхоналарнинг технологик чиқиндилари ҳисобланади. Қаттиқ маиший чиқиндилардан ажратилган ёки тўпланган полимер чиқиндилари бошқа турдаги чиқиндиларга нисбатан турли тумандир. Шунинг учун уларни фойдали маҳсулотларга айлантириш усуллари ҳам турличадир [5].

Полимер материаллари чиқиндиларини иккиламчи қайта ишлаш энг муҳим ва фойдали усуллардан бири бўлиб ҳисобланади. Полимер маҳсулотларининг катта қисми қурилиш соҳасида ишлатилади. Айни шу маҳсулотларга бўлган талабни қондиришда фойдаланиб бўлинган полимер маҳсулотларини янада хоссаларини сақлаган ҳолда иккиламчи қайта ишлаш муҳим масалалардан биридир. Полимер чиқиндиларидан янги материаллар ва буюмлар олиш энг самарали ва мақсадга йўналтирилган йўл ҳисобланади.

Биз ҳам полимер чиқиндиларини иккиламчи қайта ишлаш асосида қурилиш соҳасидаги полимер материалларига айлантириш учун амалий тажрибалар олиб бордик. Маълумки полимер чиқиндиларини қайта ишлаш кўп босқичли жараён бўлиб, дастлабки

пайтда полимер чиқинди маҳсулотлари ноорганик ва органик чиқиндилардан ажратилди ва кимёвий таркиби бўйича турларга ажратилади. Кейинги босқичда эса ушбу полимер чиқиндилари совуқ сувда ювиш воситаларисиз яхшилаб ювилди. Шундан сўнг олинган полимер чиқиндилари ҳарорат 30-40 °C атрофидаги ҳароратда қуритилди. Қуритилган полимер материаллари керакли ўлчамларда механик тарзда кесувчи жиҳозлар ёрдамида майдалаб олинди. Полиэтиленли материалларни майдалаш унинг эластиклиги ва иссиқликка нисбатан сезгирлигига асосланган ҳолда майдаланди. Дастлабки тозаланган ва қуритилган полиэтилен материалнинг индивидуаллигини аниқлаш мақсадида унинг ИҚ-спектрлари олинди. Дастлаб биз иккиламчи полиэтиленнинг ИҚ-спектрининг таҳлилини 500-4000 cm^{-1} тўлқин узунлигида кўриб чиқдик. Қуйидаги 1-расмда полиэтиленнинг ИҚ-спектри келтирилган.



1-расм. Иккиламчи полиэтиленнинг ИҚ-спектри

Қуйидаги 1-жадвалда иккиламчи полиэтиленнинг ИҚ-спектрларига тегишли бўлган маълумотлар келтирилган.


1-жадвал.

Иккиламчи полиэтилен ИҚ-спектрларининг тавсифи

Функционал гуруҳларнинг тебраниш табиати	Тўлқин узунлиги cm^{-1}	Интенсивлиги
PE $\nu_{\text{as}}(\text{CH}_2)$	2920,30	kuchli
PE $\nu_{\text{s}}(\text{CH}_2)$	2846,93	kuchli
PE $\delta_{\text{s}}(\text{CH}_2)$	1471,69	o'rtacha
PE $\gamma_{\text{c-c}}$	729,09	kuchli

Биз ҳам полимер чиқиндиларини иккиламчи қайта ишлаш асосида қурилиш соҳасидаги полимер материалларига айлантириш учун амалий тажрибалар олиб бордик. Маълумки полимер чиқиндиларини қайта ишлаш кўп босқичли жараён бўлиб, дастлабки пайтда полимер чиқинди маҳсулотлари ноорганик ва органик чиқиндилардан механик тарзда ажратилди ва кимёвий таркиби бўйича турларга ажратилди. Кейинги босқичда эса ушбу полимер чиқиндилари совуқ сувда ювиш воситаларисиз яхшилаб ювилди. Шундан сўнг олинган полимер чиқиндилари 30-40 °C ҳарорат атрофида муфел печида қуритилди. Қуритилган полимер материаллари керакли ўлчамларда механик тарзда кесувчи жиҳозлар ёрдамида майдалаб олинди. Тажриба-синов ишларини амалга ошириш учун юқоридаги тартибда тозаланган ва майдаланган полиэтилен (ПЭ) намунасида 50 г, 5 г элементар олтингугурт ва 5 г битум олинди. Ушбу олинган масса махсус печда 145-150 °C ҳароратга 30 минут давомида қиздирилди. Маълумки элементар олтингугурт юқоридаги ҳароратда ўзининг S_8 ромбик тузилишидан модификацияланган $-(S-S)_n$ кўринишидаги ҳолатини эгаллайди, Бу эса

полиэтилен молекуласининг ҳарорат таъсирида биороз деструкцияланиши ва қўшбоғларнинг узилиши эвазига янги углерод- олтингугурт боғларининг ҳосил бўлишига ва битум таркибидаги турли хил юқлори молекуляр тузилишли тўйинган углеводородли бирикмалар ҳамда тиоцикланлар ва конденсирланган бициклик тузилишли олтингугуртли бирикмалар билан ўзаро кимёвий модификацияланишига учрайди. Ҳосил қилинган композицион аралашма печдан олиниб, иссиқ аралашма устига олдиндан хавончада майдаланган Шуртан газкимё мажмуаси чиқиндиси ҳисобланган 10 г алюминий оксиди билан яхшилаб аралаштирилди. Аралаштирилган маҳсулот махсус қолипга куйилиб, аста-секинлик билан хона ҳароратида қотишгача бўлган вақтда 1 см қалинликдаги текис шаклга келтирилди. Олинган ПЭ, олтингугурт, битум ва алюминий оксиди иштирокидаги композицион материалнинг ИҚ-спектри ва бошқа физик-кимёвий константалари ўрганилди ва юқоридаги иккиламчи полиэтиленнинг ИҚ-спектри билан таққосланди. Қуйидаги 2-расмда иккиламчи полиэтиленни қайта ишлаш асосида ҳосил қилинган композицион материалнинг ИҚ-спектри келтирилган. Ушбу композицион материалнинг ИҚ-спектри таҳлил қилинди ва ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳатдан асосланди.



2-расм. Иккиламчи ПЭ композициясининг ИҚ-спектри

Иккиламчи қайта ишланган ПЭ композицияси ИҚ-спектридаги асосий функционал гуруҳлар орасидаги боғларнинг тебранишлари таҳлиliga кўра, $2916,37 \text{ см}^{-1}$ соҳадаги кучли интенсив ютилиш чизиқлари ПЭ молекуласидаги CH_2 гуруҳларининг валент тебранишларига мос келса, $2848,86 \text{ см}^{-1}$ соҳадаги кучли ютилиш чизиқлари ПЭ молекуласидаги CH_2 гуруҳининг деформацион тебранишларига мос келиши аниқланди. Шунингдек, $1471-1462 \text{ см}^{-1}$ соҳадаги ютилиш чизиқлари ПЭ молекуласидаги CH_2 гуруҳларининг қайчисимон тебранишларига мос келади. Ушбу спектрдаги $729-719 \text{ см}^{-1}$ соҳадаги ютилиш чизиқлари ПЭ молекуласидаги C-S боғига тегишли эканлигидан далолат беради. Шунингдек, $993-966 \text{ см}^{-1}$ соҳадаги ўртача ютилиш чизиқлари ПЭ молекуласидаги $\text{CH}=\text{CH}$ боғидаги транс алкен боғларига тегишли эканлигини билдирса, 545 см^{-1} соҳадаги ўртача ютилиш чизиқлари C-S-S-C боғларига тегишли эканлигини билдирса, 464 см^{-1} соҳадаги ўртача интенсивликка эга бўлган ютилиш чизиқлари эса Alk-S-S-Alk боғларига тегишли эканлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқоридаги иккиламчи ПЭ молекуласининг ИҚ-спектридаги асосий функционал гуруҳлардаги боғларнинг тебраниш частоталари қийматлари билан ҳосил қилинган ПЭ молекуласини иккиламчи қайта ишлаш асосида олинган композицион материалнинг ИҚ-спектрларидаги асосий функционал гуруҳларнинг тебраниш частоталари бир бирига яқин келади. Бироқ иккиламчи қайта ишланган ПЭ асосида олинган композицион материалнинг ИҚ-спектрида айрим ўзига хос бўлган бошқа характерли боғланишларга хос бўлган ютилиш чизиқларини кўришимиз мумкин. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ПЭ, элементар олтингугурт, битум ва мумдан иборат композицияларнинг иккиламчи қайта ишланишидан ўзаро кимёвий модификацияланиш жараёнлари содир бўлганлиги ва яхши бир композицион материал ҳосил бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Черп О.М., Винченко В.Н. Проблемы твердых бытовых отходов: комплексный подход. – М.: Эколайн – Ecologia. 1996.
2. Негодяев Н.Д., Глухих В.В., Матерн А.И. Полимеры – химия и жизнь. – Екатеринбург: изд-во УГТУ, 1996.
3. Вольфсон В.А. Вторичная переработка полимеров // Высокомолекулярные. соединения. – № 11. т. 42. 2000.
4. Любушкина Е.Г. Вторичное использование полимерных материалов. – М.: Химия, 1985.
5. Ла Мангиа Ф.П. Вторичная переработка пластмасс. – СПб: Профессия, 2006. – 400 с.

Наиurga к. ф. д. Л.Камолов тавсия этган

O-g-C₂N₃ ФОТОКАТАЛИЗАТОРИ СИНТЕЗИ ВА ФОТОКАТАЛИТИК ХОССАЛАРИ

Бахромова И.А., Сидрасулиева Г.Б., Каттаев Н.Т., Акбаров Х.И. (ЎЗМУ)

Аннотация. Энергия танқислиги ва экологик муаммоларни бартараф этишда графитсимон углерод нитриди (g-C₃N₄) алохида ахамият касб этади. Ўзига хос структураси туфайли g-C₃N₄ кўринувчан нур соҳасида фотокаталиitik хоссасини намоиш этади. Сўнгги йилларда g-C₃N₄ ва унинг аллотропик шакллари допирлаш жараёнига комплекс хоссали янги фотокатализаторлар синтез қилишда истикболли усул сифатида қаралмоқда. Шу сабабли ушбу тадқиқот ишида g-C₃N₄ нинг кислород билан допирланган янги аллотропик шакли (O-g-C₂N₃) олинди, унинг физик-кимёвий хоссалари ва кўринадиган нур таъсирида родамин С бўёғини фотокаталиitik парчалаш жараёни тадқиқ қилинди.

Таянч сўзлар: *термик поликонденсация, графитсимон углерод нитриди, допирлаш, O-g-C₂N₃, кўринувчан нур, таъқиқланган соҳа кенглиги, фотокатализатор, фотокаталиitik деструкция, родамин С.*

Annotation. Graphitic carbon nitrides (g-C₃N₄) have particular importance in solving problems of energy shortages and ecology. Due to its specific structure, g-C₃N₄ exhibits photocatalytic properties in the visible light region. In recent years, the doping of g-C₃N₄ and its allotropic forms has been a promising method for obtaining new photocatalysts with a set of properties. In this regard, a new allotropic form of graphitic carbon nitride doped with oxygen (O-g-C₂N₃) has been synthesized. Its physicochemical properties and the photocatalytic decomposition of the dye rhodamine C under visible light have been studied.

Keywords: *thermal polycondensation, graphitic carbon nitride, doping, O-g-C₂N₃, visible light, band gap, photocatalyst, photocatalytic degradation, rhodamine C.*

Аннотация. Графитоподобные углеродные нитриды (g-C₃N₄) имеют особое значение в решении проблем дефицита энергии и экологии. Благодаря специфической структуры, g-C₃N₄ демонстрирует фотокаталиитические свойства в области видимого света. В последние годы методу допирования g-C₃N₄ и его аллотропных форм уделяется особое внимание как перспективный метод для получения новых фотокатализаторов с комплексом свойств. В связи с этим синтезирована новая аллотропная форма графитоподобного нитрида углерода, допированного кислородом (O-g-C₂N₃), изучены её физико-химические свойства и фотокаталиитическое разложение красителя родамин С под в его присутствии воздействием видимого света.

Ключевые слова: *термическая поликонденсация, графитоподобный нитрид углерода, допирование, O-g-C₂N₃, видимый свет, ширина запрещенной зоны, фотокатализатор, фотокаталиитическая деструкция, родамин С.*


Кириш. Бугунги кунда таркибида металл сақламаган графитсимон углерод нитридлари кўпгина соҳаларда муваффақиятли қўлланилмоқда. Бу эса уларнинг қатор хоссалар (яримўтказгичлик, антибактериал, суперконденсаторлик, фотокатализаторлик) га эга эканлиги билан боғлиқдир. Айниқса, g-C₃N₄ куёш нури таъсирида сувни парчалаб водород олиш, органик бўёқлар ва турли захарли бирикмаларни парчалашда юкори салоҳиятга эга материал сифатида қаралмоқда [1-2].

Маълумки, водород ёнилғиси жуда юкори ёниш иссиқлиги (1,4 × 10⁸ Ж/кг) га эга бўлиши билан биргаликда, тоза ва қайта тикланувчан энергия манбаидир [3-5]. g-C₃N₄

асосидаги фотокатализаторларнинг водород энергетикасида қўлланилиши эса уларнинг оксидланиш-қайтарилиш потенциалининг мослиги, безарарлиги, юқори кимёвий барқарорлиги, шунингдек прекурсорларнинг арзонлигидадир.

Тажриба қисми. Кислород билан допирланган графитсимон углерод нитридининг янги аллотропик шакли – $O-g-C_2N_3$ термик поликонденсация усули ёрдамида синтез қилинди. Бунинг учун дастлаб пирролнинг оксидланиш полимерланиши ёрдамида полипиррол олинди. Олинган полипиррол юқори ҳарорат (880°C) да кальцинация қилиниб, CN_x кўринишига ўтказилди. Сўнгра дициандиаמיד ва CN_x аралашмаси зангламас пўлатдан ясалган махсус автоклавда ҳаво иштирокида 550°C да кальцинация қилинди. Кальцинация жараёни 3 соат давомида олиб борилди ва $O-g-C_2N_3$ таркибли фотокатализатор олинди.


Олинган натижалар муҳокамаси. Юқорида таъкидлангандек, $O-g-C_2N_3$ термик усулда синтез қилинди. Синтез жараёнини 1-расмда келтирилган схема кўринишида ифодалаш мумкин:



1-расм. $O-g-C_2N_3$ фотокатализатори синтези схемаси (а) ва механизми (б)

Синтез қилинган $O-g-C_2N_3$ нинг таркиби ва тузилиши Фурье-ИҚ-спектроскопия ҳамда рентген фазавий таҳлил усуллари ёрдамида аниқланди. $O-g-C_2N_3$ нинг ИҚ-спектрида 645.49 см^{-1} , 440.75 см^{-1} , 1200.77 см^{-1} , 1537.87 см^{-1} да гептазин ҳалқаси, 1312.01 см^{-1} ва 1227.27 см^{-1} да $C-NH-C$ кўприги, 3078.35 см^{-1} да $-NH_2$, $-NH$, $-OH$ гуруҳларининг комплекс ютилишига хос тегишли тебранишлар кузатилди.

$O-g-C_2N_3$ нинг дифрактограммасида $g-C_3N_4$ учун хос бўлган рефлекслар 13.28° ва 27.38° да кузатилди (2-расм).



2-расм. $O-g-C_2N_3$ нинг дифрактограммаси

Рентген фазавий таҳлили натижасига кўра, O-g-C₂N₃ нинг кристаллитлари ўлчамлари куйида келтирилган Шеррер формуласи ёрдамида ҳисобланди:

$$D = K\lambda / \beta \cos\theta$$

бу ерда: D – кристаллит ўлчами, нм; K – Шеррер доимийси, λ – рентген нурланиши тўлқин узунлиги (Cu учун 0,15418 нм) ва β – ярим баландликдаги рефлекс кенглиги, θ – дифракция (Брэгг) бурчаги [6].

O-g-C₂N₃ нинг кристаллит ўлчамлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Шеррер формуласи ёрдамида ҳисобланган O-g-C₂N₃ кристаллитлари ўлчамлари

№	$2\theta^\circ$	$d, \text{Å}^*$	$\beta (FWHM)$	D, нм
1	13.2804	6.6615	2.6108	4.28
2	27.3885	3.2538	1.0177	20.13

* қаватлараро масофа


1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, синтез қилинган O-g-C₂N₃ кристаллитларининг ўртача ўлчами 4-20 нм ни ташкил этади.

Маълумки, фотокатализатор фаоллиги унинг электрон тузилишига, яъни таъқиқланган соҳаси кенглиги қийматига бевосита боғлиқдир. Шу сабабли тадқиқот доирасида олинган O-g-C₂N₃ нинг электрон тузилиши нурни диффузион қайтариш спектроскопияси (DRS) ёрдамида ўрганилди. Фотокатализаторнинг таъқиқланган соҳаси кенглиги график усулда куйида келтирилган Кубелька-Мунк тенгламасига асосланувчи Тауц эгриси асосида аниқланди [6]:

$$F(R)hv = A(hv - E_g)^2$$

Бу ерда: $F(R)$ – нур қайтариш коэффиценти, E_g – таъқиқланган соҳа кенглиги, h – Планк доимийси, ν – ёруғлик частотаси.


3-расмда O-g-C₂N₃ фотокатализаторининг $F(R) - \lambda$ ва $E - (hvF)^{0.5}$ боғлиқликлари эгриси келтирилган.



3-расм. O-g-C₂N₃ фотокатализаторининг нурни диффузион қайтариш спектри (а) ва Тауц эгриси (б)

3б-расмда келтирилган Тауц эгриси асосида аниқланган таъқиқланган соҳа кенглиги (E_g) қиймати 2.67 эВ га тенг бўлди. Бу қиймат синтез қилинган материалнинг кўринадиган нур соҳасида фотокаталитик фаолликни намоён қилишидан далолат беради.

Синтез қилинган O-g-C₂N₃ нинг фотокаталитик фаоллиги родамин С (10 мг/л) органик бўёғини куёш нури таъсирида фотодеструкциялаш реакцияси орқали ўрганилди. Олинган натижалар 4-расмда келтирилган.



4-расм. O-g-C₂N₃ фотокатализаторининг родамин С ни қуёш нури таъсирида фотохимёвий парчалаш жараёни кинетик эгриси

4-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, синтез қилинган кислород билан допирланган графитсимон углерод нитриди – O-g-C₂N₃ қуёш нури таъсирида родамин С органик бўёғини парчаланиш даражаси 2 соат давомида 97 % ни ташкил этади. Бу эса янги материалнинг кўринадиган нур соҳасида юқори фотокаталик фаолликка эга эканлигидан далолат беради.

Хулоса. Шундай қилиб, термик поликонденсация усули ёрдамида кислород билан допирланган O-g-C₂N₃ фотокатализатори синтез қилинди ҳамда унинг физик-химёвий-хоссалари ва фотокаталитик фаоллиги тадқиқ этилди. O-g-C₂N₃ нинг қуёш нури иштирокида юқори фотохимёвий фаолликка эга эканлиги кўрсатилди. Олинган натижалар синтез қилинган янги O-g-C₂N₃ ни турли соҳаларда фотокатализатор сифатида қўллаш учун тавсия қилишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. X. Wang, K. Maeda, A. Thomas, K. Takane, G. Xin, J.M. Carlsson, K. Domen, M. Antonietti, A metal-free polymeric photocatalyst for hydrogen production from water under visible light, *Nat. Mater.* 8 (2009) 76–82.
2. Q. Liang, Z. Li, Z.H. Huang, F. Kang, Q.H. Yang, Holey graphitic carbon nitride nanosheets with carbon vacancies for highly improved photocatalytic hydrogen production, *Adv. Funct. Mater.* 25 (2015) 6885–6892.
3. Yong-Jun Yuana, Zhikai Shena, Shiting Wua, Yibing Sub, Lang Peia, Zhenguo Jia, Mingye Dinga, Wangfeng Baia, Yifan Chena,c, Zhen-Tao Yub, Zhigang Zoub, Liquid exfoliation of g-C₃N₄ nanosheets to construct 2D-2D MoS₂/g-C₃N₄ photocatalyst for enhanced photocatalytic H₂ production activity, *Applied Catalysis B: Environmental* 246 (2019) 120–128.
4. Wang, Q.; Domen, K. Particulate Photocatalysts for LightDriven Water Splitting: Mechanisms, Challenges, and Design Strategies. *Chem. Rev.* 2020, 120, 919–985.
5. Mane, G.P.; Talapaneni, S.N.; Lakhi, K.S.; Ilbeygi, H.; Ravon, U.; Al-Bahily, K.; Mori, T.; Park, D.H.; Vinu, A. Highly ordered nitrogen-rich mesoporous carbon nitrides and their superior performance for sensing and photocatalytic hydrogen generation. *Angew. Chem., Int. Ed.* 2017, 56, 8481–8485.
6. Сидрасулиева Г.Б., Каттаев Н.Т., Акбаров Х.И. Синтез наноразмерного графитоподобного углерода нитрида g-O-C₃N_x // *Universum: химия и биология.* – Москва, 2021. – № 12 (90). – С. 84-88.

Наишра к.ф.д. Л.Камолов тавсия этган

ТРИЦИКЛИК ХИНАЗОЛОНЛАР ҚАТОРИДА СУЛЬФОНАМИДЛАРНИНГ БИР РЕАКТОРЛИ СИНТЕЗИ

Махмадиёрова Ч.Э., Йўлдошева Л.А. (ҚарДУ),
Элмурадов Б.Ж. (ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти)

Аннотация. Маколада 2,3-дигидропирроло[2,1-*b*]хиназолин-9(1H)-оннинг (дезоксивазицинон, 1) ва 8,9-дигидро-6H-пиридо[2,1-*b*]хиназолин-11(7H)-он (макиназолинон, 4) алкалоидларининг хлорсульфон кислота ва концентрланган аммиак билан бир реакторли икки босқичли реакциялари ўрганилди.

Таянч сўзлар: 2,3-дигидропирроло[2,1-*b*]хиназолин-9(1H)-оннинг (дезоксивазицинон, 1) ва 8,9-дигидро-6H-пиридо[2,1-*b*]хиназолин-11(7H)-он (макиназолинон, 4), хлорсульфон кислота, концентрланган аммиак, сульфони хлорид, сульфонил амид, бир реакторли.

Аннотация. В статье описаны алкалоиды 2,3-дигидропирроло[2,1-*b*]хиназолин-9(1H)-он (дезоксивазицинон, 1) и 8,9-дигидро-6H-пиридо[2,1-*b*]хиназолин-11(7H)-он (макиназолинон, 4) изучены однореакторные двухстадийные реакции с хлорсульфокислотым и концентрированным аммиаком.

Ключевые слова: 2,3-дигидропирроло[2,1-*b*]хиназолин-9(1H)-он, 8,9-дигидро-6H-пиридо[2,1-*b*]хиназолин-11(7H)-он, хлорсульфокислота, концентрированный аммиак, сульфони хлорид, сульфонил амид, реактор.


Annotation. The article describes the alkaloids 2,3-dihydropyrrolo[2,1-*b*]quinazolin-9(1H)-one (deoxyvasicinone, 1) and 8,9-dihydro-6H-pyrido[2,1-*b*]quinazolin-11(7H)-one (macinazolinone, 4) one-pot two-stage reactions with chlorosulfonic acid and concentrated ammonia were studied.

Key words: 2,3-dihydropyrrolo[2,1-*b*]quinazolin-9(1H)-one, 8,9-dihydro-6H-pyrido[2,1-*b*]quinazolin-11(7H)-one, chlorosulfonic acid, concentrated ammonia, sulfonyl chloride, sulfonylamide, reactor.

Хозирги кунда тиббиёт амалиётида сульфонамид препаратлар кенг қўлланилиб келинмоқда. Бу препаратлар нейротерапияда, лейкомияни даволашда, ВИЧ инфекция касалликларида ҳамда қандли диабетда самарали дори воситалари бўлиб ҳисобланади [1]. Шунинг учун, бу синф бирикмаларининг осон ва қулай синтез усулларини яратиш кимёгар ва фармацевт олимлар орасида катта қизиқиш уйғотиб келмоқда.

Биз трициклик хиназолонлар қаторида сульфонамидларнинг бир реакторли синтезини амалга ошириш ва реакциялар боришига субстрат тузилиши ва бошқа ташқи омилларни аниқлаш мақсадида 2,3-дигидропирроло[2,1-*b*]хиназолин-9(1H)-он (дезоксивазицинон, 1) ва алкалоидларининг хлорсульфон кислота ва концентрланган аммиак билан бир реакторли икки босқичли реакцияларини амалга оширдик [2,3].

Дастлаб, тадқиқотлар асосида тегишли – юқори синтетик потенциалга эга бўлган 9-оксо-1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-*b*]хиназолин-7-сульфонил хлорид (2) ва потенциал биологик фаол 9-оксо-1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-*b*]хиназолин-7-сульфонамидни (3) синтез қилиш ва реакция боришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун 2,3-дигидропирроло[2,1-*b*]хиназолин-9(1H)-оннинг (дезоксивазицинон, 1) хлорсульфон кислота ва концентрланган аммиак билан ўзаро таъсирини амалга оширдик:




i) 3:ClSO₃H - 1:22.5, 120-130°C, 3.5-4 с; H₂O (муз), 0-2°C, 3.5-4 с

Бунинг учун, дезоксивазицинон аввал совуқ шароитда ҳайдалган хлорсульфон кислотада эритилди, сўнгра реакция эритма мой ҳаммомида 120-130°C да 4 соатгача қиздирилди. Кейин, реакция аралашма дастлаб хона ҳароратигача, сўнгра муз ёрдамида 0-2°C гача совутилди, шундан сўнгра ортиқча микдордаги концентрланган аммиак аста-секин қўшилди ва совутгичда (+5+6°C да) 16 соатгача қолдирилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида тегишли сульфонамид 9-оксо-1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-*b*]хиназолин-7-сульфонил хлорид (2) 69 фоиз унум билан синтез қилинди.

Таъкидлаш керакки, олинган сульфохлорид (2) таркибида реакция фаол хлорсульфонил- гуруҳини сақлайди, бу эса унинг синтетик потенциалини, яъни турли

нуклеофил реагентлар билан осон реакцияга киришиш қобилиятини оширади. Яъни, мазкур сульфохлорид (2) турли алифатик, ароматик ва гетероциклик фрагментлари тутган сульфонамидлар синтезида муҳим синтонлар бўлиб хизмат қилиши мумкин.



i) 3:ClSO₃H - 1:22.5, 120-130⁰C, 3.5-4 с; ii) 0-2⁰C, 25% NH₄OH, 5-6⁰C, 16 с

Бу усулнинг аҳамиятли томони шундаки, бунда оралик сульфохлорид (2) ажратиб олинмасдан, концентрланган аммиак билан таъсирлаштирилиб керакли сульфонамидга (3) айлантирилади. Реакция натижасида тегишли сульфонамид - 9-оксо-1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-б]хиназолин-7-сульфонамид (3) 79 фоиз унум билан синтез қилинди.


1-жадвал.

Синтез қилинган бирикмаларнинг унуми ва баъзи физик-кимёвий катталиклари

Бирикма	Брутто формула	Унум, фоиз	R _f (система)	Суюқланиш харорати, °C
2	C ₁₁ H ₉ ClN ₂ O ₃ S	69	0.38 (бензол:метанол - 3:1)	200-202
3	C ₁₁ H ₁₁ N ₃ O ₃ S	79	0.56 (бензол:метанол - 3:1)	270-272
5	C ₁₂ H ₁₁ ClN ₂ O ₃ S	58	0.29 (бензол:метанол - 3:1)	248-250
6	C ₁₂ H ₁₃ N ₃ O ₃ S	40	0.24 (бензол:метанол - 3:1)	372-374

Тадқиқотларни 8,9-дигидро-6Н-пиридо[2,1-б]хиназолин-11(7Н)-он (макиназолинон, 4) алкалоиди билан давом эттирилди. Макиназолинон (4) қатори сульфонамид - 11-оксо-7,8,9,11-тетрагидро-6Н-пиридо[2,1-б]хиназолин-2-сульфонамид (6) синтез қилиш учун эса юқорида - дезоксивазицинон (1) учун таклиф этилган усулдан фойдаланилди.

Олиб борилган реакциялар натижасида керакли 11-оксо-7,8,9,11-тетрагидро-6Н-пиридо[2,1-б]хиназолин-2-сульфонил хлорид (5) ва 11-оксо-7,8,9,11-тетрагидро-6Н-пиридо[2,1-б]хиназолин-2-сульфонамид (6) мос равишда 58 фоиз ва 40 фоиз унумлар билан синтез қилинди [4]:



i) 4:ClSO₃H - 1:22.5, 120-130⁰C, 3.5-4 с; H₂O (iоғ), 0-2⁰C, 3.5-4 с;

ii) 4:ClSO₃H - 1:22.5, 120-130⁰C, 3.5-4 с; iii) 0-2⁰C, 25% NH₄OH, 5-6⁰C, 16 с

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида реакцияни жихатдан фаол сульфохлоридлар ва сульфонамидларнинг осон ва самарали бир реакторли икки босқичли синтез усуллари ишлаб чиқилди. Бу бирикмалар органик ва биоорганик кимё нуқтаи-назардан ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган билдинг-блоклардир.

9-Оксо-1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-б]хиназолин-7-сульфонил хлорид (2)

Юмалоқ тубли колбага 6 мл (10.5 г, 90 ммоль, d=1.75 г/мл) хлорсульфон кислотадан куйилди, муз билан 0-2⁰C гача совутилди, кейин порциялаб 0.744 г (4 ммоль)

дезоксивазицинон (4) 30 дақиқа давомида қўшилди. Реакцион аралашма мой ҳаммомида 120-130°C да 3.5-4 соат давомида қиздирилди, сўнгра хона ҳароратигача совутилди. Аралашма муз устига қуйилди ва 2 соат мобайнида 0-2°C да ушлаб турилди. Тушган чўкма филтрланди ва сув билан ювилди, қурилди. Модда этил спиртидан қайта кристаллаб тозаланди ва 0.79 г (69 фоиз) маҳсулот (5) олинди, суюқланиш ҳарорати 200-202°C, Rf=0.38 (бензол:метанол - 3:1).

9-Оксо-1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-b]хиназолин-7-сульфонамид (3)

Юмалоқ тубли колбага 6 мл (10.5 г, 90 ммоль, d=1.75 г/мл) хлорсульфон кислотадан қуйилди, муз билан 0-2°C гача совутилди, кейин порциялаб 0.744 г (4 ммоль) дезоксивазицинон (4) 30 дақиқа давомида қўшилди. Реакцион аралашма мой ҳаммомида 120-130°C да 3.5-4 соат давомида қиздирилди, кейин хона ҳароратигача, сўнгра 0-2°C гача (муз ҳаммоми) совутилди ва совутилган 30 мл аммоний гидроксид (25 фоиз) эритмаси устига томчилатиб қуйилди. Аралашма музлагичда 15-16 соатга қолдирилди, тушган чўкма филтрлаб олинди ва сув билан ювилди. Олинган техник модда этил спиртидан қайта кристалланди ва 0.84 г (79 фоиз) сульфонамид (6) олинди, суюқланиш ҳарорати 270-272°C (этил спирт), Rf=0.56 (бензол:метанол - 3:1). ¹H ЯМР (DMSO-d₆, δ, м.у., J, Гц): 2.16-2.24 (2H, м, 2-CH₂), 3.13 (2H, т, J=8.0, 3-CH₂), 4.1 (2H, т, J=7.2, 1-CH₂), 7.45 (2H, с, NH₂), 7.77 (1H, д, J=8.8, H-5), 8.13 (1H, дд, J=2.0, 8.4, H-6), 8.55 (1H, д, J=2.0, H-8). ¹³C ЯМР (CDCl₃): 163.4 (C-9), 160.0 (C-7), 151.5 (C-8a), 141.6 (C-8), 131.1 (C-4a), 128.1 (C-3a), 124.3 (C-6), 120.3 (C-5), 47.1 (C-1), 32.6 (C-3), 19.3 (C-2). ИҚ (ν, см⁻¹): 3296 (NH₂), 3080, 2995 (CH₂), 1682 (C=O), 1607 (C=N), 1559 (C-N), 1466 (C=C), 1331, 1147 (S=O), 901 (S-N). EI-MS (GCT), m/z (фоиз): 265 ([M]⁺, 100), 185 ([M-SO₂NH₂]⁺, 50). Ҳисобланган: C₁₁H₁₁N₃O₃S учун 265.0521. Топилган: 265.0520.

11-Оксо-7,8,9,11-тетрагидро-6Н-пиридо[2,1-b]хиназолин-2-сульфонил хлорид (5)

Юмалоқ тубли колбага 6 мл (10.5 г, 90 ммоль, d=1.75 г/мл) хлорсульфон кислотадан қуйилди, муз билан 0-2°C гача совутилди, кейин порциялаб 0.8 г (4 ммоль) макиназолинон (4) 30 дақиқа давомида қўшилди. Реакцион аралашма мой ҳаммомида 120-130°C да 3.5-4 соат давомида қиздирилди, сўнгра хона ҳароратигача совутилди. Аралашма муз устига қуйилди ва 2 соат мобайнида 0-2°C да ушлаб турилди. Тушган чўкма филтрланди ва сув билан ювилди, қурилди. Модда метил спиртидан қайта кристаллаб тозаланди ва 0.69 г (58 фоиз) маҳсулот (46) олинди, суюқланиш ҳарорати 248-250°C, Rf=0.29 (бензол:метанол - 3:1).

11-Оксо-7,8,9,11-тетрагидро-6Н-пиридо[2,1-b]хиназолин-2-сульфонамид (6)

Юқоридаги усул ёрдамида синтез қилинди: юмалоқ тубли колбага 6 мл (10.5 г, 90 ммоль, d=1.75 г/мл) хлорсульфон кислотадан солинди ва муз билан совутиб ҳарорат 0-2°C га келтирилгач порциялаб 0.8 г (4 ммол) макиназолинон (7) 30 дақиқа давомида қўшилди. Аралашма мой ҳаммомида (120-130°C) 3.5-4 соат қиздирилди, сўнгра муз 0-2°C гача совутилди. Мазкур реакцион эритма 0-2°C гача совутилган 30 мл аммоний гидроксидга (25 фоиз) томчилатиб қўшилди, сўнгра совутгичда 15-16 соатга қолдирилди. Ҳосил бўлган чўкма филтрлаб олинди ва сув билан ювилди. Модда метанолдан қайта кристалланди ва 0.56 г (40 фоиз) сульфонамид синтез қилинди, суюқланиш ҳарорати 372-374°C, Rf=0.24 (бензол:метанол - 3:1). ¹H ЯМР (DMSO-d₆, δ, м.у., J, Гц): 1.84-1.95 (4H, м, 2,3-(CH₂)₂), 2.95 (2H, т, J=6.8, 4-CH₂), 3.97 (2H, т, J=6.4, 1-CH₂), 7.52 (2H, с, NH₂), 7.72 (1H, дд, J=0.4, J=8.4, H-6), 8.12 (1H, т, J=8.8, H-7), 8.54 (1H, дд, J=0.8, J=2.4, H-9). ¹³C ЯМР (CDCl₃): 161.2 (C-10), 158.5 (C-8), 149.6 (C-9a), 141.4 (C-9), 131.2 (C-5a), 127.8 (C-4a), 124.7 (C-7), 119.9 (C-6), 42.6 (C-1), 31.9 (C-4), 21.7 (C-2), 18.9 (C-3). ИҚ (ν, см⁻¹): 3304 (NH₂), 3089, 2997 (CH₂), 1681 (C=O), 1608 (C=N), 1552 (C-N), 1465 (C=C), 1330, 1147 (S=O), 904 (S-N). EI-MS (GCT), m/z (фоиз): 279 ([M]⁺, 100), 278 ([M-H]⁺, 32.5), 264 ([M-NH]⁺, 19), 199 ([M-SO₂NH₂]⁺, 11). Ҳисобланган: C₁₂H₁₃N₃O₃S учун 279.0678. Топилган: 279.0679.

2-Илова. 11-Оксо-7,8,9,11-тетрагидро-6Н-пиридо[2,1-b]хиназолин-2-сульфонамиднинг (9) Масс-спектри.

Elemental Composition Report

Single Mass Analysis

Tolerance = 10.0 PPM / DBE: min = -1.5, max = 50.0

Selected filters: None

Monoisotopic Mass, Odd and Even Electron Ions

300 formula(e) evaluated with 6 results within limits (up to 50 closest results for each mass)


Elements Used:

C: 0-40 H: 0-50 N: 0-4 O: 0-5 S: 0-2

Instrument: Micromass GCT

BU e08 115 (1.917) AM (Cen,4, 65.00, Ar,5000.0,130.99,1.00)


TOF MS E1+



Minimum: -1.5
Maximum: 15.0 10.0 50.0

Mass	Calc. Mass	mDa	PPM	DBE	i-FIT	Formula
279.0679	279.0678	0.1	0.4	8.0	2773273.0	C12 H13 N3 O3 S
	279.0684	-0.5	-1.8	17.0	2773248.3	C20 H9 N O
	279.0671	0.8	2.9	17.5	2773237.0	C18 H7 N4
	279.0691	-1.2	-4.3	7.5	2773281.0	C14 H15 O4 S
	279.0657	2.2	7.9	12.5	2773225.5	C17 H11 O4
	279.0704	-2.5	-9.0	12.5	2773280.0	C15 H11 N4 S

3-илова. 11-Оксо-7,8,9,11-тетрагидро-6Н-пиридо[2,1-б] хиназолин-2-сульфонамиднинг (6) ИҚ-спектри.



4-илова. 11-Оксо-7,8,9,11-тетрагидро-6Н-пиридо[2,1-б] хиназолин-2-сульфонамиднинг (6) ¹H ЯМР-спектри.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Муртазина Н.Р. Химико фармацевтический журнал, 2005. т. 39. – №8. – С. 93.
2. Махмадиярова Ч.Э., Элмурадов Б.Ж. 1,2,3,9-Тетрагидропирроло [2,1-б] хиназолин-7-сульфонамиднинг бир реакторли икки босқичли синтези // Кимё- технология фанларининг долзарб муаммолари мавзусидаги халқаро олимлар иштирокидаги республика илмий- амалий анжумани материаллари. –Тошкент, 2021. – Б. 573.
3. Махмадиёрова Ч.Э., Элмурадов Б.Ж. Дезоксивазицинон алкалоиди қаторида сульфохлорид ва сульфонамид синтези // Замонавий органик кимёнинг муаммолари мавзусидаги республика миқёсида олимлар иштирокидаги илмий амалий конференция. – Қарши, 2021. – Б. 22.

4. Махмадиёрова Ч.Э., Элмуратов Б.Ж. 11-оксо-7,8,9,11-тетрагидро-6Н-пиридо[2,1-b]хиназолин-2-сульфонамиднинг бир реакторли икки босқичли синтези // Замонавий органик кимёнинг муаммолари мавзусидаги республика миқёсида олимлар иштирокидаги илмий амалий конференция. – Қарши, 2021. – Б. 23.

Наиurga к.ф.д. Л.Камолов тавсия этган

ОЛИГОМЕР БИРИКМАЛАР АСОСИДАГИ ИККИ КОМПОНЕНТЛИ ИНГИБИТОРЛАРНИНГ КОРРОЗИЯГА ҚАРШИ САМАРАДОРЛИГИ

Ражабов Ю.Н., Рахмонов Ж.А., Акбаров Х.И. (ЎЗМУ)

Аннотация. Ушбу мақолада олигомер аминокислоталар ва МЭАКҚ асосида олинган икки компонентли композицион ингибиторларнинг кислотали шароитдаги пўлат коррозиясига қарши самарадорлигини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Бирикмаларнинг ингибиторлик хоссалари турли температура ва концентрацияларда гравиметрик усул ёрдамида ўрганилди. Олинган натижалар орқали ингибирулаш жараёнининг фаолланиш энергияси, ингибиторларнинг металл сиртига адсорбцияси ўрганилди ва Гиббс энергияси, энтальпия, энтропия қийматлари аниқланди.

Калит сўзлар: *коррозия, ингибитор, ҳимоялаш даражаси, олигомер бирикмалар, фаолланиш энергияси, Ленгмюр изотермаси, Гиббс энергияси.*

Аннотация. В статье представлены результаты исследования эффективности двухкомпонентных композиционных ингибиторов, полученных на основе олигомерных аминокислот и ВМЭА, против коррозии в кислых средах. Ингибирующие свойства соединений изучали гравиметрическим методом при различных температурах и концентрациях. На основании полученных результатов было рассчитано значение энергии активации процесса ингибирования и исследована адсорбция ингибиторов на поверхности металла, так же были вычислены значения энергии Гиббса, энтальпии и энтропии для этого процесса.

Ключевые слова: *коррозия, ингибитор, степень защиты, олигомерные соединения, энергия активации, изотерма Ленгмюра, энергия Гиббса.*

Annotation. In article the results of a study of the effectiveness of two-component composite inhibitors obtained on the basis of oligomeric aminocompounds and VRMEA against steel corrosion in acidic medium are presented. The inhibitoral properties of the compounds were studied gravimetrically at various temperatures and their concentrations. Based on the obtained results value of activation energy of the inhibition process was calculated, the adsorption of inhibitors on the metal surface has been investigated, and the values of the Gibbs energy, enthalpy and entropy were determined.

Key words: *corrosion, inhibitor, degree of protection, oligomeric compounds, activation energy, Langmuir isotherm, Gibbs energy.*

Қириш. Кимё саноатида кислотали тозалаш, тузланишни олдини олиш жараёнларида юқори кислотали эритмалар қўлланилади. Ушбу жараён металл конструкцияларни ишдан чиқиши каби иқтисодий ва экологик хавфларни келтириб чиқаради. Ҳозирги вақтда углеродли пўлатни кислотали коррозиядан ҳимоя қилиш учун имидазолин [1], аминлар, полимерлар, аминокислоталар, сирт фаол моддалар, β-циклодекстрин асосидаги бирикмалар [2] ва табиий полимерлар кенг қўлланилади.

Саноатда агрессив муҳитлар (кислота эритмаси) билан алоқада бўлган турли металллар ва қотишмаларнинг коррозиясини камайтириш учун коррозия ингибиторлари сифатида фойдаланиладиган бирикмаларни арзон, экологик тоза ва хавфсиз бўлиши жуда муҳимдир [3-4]. Антикоррозион ингибиторлар таркибида гетероатомлар (С, N, O ва P), ароматик ҳалқалар ва қўшбоғлар сақлайди. Қутбли функционал гуруҳлар, жумладан –COOH, –OH, –NH₂, –CH ва –CONH₂ ингибиторнинг кислотали эритмаларда эрувчанлигини оширади. Ингибитор молекуласидаги электронларга бой гетероатомлар ингибитор фаоллигини кучайтиришга имкон беради [5].

Замонавий илмий адабиётларда бир компонентли ингибиторларга нисбатан икки ва кўп компонентли ингибиторлар самарадорлигининг юқори бўлиши келтирилган. Иккинчи ва учинчи компонентларнинг киритилиши бирикмаларнинг пўлат сиртига қопланиши ва уни емирилишдан сақлашда синергетик таъсир кўрсатиб самарадорликнинг ортишига,

ингибиторнинг ишчи эритмадаги концентрациясини камайишига ва ингибитор таннархининг арзонлашишига олиб келади [6].

Тадқиқот объекти ва усуллари. Ушбу ишда меламина ва аминотиокарбамид асосидаги сувда эрувчан олигомер аминобирикмалар: меламинакарбамидформальдегид олигомери (МЕКАФ), меламинаминотиокарбамидформальдегид олигомери (МЕАТКФ), диметилоламинотиокарбамид олигомери (ДМАТК), диметилоламинотиокарбамид фосфат (ДМАТКФ) олигомери тадқиқот объекти ҳисобланади. Олигомер аминобирикмаларга иккинчи компонент сифатида моноэтаноламиннинг вакуумда ҳайдаш куб қолдиғи (МЭАКҚ) дан фойдаланилди. МЭАКҚ – саноатда моноэтаноламинли чиқинди эритмалардан олинади. МЭАКҚ қўнғир-қора рангли суюқлик бўлиб 25-30% моноэтаноламин, ноорганик бирикма қатронлари ва сувдан иборат бўлади. МЭАКҚ республикамиздаги саноатида иккиламчи маҳсулот сифатида фойдаланиш учун қатта миқдорда қайта ишланади.

Коррозияга учратувчи фон эритма сифатида $\text{HCl} + 1$ фоиз NaCl дан иборат ($\text{pH}=2,3$) кучли кислотали-тузли муҳитдан (Фон) фойдаланилди, ингибиторлаш жараёнида ингибитор 100 мг/л концентрацияда қўлланилди. Тадқиқотларда пўлатнинг Ст.3 (пўлат-3) маркасидан тайёрланган пластинка шаклидаги электродлардан фойдаланилди (таркиби (фоиз): $\text{Fe}=98,36$; $\text{Mn}=0,50$; $\text{Cr}=0,30$; $\text{Ni}=0,20$; $\text{Cu}=0,20$; $\text{C}=0,20$; $\text{Si}=0,15$; $\text{S}=0,05$; $\text{P}=0,04$).

Гравиметрик усул – ингибитор киритилган ва киритилмаган муҳитдаги металлларнинг масса ўзгаришига қараб коррозияга учраш тезлигини аниқлашга мўлжалланган усул ҳисобланади [7]. Намуналарни ишчи эритмаларда 10 кун ушлаб турилгандан кейин коррозия маҳсулоти олиб ташланиб, ингибиторсиз (W_0) ва ингибиторли ($W_{\text{инг}}$) муҳитлардаги коррозия тезликлари (1) топилади.

$$W = \frac{(m_1 - m_2) \cdot 10000}{S \cdot \tau} \quad (1)$$

бу ерда: W - коррозия тезлиги ($\text{гр}/\text{см}^2 \cdot \text{соат}$), m_1 – тажрибадан олдинги металл пластинканинг массаси (гр), m_2 – тажрибадан кейинги металл пластинканинг массаси (гр), S – металл пластинканинг юзаси (см^2), τ – тажриба вақти (соат).

W_0 ва $W_{\text{инг}}$ қийматларидан тормозлаш коэффициенти γ (2), ҳимоялаш даражаси η (3), сиртнинг тўла қопланиш даражаси θ (4) топилади.

$$\gamma = \frac{W_0}{W_{\text{инг}}} \quad (2)$$

$$\eta = \left(1 - \frac{W_{\text{инг}}}{W_0}\right) \cdot 100\% \quad (3)$$

$$\theta = \left(1 - \frac{W_{\text{инг}}}{W_0}\right) \quad (4)$$

Коррозия жараёнининг фаолланиш кинетикаси ва термодинамикаси. Ингибиторларнинг турли ҳарорат ва концентрациялардаги коррозияланиш тезликлари орқали фаолланиш энергияларини аниқлаш ингибиторларнинг таъсир механизмлари ҳақида керакли маълумотларни беради. Фаолланиш энергиясини аниқлаш учун Аррениус тенгламасидан (5) фойдаланилди

$$W_{\text{грав}} = A \exp\left(\frac{-E_{\phi}}{RT}\right) \quad (5)$$

бу ерда: E_{ϕ} – фаолланиш энергияси ($\text{кЖ}/\text{моль}$), R – универсал газ доимийси ($8,314 \text{ Ж}/\text{моль} \cdot \text{К}$), T – ҳарорат (К), A – Аррениус коэффициенти.

Турли ҳарорат ва концентрацияларда олинган коррозия тезликлари орқали $\lg W_{\text{грав}}$ нинг $1000/T$ га боғлиқлик графиги чизилади ва оғиш бурчаги тангенци топилади. Бу ерда $\text{tg}\alpha$ фаолланиш энергияси билан куйидагича боғланган: $\text{tg}\alpha = -E_{\phi}/2,303 \cdot R$.

Фаолланиш энтальпияси (ΔH_{ϕ}) ва энтропияси (ΔS_{ϕ}) нинг қийматларини топиш учун ўтиш ҳолат тенгламаси (6) ва графигидан фойдаланилди

$$W_{\text{грав}} = \frac{RT}{Nh} \exp\left(\frac{\Delta S_{\phi}}{R}\right) \exp\left(-\frac{\Delta H_{\phi}}{RT}\right) \quad (6)$$

бу ерда: h – планк доимийси ($6,62 \cdot 10^{-34} \text{ м}^2 \text{кг}/\text{с}$) ва N – Авагадро доимийси.

$\lg W/T$ нинг $1000/T$ га боғлиқлик эгрлари чизилиб, графикнинг қиялик бурчак тангенци орқали ($\text{tg}\alpha = -\Delta H_{\phi}/2,303 \cdot R$) фаолланиш энтальпияси, ордината ўқи билан кесишиши нуктасидан [$\lg(R/Nh) + (\Delta S_{\phi}/2,303 \cdot R)$] фаолланиш энтропияси топилади [8].

Адсорбция термодинамикаси. Ўрганилаётган ингибиторнинг пўлат сиртидаги адсорбцион хусусиятларини тўлиқроқ тавсифлаш учун Ленгмюр (7), Фрумкин (8) ва Тёмкин (9) адсорбция изотермалари орқали термодинамик катталиклар аниқланди.

$$\frac{C_{\text{инг}}}{\theta} = \frac{1}{K_{\text{адс}}} + C_{\text{инг}} \quad (7)$$

$$\frac{\theta_{\text{грав}}}{1-\theta_{\text{грав}}} \exp(-2f\theta_{\text{грав}}) = K_{\text{адс}} C_{\text{инг}} \quad (8)$$

$$\exp(f\theta_{\text{грав}}) = K_{\text{адс}} C_{\text{инг}} \quad (9)$$

бу ерда: $C_{\text{инг}}$ -ингибитор концентрацияси (мг/л), θ -тўла қопланиш даражаси, $K_{\text{адс}}$ - адсорбцион мувозанат константаси.

Ленгмюр изотермасидаги $C_{\text{инг}}$ ва $C_{\text{инг}}/\theta$ муносабатидан аниқланган $K_{\text{адс}}$ нинг қийматидан фойдаланиб, 10-тенглама бўйича адсорбциянинг стандарт Гиббс энергияси [9] $\Delta G_{\text{адс}}^0$ қиймати 20°C – 50°C температура оралиғида аниқланади

$$\Delta G_{\text{адс}}^0 = -RT \ln(1000K_{\text{адс}}) \quad (10)$$

бу ерда: $K_{\text{адс}}$ - адсорбцион мувозанат константаси, R - универсал газ доимийси (8,314 Ж/мол), T -температура (К), 1000 -эритмадаги сувнинг миқдори (г/л).

$$\Delta G_{\text{адс}}^0 = \Delta H_{\text{адс}}^0 - T\Delta S_{\text{адс}}^0 \quad (11)$$

11-тенгламага мувофиқ $\Delta G_{\text{адс}}^0$ қийматини температурага боғлиқлик графиги чизилиб, ордината ўқи билан кесишиш нуқтасидан $\Delta H_{\text{адс}}^0$ қиймати, оғиш бурчак тангенсидан $\Delta S_{\text{адс}}^0$ қиймати топилади.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Индивидуал олигомер ингибиторлар ўлчами сабабли (стерео эффектлар туфайли) металл сиртини қоплашида ингибирланмаган кичик оралиқ сатхлар пайдо бўлиши ўрганилган. Иккинчи компонент сифатида фойдаланилган МЭАКҚ кичик оралиқ сатхларнинг қоплаши натижасида самарадорлик ортиши тадқиқотлар натижасида аниқланди. Компонентларнинг қўллашдаги макбул нисбатини аниқлаш учун Фон эритмада ўзаро турли нисбатлардаги аралашмалари устида гравиметрик тадқиқотлар олиб борилди (1-жадвал).

1-жадвал.

Тадқиқот объектлари ва МЭАКҚ нинг турли нисбатларда Фон-1 эритмадаги ингибиторлик самарадорлиги (T=293 К, C=100 мг/л)

Ингибитор	Компонентлар нисбати	W, гр/(см ² ·соат)	γ	η , (%)	$\bar{\gamma}$	$\gamma/\bar{\gamma}$
Фон-1	-	1,32	-	-	-	-
ДМАТК– МЭАКҚ	1:2	0,176	7,50	86,67	8,87	0,85
	1:1	0,127	10,39	90,38		1,17
	2:1	0,148	8,92	88,79		1,01
	3:1	0,152	8,68	88,48		0,98
МЕКАФ– МЭАКҚ	1:2	0,127	10,39	90,38	11,46	0,91
	1:1	0,102	12,94	92,27		1,13
	2:1	0,113	11,68	91,44		1,02
	3:1	0,122	10,82	90,76		0,94
МЕАТКФ– МЭАКҚ	1:2	0,11	12,00	91,67	13,17	0,91
	1:1	0,091	14,51	93,11		1,10
	2:1	0,098	13,47	92,58		1,02
	3:1	0,104	12,69	92,12		0,96
ДМАТКФ– МЭАКҚ	1:2	0,087	15,17	93,41	17,84	0,85
	1:1	0,062	21,29	95,30		1,19
	2:1	0,071	18,59	94,62		1,04
	3:1	0,081	16,30	93,86		0,91

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра индивидуал ингибиторлар билан МЭАКҚ ўзаро 1:1 нисбатда олинганда Фон эритмада энг юқори ҳимоялаш даражасини намоён этди. Бошқа барча нисбатларда ҳимоялаш даражаси 1:1 нисбатга қараганда кам бўлиши аниқланди. Шу тариқа Фон эритмада олигомер ингибиторлар ва МЭАКҚ нинг оптимал нисбати 1:1 деб топилди. Икки компонентли ингибиторлар қўлланилганда синергетик


таъсир кузатилиб ҳимоялаш даражаси индивидуал олигомер ингибиторларга нисбатан баланд бўлиши аниқланди. Ўзаро таъсирлашиш коэффиценти ($\gamma/\bar{\gamma}$) нинг қиймати 1 дан катта бўлиши синергетик таъсир мавжудлигини англатади (1-жадвал). ДМАТКФ ва МЭАҚҚ дан иборат икки компонентли ингибиторлар системаси бошқа ингибиторларга қараганда юқори самарадорлик (95,08%) кўрсатди ва ушбу композицион ингибиторни турли харорат ва концентрацияларда самарадорлиги ўрганилди.

2-жадвал.

Турли харорат ва концентрацияларда ДМАТКФ + МЭАҚҚ (1:1) композицион ингибиторнинг коррозияга қарши самарадорлиги

Ингибитор	T, K	C, (мг/л)	W, гр/(см ² ·соат)	γ	η , (%)	θ
ДМАТКФ + МЭАҚҚ	293	-	1,29	-	-	-
		25	0,354		72,56	0,7256
		50	0,243	5,31	81,16	0,8116
		75	0,106	12,17	91,78	0,9178
		100	0,064	20,16	95,04	0,9504
	303	-	1,59	-	-	-
		25	0,364	4,37	77,11	0,7711
		50	0,264	6,02	83,40	0,8340
		75	0,121	13,14	92,39	0,9239
		100	0,073	21,78	95,41	0,9541
	313	-	1,93	-	-	-
		25	0,391	4,94	79,74	0,7974
		50	0,282	6,84	85,39	0,8539
		75	0,139	13,88	92,80	0,9280
		100	0,084	22,98	95,65	0,9565
	323	-	2,32	-	-	-
		25	0,411	5,64	82,28	0,8228
		50	0,296	7,84	87,24	0,8724
		75	0,154	15,06	93,36	0,9336
		100	0,091	25,49	96,08	0,9608

2-жадвалда келтирилган турли хароратлар ва концентрациялардаги коррозия тезликлари орқали фаолланиш энергиялари ҳисобланди (1-расм).




Аррениус графиги бўйича топилган фаолланиш энергиясининг қиймати ингибиторсиз муҳитда юқори бўлди. Ингибитор киритилгач фаол марказлар ва фаол тўқнашишлар сонининг ортиши ҳисобига E_f нинг қиймати камайди. Фаолланиш энтальпияси қиймати мусбат бўлиб, ингибитор киритилганда унинг ҳам камайиши кузатилди (3-жадвал). Энтальпиянинг қиймати мусбат бўлиши жараён эндотермик эканлигини, қийматининг камайиши ингибитор киритилганда жараён осон боришини билдиради.

3-жадвал.

ДМАТКФ+МЭАҚК ингибиторининг фаолланиш жараёни учун термодинамик функциялар қийматлари

C, (мг/л)	-	25	50	75	100
E_f , (кЖ/моль)	62,00	8,10	4,40	2,87	1,15
ΔH , (кЖ/моль)	166,58	11,49	9,57	7,66	3,83
ΔS , Ж/(моль·К)	457,25	-136,31	-155,45	-168,86	-182,26

Икки компонентли ДМАТКФ + МЭАҚК (1:1) ингибиторнинг коррозиядан химоялаш механизми ҳақида маълумот олиш учун 2-жадвал асосида Фрумкин, Тёмкин ва Ленгмюр изотермалари чизилди ва пўлат сиртига адсорбцияланиши орқали ўрганилди (2-расм).



2-расм. ДМАТКФ + МЭАҚК (1:1) нинг металл сиртига Фрумкин (а), Тёмкин (б) Ленгмюр (с) адсорбция изотермалари ва Элингем (д) диаграммаси.

Изотермалар бўйича олинган корреляция коэффициентларининг қиймати, икки компонентли ингибиторнинг металл сиртига адсорбцияси Ленгмюрнинг мономолекуляр адсорбция назарияси бўйича боришини кўрсатди.

Ленгмюр изотермаси орқали ҳар бир ҳарорат бўйича адсорбцион мувозанат константаси ($K_{алс}$) нинг қийматлари топилди. Аниқланган $K_{алс}$ ёрдамида жараённинг Гиббс энергияси топилди (4-жадвал).

4-жадвал.

ДМАТКФ + МЭАКҚ композицион ингибитор иштирокида адсорбция жараёнининг термодинамик функциялари

T, K	$K_{адс}$	R^2	$\Delta G_{адс}$, кЖ/моль	$\Delta H_{адс}$, кЖ/моль	$\Delta S_{адс}$, кЖ/моль·К
293	0,0791	0,9923	-10,64	15,462	0,0892
303	0,1001		-11,6		
313	0,1212		-12,48		
323	0,143		-13,32		

Хулоса. Гиббс энергиясининг қиймати манфий бўлиши жараёнини ўз-ўзидан борганлигини кўрсатади. Бу ингибирлаш механизмларига тўлиқ мос келади. Гиббс энергиясининг қийматини ҳароратга боғлиқлиги (2д-расм) орқали адсорбция жараёнининг стандарт энтальпияси ва энтропияси аниқланди.

Энтропия қийматининг мусбат бўлиши (0,0892 кЖ/моль) жараённинг ўз-ўзидан боришини билдиради. Энтальпиянинг қиймати мусбат (15,462 кЖ/моль) бўлиши эса адсорбция жараёни иссиқлик ютилиши билан боришини англатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Berdimurodov E. et al. A gossypol derivative as an efficient corrosion inhibitor for St2 steel in 1 M HCl+ 1 M KCl: An experimental and theoretical investigation // Journal of Molecular Liquids, 2021. – Т. 328. – С. 115475.
2. Berdimurodov E., Eliboyev I. et al. Green β -cyclodextrin-based corrosion inhibitors: Recent developments, innovations and future opportunities // Carbohydrate Polymers, 2022. – С. 119–719.
3. Ражабов Ю.Н., Акбаров Х.И. Аминотиокарбамид асосидаги олигомер ингибиторлар синтези ва пўлат билан таъсирлашиш термодинамикаси // СамДУ Илмий ахборотнома 2021-йил, 5-сон (129). –Б. 14-20.
4. Ражабов Ю.Н., Акбаров Х.И., Гуро В.П., Фузайлова Ф.Н. Антикоррозионные свойства ингибиторов кислых сред на основе меламин // Ўзбек кимё журнали. –Тошкент, 2020. – №2. – С. 36-41.
5. Berdimurodov E., Kholikov A., Akbarov K., Guo L. Experimental and theoretical assessment of new and eco-friendly thioglycoluril derivative as an effective corrosion inhibitor of St2 steel in the aggressive hydrochloric acid with sulfate ions // Journal of Molecular Liquids, 2021. т. 335. – С. 116–168.
6. Ражабов Ю.Н. Олигомер аминобирикмалар ва иккиламчи хомашёлар асосидаги системаларнинг ингибирлаш механизми. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2022. – Б. 119.
7. Ражабов Ю.Н., Эшмаматова Н.Б., Акбаров Х.И. Механизм защиты и оценка эффективности ингибиторов на основе аминокислот // Universum: химия и биология. – Москва, 2020. 12(78). Часть 2. – Б. 20-24.
8. Berdimurodov E., Kholikov A., Akbarov K., Guo L., Kaya S., Katin K.P., Haldhar R. Novel bromide-cucurbit [7] uril supramolecular ionic liquid as a green corrosion inhibitor for the oil and gas industry // Journal of Electroanalytical Chemistry, 2021. т. 901. pp. 115–794.
9. Berdimurodov E., Verma D.K., Kholikov A., Akbarov K., Guo L. The recent development of carbon dots as powerful green corrosion inhibitors: A prospective review // Journal of Molecular Liquids, 2021. pp. 118–124.

Наширға к.ф.д. Л.Камолов тавсия этган

ТЕРМИЧЕСКАЯ СТАБИЛЬНОСТЬ ИОНИТА, ПОЛУЧЕННОГО НА ОСНОВЕ ХЛОРИРОВАННОГО ПОЛИПРОПИЛЕНА

**Хасанов О.Х., Балтабаев К.К., Исмаилов Р.И. (ТГТУ),
Буриханов Б.Х. (ҚарГУ)**

Annotation. In this work, the thermal stability of ion exchange material based on chlorinated polypropylene was studied using TG and DTA analysis. The thermal stability of the obtained ionite was compared with the initial sample of chlorinated polypropylene and industrially used (APFK-45(4-VP+KF-5)) ionite. Research shows that thermal destruction occurs when chlorinated polypropylene rises to a

temperature of 280 °C, and the obtained ionite begins to undergo destruction at a temperature of 228 °C. The relative thermal stability of ionite compared to the original product can be explained by the release of ammonia gas from the ionite when the temperature rises due to the presence of nitrogen atoms in the ionite. The thermal stability of ionite was shown to meet the requirements for ionites used in industry.

Key words: *Chlorinated polypropylene, polyethylene polyamine, , tempratura, TGA, DTA.*

Аннотация. В данной работе термостабильность ионообменного материала на основе хлорированного полипропилена исследована методами ТГ и ДТА анализа. Термическую стабильность полученного ионита сравнивали с исходным образцом хлорированного полипропилена и промышленно используемым ионитом (АПФК-45(4-ВП+КФ-5)). Исследования показывают, что термическая деструкция происходит при нагревании хлорированного полипропилена до температуры 280 °C, а полученный ионит начинает разрушаться при температуре 228 °C. Относительную термическую стабильность ионита по сравнению с исходным продуктом можно объяснить выделением газообразного аммиака из ионита при повышении температуры из-за присутствия в ионите атомов азота. Показано, что термическая стабильность ионита соответствует требованиям, предъявляемым к ионитам, применяемым в промышленности.

Ключевые слова: *Хлорированный полипропилен, полиэтиленполиамин, температура, ТГА, ДТА.*

Введение. Внедрение ионитов в производственные процессы лимитируется недостаточной термостойкостью многих марок ионитов, выпускаемых промышленностью. Поэтому всестороннее изучение термической устойчивости ионитов имеет важное теоретическое и практическое значение при их эксплуатации. Химическая устойчивость ионитов является одним из важных показателей при оценке результатов, таких как, физико-химические свойства, практическая значимость, так как дает возможность заранее определить области применения ионитов, условия их эксплуатации и хранения. Методом дифференциально-термического анализа (ДТА) исследована и изучена термостойкость полученных ионитов на воздухе, в воде, в водных растворах щелочей и кислот.

Известно, иониты (катиониты и аниониты) на практике часто подвергаются термическому воздействию. В ряде случаев, нагреванием сопровождается даже предварительная подготовка ионитов для применения их в производственных условиях и целью возможного полного удаления воды или другого растворителя. Самым крупным потребителем ионитов являются предприятия нефтеперерабатывающие, металлургические и другие промышленности, также водоподготовки, для которых термостойкость этих высокополимерных электролитов определяет не только экономичность технологических процессов, но и качество воды.

В связи с непрерывным увеличением числа случаев использования ионитов при нагревании, изучение их термостойкости приобретает большое научное и практическое значение. Однако, несмотря на немалое количество работ, посвященных изучаемой проблеме, как показывают литературные данные по термостойкости ионитов провести трудно, т.к. исследователи использовали иониты с различными типами. В этой связи изучение термостойкости новых ионитов актуально и является целью данного исследования [1-3].

Катионообменный наноматериал на основе ZnO с поливиниловым спиртом был синтезирован Diyan Ul Imaan et al. При исследовании термостойкости композиционного материала наблюдалось его разрушение в три стадии. Наблюдалась 5% потеря массы при 100-150 °C из-за наличия в ней влаги. 25% в диапазоне 150-280 °C и 42% в диапазоне 280-380 °C. Термическая стабильность ионообменного материала оказалась равной 280 °C. Последняя стадия разложения мембраны происходит при температуре 380-465 °C, при которой полностью разрывается цепь поливинилового спирта. [4,5].

Авторы изготовили полиамфолитную ионообменную мембрану, содержащую кремнийсодержащие amino- и карбоксильные группы, и исследовали ее термостойкость. При 330 °C наблюдается полный распад аминогрупп боковой цепи. Разложение карбоксильных групп началось при 290 °C [6,7].

За последнее время круг вопросов, для решения которых используется ионообменные полимеры, расширился. В производственных условиях ионообменные полимеры часто приходится использовать в водных растворах, щелочей, кислот при повышенных температурах, в нефтегазовой, металлургии, теплоэнергетике, водоочистке и других высокотемпературных

режимах [8, 9]. Большинство ионитов, особенно поликонденсационного типа, отличается пониженной термостойкостью, вследствие чего их применение ограничено. Внедрение ионитов в высокотемпературные производственные процессы лимитируется недостаточной термостойкостью многих марок ионитов, выпускаемых промышленностью, а также малыми сведениями о их термостабильности [10, 11].

Настоящая статья является логическим продолжением предыдущего обзора авторов и отражает современное состояние исследований термической устойчивости ионообменных материалов. Главное внимание уделено обобщению данных о термостабильности различных ионитов на воздухе, в воде и водных растворах, в органических и смешанных средах. Получены строгие кинетические уравнения для описания процессов уменьшения обменной емкости по сильноосновным группам, дезаминирования и деградации аминокрупп анионитов, которые хорошо согласуются с экспериментальными данными. Намечены дальнейшие задачи работ в области изучения термостойкости ионитов.

Термическая стабильность ионообменных материалов с полимерной структурой определяется пределами температур, при которых начинается термическая деструкция и высвобождаются субмолекулярные соединения. Термогравиметрический метод (ТГ) — широко используемый метод исследования термической стабильности полимерных материалов, учитывающий потерю массы образца в результате повышения температуры.

Кривые ТГ и дифференциального термогравиметрического анализа (ДТГ) исходного продукта хлорированного полипропилена (ХПП) и его модификации полиэтиленполиамином ХПП-ПП представлены на рисунках 1 и 2.

На рис. 1 показана дериватограмма ХПП. Результаты показывают, что исходный полимер имеет аморфную структуру, потеря массы происходит в две стадии в интервале температур 100-460°C, первая - в интервале 110-165°C, с потерей -6,7% массы. В этом диапазоне происходит процесс разжижения упорядоченных структур в полимере. Эндотермический пик с поглощением энергии -244,52 Дж/г наблюдается на кривых ДСК хлорированного полипропилена при 280°C. В процессе нагревания температура увеличилась до 460°C, и следующие -93,3% массы были потеряны. В то же время эндотермические пики поглощения формируются при 353, 373, 402°C за счет химических изменений полимера при повышении температуры.




Рис. 1. Термический анализ ХПП.

ТГ- термогравиметрическая кривая; ДТГ - кривая дифференциального термогравиметрического анализа.




Рис. 2. Термический анализ ионита, полученного на основе ХПП.
ТГ- термогравиметрическая кривая; ДТГ - кривая дифференциального термогравиметрического анализа.

Результаты полученного термогравиметрического анализа показывают, что явление термической деструкции наблюдается при нагревании исходного материала хлорированного полипропилена при температуре 280°C . Из кривой ТГ полученного ионообменного материала видно, что при начальном нагреве до 130°C масса образца уменьшилась на 9,4 %. Эта потеря массы происходит из-за присутствия влаги в ионите. Видно, что термическая деструкция промышленно используемого ионита (АПК-45(4-ВП+КФ-5)) происходит при температуре 240°C . В случае ХПП-ПП ионит, полученного на основе ХПП, при нагреве при температуре выше 228°C наблюдается явление термической деструкции, что приводит к потере массы образца до 40,4% по сравнению с исходной массой образца, и создает пик при температуре 343°C , в результате чего происходит поглощение энергии $-4,49$ Дж/г (эндотермический пик). Видно, что на его кривой ДТГ появились эндотермические и экзотермические пики при 312, 343, 379, 424, 467°C , обусловленные химическими процессами, происходящими в результате термического нагрева ионообменного материала. Было замечено, что термическая стабильность полученного анионита ниже, чем термическая стабильность исходного продукта ХПП. Это свидетельствует о наличии аминогрупп в полученном ионите. В связи с тем, что полученный ионообменный материал содержит азот, существует большая вероятность выделения газообразного аммиака из его состава при повышении температуры при проведении ТГ и ДТГ анализа.

Результаты показывают, что пик ликвидуса ионита четко не виден, что указывает на его аморфную структуру. На основании приведенных выше данных, поскольку модифицированный анионит термически стабилен, можно сделать вывод, что он удовлетворяет требования термостойкости, предъявляемых к промышленно используемым ионитам.

Список литературы

1. Хасанов О.Х., Хайдаров И.Н., Исмаилов Р.И. Исследование оптимальных параметров получения нового анионита на основе хлорированного полипропилена // Universum: химия и биология. – Москва, 2022. – №11(80) часть 4. – С. 52-57.

2. Хасанов О.Х., Валеева Н.Г., Исмаилов Р.И. Исследование спектральных анализов сульфокатионитов на основе полипропилена, модифицированных серасодержащими // Фан ва технологиялар тараққиёти. – Бухара. – №4. 2021. – С. 34-38.
3. Хасанов О.Х., Абдуллаев Х.А., Исмаилов Р.И. Исследование кинетических свойств ионита на основе полипропилена // Междун. научно-практич. on-line конф. «Актуальные проблемы и инновационные технологии в области естественных наук». – Ташкент, – С. 423-426, 20-21 ноябрь, 2020.
4. Imaan D. U., Mir F. Q., Ahmad B. Synthesis and characterization of a novel poly (vinyl alcohol)-based zinc oxide (PVA-ZnO) composite proton exchange membrane for DMFC //International Journal of Hydrogen Energy. – 2021. – Т. 46. – №. 22. – С. 12230-12241. <https://doi.org/10.1016/j.ijhydene.2020.05.008>
5. Pandey J, Mir FQ, Shukla A. Synthesis of silica immobilized phosphotungstic acid (Si-PWA)-poly (vinyl alcohol)(PVA) composite ion-exchange membrane for direct methanol fuel cell. Int J Hydrogen Energy 2014 Jun 5;39(17):9473e81.
6. M.D. Guiver, S. Croteau, J.D. Hazlett, O. Kutowy, Synthesis and characterization of carboxylated polysulfones, Br. Polym. J. 23 (1–2) (1990) 29–39. <https://doi.org/10.1002/pi.4980230107>
7. M.S. Jyothi, V. Nayak, M. Padaki, R.G. Balakrishna, K. Soontarapa, Aminated polysulfone/TiO₂ composite membranes for an effective removal of Cr(VI), Chem. Eng. J. 283 (2016) 1494–1505. <https://doi.org/10.1016/j.cej.2015.08.116>.
8. Бердиева М.И., Турсунов Т.Т., Бекмуродова М.Г., Рахматова Н.Ш., Назирова Р.А. Исследование структуры фосфорнокислого катионита поликонденсационного типа // Химия и химическая технология. –Т.: 2016. – № 1. – С. 38–40.
9. Иониты и химической технологии / Под ред. Б.П. Никольского и П.Г. Романкова. – Л.: Химия, 1982. – С. 416.
10. Салдадзе К.М., Копылова-Валова В.Д. Комплексообразующие иониты. – М.: Химия, 1980. – С. 336.
11. Каттаев Н.Т., Бабаев Т.М., Мусаев У.Н. Модификация сополимеров акрилонитрила с целью получения гранулированных сорбентов // Вест. Национального университета Узбекистана. – 2005. – №4. – С. 36-38.

Рекомендовано к печати д.х.н. Л.Камаловым

SHIRINMIYA (GLYCYRRHIZA GLABRA L.) O‘SIMLIGI ILDIZI TARKIBIDAN GLITSIRRIZIN KISLOTASINI OLISH JARAYONIDAGI HOSIL BO‘LADIGAN CHIQINDI MAXSULOTLARINI QAYTA ISHLASH VA ULARNING FOYDALI XUSUSIYATLARI

Xudoynazarov M.Sh., Shopulatov O‘.M., Djurayev A.J., Normirzayeva M. (GulDU)

Annotatsiya. Shirinmiya (glycyrrhiza glabra L.) o‘simligi ildizi tarkibidan toza (92 foiz) glitsirrizin kislotasini olish jarayonida II, III va IV bosqichlarda ajrali chiqadiga qoldiq moddalar jumladan muz sirka kislotasi (99 foiz), etanol (96%)ni bir qismini qayta ajratib olindi va unda erigan GKMAT ni Yuqori samarali suyuqlik xromatografiya (YuSSX) usulida Agilent-1260 Infinity II (AQSH) qurilmasida miqdoriy tahlil qilindi. Taqdiqot natijalariga ko‘ra dastlab chiqindi sifatida ajralib chiqqan umumiy eritma tarkibida 14.2 mg/ml GKMAT, va erituvchining 2/3 qismi ajratib olindi qolgan qoldiq atrkibida esa 42.2 mg/ml borligi aniqlandi.

Kalit so‘zlar: YuSSX, xromatografiya, Glitserrizin kislota, Sirka kislota, KU-2-8(H⁺ -forma) kationid, glycyrrhiza glabra L.

Аннотация. В процессе выделения чистой (92%) глицирризиновой кислоты из корня растения солодки голой (Glycyrrhiza glabra L.) на II, III и IV стадиях выделяются остаточные вещества, в том числе ледяная уксусная кислота (99%), этанол (96%), повторно разделяют. Был получен и проведен количественный анализ растворенной в ней моноаммонийной соли ГК методом высокоэффективной жидкостной хроматографии (ВЭЖХ) на приборе Agilent-1260 Infinity II (США). По результатам исследования установлено, что общий раствор, первоначально выпущенный в виде отходов, содержал 14,2 мг/мл моноаммонийной соли ГА, при этом отделялось 2/3 растворителя, а оставшийся остаток содержал 42,2 мг /мл.

Ключевые слова: ВЭЖХ, хроматография, глицирризиновая кислота, уксусная кислота, катионид КУ-2-8(H⁺-форма), солодка голая.

Annotation. In the process of extracting pure (92%) glycyrrhizinic acid from the root of the licorice (glycyrrhiza glabra L.) plant, in the II, III and IV stages, residual substances, including glacial acetic acid

(99%), ethanol (96%), are re-separated. was obtained and the monoammonium salt of GA dissolved in it was quantitatively analyzed by High Performance Liquid Chromatography (HPLC) on an Agilent-1260 Infinity II (USA) device. According to the results of the study, it was found that the total solution, which was initially released as waste, contained 14.2 mg/ml monoammonium salt of GA, and 2/3 of the solvent was separated, and the remaining residue contained 42.2 mg/ml.

Key words: HPLC, chromatography, Glycyrrhizic acid, Acetic acid, KU-2-8(H⁺-form) cationide, glycyrrhiza glabra L.

Kirish. Bugungi kunda o‘simliklarni kimyoviy tarkibini o‘rganish – muhim organik moddalarni ajratib olish va foydalanish bilan bevosita bog‘liq jarayon hisoblanadi. Bugungi kunda aholi sonining jadal o‘shishi bilan ehtiyojlarning ortishi butun dunyo bo‘ylab mahsulotlar ishlab chiqarish uchun yangi turdagi xomashyo resurslarini yaratish va ulardan oqilona foydalanish barcha mamlakatlar oldida turgan muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

Aholi ehtiyojlari uchun turli xil xususiyatga ega bo‘lgan moddalar o‘simliklar tarkibidan turli xil yo‘llar bilan ajratib olinmoqda. Ko‘pchilik dorilar va bisimulatorlar uchun asos hisoblangan glitsirrizin kislatasi va uning tuzlari asosan shirinmiya (glycyrrhiza glabra L.) o‘simligi ildizi tarkibidan ajratib olinmoqda[1].

Keyingi yillarda shirinmiya o‘simligi ildizi tarkibidan glitsirrizin kislotasi (GK)ni ajratish va aniqlash uchun yuqori samarali suyuqlik xromatografiyasi (YuSSX) qo‘llanila boshlandi. Olib borilgan [2] tadqiqotlariga ko‘ra qo‘zg‘almas faza sifatida tanlab olingan C₁₈ kolonkalar PAHlarni ajratish uchun YuSSX usulida keng qo‘llaniladigan qo‘zg‘almas fazaga aylandi. Shuningdek mass-spektrometriya (HPLC-MS) bilan birlashtirilgan suyuq xromatografiya (LC) so‘nggi o‘n yillikdagi eng muhim tahlil usullaridan biri sifatida ko‘rib chiqilgan. Ishlab chiqarish va farmatsevtikada sanoatida ko‘plab afzalliklarga ega bo‘lib, atrof-muhitni tahlil qilishda ham muhim rol o‘ynaydi [3,4].

O‘shish va rivojlanishda muhim hisoblangan, shuningdek hujayralar uchun toksik bo‘lmagan konsentratsiyalarda (10⁻⁶ M) viruslarni ingibirlaydi [5]. Xususan, glitsirrizin va uning analoglari in vitroda asosiy virusli proteazani inhibe qilish orqali SARS bilan bog‘liq bo‘lgan koronavirus [6][7] hamda SARS-CoV-2 replikatsiyasini faol ravishda bostirdi[8]. Glycyrrhizic kislotasi DNK va RNK o‘z ichiga olgan viruslarga, shu jumladan Herpes simplex, Varicella zoster, inson papillomaviruslari [9], sitomegaloviruslarga qarshi faoldir. Moddaning antivirus ta’siri interferonlar hosil bo‘lishining induksiyasi bilan bog‘liq.

Yuqoridagilarga qo‘shimcha ravishda, glycyrrhizic kislota yoshga bog‘liq immunitet evolyutsiyasi va kognitiv buzilishlarning oldini olishda qo‘llanilishi mumkin. Buni sichqonlar ustida o‘tkazilgan tajribalar tasdiqlaydi, bu T-limfotsitlar va B-limfotsitlarga ularning ba’zi klonlarining proliferatsiyasini faollashtirish orqali ta’siri o‘rganilgan[10],[11].

OLINGAN NATIJALAR VA ULARNING TAHLILI

Tadqiqot uchun Guliston davlat universitetining “Eksperimental biologiya” laboratoriyasiga ilmiy ishlar va tadqiqotlar uchun shirinmiya (glycyrrhiza glabra L.) o‘simligi ildizi tarkibidan ajratib olinayotgan GKMAT va GK larni ajratib olish jarayonidagi bosqichlarda hosil bo‘ladigan chiqindi mahsulotlar o‘rganildi.

Avvalam bor texnik GK dan toza GK ajratib olishgacha bo‘lgan jarayonlarni bosqichlarga bo‘ladigan bo‘lsak. Dastlab maydalangan ildiz quruq atseton bilan ekstraksiya qilish jarayoni I bosqich, ekstarakga 25% ammiak eritmasi bilan ishlov berish va glitserizin kislotasining uch ammoniyli tuzi xosil bo‘lish jarayoni II bosqich, Xosil bo‘lgan glitserizin kislotasining uch ammoniyli tuzidan mono ammoniyli tuzini olish jarayoni III bosqich, glitserizin kislotasining mono ammoniyli tuzi(GKMAT)dan KU-2-8(H⁺-forma) kationid yordamida toza GKMAT olish IV bosqich, toza GKMATdan GK olish V bosqich.


Muz sirka kislota bilan yuvish jarayonida sirka kislotasi o‘zi bilan birgalikda GKMAT ni ham bir qismini olib ketadi. To‘rtinchi bosqichda ham sirka kislota va etanol bilan yuvilganda ham qanchadir GKMAT eritmaga o‘tadi.

YuSSX usuli GKMAT va GK moddalarning miqdoriy tahlili uchun mukammal analiz usuli hisoblanadi. YuSSX usulida analizni olib borish maqsadida ajratib olingan moddalardan analiz uchun eritmalar tayyorlandi. Tarkibida GKMAT tutgan suyuqlik va atsetonitril (CH₃CN)ning 1:99 nisbatda eritmasi tayyorlab olindi.

GKMAT va GKning miqdoriy analizi “Eksperimental biologiya” laboratoriyasining kimyoviy tahlil bo‘limidagi Agilent 1260 infinity II (AQSh) qurilmasida va analitik kolonka (150 mm x 4,6 mm, 4 mkm Proshel 120 HPLC column, USA)da olib borildi. Kolonkaga 10 ml/min namuna eritmasi qo‘zg‘aluchan faza – atsetonitril va sika kislotasining 0.1 foizli eritmasi(85:15) aralashmasining 1,0 ml/min gradient oqimida bajarildi. Kolonkadagi harorat 30°C o‘rnatildi. Ko‘p bosqichli gradient shartlariga ega mobil fazadan har bir namuna ekstrakti uchun umumiy 20 min sarflanadi.

PDA diod – matritsali absorbsion detektor sezuvchanlik va selektivlikni oshirish uchun to‘lqin uzunligi 254 nm da ishlatiladi.

Kalibrovkalash jarayonida GKMAT va GK PDA diod – matritsali absorbsion detektorida yaxshi yutilish berishi ma’lum bo‘ldi. Namunalar analizi ham ushbu detektorda olib borildi. Analiz uchun ajratib olingan namunalar yuqoridagi metod asosida tahlil olib borildi.



RetTime [min]	Type	Area [mAU*s]	Amt/Area	Amount [mg/ml]	Grp	Name
13.610	BB	590.68298	2.40731e-4	1.42196e-1		GKMAT

Totals : 1.42196e-1

1-rasm. III bosqichdan hosil bo‘lgan qoldiq eritma tarkibidagi GKMATning miqdoriy analizi


1-jadval.

GKMAT analizi uchun xromotagrafik xolat

Mobil faza	(85:15) atsetonitril va sika eritmasi
Qo‘zg‘almas faza	(150 mm x 4,6 mm, 4 mkm Proshel column HPLC, USA)
To‘lqin uzunligi	254 nm
Analiz bajarish vaqti	14 min
Oqim tezligi	1 ml/min
Olingan namuna miqdori	10 ml/min
Harorat	30 °C

Chiqindini 100 marta suyultirib olinganini xisobga olsak, 1-rasmda Natijada ko‘rinib turibdiki 0,142 mg/ml. 100 marta suyultirilganligini xisobga olsak $0.142 \cdot 100 = 14.2$ mg/ml demak chiqindining 1 ml da 14.2 mg yani 0.0142 gramm GKMAT mavjud ekan.

Tozalash jarayonida har bir bosqichlarda xosil bo‘ladigan chiqindilar turiga qarab 3 turga bo‘lib olindi. Sirkali eritma, spirtli eritma va suvli eritma. Sirkali va spirtli eritmalarini qayta haydab eritmani konsentratsiyasi yana oshirildi. Bunda xosil bo‘lgan eritma analiz qilib ko‘rilganda uni tarkibida quyidagi miqdorda GKMAT borligi aniqlandi (2-rasm).



Signal 1: DAD1 B, Sig=254,4 Ref=off

RetTime [min]	Type	Area [mAU*s]	Amt/Area	Amount [mg/ml]	Grp	Name
13.389	VV	1692.39172	2.49838e-4	4.22824e-1		GKMAT

Totals : 4.22824e-1

2-rasm. Sirka kisloani haydab olib uni miqdori yana bir bor miqdoriy tahlili

2-jadval.

GKMAT analiziga xos xromatagrafik ko'rsatgichlar

Parametrlari	GKMAT
Chiqish vaqti	13.389 min
Cho'qqi maydoni	1692
Intensivlik	0.000249
Konsentratsiya	0.422

Natija shuni ko'rsatdiki, qoldiq sirka kislotaning 2/3 qismini qaytarib haydab olindi. Qolgan eritma tarkibida 42.2 mg/ml miqdorda GKMAT borligi aniqlandi. Qolgan eritmani sovutib qisman GKMAT cho'masi ajratib olindi.

Bizdan oldingi qilingan taqdiqotlarga ko'ra GKMAT va GK ning 10^{-6} dan 10^{-9} gacha bo'lgan eritmaları o'simliklarni o'stirish va yashnatish xususiyatiga ega. Hozirgi kunda qolgan qoldiqni bir necha yuz barobar suvda eritib sirka kislotasini zararlarini va GKMATni o'simliklarda sinash ishlarini olib borilmoqda.

Xulosa

Ushbu ishning maqsadi shirinmya o'simligi ildizidan ajratib olinadigan GK va GKMATni olish jarayonida hosil bo'ladigan qoldiq eritmalar tarkibini o'rganish hamda ularni qayta ishlash va foydalanish edi. Bularning miqdoriy tahlili Agilent 1260 infinity II (AQSh) qurilmasida YuSSX usulida miqdoriy aniqlashga asoslangan. Olingan natijalarga asosan, Sirka kislotaning eritmaining tarkibida mavjud bo'lgan birikma: GKMAT 13.389 min.da PDA diod – matritsali absorbsion UV detektorlari asosan 254 nm da to'liq uzunligi PAHlar uchun mos sezuvchan detektorida namoyon bo'lishi aniqlandi. Tadqiqot natijalari GKMAT va GKning miqdoriy ko'rsatkichlarini aniqlagan holda GK ni olish jarayonidagi hosil bo'ladigan eritmalaridan sanoatda qayta ishlash va xomashyo bazasini yaratish kabi imkoniyatlarni ko'rsatib berdi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Гавриленко Н.В., Сорока Л.С. Проект установки пиролиза пропан-бутановой фракции. – Томск, 2016.
2. J.A. Schmit, R.A. Henry, R.C. Williams, and J.F. Dieckman. Applications of high speed reversed-phase liquid chromatography. J. Chromatogr. Sci. 9: 645–51 (1971).

3. M. Castillo, M.C. Alonso, J. Riu, and D. Barceló. Identification of polar, ionic, and highly water soluble organic pollutants in untreated industrial wastewaters. *Environ. Sci. Technol.* 33: 1300–1306 (1999).
4. J. Riu, E. González-Mazo, A. Gómez-Parra, and D. Barceló. Determination of parts per trillion level of carboxylic degradation products of linear alkylbenzenesulfonates in coastal water by solid-phase extraction followed by liquid chromatography ionspray massspectrometry using negative ion detection. *Chromatographia* 50:275–81 (1999).
5. Sun, Z. G., Zhao, T. T., Lu, N., Yang, Y. A., & Zhu, H. L. (2019). Research Progress of Glycyrrhizic Acid on Antiviral Activity. *Mini reviews in medicinal chemistry*, 19(10), 826-832.
6. Cinatl, J., Morgenstern, B., Bauer, G., Chandra, P., Rabenau, H., & Doerr, H. W. (2003). Glycyrrhizin, an active component of liquorice roots, and replication of SARS-associated coronavirus. *The Lancet*, 361(9374), 2045-2046.
7. Hoefer, G., Baltina, L., Michaelis, M., Kondratenko, R., Baltina, L., Tolstikov, G. A., ... & Cinatl, J. (2005). Antiviral Activity of Glycyrrhizic Acid Derivatives against SARS-Coronavirus. *Journal of medicinal chemistry*, 48(4), 1256-1259.
8. Lukas van de Sand, Maren Bormann, Mira Alt, Leonie Schipper, et al., (2020). Glycyrrhizin effectively neutralizes SARS-CoV-2 in vitro by inhibiting the viral main protease. *bioRxiv*.
9. Современные принципы диагностики и лечения папилломавирусной инфекции аногенитальной области у детей и подростков (<https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennyye-printsipy-diyagnostiki-i-lecheniya-papillomavirusnoy-infektsii-anogenitalnoy-oblasti-u-detey-i-podrostkov-1>). Дата обращения: 30 марта 2018.
10. Jiang, R., Gao, J., Shen, J., Zhu, X., Wang, H., Feng, S., ... & Liu, H. (2020). Glycyrrhizic acid improves cognitive levels of aging mice by regulating T/B cell proliferation. *Frontiers in aging neuroscience*, 12, 330.
11. Song, J. H., Lee, J. W., Shim, B., Lee, C. Y., Choi, S., Kang, C., ... & Shin, J. W. (2013). Glycyrrhizin alleviates neuroinflammation and memory deficit induced by systemic lipopolysaccharide treatment in mice. *Molecules*, 18(12), 15788-15803.

Nashrga k.f.d. L.Kamolov tavsiya etgan

ИНТРОДУКЦИЯ ШАРОИТИДА *HIBISCUS SYRIACUS* L. НИ УРУҒИДАН КЎПАЙТИРИШ

Рахимов А. Л. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада *Hibiscus syriacus* L. нинг уруғларини териш ва экиш муддатлари, униш харорати, уруғларни экиш меъёри ва экиш чуқурлиги, уруғлар унувчанлигини сакланиши ўрганилган.

Таянч сўзлар ва иборалар: *Hibiscus syriacus* L., уруғ, меъёр, унувчанлик, нишлаш, кўсак, чашка Петри, экстремал.

Аннотация. В данной статье изучены сроки сбора и посадки семян, температура прорастания, норма высева и глубина посадки, сохранение всхожести семян *Hibiscus syriacus* L.

Ключевые слова: *Hibiscus syriacus* L., семена, стандарт, всхожесть, стручок, чашка Петри, экстремум.

Annotation. This article studied the timing of the collection and planting of seeds, germination temperature, seeding rate and planting depth, maintaining the germination of seeds of *Hibiscus syriacus* L.

Keywords: *Hibiscus syriacus* L., seeds, standard, germination, pod, Petri dish, extremum.

Уруғнинг хусусиятларини билиш ундан амалиётда самарали фойдаланиш имкониятини беради [1; 114-120-б.]. Ўсимликда ҳосил бўлган мева ва уруғнинг сифати унинг муҳим адаптация кўсаткичларидан биридир [2; 28-31-б.].

Бизнинг шароитимизда *H. syriacus* ни кўпайтириш усуллари ва парваришлаш агротехникаси ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли уруғни териш ва экишнинг оптимал муддатларини аниқлаш, экиш меъёри ва чуқурлиги, ниҳолларни парваришлаш ва кўчатларни доимий жойга кўчириб ўтказиш муддатларини аниқлаш вазифаларини кўйдик.

Уруғни териш ва экиш муддатлари. *H. syriacus* узоқ муддат гуллаганлиги сабабли унинг уруғларини пишиш даври ҳам чўзилади. Дастлабки уруғлар август ойининг ўрталарида пиша бошлайди. Бу уруғлар ёзнинг экстремаль давридан олдинги гулларда ҳосил бўлган меваларда шаклланади. Аксарият гулларнинг тўкилиб кетиши, ҳосил бўлган гулларнинг ўрта ҳисобда 10 фоизида мева ҳосил бўлади. Тушиб кетмаган гулларда уруғларнинг шаклланиши эса экстремаль даврда кечганлиги сабабли уларнинг уруғларини сифати паст бўлади (1-жадвал).

Август ойининг иккинчи ярмидан кейин очилиб бошлаган гуллардан ҳосил бўлган меваларнинг уруғлари ноябрь ойининг ўрталарида пишиб бошлайди. Бу уруғларнинг сифати юқори ва улар экилгандан сўнг дуркун униб чиқади.

Уруғлар сентябрь, октябрь ва ноябрь ойларида терилди. Уларни кузда ва баҳорда экиб кўрилди (1-жадвал).

1-жадвал.

Мевада уруғларни шаклланиш даврининг уларни сифати ва унувчанлигига таъсири (2013-2016 йй.)

Уруғларни териш муддати	Уруғларни экиш муддати ва уларни униб чиқиши кўрсаткичлари, фоиз							
	15.09	1.10	15.10	1.11	15.03	1.04	15.04	1.05
15-сентябрь	41,5	45,0	39,3	33,0	56,3	68,0	61,0	52,5
1-октябрь	45,0	47,3	37,3	35,5	54,3	65,5	66,0	56,0
15-октябрь	43,5	48,5	43,5	31,3	56,0	70,0	63,0	56,3
1-ноябрь	72,3	78,5	79,5	78,0	91,5	96,3	95,3	90,5
15-ноябрь	78,0	84,0	86,3	75,3	93,0	94,5	97,0	91,0
1-декабрь	77,5	82,3	88,0	76,5	93,5	97,3	94,5	90,3

Изоҳ: 000 - 30-49 фоиз; 000 - 51-70 фоиз; 000 -71-90 фоиз; 000 -91-100 фоиз

Олинган натижаларни таҳлил қилиниб, уларни териб олиш ва экиш муддатларига боғлиқ ҳолда униб чиқиши бўйича 4 та гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Унувчанлиги юқори (91-100 фоиз) - ноябрь ойида терилган ва баҳорда экилган уруғлар;
2. Унувчанлиги яхши (71-90 фоиз) - ноябрь ойида терилган ва кузда экилган уруғлар;
3. Унувчанлиги ўртача (51-70 фоиз) – сентябрь-октябрда териблиб, баҳорда экилган уруғлар;

4. Унувчанлиги ёмон (30-49 фоиз) – сентябрь-октябрда териблиб, кузда экилган уруғлар.

Юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики *H. syriacus* нинг уруғларини териш учун энг қулай муддат ноябрь ойи, уларни экиш учун эса апрель ойининг боши ҳисобланади. Шу муддатларга амал қилинганда кўчатлар тўқис униб чиқади ва дуркун ривожланади.

Тадқиқотларимизда сентябрь ва октябр ойларида терилган уруғлар ўсимликнинг ёздаги энг иссиқ экстремал даврда ҳосил бўлган меваларда шаклланиши аниқланган. Ноябрь ойида пишган уруғлар эса августнинг иккинчи ярмидан кейин, жазирама иссиқ анча пасайган даврда ҳосил бўлган меваларда шаклланган. Бу эса чангланиш ва уруғланиш жараёнини тўлақонли кечганлиги, муртакнинг яхши етилганлиги билан изоҳланади.

Таҷрибаларимизда янги терилган уруғлар экилганда улар дарҳол кўкариб чиқиши кузатилди. Шу сабабдан ҳам уларни кузда экиш мақсадга мувофиқ эмас. Кузнинг биринчи ярмида экилган уруғлар униб чиқсада, улар қотайиб улгурмаслиги оқибатида қишнинг совуғидан зарарланади.

Кузатишлар давомида *H. syriacus* нинг уруғлари ҳарорат +20 °С дан ошганда унувчанлиги юқори бўлди. Лаборатория шароитида ҳам шу ҳароратда улар яхши унганлиги кузатилган эди.

H. syriacus нинг уруғлари тиним даврига эга эмас. Буни аниқлаш мақсадида 2015 йил 2 сентябрда 6 ёшли ўсимликлардан шу йилги ҳосилдан териб олинган уруғлар хона шароитида чашка Петрида экилди. Бунда хонадаги ҳарорати +23-26° С га тенг эди. Бир ҳафта ичида аксарият уруғлар нишлади, лекин айрим уруғларнинг нишлаш даври 3 ҳафтагача чўзилди. Афтидан сентябрь ойида ҳароратни пасайиб бориши бунга сабаб бўлган. Кузатишларимиз якунида уруғларнинг 80-85 фоиз кўқарганлиги қайд қилинди. Шундай қилиб, сурия гибискуси уруғлари тиним даврига эга эмас, ҳарорат ва намлик етарли бўлганда улар тез муддатда ўсишни бошлайди.

H. syriacus нинг мевалари пишиб етилгандан кейин кўсақлар очилиб кетмайди. Улар шу алфозда қишни ўтказади. Эрта баҳорга келиб кўсақларнинг учки қобиғи чирийди ва улар очилади. Шундан кейин кўсақдаги уруғлар бирин-кетин ерга тушади. Бизнингча, ўсимлик шу усул билан уруғларини бефурсат ўсишдан сақлаб қолади.

Сентябрь ойининг ўртасида очик жойда экилган уруғлар бир ой давомида униб чиқди, лекин уруғларнинг атиги 35 фоиз кўқарганлиги қайд қилинди. Бу даврда ҳаво ҳарорати анча пасаяди ва уруғлар унишига имконият камаяди. Бундан хулоса шуки, кузда ўсимликдан табиий равишда тўқилган барча уруғларнинг ҳаммаси бирварақайига бўкмайди ва уларнинг ана шу қисми келгуси йил баҳорда кўкариб чиқади.

Уруғларни экиш меъёри ва экиш чуқурлиги. Уруғларни экиш меъёри уруғнинг сифати ва кўчатнинг ўлчамига боғлиқ. Шунингдек, уруғлар униб чиққанидан сўнг унинг яхши ўсиши ва ривожланиши учун маълум майдон талаб қилинади. Жуда зич ўсган кўчатлар бир-бирини сиқиб қўяди, бу эса уларни нормал ривожланишига халақит беради. Жуда сийрак бўлганда эса субстрат тезда намликни йўқотади, ниҳоллар ўртасида микроклим таъминланмайди. Шу сабабли кўчатхонада уруғларни ўстириш учун уларнинг маълум масофадаги оптимал сонини топиш жуда муҳим.

Уруғларни экиш чуқурлигини аниқлаш мақсадида биз уларни бир неча вариантларда (1, 2, 3, 4, 5) экиб кўрдик. Уларнинг натижалари таҳлил қилинганида сурия гибискусининг уруғларини 1 см чуқурликда экилганда тупрокнинг юза қисми тез қуриши ва турли омиллар таъсирида уруғларнинг очилиб қолиши унувчанликни пасайтирди. Уларни 4-5 см чуқурликка экилганда эса нишлаган уруғлар уруғпалларни ернинг юзасига олиб чиқаолмагани аниқланди. Экиш чуқурлиги 2-3 см бўлганда уруғлар яхши ўсиб

чиққанлигини кузатдик. Шундай қилиб, *H. syriacus* нинг уруғларини 2-3 см чуқурликда экиш мақсадга мувофиқ.

Уруғлар унувчанлигини сақланиши. Уруғларнинг тиним даври ўсимликнинг систематик гуруҳи, унинг географияси ва экологиясига боғлиқ [3; 99-104-б.].

Уруғ унувчанлиги – ўсимликнинг уруғидан кўпайиши ва тикланишини, турнинг тақдирини ҳал қилувчи ҳамда уруғ сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади [4; 376-б.].

Уруғларнинг сифатини, уларнинг униши учун оптимал ҳароратни аниқлаш мақсадида уруғлар лаборатория шароитида 3 хил вариантда ўстириб кўрилди. Тадқиқот натижалари *H. syriacus* уруғларининг униши учун энг мақбул ҳарорат 20-24°C эканлиги, бунда уруғларнинг унувчанлиги 90,3-97,3 фоиз ни ташкил қилгани аниқланди. Ундан паст ҳароратларда уруғлар яхши унмади.

H. syriacus уруғлари қаттиқ қобик билан қопланмаганлиги сабабли улар тез унади. Петри косачасида етарли намлик ва оптимал ҳарорат таъминланганида улар бир кунда бўқади ва иккинчи кунда уруғларнинг пўсти ёрилиб, улар нишлашни бошлайди. Кузатувларимизнинг 5-кунда 40 фоиз уруғлар нишлагани қайд қилинди. Унувчанлик қобилиятига эга уруғлар 10 кун ичида тўлиқ униб чиқди.

H. syriacus уруғларининг тезда бўқиши ва қисқа муддатларда ўсиши уларни табиий шароитда кўпайишига тўсқинлик қилиши лозим, чунки дарҳол униб бошлаган уруғлардан ўсиб чиққан кўчатлар қишгача қотайиб улгурмайди ва нобуд бўлади. Лекин кузатувларимизда келгуси йил баҳорда гибискус ўсимлиги ўсган ҳудуд атрофида табиий равишда тўкилган уруғлардан ниҳоллар кўкариб чиққанлиги кузатилди.

Одатда тез униб чиқадиган ўсимликлар ўз унувчанлигини узоқ муддат сақламайди. Шунини аниқлаш мақсадида қуруқ шароитда сақланган уруғлар 5 йил давомида ундириб кўрилди. Ўрганишларимизда *H. syriacus* уруғларининг сифати келгуси йилда бирмунча (62-65 фоиз), 3 йилда эса кескин камайганлиги (15-20 фоиз) кузатилди. Беш йил давомида сақланган уруғлар экиб кўрилганда эса уларнинг унувчанлиги атиги 3-5 фоиз ни ташкил этиши маълум бўлди. (2-жадвал).

2-жадвал.

***Hibiscus syriacus* L. уруғларининг лаборатория шароитида унувчанлиги ва унувчанликни сақлаш муддатлар, фоиз (2017-2021 йй.)**

Ҳарорат, °C	Сақланиш муддати, йиллар				
	1	2	3	4	5
10-14	-	-	-	-	-
15-19	42-48	40-43	7-9	-	-
20-24	90-97	63-65	15-20	7-8	3-5

Шундай қилиб, *H. syriacus* нинг уруғлари тиним даврига эга эмас. Ҳарорат +20-24°C ва намлик етарли бўлганда бир ҳафта ичида аксарият уруғлар кўкаради. *H. syriacus* нинг уруғларини териш учун энг қулай муддат ноябрь ойи, уларни экиш учун эса апрель ойининг биринчи ярми ва экиш чуқурлиги 2-3 см ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мухина О.А. Качество семян некоторых видов рода *Lilium* L. на Юге Западной Сибири // Журн. Субтропическое и декоративное садоводство. – № 70, 2019. – С. 114-120.
2. Мининзон И.Л. Адаптация древесных интродуцентов в условиях Нижнего Новгорода // Бюл. глав. ботан. сада. – № 1 ((205), 2019. – С. 28-31.
3. Малышева С.К. Размножение интродуцированных видов жимолости в дендрарии горнотажной станции ДВО РАН, Вестник КрасГАУ. – № 9 (48). 2010. – С. 46-49.
4. Терехин Э.С. Семья и семенное размножение. – СПб.: Мир и семья, 1996. – 376 с.

Нашрга проф. Л.Ёзиев тавсия этган

F-19 АЛКАЛОИДИНИНГ КАЛАМУШ АОРТА ПРЕПАРАТЛАРИДА ГИПОКСИЯ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРГАН ВАЗОРЕЛАКСАЦИЯСИГА ТАЪСИРИ

Зарипов А.А., Усманов П.Б. (ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти),
Есимбетов А.Т., Фазылбекова Д.А. (СДВМЧБУ Нукус филиали), **Жўрақулов Ш.Н.** (ЎзР
ФА Ўсимликлар моддалари кимёси институти)

Аннотация. Ушбу ишда F-19 алкалоидининг гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияга таъсири ўрганилди. Алкалоиднинг вазопротектор таъсирини баҳолаш, ҳаво (95 фоиз N₂/5 фоиз CO₂) аралашмасига эга Кребс эритмасида аорта препаратларини инкубация қилиш орқали олинган экспериментал гипоксия (*in vitro*) модели ёрдамида амалга оширилди. Изометрик кучланиш FT-03 (Grass Instrument Co., АКШ) механотрони ёрдамида қайд қилинган. Олинган натижалар шуни кўрсатади, F-19 алкалоиди аниқ вазопротектив таъсирга эга бўлиб, Ca²⁺_L-каналлари ва инозитол 1,4,5-трифосфат каскади функцияси модификацияси орқали гипоксия чақирган оксидатив бузилишлардан қон томирларни самарали ҳимоя қилади.

Таянч сўзлар: гипоксия, каламуш аортаси, саркоплазматик ретикулум, Ca²⁺-канал, вазорелаксация.

Аннотация. В настоящей работе изучено влияние алкалоида F-19 на вазорелаксантный эффект гипоксии. Для оценки вазопротекторных эффекта алкалоида использовали *in vitro* модель гипоксии, которую получали путем инкубации препаратов аорты в растворе Кребса, аэрируемого смесью (95% N₂/5% CO₂). Регистрацию изометрической силы проводили с помощью преобразователя силы типа FT-03 (Grass Instrument Co., США). Полученные результаты показывают, что алкалоид F-19 обладает выраженным вазопротекторным действием и эффективно защищает кровеносные сосуды от окислительного повреждения, вызванного гипоксией, благодаря модификации функции Ca²⁺_L-каналов и инозитол-1,4,5-трифосфатного каскада.

Ключевые слова: гипоксия, аорта крысы, саркоплазматический ретикулум, Ca²⁺-канал, вазорелаксация.

Annotation: In this work, we studied the effect of F-19 alkaloid on the vasorelaxant effect of hypoxia. To assess the vasoprotective effect of the alkaloid, an *in vitro* model of hypoxia was used, which was obtained by incubating aortic preparations in a Krebs solution aerated with a mixture (95% N₂/5% CO₂). Isometric tension forces were recorded using a force transducer FT-03 (Grass Instrument Co., USA). The results obtained show that the F-19 alkaloid has a pronounced vasoprotective effect and effectively protects blood vessels from oxidative damage caused by hypoxia due to the modification of the function of Ca²⁺_L channels and the inositol-1,4,5-triphosphate cascade.

Key words: hypoxia, rat aorta, sarcoplasmic reticulum, Ca²⁺-channel, vasorelaxation.


Маълумки, аксарият юрак-қон томир касалликларининг патогенези кўплаб патофизиологик омиллар билан боғлиқ бўлиб, улар орасида ишемия/гипоксия асосий ролни ўйнайди. Ишемия/гипоксия шароитида митохондрия электрон транспорт занжирида кислороднинг фаол шакллари кўпайиши, юрак-қон томир тизими фаолиятига зарарли таъсир кўрсатади [1, 2]. Шу билан бирга, бу бузилишларнинг ривожланишида юрак ва силлик мускул хужайрасининг (СМХ) Ca²⁺-гомеостазининг бузилиши муҳим роль ўйнайди ва бу турли Ca²⁺-транспорт тизимлар функциясининг оксидатив зарарланиши натижасида юзага келади [3]. Оксидловчи стресс шароитида СМХларда Ca²⁺_L-каналлари, саркоплазматик ретикулумдаги (СР) IP₃R ва Ca²⁺-АТФаза функцияси бузилади, бу СМХларида Ca²⁺-ионларининг тўпланиши билан уларнинг қисқаришига ҳамда артериал гипертензияни ривожланишига олиб келади [4, 5]. Маълумотларга кўра, СМХларининг ушбу Ca²⁺-гомеостазини таъминлайдиган оксилларининг барчаси гипоксия таъсирида сезиларли даражада ўзгариб, қон томирларининг қисқариш кучининг пасайишига олиб келади [6].

Юрак-қон томир касалликлари патогенезида кардиомиоцит ва СМХнинг Ca²⁺-гомеостази ва Ca²⁺-транспорт тизимлари функцияси бузилишлари етакчи роль ўйнашини ҳисобга олиб, бугунги кунда уларни фармакологик коррекциялашнинг янги усулларини топиш, ушбу касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг янги самарали воситаларини яратишнинг истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Доривор ўсимлик турларидан ажратиб олинган алкалоидлар ва флавоноидлар, антиоксидант ҳамда вазопротектив

фармакологик препаратлар яратишда истикболли агентлар ҳисобланади. Шунининг илоҳотида олган ҳолда, ушбу тадқиқот ишининг мақсади **F-19** (1-(3'-бром-4'-гидроксифенил-5'-метоксифенил)-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин гидрохлорид) алкалоидининг каламуш аорта препаратларида гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксациясига таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот усуллари ва материаллари. Таҷрибалар оқ, зотсиз каламушларнинг (200-250 г) аорта препаратларида олиб борилди. Таҷриба ҳайвонлари цервикал дислокация усулида жонсизлантирилди ҳамда кўкрак қафаси очилиб, аорта қон томири жарроҳлик усулида ажратиб олинди ва Кребс – Хенселейт физиологик эритмаси ((мм): NaCl 120,4; KCl 5; NaHCO₃ 15,5; NaH₂PO₄ 1,2; MgCl₂ 1,2; CaCl₂ 2,5; C₆H₁₂O₆ 11,5, HEPES pH 7.4.) билан перфузияланган махсус камерага (5 мл) жойлаштирилди. Таҷрибаларда нифедипин, KCl, фенилэфрин (ФЭ) реактивларидан фойдаланилди. Айрим таҷрибалар учун таркибида Ca²⁺ бўлмаган Кребс эритмалари ҳам ишлатилди. Бунинг учун Кребс эритмасига ЭГТА (1 мМ) кўшилди. Физиологик эритмалар карбоген (95 фоиз O₂/5 фоиз CO₂) билан оксигенланди ва ҳарорати U-8 ультратермостати ёрдамида +37°C да ушлаб турилди. Аорта препаратларининг қисқариш фаоллигини қайд қилиш Grass FT.03 (Grass-Telefactor, США) механотрони орқали амалга оширилди. Ҳар бир препаратга 1 гр (~10 мН) га мос келадиган бошланғич кучланиш берилди. Қисқариш кучи механотрондан келувчи сигнал кучайтиргичга узатилади ва Endim 621.02. самописеци ёрдамида қайд қилинди. Таҷрибаларда эндотелий қавати бузилмаган аорта препаратлари Кребс физиологик эритмасида 60 дақиқа давомида 95 фоиз N₂/5 фоиз O₂ билан аэрация қилинди ва *in vitro* гипоксия шароити юзага келтирилди. F-19 алкалоидининг гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксациясига таъсирини текшириш учун, олдиндан алкалоиднинг инкубацияси шароитида гипоксия чақирилди ҳамда KCl (50 мМ) ва ФЭ (1 мкМ) билан чақирилган аорта қисқаришларига нисбатан ўрганилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Дастлабки таҷрибаларда эндотелий қавати бузилмаган аорта препаратлари 95 фоиз N₂/5 фоиз CO₂ тутувчи Кребс эритмасида 60 дақиқа давомида инкубация қилиниши KCl ва ФЭ билан индуцирланган қисқариш кучининг сезиларли камайишига олиб келди. Гипоксия шароитида KCl (50 мМ) ва ФЭ (1 мкМ) билан чақирилган аорта препарати қисқариш кучи назоратга (нормаксия) нисбатан мос равишда 33,9±3,4 фоиз ва 44,7±3,7 фоиз га камайиши аниқланди (1-расм).



1-расм. Гипоксиянинг каламуш аорта қон томир препаратининг KCl (А) ва ФЭ (Б) билан чақирилган қисқариш кучига таъсири. Аорта препаратининг 50 мМ KCl ва 1 мкМ ФЭ билан чақирилган қисқариш кучи 100 фоиз деб қабул қилинган. Барча ҳолатларда (**p<0,01; n=7).


Ушбу олинган маълумотларга кўра, гипоксиянинг KCl (50 мМ) дан кўра, ФЭ (1 мкМ) билан чақирилган аорта СМХ қисқаришида кўпроқ бўшаштирувчи таъсир кўрсатиши аниқланди. Бунда ФЭ билан чақирилган қисқаришларда рецепторлар орқали

бошқариладиган Ca^{2+} -транспорт тизимлари ва инозитол 1,4,5-трифосфат каскадининг АТФ энергиясини талаб қилиши билан изоҳланади [6].

Гипоксия шароитида СМХларининг қисқариш фаоллигининг камайишида плазматик мембрана ва СР даги Ca^{2+} -транспорт тизимлари функциясининг бузилиши билан боғлиқ деган фикрни илгари суриш мумкин.

Шу нуқтаи назардан, гипоксия шароитида КСІ ва ФЭ билан чақирилган аорта препарати қисқаришини келтириб чиқарувчи физиологик механизмларининг бузилишларига F-19 алкалоидининг таъсири ўрганилди. Тажрибаларда ўрганилаётган F-19 алкалоидининг гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияни максимал камайтирувчи концентрацияси, яни, КСІ (50 мМ) билан чақирилган қисқаришларда 44,6 мкМ ва ФЭ (1 мкМ) билан чақирилган қисқаришларида 26,1 мкМ концентрациялари фойдаланилди.

Ушбу тажрибаларда F-19 алкалоидининг КСІ- ва ФЭ билан индуцирланган қисқариш шароитида гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияни сезиларли камайтириши аниқланди. Жумладан КСІ- билан индуцирланган қисқаришларга гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияни F-19 алкалоиди (44,6 мкМ), $14,1 \pm 4,3$ фоиз га камайтирилганини кўришимиз мумкин (2-расм. А). Шунга ўхшаш тажрибаларда, ФЭ билан индуцирланган қисқариш шароитида гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияни F-19 алкалоиди (26,1 мкМ) $19,5 \pm 4,1$ фоиз га камайтириши маълум бўлди (2-расм. Б).




2-расм. F-19 алкалоидининг КСІ (А) ва ФЭ (Б) билан чақирилган аорта препарати қисқаришларида гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияга таъсири.

Ордината ўқида – аорта препарати қисқариш кучи фоизда ифодаланган, 50 мМ КСІ ва 1 мкМ ФЭ ёрдамида чақирилган қисқариш кучи 100 фоиз деб олинган (** $p < 0,01$; $n=5$).


Ушбу натижалар шуни кўрсатадики, F-19 алкалоидининг гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияга таъсири КСІ билан чақирилган қисқаришларига нисбатан ФЭ билан чақирилган аорта препарати қисқаришларида кучлироқ эканлиги кузатилди. Маълумки, гипоксия қон томирлар вазорелаксациясини келтириб чиқаради ва уларнинг тонусини пасайтиради, бу СМХда $[\text{Ca}^{2+}]_{in}$ миқдорининг пасайиши билан боғлиқ [7]. СМХда $[\text{Ca}^{2+}]_{in}$ миқдорининг камайиши асосан Ca^{2+} ионларининг Ca^{2+}_L -каналлари орқали кириши ва СРдан IP_3R орқали чиқишини сусайишига боғлиқ ҳисобланади [8].

F-19 алкалоидининг гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияга таъсир кўрсатишида потенциалга боғлиқ Ca^{2+}_L -каналлари иштирокини ўрганиш мақсадида ушбу каналларнинг махсус блокатори ҳисобланган нифедипин иштирокида тажрибалар амалга оширилди. Тажрибаларда нифедипиннинг (0,01 мкМ) олдиндан инкубация қилиниши КСІ билан чақирилган аорта препарати қисқаришларида F-19 алкалоидининг гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияга таъсири 9, $1 \pm 3,7$ фоиз га камайтириши аниқланди (3-расм.).



3-расм. F-19 алкалоидининг Ca^{2+}_L -канал специфик блокатори – нифедипин инкубацияси вақтида KCl билан чақирилган аорта препарати қисқаришларида гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияга таъсири. Ордината ўқида – аорта препарати қисқариш кучи фоизда ифодаланган, 50 мМ KCl ёрдамида чақирилган қисқариш кучи 100 фоиз деб олинган (** $p < 0,01$; $n=4$).

Ушбу олинган натижалар, F-19 алкалоидининг гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияга таъсир кўрсатишида потенциалга боғлиқ Ca^{2+}_L -каналларини иштирок этишидан ва уларнинг оксидатив зарарланишини олдини олиш мумкинлигидан далолат беради. Шунингдек, F-19 алкалоидининг ФЭ билан индуцирланган қисқариш шароитида гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияни камайтириши, унинг гипоксия шароитида CP IP_3R функциясининг оксидатив зарарланишининг олдини олиши мумкинлиги тахмин қилинди. F-19 алкалоидининг гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияга таъсир кўрсатишида CP IP_3R дан Ca^{2+} ионларининг чиқарилиш мумкинлигини текшириш учун тажрибалар Ca^{2+} ионлари бўлмаган Кребс эритмасида гипоксия шароитида ФЭ билан қисқариш чақиритиш орқали амалга оширилди. Ушбу экспериментал шароитларда ФЭ билан чақирилган аорта препарати қисқаришлари асосан IP_3R орқали CP дан Ca^{2+} ионларини чиқарилиши билан боғлиқ ҳисобланади [4]. Ушбу тажрибаларда F-19 алкалоидининг Ca^{2+} -ионлари бўлмаган шароитда ФЭ билан чақирилган аорта препаратларида гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияни сезиларли даражада камайтирганлиги аниқланди. Жумладан, ушбу шароитда F-19 алкалоиди (26,1 мкМ) гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияни 9,8±3,9 фоиз га камайтириши аниқланди (4-расм).



4-расм. F-19 алкалоидининг Ca^{2+} -ионлари мавжуд бўлмаган шароитда ФЭ билан чақирилган аорта препарати қисқаришларида гипоксия келтириб чиқарадиган вазорелаксацияга таъсири. Ордината ўқида – аорта препарати қисқариш кучи фоизда ифодаланган, 1 мкМ ФЭ ёрдамида чақирилган қисқариш кучи 100 фоиз деб олинган (** $p < 0,01$; $n=4$).

Ушбу натижалар, F-19 алкалоидини CP дан Ca²⁺-ионлари ажралиб чиқишини модуляция қилиш, шунингдек, IP₃R функционал фаоллигини протекция қилиши мумкинлигини кўрсатди.

Хулоса. Ушбу натижалар шуни кўрсатадики, F-19 алкалоиди ФЭ билан индуцирланган қисқариш шароитида гипоксиянинг вазорелаксат таъсирини сезиларли даражада камайтиради. Натижалар, ўрганилаётган алкалоиднинг KCl ва ФЭ билан индуцирланган қисқариш шароитида гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияни камайтириши, уларнинг гипоксия шароитида Ca²⁺_L-каналлари ва IP₃R функциясининг оксидатив зарарланишининг олдини олиши мумкинлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Csányi G., Miller F.J. Oxidative stress in cardiovascular disease // *Int J Mol Sci.* – 2014. V.15. – P.6002-6008.
2. Valko M., Leibfritz D, Moncol J, Cronin MT, Mazur M, Telser J. Free radicals and antioxidants in normal physiological functions and human disease // *The International Journal of Biochemistry & Cell Biology.* – 2007. – V.39(1). – P.44-84.
3. Oparil S., Schmieder R.E. New approaches in the treatment of hypertension. // *Circ.* – 2015. – V.116. – P.1074-1095.
4. Somlyo A.V., Bond M., Somlyo A.P., Scarpa A. Inositol trisphosphate-induced calcium release and contraction in vascular smooth muscle // *Proc. Natl. Acad. Sci.* – 1985. – V.82. – P.5231-5235.
5. Touyz R.M., Herrmann S.M.S., Herrmann J. Vascular toxicities with VEGF inhibitor therapies-focus on hypertension and arterial thrombotic events // *J Am Soc Hypertens* – 2018. – V.12. – P.409-425.
6. Moreland S., Coburn R.F., Baron C.B., Moreland R.S. Mechanical and biochemical events during hypoxia-induced relaxations of rabbit aorta // *Adv Exp Biol Med.* – 1991. – V.304. – P.147-157.
7. Daut J., Maier-Rudolph W., von Beckerath N., Mehrke G., Gunther K., Goedel-Meinen L. Hypoxic dilation of coronary arteries is mediated by ATP-sensitive potassium channels // *Science* – 1990. – V.247. – P.1341-1344.
8. Hedegaard E.R., Nielsen B.D., Kun A., Hughes A.D., Kroingaard C., Mogensen S., Matchkov V.V., Frobert O., Simonsen U. Kv7 channels are involved in hypoxia-induced vasodilatation of porcine coronary arteries // *Brit. J.Pharmacol.* – 2014. – V.171(1). – P.69-82.

Наширга проф. Л. Ёзиев тавсия этган

СУВ ОМБОРЛАРИ, СУВ ҲАВЗАЛАРИГА ЯҚИН ҲУДУДЛАРНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШДА Фойдаланиладиган ИСТИҚБОЛЛИ ДАРАХТ ВА БУТАЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ ВА УЛАРНИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

Абдиназаров С., Самадов И., Рахимова Н., Темиров Э.
(ЎЗР ФА Ботаника институти хузуридаги Тошкент Ботаника боғи)

Аннотация. Ушбу мақолада сув омборлари, сув ҳавзалари ҳудудида техноген фалокатларнинг олдини олишнинг самарали усуллари, тупроқни шамол ва сув эрозиясидан ҳимоя қиладиган, тупроқни мустаҳкамлайдиган дарахтзорлар яратиш ва истиқболли дарахт ва буталарни кўпайтириш ва етиштириш агротехникаси тўғрисида маълумотлар келтирилган. Олинган маълумотлардан Республикамиздаги мавжуд сув омборлари ҳудудларида ҳимоя ихотазорларини барпо этиш, шунингдек, тадқиқот объектлари сифатида танланган истиқболли, чидамли дарахт ва бута турларидан автомобил йўл ёқаларини кўкаламзорлаштиришда ҳамда ўрмонзорлар барпо этишда фойдаланиш мумкин.

Таянч сўзлар: *Ботаника боғи, сув омборлари, дарахт, бута, мослашиш, интродукция, кўкаламзорлаштириш, экология.*

Annotation. This article provides information on effective methods of preventing man-made disasters in reservoirs, reservoirs, the creation of plantings that protect the soil from wind and water erosion, strengthen the soil, and agricultural techniques for breeding and growing promising species of trees and shrubs. The data obtained can be used in the construction of protective groves on the territories of the existing reservoirs of our Republic, as well as in the landscaping of roadsides and in the construction of woodlands from promising, sustainable species of trees and shrubs selected as research objects.

Key words: *Botanical garden, reservoirs, tree, shrub, adaptation, introduction, landscaping, ecology.*

Аннотация. В данной статье представлена информация об эффективных методах предотвращения техногенных катастроф на территории водохранилищ, водоемов, создание насаждений, защищающих почву от ветровой и водной эрозии, укрепляющих почву и агротехники для разведения и выращивания перспективных видов деревьев и кустарников. Полученные данные могут быть использованы при строительстве защитных рощ на территориях действующих водохранилищ нашей Республики, а также при озеленении обочин дорог и при строительстве лесных массивов из перспективных, устойчивых видов деревьев и кустарников, выбранных в качестве объектов исследования.

Ключевые слова: Ботанический сад, водохранилище, дерево, кустарник, адаптация, интродукция, озеленение, экология.

Кириш. Маълумки, сўнги йилларда Республикамизда экологик ҳолатнинг бирмунча салбийлашганлиги, ёз ойларида кучли совуқ ёки қишнинг кескин совуқ ва қуруқ келиши каби ҳолатлар қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқаришга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказмоқда. Ушбу ҳолатлар Республикамиз сув заҳираларининг ҳам камайишига олиб келмоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда, Республикамиздаги мавжуд сув заҳираларидан унумли фойдаланиш, сув омборлари ҳудудларида яшил ҳудудлар ва ихота дарахтзорларини барпо этиш ҳамда техноген фалокатларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот мақсади. Сардоба сув омбори тўғонида юзага келган фавқулудда ҳодиса оқибатларини бартараф этишда ҳамда суғориладиган ерларни шамол ва сув эрозиясидан ҳимоя қилиш, ҳудуддаги микроклимни яхшилашда дарахт ва буталарнинг маҳаллий иқлим шароитига мослашган, касалликка чидамли ўсимликлар ассортиментини танлаш.

Тадқиқот услублари. Дарахт ва буталарнинг биоэкологик хусусиятлари бўйича Ф.Н. Русанов [1, 2], Т.И. Славкина [3], Л.Х. Ёзиев [4], А.А. Молчанов, В.В. Смирнов [5] тавсиялари; морфологияси, экологияси, интродукцияси бўйича – Лапин П.И., Сиднева С.В. [6] ва А.М. Мингажева [7] услубларидан фойдаланилди.

Сирдарё вилояти ерлари қисман шўрланган ерлар ҳисобланиб, ушбу ерларда ўсимликлар ассортиментидан фойдаланиш бирмунча чекланган. Сирдарё вилояти Сардоба туманининг техноген офат юз берган тадқиқот ҳудудига дарахт ва буталарнинг 10 та турда (жами 1450) ги ассортиментни экилди. *Acer tataricum* subsp. *semenovii* (Regel & Herder) A.E. Murray, *Fraxinus pennsylvanica* Marsh., *Catalpa speciosa* (Warder) Warder ex Engelm., *Salix nigra* Marshall, *Populus bolleana* Louche., *Broussonetia papyrifera* (L.) L'Hér. ex Vent., *Sambucus nigra* L., *Rhus coriaria* L., *Hibiscus syriacus* L., *Cornus sanguinea* L., каби дарахт ва бута турларини экиш 3 та ярус (буталар, ўрта бўйли ва баланд бўйли дарахтлар) асосида амалга оширилиб, ушбу турлар устида тадқиқот ишлари олиб борилди (1-расм).



1-расм. Тадқиқот объектлари экилган ҳудудлар

Дарахт ва буталар ассортиментини, энг аввало, уларнинг юқори ҳароратга, қуруқчиликка ва тузга чидамлилиги, юқори манзаралилиги, ифлосланган ҳавога (чангга) бардошлилиги, юқори яшовчанлиги, тупроқ шароитига талабчан эмаслиги каби хусусиятларидан келиб чиқиб танлаб олинди.

Дарахт ва буталар экилганидан сўнг, ҳафтасига 1 марта суғорилиб, мавсум давомида 3 маротаба қатор оралари юмшатилиб, 2 марта минерал ўғит (азот, фосфор, калий) лар билан озиклантирилди.

Сирдарё вилояти шароитида дарахтларнинг вегетация мавсумининг якунланиши октябрь ойининг 1-чи декадасидан 3-чи декадасигача бўлган ораликда кузатилди. Экилган дарахт турларининг яшовчанлиги бўйича йиллик натижалар (25.10.2021 й.) қуйидагича бўлди: ўсиш шароитига (Сирдарё вилояти) юқори даражада мослашиш кўрсаткичи *Broussonetia papyrifera* да (99 фоиз) қайд этилиб, бунда новдаларининг узунлиги 142-147 см ва *Catalpa speciosa* да (98 фоиз) 61-69 см, кейинги ўринларда – *Acer tataricum* (*Acer semenovii*) (96 фоиз), бунда учки новдаларининг узунлиги 67-70 см, пасткилариники эса 112,2 см ҳамда *Fraxinus pennsylvanica* да (83 фоиз), новдаларининг узунлиги 35-38 см ни ташкил этди. Дарахтларда ярим йиллик натижалардан сўнг сезиларли даражада ўзгариш, яъни пастроқ кўрсаткич *Populus bolleana* да (79 фоиз), новдаларининг узунлиги 56-59 см га етди, қолган барча турлар эса яхши мослашганлиги ва биологик яшовчанлигини сақлаб қолганлиги қайд этилди.


Экилган бута турларининг яшовчанлиги бўйича йиллик натижалар (25.10.2021 й.) қуйидагича бўлди: юқори даражадаги ўсиш шароитига мослашиш кўрсаткичи **буталардан** *Hibiscus syriacus* да (98 фоиз), бунда вегетация якунидаги новдаларининг узунлиги 12-16 см ни ташкил этди; кейинги ўринларда эса *Rhus coriaria* (87 фоиз) – новдаларининг узунлиги 137-140 см ва *Cornus sanguinea* – (69 фоиз), бунда учки новдаларининг узунлиги 52-57 см, пасткилариники эса – 61-87 см ни ташкил этди (2-расм). Энг паст кўрсаткич *Sambucus nigra* да қайд этилиб, ўсимликнинг яшовчанлиги фақатгина 2 фоизни ташкил этиб, 98 фоизи нобуд бўлган. Бу эса, ўз навбатида, ушбу турнинг кескин ўсиш шароитидаги иссиқликка ва курғоқчиликка бардош бера олмаганлигидан далолат беради.



а-24 март



б-30 апрель



с-10 сентябрь



д-15 октябрь

2-расм. Тадқиқот олиб борилган ҳудуд шароитида айрим дарахт ва бута турларининг ўсиб ривожланиши

Шундай қилиб, буталарда вегетация якунида сақланиб қолиш кўрсаткичи *Cornus sanguinea* (69 фоиз) ва *Sambucus nigra* (2 фоиз) дан ташқари, барча турларда юқори (87-98 фоиз) эканлиги кузатилди. Сақланиб қолиш даражаси паст бўлган турлар *Cornus sanguinea* ва *Sambucus nigra* эканлиги қайд этилди. Уларнинг мослашиш даражасининг пастлигига асосий салбий омиллар – иссиқлик ва тупроқдаги намликнинг паст эканлиги, шунингдек,

ушбу буталарнинг ўз ватанида ҳам ўрмон ости иккинчи ярус буталари сифатида яхши ўсиб ривожланишидадир.

Тажрибалардан маълум бўлдики, ушбу турларни юқоридаги каби иқлим шароитларига эга бўлган ҳудудларга экишда уларни аввалдан экилган баланд бўйли дарахтлар остига иккинчи ярус буталари сифатида фойдаланиш мумкинлиги кузатилди.

Илмий тадқиқот давомида техноген офат юз берган ҳудудларда экилган ассортиментларнинг яшовчанлиги, ўсиш ва ривожланиш ҳолатини Ботаника боғи шароитидаги объектлар билан қиёсий таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди:

Сирдарё вилояти Сардоба туманига экилган дарахтларнинг яшовчанлиги Тошкент Ботаника боғидаги объектлар билан қиёсий таҳлил қилинганда бўйи 3-5 м бўлган 3-5 ёшли кўчатларнинг ён шохларининг узунлиги қуйидагиларни ташкил этди. *Populus bolleana* Ботаника боғида 152 см ни, Сардоба туманида 140 см ни, *Broussonetia papyrifera* Ботаника боғида 130 см ни, Сардоба туманида 119,8 см ни, *Catalpa speciosa* Ботаника боғида 46 см ни, Сардоба туманида 39,4 см ни; кейинги ўринларда – *Acer tataricum* (*Acer semenovii*) – Ботаника боғида 55 см ни, Сардоба туманида 32 см ни ҳамда *Fraxinus pennsylvanica* Ботаника боғида 46,5 см ни, Сардоба туманида эса 35,9 см ни ташкил этди. Дарахтларда ён шохларининг узунлиги бўйича катта фарқ кузатилмади (1-жадвал).

1-жадвал.

Экилган дарахтларнинг ўсиш ва ривожланиш ҳолатини Ботаника боғи шароитидаги объектлар билан қиёсий таҳлили

Дарахтлар	Ботаника боғида			Сардобада		
	Ёши	Бўйи (м)	Ён шохлар узунлиги ўртача (см)	Ёши	Бўйи (м)	Ён шохлар узунлиги ўртача (см)
<i>Broussonetia papyrifera</i>	5	5	130	5	3	119,8
<i>Acer semenovi</i>	5	3	55	5	3	32
<i>Catalpa speciosa</i>	3	3	46	3	3	39,4
<i>Populus bolleana</i>	3	3-4	152	3	3-4	140
<i>Fraxinus pennsylvanica</i>	3	3-4	46,5	3	3-4	35,9

Сардоба туманига экилган буталарнинг яшовчанлиги Тошкент Ботаника боғидаги объектлар билан қиёсий таҳлил қилинганда бўйи 2-4 м бўлган 3-4 ёшли кўчатларнинг ён шохларининг узунлиги қуйидагиларни ташкил этди: *Rhus coriaria* – Ботаника боғида 106,4 см ни, Сардоба туманида 103,2 см ни, *Hibiscus syriacus* – Ботаника боғида 34,5 см ни, Сардоба туманида эса 16,9 см ни, *Cornus sanguinea* Ботаника боғида 65,8 см ни, Сардоба туманида эса 37,3 см ни *Sambucus nigra* – Ботаника боғида 40 см ни Сардоба туманида 15 см ни ташкил этди (2-жадвал).

2-жадвал.

Экилган буталарнинг ўсиш ва ривожланиш ҳолатини Ботаника боғи шароитидаги объектлар билан қиёсий таҳлили

Буталар	Ботаника боғида			Сардобада		
	Ёши	Бўйи (м)	Ён шохлар узунлиги ўртача (см)	Ёши	Бўйи (м)	Ён шохлар узунлиги ўртача (см)
<i>Rhus coriaria</i>	4	4	106,4	4	3,5	103,2
<i>Hibiscus syriacus</i>	3	3	34,5	3	3,5	16,9
<i>Cornus sanguinea</i>	3	4	65,8	3	3	37,3
<i>Sambucus nigra</i>	4	3,5	40	4	2	15

Дарахт ва бута турларини экишда уларнинг биологиясидан келиб чиқиб, паст бўйли буталар биринчи қаторга, ўрта бўйлилари иккинчи қаторга ҳамда баланд бўйли дарахтлар эса орқа тарафга экилиши мақсадга мувофиқ.

Ихотазорлар барпо этишда танланган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитларини инобатга олиш зарур. Ерни экишга тайёрлаш даврида агрохимик таҳлил натижасида тупроқнинг механик таркиби, структураси ва унумдорлиги аниқланади. Кучли шўрланган ерларнинг шўри ювилади. Агрохимёвий таҳлил ёрдамида минерал ўғитлар солиш миқдори аниқланади. Унумдор ерларнинг ҳар гектарига 50 тонна, ҳайдалиб соз ҳолга келтирилган ва қўшимча тупроқлар билан тўлдирилган майдонларга 200 тоннадан органик ўғитлар солиш яхши натижа беради [8] (*Республикамиз тупроқ шароитлардан келиб чиққан ҳолда органик ўғитлар сарф меъёри ўзгариши мумкин*).

Яшил майдонлар ва ихотазорлар яратишда дарахт ва буталарнинг 2-4 йиллик кўчатларидан фойдаланилади. Қаторлар, аллеялар яратиш, солитерлар экишда 5-12 йиллик кўчатлар, шунингдек, пайванд қилинган дарахтларнинг энг юксак манзарали шаклларида фойдаланилади. 8-12 ёшли йирик кўчатлар илдиз тупроқлари билан экилади. Дарахт ва буталарни экиш – яшил майдон ва ихотазорлар барпо этишда энг муҳим ишлардан биридир, чунки кўчат ўзи мослашган шароитдан ўзга шароитга кўчириб ўтказилади. Манзарали дарахтларнинг йирик кўчатлари, турларига қараб 6-10 ёшда кўчириб ўтказилганда яхши натижалар беришини исботлаган. Экиш учун кўчатларни кўчириб олингандан кейин илдиз қисмини 15 минутдан ортиқ очик қолдириш тавсия этилмайди. Япроқли дарахтларни кўчириб ўтказиш ишларини баҳор мавсумида, февраль ва март ойларида, дарахтда барглар пайдо бўлгунга қадар амалга оширган маъқул. Эмандан ташқари бошқа барча япроқли ўсимликларнинг кўчатлари илдиз тупроқлари билан кўчирилиши шарт эмас, лекин кўчириш жараёнида ўсимликнинг илдиз тизими имкон қадар зарарланмаслиги лозим, уларни усти ёпиқ машиналарда ташиш, илдизлар эса юмшоқ материаллар билан яхшилаб ўралган бўлиши шарт. Илдизнинг тупроқлари билан кўчирилганда эса ишларни бутун қиш давомида амалга ошириш мумкин. Илдиз атрофидаги музлаган тупроқ (-15°C дан паст бўлмаслиги керак) уни зарарланишдан асрайди ва кўчириб ўтказиш яхши натижа беради.

Буталарни кўчириб ўтказиш муддатлари ҳам худди япроқли дарахтларникига ўхшайди. Доим яшил буталарни (шамшод, магония, япон нормушки) одатда, илдизнинг тупроқлари билан кўчириб ўтказилади. Кўчат экиш учун тайёрланган чуқурлар кўчириладиган кўчатнинг ёши ва жойнинг тупроқ шароитига боғлиқ. Текисланган майдонларида 2-4 ёшли кўчатларни экиш учун чуқурлар ўлчами 0,9 x 0,9 x 1 м; 5-12 ёшли йирик кўчатлар учун – 1,5 x 1,5 x 1 м; буталар учун – 0,6 x 0,6 x 0,6 м; яшил деворлар учун траншеялар – 0,5 x 0,5 м ҳажмда бўлишини талаб қилади.

Яшил майдон ва ихотазорлар учун экилган дарахтзорларнинг ҳолати, уларни кўзланган мақсадга мос равишда хизмат қилишини таъминлаш кўп жиҳатдан бу дарахтларни парваришlashга боғлиқ. Дарахт ва буталарни парваришlash улар танасининг атрофини имкон қадар кенгроқ масофада юмшатиш, муттасил суғориб туриш, бегона ўтлардан тозалаш, минерал ва органик ўғитлар билан озиклантириш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш, танасини тозалаб туриш, шох-шаббасини ўз вақтида кесишдан иборат. Дарахт ва буталарни парваришlashга, айниқса, дастлабки йилларда яхши эътибор қаратилиши керак. Атрофни юмшатиш ва уларни кондириб суғоришда намлик камида 1 м чуқурликкача сингиб бориши лозим. Кўкаламзорлаштирилган майдонларга 1000 м³/га ҳисобидан 60 м³/га/соат сув берилиши ва мавсумда эса 12-15 марта суғорилиши лозим. Суғориш ўрта ҳисобда ҳар 15-25 кунда амалга оширилиши, мавсумнинг биринчи ярмида кўпроқ, иккинчи ярмида эса камроқ суғориш тавсия этилади [8].

Ўсимликнинг биологик хусусиятларини, ўсиш ва ривожланишини эътиборга олган ҳолда уларнинг шох-шаббаларига шакл бериш дарахтзорларнинг ер устки қисмини парваришlash тадбирларининг асосийларидан бири саналади. Секин ўсадиган дарахтларда улар новдасини 20-50 фоиз, тез ўсувчиларда эса 60-70 фоизга қискартириш шох-шаббанинг бир маромда тўқис ўсишини таъминлаш мақсадида бажарилади.

Дарахтларни кесишда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур:

– новдалар куртакнинг устидан (ички ёки ташки) ўткир асбобда кесилади. Майда шох

ва бачкилар тана пўсти сатҳи билан текис қилиб кесилади. Кесилгандан ҳосил бўлган нотекисликлар боғ пичоғи ёрдамида силлиқланади;

– йирик шохларни кесишда дастлаб маълум масофада шох икки томондан (пастдан ва юқоридан) арраланиб олиб ташланади. Асосий танага бирикишдан ҳосил бўлган кенгайган қисми пўстлоқ сатҳига имкон қадар яқин қилиб кесилади;

– кесилган жойларда тўнка ҳосил бўлишига йўл қўйилмайди, чунки кейинчалик улар чириб ўрнида бўшлиқ ҳосил бўлади ёки ўсадиган бўлса, ўрни дўппайиб танани хунуклашиб қолишига сабаб бўлади;

– кесилган жой яхшилаб текисланади ва унинг ўрнига ёғли бўёқ суркаб қўйилади;

– шох кесиб танланганидан бир йил ўтгач, унинг ёнидан ўсиб чиққан новдалардан ўзакли новдаларни шакллантириш учун уларнинг яхши ўсганлари қолдирилади, қолганлари эса олиб ташланади.

Нинабаргли дарахтлар (арча, туя, қарағай, сарв) ҳам кесилади: қарағайлар санитария мақсадларида, қолганлари шох-шаббаларини шакллантириш ва шакл бериш учун қирқиради.

Буталарнинг барчаси ҳар йили кесилади. Буталарни тўғри кесиш учун уларнинг биологик хусусиятларини яхши билиш лозим. Эрта гуллайдиган (форзиция, настарин, оддий бодрезак -Бульденеж, вангутт тобулғиси) буталар гуллаганидан кейин дарҳол кесилади. Кеч гуллайдиган (буддлея, маржондарахт, дейция, вейгела, филаделфус (жасмин), хинд настарини, сурия гибискуси) буталар эса кеч кузда ёки эрта баҳорда кесилади.

Кераксиз шохлар буталиб, қатор оралари бегона ўтлардан тозалангач, ўсимликлар озиклантирилади. Бунда 1 п.м. жойга 1-2 челақ гўнг ва 100 г минерал ўғит (N:P:K) ларнинг жамланмаси солинади, тупроқ ағдарилиб аралаштирилади ва дарахт ва буталарнинг илдиз атрофлари юмшатилади. Шунингдек, куз ойларида дарахт ва буталарга тупрокни юмшатиш учун аммофос минерал ўғитини солиш ҳам яхши натижа беради.

Танланган ассортиментларни кўпайтириш усуллари.

Дарахт ва буталар **уруғидан** ҳамда **вегетатив** усулларда кўпайтирилади. Уруғдан (табиий) кўпайтириш – осон, қулай ва самарали. Лекин барча манзарали ўсимликлар ҳам уруғидан кўпаявермайди. Айрим дарахт ва буталарни фақат вегетатив усулда кўпайтирилади. Хусусан, танланган 18 турдаги (Пенсилвания шумтоли, Гўзал катальпа, Шумтол баргли заранг, Семёнов заранги, Канада багрянниги, Оддий эман, Айлант, Қайрағоч, Майдабаргли қайрағоч, Терак, Қора тол, Қора маржон, Сирка, Қоғоз дарахти, Дереза, Шилви, Сахалин гречихаси, Туркистон дўланаси) ассортиментлардан 16 таси (Пенсилвания шумтоли, Гўзал катальпа, Шумтол баргли заранг, Семёнов заранги, Канада багрянниги, Оддий эман, Айлант, Қайрағоч, Майдабаргли қайрағоч, Қора маржон, Сирка, Қоғоз дарахти, Дереза, Шилви, Сахалин гречихаси, Туркистон дўланаси) уруғидан яхши кўпайса, 7 таси (Терак, Қора тол, Қора маржон, Сирка, Дереза, Шилви, Сахалин гречихаси) вегетатив (қаламча) усулда яхши кўпайиши аниқланган. Мазкур танланган ассортиментларнинг 5 таси (Қора маржон, Сирка, Дереза, Шилви, Сахалин гречихаси) ҳам уруғидан, ҳам қаламчаларидан яхши кўпаяди.

Вегетатив усулда кўпайтиришда очиқ уруғли ўсимликларда, асосан, бир ва икки йиллик вегетатив новдаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилса, **генератив** усулда кўпайтириш уруғлари орқали амалга оширилади [9, 10, 11]. Игнабаргли дарахтларни уруғидан ва вегетатив усулда кўпайтиришдан ташқари пайванд усулида ҳам кўпайтирилади.

Тадқиқот объекти ҳисобланган ўсимликларни Тошкент Ботаника боғи шароитида генератив (уруғи) ва вегетатив (новда) усулда кўпайтириш амалга оширилди.

Турли ўсимликлар уруғларининг тиним даври турлича бўлади. Узоқ муддатли тиним даврига эга бўлган ва секин унувчи уруғлар махсус ишлов бериш – стратификация, скарификация ва қайноқ сувга ботириш сингари усулларни қўллаш орқали ундирилади.

Стратификация деганда, уруғлар одатдаги шароитда униб чиқмаса, уларни униб чиқишлари учун махсус шароит яратиш тушунилади. Бунда уруғ ўзидан уч ҳисса кўп миқдордаги нам кум билан аралаштирилиб, 4-6°C ҳароратдаги ертўлада, ёғоч яшиқлар ёки ўраларда сақланади. Уруғ солинган кумни ҳар 15 кунда аралаштириб туриш мақсадга мувофиқ. Бўртган ёки униб чиққан уруғлар дарҳол бошқа жойга кўчириб ўтказилади. Скарификация қилинган уруғлар сувда ивितिб қўйилади ва улар бўртиб чиққандан кейин экилади (3-жадвал).

3-жадвал. Асосий манзарали дарахтларни уруғдан кўпайтириш агротехникаси

Дарахт номи	Уруғни тайёрлаш муддати, ойлар	Экишга тайёрлаш усули	Экиш муддати	Экиш чуқурлиги, см	Экиш миқдори, м/г	Устига ёғоч қириндиси сепиш
Қоғоз дарахти	IX- X	Кузда янги терилган уруғлар экилади, баҳорда экиш учун стратификация қилинади	Куз, баҳор	0,5-1	8	+
Сурия атиргули	XI	Талаб қилинмайди	Куз, баҳор	05-1	8	+
Дала заранг	IX-X	3 ой давомида стратификация қилинади	Баҳор	4	10	+
Кумуш заранг	IV-V	Талаб қилинмайди	Териб олингач дарҳол экилади	4	8	+
Катальпа	X	Талаб қилинмайди	Баҳор	3-4	3-4	+
Каштан	X	Териб ёки стратификация қилиниб, тезда экилади	Куз, баҳор	10	250	+
Терак	X	Тозаланади, ювилиб сояда қуритилади. Баҳорги экишда стратификация қилинади	Куз, баҳор	2-3	10	+
Совун дарахти	IX	3 ой давомида стратификация қилинади	Куз, баҳор	3	8	+
Софора	X	Талаб қилинмайди	Куз, баҳор	3-4	12	+
Канада багрянниги	IX	Талаб қилинмайди	Баҳор	2	10	+
Сирка дарахти	X-XI	15-20 кун сувда ивителиади	Апрель охири	Тупроқ юзасига	8-10	-
Оддий шумтол	X	Териб, дарҳол стратификация қилинади	Баҳор	3-4	6-8	-
Пенсильвания шумтоли	X	Талаб қилинмайди	Баҳор	3-4	6-8	-
Эман	IX-X	Териб, дарҳол экилади	Куз	5-6	150	+

Манзарали дарахтлар етиштириладиган питомникларда ўсимликларни қаламчасидан кўпайтириш ва пайвандлаш усуллари кенг қўлланилади.

Ёғочлашган новдаларидан терак, тол, бирючина; яшил, яъни ҳали тўлиқ ёғочланмаган шу йилги новдалардан – деярли барча буталар (атиргул, чубушник, форзиция, дейция, буддлея, япон нормушки, шамшод) ва айрим нинабарглилар (можжевельник, сарв, туя ва б.) кўпайтирилади [8]. Селекция орқали яратилган дарахтларнинг манзарали формалари уруғидан кўпайтирилганда, аксарият ҳолларда ўзларининг қимматли хусусиятларини сақлаб қола олмайди. Бундай формаларни сақлаб қолиш учун улар олдиндан тайёрланган пайвандтагларга пайвандлаш орқали амалга оширилади. Ўзбекистонда кўкаламзорлаштириш ишларида шарсимон акация, йиғлоқи тут, шарсимон қайрағоч, заранг, шумтолларнинг ноёб формалари ва бошқа ўсимликлар айнан шу усулдан фойдаланиланиб кўпайтирилади.

Ўзбекистонда манзарали дарахт ва буталарни яшил қаламчалардан кўпайтириш кенг қўлланилади. Бу усул билан нинабаргли дарахтларларнинг жуда кўп турлари кўпайтирилади. Жумладан, виргиния можжевельниги, сабина можжевельниги, оддий можжевельник ва уларнинг турли формаларини, туя ва шарқ сарвининг барча хиллари, канада қорақарағайининг кумуш тусли формаси, жуда кўп япроқли дарахт турлари; доимий яшил ва барг тўқувчи буталарнинг барча тур ва формаларини кўпайтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, сув иншоотлари худудини кўкаламзорлаштириш ва уларда рўй бериши мумкин бўлган техноген хавфни камайтириш йўллари ишлаб чиқишда маҳаллий иқлим шароитларига мўлжалланган, сув ҳавзалари худудида экологик ҳолатни меъёрлаштиришга хизмат қилувчи, тупроқ эрозияси ва бошқа салбий омилларни камайтиришда қўл келадиган турлардан унумли фойдаланиш орқали табиий офатларни олдини олишга ҳисса қўшиш мумкин. Сув ҳавзалари худудида яратилган дарахтзорлар турли техноген хавфларни камайтиришдан ташқари, фитосанитар аҳамиятга ҳам эга бўлиб, кислород ва фитонцидлар ишлаб чиқариш, барг юзасида чангларни тутиб қолиш орқали микроиқлим ўзгаради, аҳолининг экологик шароитини яхшилашга хизмат қилади. Лойиҳа йўналиши бўйича олиб борилган тадқиқотлар кам сарф-харажат эвазига сув ҳавзалари худудлари учун дарахт ва буталар ассортиментини шакллантириш орқали сув ҳавзалари худудида техноген хавфларнинг олдини олишга, худудга яқин аҳоли пунктларида экологик ҳолатни мўътадиллаштиришга қаратилган. Лойиҳа доирасида олинган маълумотлар асосида Республикамиздаги мавжуд сув омборлари худудларида химоя ихотазорларини барпо этиш, шунингдек, тадқиқот объектлари сифатида танланган истиқболли, чидамли турлардан автомобил йўл ёқаларини кўкаламзорлаштиришда ҳамда ўрмонзорлар барпо этишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Русанов Ф.Н. Методы родовых комплексов в интродукции растений и их дальнейшее развитие // Бюл. Гл. ботан. сада. – М., 1962. Вып. 45. – С. 73-80.
2. Русанов Ф.Н. Принципы и методы изучения коллекции интродуцированных живых растений в ботанических садах // Бюлл. Гл. ботан. сада АН СССР. – М., 1976. Вып. 100. – С. 26-29.
3. Славкина Т.И. Голосеменные. – Ташкент: Фан, 1968. – С. 327-435.
4. Л.Х. Ёзиев Опыт интродукции древесных растений в южный Узбекистан. – Ташкент: Фан, 2001. – 210 с.
5. Молчанов А.А., Смирнов В.В. Методика изучения прироста древесных растений. – М.: Наука, 1967. – 100 с.
6. Лапин П.И., Сиднева С.В. Оценка перспективности интродукции древесных растений по данным визуальных наблюдений // Опыт интродукции древесных растений. – М.: ГБС АН СССР, 1973. – С. 7- 80.
7. Мингажева А.М. Методическое пособие по интродукции древесно-кустарниковых пород. – Уфа, 2017. – 74 с.
8. С.Х. Абдиназаров, В.П. Печеницын, Л.Х. Ёзиев, М.Д Тургунов Ўзбекистон шаҳарларини кўкаламзорлаштириш. – Тошкент: Фан, ЎЗР ФА. 2020. – 160 б.
9. Докучаева М.И. Черенкование хвойных пород в переносных парниках // Лесное хозяйство, 1962. – №11. – С.38.

10. Шкутко Н.В. Размножение туи, можжевельника, кипарисовика и тисса стеблевыми черенками в Белоруссии. Рекомендации. – Минск, 1988. – 11 с.

11. Гаранович И.М., Антонова Е.В. Особенности черенкования можжевельников. – Лесное хозяйство, 1997. – № 2. – С. 39-40.

Нашрга проф. Л.Ёзиев тавсия этган

ФАУНА И ЛАНДШАФТНО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ГЕЛЬМИНТОВ МЕЛКОГО РОГАТОГО СКОТА В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА

Дадаев С.Д. (ТГПУ), Палуаниязова Д.А. (КГУ), Тлепова Г.Ж. (КГУ)

Annotatsiya. Maqolada O‘zbekiston sharoitida *mayda* shoxli mollar gelmintlarining faunasi va landshaft-geografik xususiyatlari yoritilgan. Olib borilgan tadqiqotlarimiz va adabiyotlar ma’lumotlarini tahlil qilishimiz natijalariga ko‘ra, O‘zbekistonda *mayda* shoxli mollarda gelmintlarning 110 turi qayd etilgan. Ulardan 106 turi qo‘ylarga, 74 turi echkilarga tegishligi aniqlandi.

Tayanch so‘zlar: fauna, gelmint, omil, aylanma, biotsenoz, tekislik, tog‘ oldi-tog‘.

Аннотация: В статье освещаются фауна и ландшафтно-географические особенности гельминтов мелкого рогатого скота в условиях Узбекистана. По результатам собственных исследований и анализа данных литературы, у мелкого рогатого скота Узбекистана зарегистрировано 110 видов гельминтов. Из них 106 видов относятся к овцам, 74 вида - к козам.

Ключевые слова: фауна, гельминт, фактор, циркуляция, биоценоз, равнинный, предгорно-горный.

Annotation. The article highlights the fauna and landscape-geographical features of helminthes of small cattle in the conditions of Uzbekistan. According to the results of our own research and analysis of literature data, 110 species of helminthes have been registered in small cattle of Uzbekistan. Of these, 106 species belong to sheep, 74 species to goats.

Key words: fauna, helminthes, factor, circulation, biocenosis, plain, foothill-mountain.

Введение. Степень распространения гельминтов продуктивных животных, в том числе, мелкого рогатого скота Узбекистана, находится в прямой зависимости от климатических и географических условий пастбищных территорий и внешних факторов (температура, влажность и др.), которые тормозят или способствуют развитию и сохранению инвазионных элементов во внешней среде.

Следовательно, необычайное разнообразие природно-климатических условий Узбекистана, безусловно, накладывает свой отпечаток на формирование и распространение фауны гельминтов копытных животных, в том числе, мелкого рогатого скота, а также на их циркуляцию в биогеоценозах данного региона.

Несмотря на многочисленные исследования и публикации о гельминтах мелкого рогатого скота Узбекистана (значительная часть которых выполнена авторами), указанные материалы в ландшафтно-экологическом аспекте нуждаются в дополнительном анализе и обобщении [1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11].

Исходя из этого, изучение ландшафтно-экологических особенностей гельминтов мелкого рогатого скота в различных условиях Узбекистана имеет важное теоретическое и практическое значение.

Цель исследования. Целью данного исследования является обобщение и анализ результатов наших многолетних исследований и данных литературы по фауне и ландшафтно-экологическим особенностям гельминтов мелкого рогатого скота в различных регионах Узбекистана.

Объектами исследований являются гельминты-паразиты мелкого рогатого скота Узбекистана.

Предмет исследования-фауна и экология гельминтов мелкого рогатого скота Узбекистана.

Материалы и методы исследования. В основу настоящей работы легли материалы полевых и экспериментальных исследований, проведённые в течение многих лет (1978-2019 гг.) в лаборатории паразитологии Института зоологии АН РУз и на кафедре Зоологии и анатомии Ташкентского государственного педагогического университета имени Низами.

Степень заражённости мелкого рогатого скота гельминтами устанавливалась полными и неполными гельминтологическими вскрытиями животных, а также отдельных их органов по методу К.И. Скрябина [12].

Методом полных гельминтологических вскрытий исследовано 900 голов овец и 120 голов коз. Кроме того, для изучения эпизоотологии возбудителей основных гельминтозов методом полных и неполных гельминтологических вскрытий исследовано также около 22460 комплектов отдельных органов овец и 389 - коз на мясокомбинатах и убойных площадках различных животноводческих хозяйств нашей республики.

Гельминтологический материал от мелкого рогатого скота собирался в пяти регионах Узбекистана: Северо-восточный (Ташкентская, Сырдарьинская, Джизакская обл.), Восточный (Ферганская, Андижанская, Наманганская обл.), Центральный (Бухарская, Навоийская обл.), Южный (Сурхандарьинская, Кашкадарьинская обл.), Северо-западный (Хорезмская обл., Рес. Каракалпакстан). При этом, животные исследовались на мясокомбинатах и в убойных пунктах Андижанской, Наманганской, Ферганской, Самаркандской, Джизакской, Сырдарьинской, Ташкентской, Бухарской, Навоийской, Кашкадарьинской, Сурхандарьинской, Хорезмской областей и Республики Каракалпакстан. Изучение морфологии и идентификация паразитов проводились на временных и постоянных препаратах в соответствии с определителями и описаниями, приведёнными в работах отечественных и зарубежных исследователей.

Результаты и обсуждение. По результатам наших многолетних исследований и анализа данных литературы, у мелкого рогатого скота Узбекистана зарегистрировано 110 видов гельминтов: *Moniezia expansa*, *M. benedeni*, *M. autumnalia*, *M. alba*, *Avitellina centripunctata*, *Thysaniezia giardi*, *Stilesia globipunctata*, *Taenia hvdatigena (larvae)*, *T. ovis (larvae)*, *Multiceps multiceps (larvae)*, *M. skrjabini (larvae)*, *M. gaigeri (larvae)*, *Echinococcus granulosus (larvae)*, *Alveococcus multilocularis (larvae)*, *Hasstilesia ovis*, *Fasciola hepatica*, *F. gigantica*, *F. indica*, *Dicrocoelium dendriticum*, *Paramphistomum ichikawai*, *Calicophoron calicophorum*, *C. erschowi*, *Gastrothylax cruminiifera*, *Orientobilharzia turkestanica*, *Trichocephalus ovis*, *T. skrjabini*, *Strongyloides papillosus*, *Bunostomum trigonocephalum*, *B. phlebotomum*, *Chabertia ovina*, *Oesophagostomum venulosum*, *O. columbianum*, *Dictyocaulus filaria*, *Protostrongylus raillieti*, *P. davtiani*, *P. skrjabini*, *P. hobmaeri*, *P. rufescens*, *P. caprae*, *Spiculocaulus kwongi*, *S. leuckarti*, *S. orloffi*, *S. austriacus*, *Muellerius capillaris*, *Cystocaulus ocreatus*, *C. vsevolodovi*, *Neosrongylus linearis*, *Varestrongylus pneumaticus*, *Trichostrongylus axei*, *T. capricola*, *T. colubriformis*, *T. probolurus*, *T. vitrinus*, *T. orientalis*, *T. skrjabini*, *Camelostongylus mentulatus*, *Cooperia oncophora*, *C. punctata*, *C. pectinata*, *Grosspiculagia occidentalis*, *G. belockani*, *G. trifida*, *G. sogdiana*, *Haemonchus contortus*, *H. placei*, *H. longistipes*, *Marshallagia marshalli*, *M. mongolica*, *M. schikhobalovi*, *M. dentispicularis*, *M. uzbekistanica*, *Nematodirus filicollis*, *N. abnormalis*, *N. andreevi*, *N. archari*, *N. assadovi*, *N. brevispiculus*, *N. dogieli*, *N. davtiani*, *N. gazellae*, *N. sugatini*, *N. helvetianus*, *N. oiratianus*, *N. spathiger*, *N. schulzi*, *N. ferghanica*, *Nematodirella longissimespiculata*, *N. cameli*, *Ostertagia ostertagi*, *O. gruhneri*, *O. argunica*, *O. volgensis*, *O. aegagri*, *Orloffia orloffii*, *O. dahurica*, *Skrjabiangia buriatica*, *S. lyrata*, *S. popovi*, *Spiculoptera dagestanica*, *Teladorsagia trifurcata*, *T. circumcincta*, *T. grigoriani*, *Skrjabinema ovis*, *S. caprae*, *Ascaris ovis*, *Gongylonema pulchrum*, *G. verrucosum*, *Parabronema skrjabini*, *Setaria labiatopapillosa*, *Skrjabinodera saiga*.

Из 110 видов гельминтов мелкого рогатого скота Узбекистана 106 видов относятся к овцам и 74 вида - к козам.

Известно, что животные заражаются гельминтами в основном на пастбищах, экологические условия которых способствуют появлению и циркуляции возбудителей инвазий. Узбекистан также занимает обширную территорию с ярко выраженными ландшафтно-географическими зонами, которые, безусловно, влияют на формирование гельминтофаунистических комплексов.

Рассматривая структуру фауны гельминтов мелкого рогатого скота в зависимости от ландшафтно-климатических условий, мы выделяем два гельминтофаунистических комплекса-равнинный и предгорно-горный.

Анализ географического распространения видовых и надвидовых таксонов гельминтов мелкого рогатого скота Узбекистана свидетельствует о высокой общности фаунистических комплексов паразитических червей животных равнин и предгорно-горных

зон. Однако, фаунистические комплексы гельминтов и биологические группировки указанных ландшафтов значительно различаются.

Большая часть территории Узбекистана составляет зону равнин (пустыня Кызылкум, плато Устюрт, Каршинская, Сурхан-Шерабадская, Джизакская степи), которая издавна служит ценным пастбищем для отгонного животноводства. На этой территории широко представлены насекомые, выполняющие роль промежуточных хозяев гельминтов.

Равнинный комплекс охватывает значительные площади орошаемого земледелия, где выращиваются основные сельскохозяйственные и кормовые культуры. В этом комплексе сосредоточено подавляющее поголовье крупного рогатого скота молочного, мясо-молочного и мясного направления.

К равнинному комплексу относятся и речные долины, более богатые травостоем. Как показали исследования, гельминтофауна мелкого рогатого скота равнин представлена 69 видами, состоящими из трематод, цестод и нематод. Следует отметить, что в пустыне и полупустыне распространены, главным образом, нематоды, развивающиеся прямым путем без участия промежуточного хозяина. В речных долинах широко представлены трематоды, в развитии которых принимают участие пресноводные моллюски, а также нематоды, в жизненных циклах которых участвуют многочисленные виды двукрылых насекомых.

Основное ядро гельминтофаунистического комплекса мелкого рогатого скота в равнинной зоне Узбекистана составляет 23 вида.

Здесь отсутствуют гельминты из класса цестод *Moniezia alba*, из класса трематод-*Hasstilesia ovis*, *Fasciola indica* и из класса нематод-*Nematodirus filicollis*, *N. andreevi*, *N. archari*, *N. brevispiculus*, *N. dogieli*, *N. davtiani*, *N. gazellae*, *N. sugatini*, *N. ferghanica*, *Nematodirella longissimespiculata*, *Skrjabinagia lyrata*, *S. popovi*, *Spiculoptera dagestanica*, *Teladorsagia grigoriani*, зарегистрированные в предгорно-горном комплексе. Следует отметить, что одним из ведущих факторов, определяющих становление биоценозов, в том числе, гельминтофаунистических комплексов, в равнинной зоне республики является хозяйственная деятельность человека.

Известно, что за последние десятилетия в республике осуществляется грандиозная работа по освоению и обводнению земель, создаются крупные водохранилища, расширяется ирригационная сеть. Всё это изменяет облик биоценозов, что влияет на формирование фауны гельминтов мелкого рогатого скота, т.е. нарушается исторически сложившаяся система паразит-хозяин. Вследствие этого, происходит изменение качественного и количественного состава гельминтов. Отмечается доминирование одних групп гельминтов и исчезновение других. Так, со вступлением в строй Южно-Сурханского водохранилища на юге Узбекистана, Аму-Бухарского канала в Бухарской и Навоийской областях, освоением и обводнением Голодной степи в северо-восточной части республики, создались условия для развития различных беспозвоночных, в частности, пресноводных моллюсков (*Lymnaea*, *Planorbis*, *Gyraulus*, *Anisus* и др.) и двукрылых насекомых (*Musca*, *Lyperozia*, *Stomoxus*, *Aedes* и др.), распространились и связанные с ними гельминты родов *Fasciola*, *Calicophoron*, *Gastrothylax*, *Orientobilharzia*, *Parabronema*, *Setaria* и др.), вызвавшие эпизоотические вспышки трематодозов и нематодозов среди восприимчивых животных.

Предгорно-горная зона занимает 24,5% территории Узбекистана и эти зоны, как пастбища, по продуктивности значительно превышают равнинные. Основное место здесь занимает разнотравье. Это прекрасные пастбища для всех видов сельскохозяйственных животных. В предгорно-горной зоне, с её значительно изрезанным рельефом, повышенной влажностью и пышным растительным покровом, развито животноводство, в основном, мясо-молочного и мясо-шерстного направлений (крупный рогатый скот, овцы курдючных и мясо-шерстных пород, козы, лошади).

Как видно из вышеизложенного, природно-хозяйственные условия и система ведения животноводства в предгорно-горных экосистемах Узбекистана специфичны, что безусловно, отражается на формировании как фауны животного мира, так и её гельминтов.

Гельминтофауна мелкого рогатого скота предгорно-горного ландшафта Узбекистана представлена 102 видами. Основное ядро комплекса составляет 25 видов.

Здесь широко распространены цестоды-*Echinococcus granulosus (larvae)* и *Taenia hydatigena (larvae)*, для которых мелкий рогатый скот выполняет роль промежуточного хозяина. Зрелые формы этих червей являются паразитами тонкого кишечника плотоядных. Из представителей трематод следует отметить распространение *Dicrocoelium dendriticum*, развивающихся с участием наземных моллюсков и муравьев.

В предгорно-горном ландшафте достаточно широко представлены у мелкого рогатого скота-нематоды, главным образом, влаголюбивые виды из группы *Trichocephalus*, *Chabertia*, *Bunostomum*, *Oesophagostomum*, *Trichostrongylus*, *Nematodirus* и др.).

Богатство фауны гельминтов мелкого рогатого скота предгорно-горного комплекса обусловлено большим разнообразием ландшафтов, растительности, животного мира и большой его плотностью. Следовательно, здесь имеются благоприятные условия для развития наземных моллюсков-промежуточных хозяев дикроцелий, орибатидных клещей-промежуточных хозяев аноплогоцефалов, плотоядных и сельскохозяйственных животных-дефинитивных и промежуточных хозяев тениат.

Из общего числа гельминтов 61 вид отмечен у мелкого рогатого скота как равнинного, так и предгорно-горного комплексов. Это свидетельствует о высокой степени адаптации большинства видов гельминтов к различным условиям внешней среды.

Представленные материалы четко демонстрируют роль ландшафтного разнообразия с учетом их обитателей (беспозвоночные и позвоночные) в формировании фауны гельминтов мелкого рогатого скота Узбекистана.

Следовательно, необычайное разнообразие природно-климатических условий Узбекистана, безусловно, накладывает свой отпечаток на формирование и распространение фауны гельминтов мелкого рогатого скота, а также на их циркуляцию в биогеоценозах данного региона.

Литература

1. Азимов Д.А. Гельминты овец юга Узбекистана и динамика главнейших гельминтозов: Автореф. канд. дисс. – М., 1963. – 22 с.
2. Азимов Д.А., Гехтин В.И., Зимин Ю.М. Гельминтофаунистические комплексы мелкого рогатого скота в Узбекистане. В сб. “Экология и биология паразитических червей животных Узбекистана”. – Ташкент: Фан, 1976. – С. 5-12.
3. Азимов Д.А., Дадаев С.Д., Акрамова Ф.Д., Сапаров К.А. Гельминты жвачных животных Узбекистана. Монография. – Ташкент: Фан, 2015. – 224 с.
4. Баданин Н.В. Вопросы эпизоотологии главнейших гельминтозов каракульской овцы. Труды Узб. гос. с.-х. ин-та им. В.В. Куйбышева, т. 7. – Ташкент, 1949.
5. Дадаев С. Эколого-географические особенности гельминтов домашних копытных животных юга Узбекистана: Автореф. дисс... канд. биол. наук. – М., 1978. – 24 с.
6. Дадаев С. Гельминты позвоночных подотряда Ruminantia Scopoli, 1777 фауны Узбекистана: Автореф. дисс... докт. биол. наук. – Ташкент, 1997. – 56 с.
Кейинги йилларда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва унинг асосий тамойилларидан бири бўлган рационал (соғлом) овқатланишни кенг тарғиб қилишга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада Президентимиз томонидан 2020-йилнинг 6-ноябрида Президент раислигида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари бўйича бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида соғлом турмуш тарзи, соғлом овқатланиш ҳамда жисмоний фаоллик масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, ногўри овқатланиш ва носоғлом турмуш тарзининг салбий оқибатлари ҳақида ёшларимизга болалиқданок ўргатилиши лозимлиги таъкидланди. 2020-йил 10-ноябрда “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда, республика умумий ўрта таълим муассасаларининг юқори синф ўқувчилари учун “Биология” фани таркибида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича “саломатлик сабоқлари” мавзулари, академик лицей, профессионал ва олий таълим муассасаларининг “Жисмоний тарбия” фани доирасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича машғулотлар ўтказилиши, “Соғлом турмуш тарзи” платформасини ишлаб чиқишда кишининг тана вазни ёки Кетле индексини ҳисоблаш, унинг ҳаёт тарзини ҳисобга олган ҳолда кунлик овқатланиш меъёрини тавсия этиш ҳамда истеъмол қилинаётган таом, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликларнинг калориясини ҳисоблаш имконини берувчи тўғри овқатланиш бўлимини яратиш, соғлом ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари хомашёсининг асосий турларини кенгайтириш, озиқ-овқат маҳсулотларини микронутриентлар билан бойитиш, кишиларнинг ёши, жинси, физиологик ҳолати ва касбига кўра, турли аҳоли гуруҳлари учун тавсия этиладиган кунлик овқатланиш меъёрларини ишлаб чиқиш масалаларига эътибор қаратилган.

Тадқиқот объекти ва предмети: Тадқиқотлар 2019 йилнинг қиш мавсумида республикаимизнинг жануби - Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилди. Респондент сифатида Қарши шаҳридаги Қарши давлат университети академик лицейи ва Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти академик лицейи ҳамда Сурхондарё вилоятининг Термиз давлат университети академик лицейи ва Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Термиз филиали академик лицейларида тахсил олаётган ўқувчилар танланди. Улар 17-18 ёшда бўлиб, жами 524 нафарни ташкил этди. Қарши шаҳридан академик лицей ўқувчилари 228 нафарни (ўғил болалар 91 нафар, қиз болалар 137 нафар), Термиз шаҳридан академик лицей ўқувчилари 296 нафарни (ўғил болалар 214 нафар, қиз болалар 82 нафар) ташкил этади.

Ўқувчиларнинг кунлик истеъмол таомлари таркибидаги макро- ва микронутриентлар мавжуд физиологик меъёрларга нисбатан таққослаб ўрганилди [7].

Тадқиқотнинг мақсади: Қарши ва Термиз шаҳарлари шароитида академик лицей ўқувчиларининг амалдаги овқатланиши физиологик талабларга таққослаб ўрганилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили: Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси аҳолиси турли гуруҳларининг озик моддалар ва энергияга бўлган физиологик талаб меъёрлари билан солиштирилди [10]. 1-жадвалда қиш мавсумида Қарши ва Термиз шаҳридаги академик лицей ўқувчиларининг макронутриентлар билан таъминланиши ҳамда истеъмол қилинган таомлар таркибидаги асосий озик моддалар (оксиллар, ёғлар, углеводлар) нинг энергетик қиймати ҳақида маълумотлар берилган.

Академик лицей ўқувчиларининг оксиллар билан таъминланиши улар учун белгиланган меъёр талабидан фарқ қилиши жадвалда ўз аксини топган. Хусусан, Қарши шаҳридаги академик лицей ўқувчиларидан 17 ёшли ўғил ва қиз болаларнинг оксиллар билан таъминланиши тегишли ҳолда, $93,8 \pm 4,7$ ва $86,8 \pm 1,8$ г га тенг бўлиб, бу меъёрдаги 104 ва 90 г га нисбатан тегишли ҳолда 90,1 ва 96,4 фоизга тўғри келади. Худди шу ёшдаги Термиз лицейи ўқувчиларининг оксиллар билан таъминланиши белгиланган меъёр талабига нисбатан 85,2 ва 90,2 фоизни ташкил этди. Текширилувчиларнинг 2- гуруҳидаги (18 ёшлилар) йигит ва қизларнинг оксиллар билан таъминланиши Қарши академик лицейи ўқувчиларида 92,4 ва 96,6 фоизни, Термиз академик лицейи ўқувчиларида эса 101 ва 90,5 фоизни ташкил этди.

Ҳайвон оксилларининг ўқувчилар томонидан истеъмол қилиниши ҳар иккала гуруҳ вакилларида меъёрга нисбатан сезиларли даражада кам қабул қилинган. Қаршидаги академик лицей текширилувчиларидан 17 ёшли ўғил ва қиз болаларда ҳайвон оксилларининг миқдори тегишли ҳолда, $28,0 \pm 1,3$ ва $23,4 \pm 1,8$ г ни, худди шу ёшдаги Термиз академик лицейидаги йигит ва қизларда ушбу кўрсаткичлар тегишли ҳолда $25,3 \pm 1,7$ ва $22,7 \pm 2,1$ г ни ташкил этди. Бу меъёрга нисбатан ўртача 39-44 фоизга тўғри келади. Худди шундай ҳолатни Қарши ва Термиз шаҳридаги 2-гуруҳ респондентларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Умумий ёғларнинг қабул қилиниши борасида шуни таъкидлаш жоизки, ҳар иккала гуруҳ вакилларида кунлик овқатидаги ёғ миқдори меъёрдан сезиларли даражада четга чиқмайди. Қарши ва Термиз лицейи ўқувчиларининг ёғлар билан таъминланишини қиёсласак, 17 ёшли қизларда тегишли фарқ қайд қилинди, яъни уларнинг кунлик овқатидаги ёғ миқдори тегишли ҳолда $94,4 \pm 2,7$ ва $85,7 \pm 3,5$ г га тенг ($P < 0,05$).

Ўқувчиларнинг кунлик овқати таркибидаги умумий углеводларнинг миқдори тегишли меъёр даражасига яқин ёки ундан биров ортиқлигини кўриш мумкин, яъни Қарши ва Термиз шаҳри ўқувчиларининг углеводлар билан таъминланиши тегишли ҳолда ўртача 88,1 ва 97,0 фоиз га тенглигини (1-жадвалга қаранг) кўришимиз мумкин. Шунингдек, қайд қилинган ҳудудлардаги ўқувчиларнинг углеводлар билан таъминланиши таққосланганда фақатгина 18 ёшли ўғил болаларнинг кунлик овқатидаги углеводлар миқдори ўртасида фарқ кузатилди ($P < 0,05$). Ўқувчилар кунлик овқатининг умумий энергетик қийматини қиёсласак, тегишли фарқ 18 ёшли ўғил болаларда кузатилди. Жумладан, Қарши академик лицейи ўқувчилари кунлик овқатининг умумий калорияси Термиз академик лицейи ўқувчилариникидан ўртача 15,6 фоизга камлиги кузатилди.

1-жадвал.

Қарши ва Термиз шаҳридаги академик лицей ўқувчиларининг асосий озиқ моддалар билан таъминланиши (2018-2019-ўқув йили, қиш мавсуми)

Кўрсаткичлар	1-гурух (17-ёш)		2-гурух (18-ёш)	
	Ўғил болалар, n=252	Қизлар, n=196	Ўғил болалар, n=53	Қизлар, n=23
Умумий оқсил, г	<u>93,8±4,7</u> 88,7±1,9	<u>86,8±1,8</u> 81,2±6,3	<u>79,5±3,8</u> 86,9±2,6	<u>77,3±5,0</u> 72,4±4,0
Меъёр, г	104	90	86	80
Шундан ҳайвон оқсиллари, г	<u>28,0±1,3</u> 25,3±1,7	<u>23,4±1,8</u> 22,7±2,1	<u>21,4±1,3</u> 25,2±2,3	<u>21,6±1,8</u> 19,1±1,6
Меъёр, г	63	58	43	40
Умумий ёғ, г	<u>104,7±6,3</u> 93,2±2,3	<u>94,4±2,7*</u> 85,7±3,5	<u>96,9±9,7</u> 106,2±5,0	<u>87,3±8,1</u> 74,0±4,8
Меъёр, г	104	90	96	82
Шундан ўсимлик ёғи, г	<u>30,3±1,6</u> 26,0±1,8	<u>18,8±1,8</u> 17,5±1,7	<u>25,1±2,1</u> 29,7±1,9	<u>23,5±1,9</u> 20,7±2,1
Меъёр, г	20	18	25	20
Умумий углевод, г	<u>372,9±16,6</u> 392,1±8,8	<u>339,4±7,6</u> 338,6±12,0	<u>311,8±22,9*</u> 396,3±13,7	<u>325,2±18,4</u> 357,9±19,2
Меъёр, г	450	380	380	330
Умумий калория, ккал	<u>2888,3±128,6</u> 2838,9±57,8	<u>2625,3±99,5</u> 2519,1±76,4	<u>2506,4±148,9*</u> 2968,7±63,9	<u>2463,2±157,8</u> 2452,4±78,7
Меъёр, ккал	3100	2700	2730	2500

Изоҳ: Суратда Қарши, маҳражда Термиз шаҳри академик лицей ўқувчилари бўйича олинган натижалар. *P<0,05

Хулоса. Текширилувчиларнинг кунлик истеъмол таомлари таркибида макронутриентларнинг юкорида қайд қилинганидек, кам бўлиши, табиийки уларнинг ўсиши, ривожланиши, сиҳат-саломатлиги ҳамда фанларни ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг олдини олиш учун биринчи навбатда ўқувчиларда соғлом овқатланиш кўникмаларини тарғиб қилиш йўли билан шакллантириш ҳамда таълим муассасалари ошхоналарида тайёрланадиган озиқ-овқатлар маҳсулотлар сифатини назорат қилувчи махсус комиссиялар текширувидан ўтиши мақсадга мувофиқдир. Шу билан бир қаторда ўқувчилар ўртасида тегишли соҳа ходимлари, биологлар ва ота-оналар томонидан соғлом овқатланиш қоидаларига амал қилиниши юзасидан билим ва кўникмаларни янада ривожлантириш бўйича давра суҳбатлари ўтказиб борилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. М. “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори. Янги Ўзбекистон, 2020 йил, –№ 217. – Б. 1-3.
2. Глобальная стратегия по питанию, физической активности и здоровью. ВОЗ. – Женева, 2004. – 18 с
3. Кондратьева И.И., Абрамова Е.И., Шумилова С.Л и др., К характеристике фактического питания, физического развития и состояния здоровья школьников Москвы // Вопросы питания – Москва, 1993. – №1. – С. 23-26.
4. Методические рекомендации по вопросам изучения фактического питания и состояния здоровья населения в связи с характером питания / Зайченко А.И., Волгарев М.Н., Бондарев Г.И и др. – Москва, 1986. – 86 с.
5. Рацион, питание и предупреждение хронических заболеваний: Доклад совместного консультативного совещания экспертов ВОЗ/ФАО, серия технических докладов 916. – Женева, 2003. –196 с
6. Смоляр В.И. Рациональное питание. – Киев: Наукова Думка, 1991. – 368 с.

7. Химический состав пищевых продуктов: Книга 1: Справочные таблицы содержания основных пищевых веществ и энергетической ценности пищевых продуктов / Под ред. проф., д-ра техн. наук И.М. Скурихина, проф., д-ра мед. наук М.Н. Волгарева – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ВО «Агропромиздат», 1987. – 224

8. Қурбонов Ш.Қ. Овқатланиш маданияти. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 209 б.

9. Қурбонов Ш. Қ, Дўсчанов. Б.О, Қурбонов. А. Ш., Каримов О. Р. Соғлом овқатланиш физиологияси. – Қарши, 2018. – 436 б.

10. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси турли гуруҳларининг озиқ моддалар ва энергияга бўлган физиологик талаб меъёрлари. СанПин-0250-08. Д.Ж.Шарипова ва бошқалар. ТГАУФ – Тошкент, 2008. – 38 б.

Наишга проф. Ш.Қурбонов тавсия этган

ОХУТРОПИС ТУТТАНТА GONTSCH. (FABACEAE) ПОТЕНЦИАЛ ТАРҚАЛИШИНИНГ БИОИҚЛИМИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Тургинов О.Т., Акбаров Ф.И. (ЎЗР ФА Ботаника институти),
Ҳайдаралиев Б.И. (ТДАУ Самарқанд филиали), Омонов О.Э. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада, *Oxytropis tyttantha* биоиклимий модели яратилганлиги, моделлаштириш натижасида ушбу турнинг потенциал тарқалиши мумкин бўлган майдонлар аниқланганлиги, ҳозирги давр ва яқин келажакда турнинг тарқалиши эҳтимоли юқори бўлган майдонларнинг хариталари ишлаб чиқилганлиги, келажак иқлим сценарийлари ёрдамида глобал иқлим ўзгариши жараёнларининг *Oxytropis tyttantha* тарқалишига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири ёритиб берилган.

Таянч сўзлар. *MaxEnt, RCP, WorldClim, ареал, баландлик, ҳарорат, ёгингарчилик.*

Аннотация: в статье создана биоклиматическая модель *Oxytropis tyttantha*. В результате моделирования были выявлены участки с высокой вероятностью произрастания данного вида. Разработаны карты районов, где вид может произрастать сейчас и в ближайшем будущем. Используя будущие климатические сценарии, было предсказано влияние процессов глобального изменения климата на распространение *Oxytropis tyttantha*.

Ключевые слова: *MaxEnt, RCP, WorldClim, ареал, высота, температура, осадки.*

Annotation: in the article, a bioclimatic model of *Oxytropis tyttantha* was created. As a result of modeling, areas with a high probability of growth of this species were identified. Maps of areas where the species can grow now and in the near future have been developed. Predicts the impact of global climate change processes on the spread of *Oxytropis tyttantha* using future climate scenarios.

Keywords. *MaxEnt, RCP, WorldClim, ареал, elevation, temperature, precipitation.*

Кириш

Сўнги ўн йилликда ўсимлик-иқлим муносабатлари ва ўсимлик турларининг географик тарқалиши билан боғлиқ тадқиқотларда турларнинг тарқалиш моделлари (SDM) кўпроқ қўлланилди [3]. Натижада SDM лар экологлар ва табиатни муҳофаза қилиш мутахассислари учун энг асосий воситага айланди [12]. Турларнинг тарқалиш моделлари орасида *MaxEnt* [5] дастурий таъминоти энг кенг тарқалган ёндашувлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда бу борадаги тадқиқотларнинг ривожланиши динамик тус олмоқда [18], ҳамда маҳаллий флора таркибидаги камёб, эндем турларнинг реал ва потенциал ареалларини моделлаштириш ва турли омиллар таъсирида келажакда рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни башоратлаш, уларнинг муҳофаза қилиш чоралари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотлар кенгайиб бормоқда [13, 14]. Иқлим ўзгаришининг зарарли таъсирига, айниқса, тарқалиш майдони чегараланган, камёб ва эндем турлар мойил ҳисобланади [10]. Шунинг учун “Жануби-ғарбий Ҳисор, Ҳисор-Дарвоз ва Панж олди округлари флорасининг тўр тизимли хариталаш” дастури доирасида, ушбу худудлар флораси учун эндем ҳисобланган *Oxytropis tyttantha* тарқалишини биоиклимий моделини яратишга қаратилган тадқиқот амалга оширилди. Мазкур тур Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган бўлиб, тор тарқалиш ареалига эга бўлган камёб турлардан ҳисобланади. Сўнги йилларда тур тарқалган минтақага антропоген омилнинг таъсири кўламнинг ортиши натижасида турнинг ареали тобора қисқариб бормоқда.

2. Тадқиқот методлари

2.1. Тадқиқот объекти ва тўпланган маълумотлар

Ўзбекистон эндемлари орасида Fabaceae оиласи вакиллари сон жиҳатидан кўпчиликини ташкил этади. Оила вакиллар орасида *Astragalus* L. турларидан сўнг *Oxytropis* DC. турлари сон жиҳатдан салмоғи анча юқори. *Oxytropis* DC. туркумининг ер шаридида 310 тури [1] Ўрта Осиёда 166 тури [18], Ўзбекистон флорасида 34 тури [16] тарқалган бўлса, сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида юртимиз флорасида ушбу туркумининг 63 тури (www.floruz.uz) учраши маълум бўлди. Мазкур 63 турдан 7 турнинг тарқалиш ареали Ўзбекистон ҳудуди билан чегараланган бўлиб, Республикамининг эндемлари ҳисобланади. Шулардан бири *Oxytropis tyttantha* Gontsch. туркумининг *Protoxytropis* секциясига мансуб бўлиб, Ғарбий Ҳисорнинг юқори тоғ минтақасида, майда тошли, тошли шағалли ёнбағирликларда, денгиз сатҳидан 2300-3000 м баландликлар орасида макон топган [15, 19].

Тадқиқот объектининг Ўзбекистон Миллий Гербарийси (TASH) фондида сақланаётган 7 донга гербарий намуналаридан фойдаланилди. Намуналарнинг табиий шароитда ўсиш нукталарини акс эттирувчи географик координаталари Google Earth Pro 7.1 дастури ёрдамида аниқланди.

2.2. Биоиклимий ўзгарувчилар

19 та стандарт биоиклимий ўзгарувчилар (WorldClim version 2.1) ва баландлик кўрсаткичлари SRTM (Shuttle Radar Topography Mission) онлайн маълумотлар базасидан (2.5 дақиқалик фазовий пикселлар сонига эга тахминан экваторда 4.5 км², [2]; www.worldclim.org) юқлаб олинди. Ушбу маълумотларнинг барчаси ArcGIS version 10.6.1 дастурида WGS 1984 (World Geodetic System 1984) проекцияси билан ASCII (American Standard Code for Information Interchange) форматига ўтказилди.

2.3. Турларнинг тарқалишини моделлаштириши (SDM)

Моделлаштиришда Maximum Entropy Modeling дастурий таминотидан (MaxEnt version 3.4.1.; [7, 8]) фойдаланилди. Барча биоиклимий ўзгарувчилар учун SDM toolbox 2.5 (ArcMap 10.9) панелида коррелятсия таҳлили ўтказилди ва коррелятсия коэффициенти +0,8 дан юқори бўлган ўзгарувчилар танлаб олинди [9]. Моделда турнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотларнинг 75 фоиз ўқув тўплами, 25 фоиз тест тўплами сифатида ишлатилди [4]. Турнинг тарқалиши мумкин бўлган майдонлар 0 дан (lowest probability distribution) 1 (highest probability distribution) оралиғида баҳоланди [6].

2.4. Келажак иқлим сценарийлари

Иқлим ўзгаришлари бўйича ҳукуматлараро панел (Intergovernmental Panel on Climate Change [11]) бешинчи ҳисоботида (AR5), келтирилган иккита Representative Concentration Pathway (RCP) иқлим сценарийларидан (RCP 2.6 2070, RCP 8.5 2070) фойдаланилди. IPCC бешинчи ҳисоботида (AR5) келтирилган ўртача йиллик ҳаво ҳароратини 2046-2100 йилларда кўтарилиш проекцияси 1-жадвалда келтирилган [11].

1-жадвал

2046–2100 йилларда глобал ўртача ҳаво ҳарорати (°C) кўтарилиши

Ўртача глобал ҳароратни кўтарилиши (°C)	Сценарийлар	2046-2065 йиллар		2081-2100 йиллар	
		ўртача	оралиқ	ўртача	оралиқ
	RCP 2.6	1	0.4-1.6	1	0.3-1.7
	RCP 4.5	1.4	0.9-2.0	1.8	1.1-2.6
	RCP 6.0	1.3	0.8-1.8	2.2	1.4-3.1
	RCP 8.5	2.0	1.4-2.6	3.7	2.6-4.8

3. Олинган натижалар

3.1. Тадқиқот объекти ва тўпланган маълумотлар

Мазкур турни Н.Ф.Гончаров 1941 йилда ўзи терган гербарий намуналарига асосланиб (*Darai-Nichan, fontes fl. Oi-bek (in fl. Tupalang influentis) sub trajectus Azor-craschme, inter Polygonum hissaricum ad nives deliquescentes regionis subalpinae, alt. ca 3000 m, 15.09.1938, Gontscharov*) янги тур сифатида фанга киритган. Турнинг энг яқин турдоши *Oxytropis*

michelsonii В. Fedtsch. бўлиб, гулқўрғон бўлақларининг (гултожи) ранги (*O. michelsonii* бинафша ранг, *O. tyttantha*, оч қизил) барғларининг шакли (*O. michelsonii* энсиз, ингичка, ланцетсимон, *O. tyttantha*, тескари тухумсимон, энли) мевасининг шакли ва тукланиш даражасига кўра фарқланади [17]. Мазкур турнинг TASH фондида сақланаётган намуналарини ўрганишимиз ва олиб борилган дала тадқиқотлар давомида кузатишларимиз натижасида *O. tyttantha* фенологик даври тугаш арафасида бинафша рангга кириши маълум бўлди.

Қисқача тавсифи: Бўйи 10-20 см, поясиз кўп йиллик ўт. Баргининг узунлиги 8-10 (20) см, кичик оқ туклар билан қопланган, барғлари 15-25 жуфт, тескари тухумсимон, баъзан кенг наштарсимон энли, узунлиги 3-5-12 мм, учки қисми ўткир, баъзан тўмтоқ, дағал оқ туклар билан қопланган, Гулпояси узун, деярли барг билан тенг, узунлиги 10-15-20 см атрофида, оқиш, тепа қисмига томон оқ-қора туклар билан қопланган. Тўпгулли тухумсимон ёки юмалок, узунлиги 1,5-2 см, эни 1-1,5 см., гуллар сони 10-15 атрофида. Гулбанди қисқа 1-2 мм узунликда. Косача барги қўнғироқсимон, қисқа оқ ва қора туклар билан қопланган. гулқўрғон бўлақларининг (гултожи) оч қизил ва қизил рангда. Байроқчаси 8 мм узунликда, гулқўрғон бўлақлари кенг. Тугунчаси деярли ўтроқ, дуккаги банди жуда қисқа, тухумсимон, 10-15 мм узунликда, юқори қисми кенг, учки қисми ўткирлашган, қисқа қора ва оқ туклар билан қопланган, уруғи кўп. Асосан август – сентябр ойларида гуллайди, сентябр ойида уруғи етилади. Ушбу турнинг Ўзбекистон Республикаси Қизил китобида камёблик даражаси 2 га тенг [20].

Ўзбекистон Миллий Гербарийси (TASH) фондида турнинг 7 донна намунаси мавжуд бўлиб, намуналарнинг 4 доннаси 1948 йилда А.Пятаева томонидан Тупаланг дарё хавзасининг юқори қисмидан терилган. Яна 3 донна гербарий намунаси Бойсун тоғининг Хўжа Гургур-ота тизмасидан 1934 ва 1939 йилларда А.Я.Бутков К. Ахмедов томонидан йиғилган. 2012 йилда Хўжа Гургур-ота тоғининг юқори қисмида олиб борилган дала тадқиқотларимизда *O. michelsonii* ва *O. tyttantha* бир хил мухитда учраши кузатилди. Лекин барғларнинг шакли ҳамда гулларининг рангги билан турлар бир биридан фарқ қилади.

3.2 Моделнинг тахминий башорат қилиш аниқлиги

Моделнинг тахминий башорат қилиш аниқлиги AUC (эгри остидаги майдон) қийматига кўра баҳоланди. *O. tyttantha* тарқалиши мумкин бўлган майдонларни башорат қилишда моделнинг тахминий аниқлиги ўртача AUC=0.999 (ўқув маълумотлари), AUC=0.997 (тест маълумотлари) тенг ва учта ҳолатда ҳам SD=0.001 (стандард оғиш) жуда паст ва бир хил (2 жадвал) кўрсаткичга эга, бу моделнинг юқори аниқлик билан ишлаганлигини кўрсатади.


2-жадвал

Моделнинг ишлаш аниқлиги

Даврлар	AUC (ўқув)	AUC (тест)	SD (стандард оғиш)
Current (2000-2020)	0.999	0.996	0.001
RCP 2.6 (2070)	0.999	0.998	0.001
RCP 8.5 (2070)	0.998	0.998	0.001
Ўртача	999	0.997	0.001

3.3 Турнинг ҳозирги ва келажакдаги тарқалишини моделлаштириши

Моделлаштиришда *O. tyttantha* ўсиши учун мавжуд иқлим шароити қулайлик даражасига кўра паст (0.00–0.20), ўртача (0.21–0.40), яхши (0.41–0.60), юқори (0.61–0.80) ва жуда юқори (0.81–0.1) минтақаларга ажратилди.



Расм 1. *O. tyttantha* тарқалиши мумкин бўлган майдонларнинг MaxEnt модели


MaxEnt томонидан башорат қилинган барча даврларда *O. tyttantha* ўсиши учун оптимал шароит Ҳисор ва Ҳиндуқуш тизмаларида мавжуд бўлиб, бундай шароитга эга бўлган ҳудудларнинг майдони даврлар бўйича бир-биридан фарқ қилади (3 жадвал).

3-жадвал

***O. tyttantha* ўсиши учун оптимал шароит мавжуд ҳудудлар**

Даврлар	Помиролой (км ²)	Ҳиндуқуш (км ²)	Жами (км ²)
Current (2000-2020)	1947	280	2227
RCP 2.6 (2070)	86	13591	13677
RCP 8.5 (2070)	70	12966	13036


Мавжуд шароит билан таққосланганда келгусида *O. tyttantha* ўсиши учун жуда юқори иқлим шароитига эга майдонлар RCP2.6 2070 сценарийсида 11450 км² ва RCP8.5 2070 бўйича 10809 км² га кўпайди. Бундай ҳудудларнинг ортиши Ҳиндуқуш тизмасида (RCP2.6 2070: 13311 км², RCP8.5 2070: 12686 км² рўй беради, Помиролойда қулай иқлим шароитига эга бўлган майдонларнинг кескин қисқариши (RCP2.6 2070: 1861 км², RCP8.5 2070: 1877 км²) юз беради (2 расм). Мавжуд намуналарнинг ўзига оптимал шароит мавжуд майдонларда ўсувчанлик коэффициенти фақат Помиролой тизмаси учун баҳоланди. Унга кўра бу кўрсаткичлар ҳозирги вақтга нисбатан 70% келажақда 73% ортиши кузатилди.



Расм 2. *O. tyttantha* ўсиши учун оптимал шароит мавжуд майдонлар

3.4 Турнинг ҳозирги ва келажакдаги тарқалишига таъсир этувчи доминант омиллар

Турларнинг ареалини шаклланишида иқлим кўрсаткичларининг (йиллик ўртача ҳарорат, йиллик ёғингарчилик) таъсири жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун уларнинг тур тарқалишига таъсири баҳоланди (3 расм).



Расм 3. *O. tyttantha* ўсиши учун оптимал шароитга эга бўлган ҳудудларнинг даврлар бўйича иқлим кўрсаткичлари

MaxEnt томонидан яратилган моделга кўра *O. tyttantha* ўсиши учун оптимал шароитга эга бўлган майдонларда, йиллик ўртача ҳарорат -6° – 6°C , йиллик ёғингарчилик 400–1400 мм ташкил этади. Бунда ҳозирги давр учун йиллик ўртача ҳарорат -6° – -2°C , йиллик ёғингарчилик 400–1200 мм, RCP2.6 2070 сценарийсида ҳарорат -4° – -2°C , ёғингарчилик 400–1300 мм ва RCP8.5 2070 бўйича ҳарорат -1° – 6°C , ёғингарчилик 400–1400 мм кўрсаткичларга эга бўлди. Келажак иқлим сценарийларига кўра йиллик ўртача ҳароратнинг ортиши билан йиллик ёғингарчилик миқдори ҳам ортиб боради.

Мазкур иш Жануби-ғарбий Ҳисор, Ҳисор-Дарвоз ва Панж олди округлари флорасининг тўр тизимли хариталаш (Сурхондарё вилояти қисми (2021-2024 йй.) номли лойиҳа доирасида бажарилган.

Хулоса

Глобал иқлим ўзгариши натижасида мавжуд йиллик ўртача ҳароратнинг кўтарилиши *Oxytropis tyttantha* ўсиши учун қулай шароитга эга бўлган ҳудудларнинг шимолдан жанубга кўчишига сабаб бўлади. Қулай шароитга эга бўлган майдонлар Помиролойда кескин қисқаради, лекин Ҳиндуқушда ортади. Ушбу маълумотларга асосланиб, гербарий намуналари йиғилган ҳудудларда тизимли дала тадқиқотлари ўтказиш орқали *Oxytropis tyttantha* популяцияларининг иқлим ўзгаришига нисбатан чидамлилиги тўғрисида тўлиқроқ хулоса чиқариш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. A.A. Maassoumi A new species and some additions to the genus *Oxytropis* DC. (Fabaceae) in Iran Feddes Repertorium 2018, Vol. 129, 38–42
2. Fick S. E., Hijmans R. J. WorldClim 2: new 1-km spatial resolution climate surfaces for global land areas //International journal of climatology. – 2017. – Т. 37. – №. 12. – С. 4302-4315.
3. Ohse B. et al. Modeling the distribution of white spruce (*Picea glauca*) for Alaska with high accuracy: an open access role-model for predicting tree species in last remaining wilderness areas //Polar Biology. – 2009. – Т. 32. – №. 12. – С. 1717-1729.

4. Phillips S. J. Transferability, sample selection bias and background data in presence-only modelling: a response to Peterson et al.(2007) // *Ecography*. – 2008. – Т. 31. – №. 2. – С. 272-278.
5. Phillips S. J., Dudík M., Schapire R. E. Maxent software for modeling species niches and distributions (Version 3.4. 1). 2018 // Available in: http://biodiversityinformatics.amnh.org/open_source/maxent/ Accessed on. – 2021. – С. 5-21.
6. Phillips, S. J., Anderson, R. P., Dudík, M., Schapire, R. E., & Blair, M. E. Opening the black box: An open-source release of Maxent. // *Ecography*. – 2017. – №40(7). – P. 887-893.
7. Phillips, S.J., Anderson, R.P., Schapire, R.E. Maximum entropy modeling of species geographic distributions // *Ecological Modelling*. 2006. Vol. 190. P. 231–259.
8. Phillips, S.J., Dudík, M. Modeling of Species Distributions with MaxEnt New Extensions and a Comprehensive Evaluation // *Ecography*. 2008. V. 31. P. 161-175.
9. Radosavljevic A., Anderson R. P. Making better Maxent models of species distributions: complexity, overfitting and evaluation // *Journal of biogeography*. – 2014. – Т. 41. – №. 4. – С. 629-643.
10. Shin Y., Min M. S., Borzée A. Driven to the edge: Species distribution modeling of a Clawed Salamander (Hynobiidae: *Onychodactylus koreanus*) predicts range shifts and drastic decrease of suitable habitats in response to climate change // *Ecology and Evolution*. – 2021.
11. Stocker, T. F., Qin, D., Plattner, G. K., Alexander, L. V., Allen, S. K., Bindoff, N. L., ... & Xie, S. P. Technical summary. In *Climate change 2013: the physical science basis. Contribution of Working Group I to the Fifth Assessment Report of the Intergovernmental Panel on Climate Change* // Cambridge University Press. – 2013. –P. 33-115.
12. Pacifici K. et al. Integrating multiple data sources in species distribution modeling: a framework for data fusion // *Ecology*. – 2017. – Т. 98. – №. 3. – С. 840-850.
13. Акбаров Ф.И., Жабборов А.М., Тожибаев К.Ш. *Ranunculus rubrocalyx* Regel ex Kom. географик тарқалишини моделлаштириш ва унинг тахлили // Хоразм Маъмур академияси ахборотномаси, 2021. – №1. – Б. 29-37.
14. Акбаров Ф.И., Кодиров У.Х., Тожибаев К.Ш. *Valerianella* Miller туркуми айрим турларнинг географик тарқалишини моделлаштириш ва унинг тахлили // ҚарДУ хабарлари, 2020. – №3. – Б. 22-31.
15. Васильченко И.Т. и Федченко Б.А Род *Oxytropis* // Флора СССР. – Москва 1948. – Т. 13. – С. 9–10.
16. Гончаров Н.Ф. Род *Oxytropis* DC. – Остролодочник. Флора Узбекистана. – Ташкент: АН УзССР, 1955, Т. III. – С. 686-714.
17. Гончаров Н.Ф. Новые Астрагалы и Остролодки Ботанические материалы гербария Ботанического института им. Комарова АН СССР. Т. 9. Вып.3. М.-Л., 1941. – С. 85-105.
18. Олонова М.В., Гудкова П.Д., Шомуродов Х.Ф., Адиллов Б.А., Рахимова Н.К, Хабибуллаев Б.Ш., Полвонов Ф.И. Турларнинг биоиклим моделини яратиш: амалий ишлар учун топшириқ ва уларнинг бажарилишига оид методик кўрсатма. – Тошкент: Ботаника институти, 2021. – 112 б.
19. Филимонова З. Н. Род *Oxytropis* DC. – Остролодочник. Определитель растений Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1983. – Т. VII. – С. 323-368.
20. Хасанов Ф.О. Род *Oxytropis* DC. – (*Oxytropis tyttantha* Gontsch, Ўзбекитон Республикаси Қизил китоби – Ташкент: Chinog ENK, 2019 – Б. 56-61
21. www.floruz.uz. ахборот тахлилий маълумотлар базаси
22. www.worldclim.org

Наширға проф. Л.Ёзиев тавсия этган

МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИИ, КАК ОДНА ИЗ СОСТАВЛЯЮЩИХ ЦИФРОВЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ

Алимова Ф.А. (ТГПУ)

Аннотация. Информационные технологии представляют собой неотъемлемую часть целостного образовательного процесса и существенно позволяют повысить его эффективность. Использование цифровых образовательных ресурсов в обучении позволяет расширить возможности урока, при этом также повысить его эффективность. В данной статье рассмотрено использование мультимедийных анимаций, презентаций в процессе преподавания химии.

Ключевые слова: информационные технологии, мультимедия, компьютерная анимация, цифровой образовательный ресурс, химия, неэлектролит, растворы.

Anotatsiya. Axborot texnologiyalari o'quv jarayonining ajralmas qismi bo'lib, uning samaradorligini sezilarli darajada oshirishi mumkin. O'qitishda raqamli ta'lim resurslaridan foydalanish dars mazmunini kengaytirishga imkon beradi, shuningdek uning samaradorligini oshirishga imkon beradi. Ushbu maqolada kimyo fanini o'qitish jarayonida multimedia animatsiya, taqdimotlardan foydalanish ko'rsatilgan.

Tayanch so'zlar: axborot texnologiyalari, multimedia, kompyuter animatsiyasi, raqamli ta'lim resurs, kimyo, noelektrolit, eritmalar.

Annotation. Information technologies are an integral part of an integral educational process and significantly can increase its effectiveness. The use of digital educational resources in training allows you to expand the ability of the lesson, while also increasing its effectiveness. This article considers the use of multimedia animation, presentation in the process of teaching chemistry.

Keywords: *information technology, multimedia, computer animation, digital educational resource, chemistry, non -electrolyte, solutions.*

Введение. Без использования современных средств информационно-коммуникационных технологий уже невозможно представить образовательный процесс, отвечающий требованиям современного информационного общества.

Мультимедиа технологии представляют собой совокупность процессов, приемов, способов обработки, хранения, передачи различной информации. Например, Осин А. В. в своей монографии "Мультимедиа в образовании: контекст информатизации" приводит следующее определение: "Мультимедиа – это представление объектов и процессов не традиционным текстовым описанием, но с помощью фото, видео, графики, анимации, звука, т.е. во всех известных сегодня формах (multi – много, media – способы, средства)". Можно отметить, что ключевая фраза здесь - "во всех"¹.

Мультимедиа успешно используется в образовании. Знания о предметных областях представляются, хранятся и накапливаются посредством учебных средств мультимедиа. Технологии мультимедиа позволяют эффективно комбинировать различные виды информации в одном ресурсе

Информационно коммуникационные технологии, цифровые образовательные ресурсы (ЦОР) - важнейшая составляющая всех направлений деятельности современного учителя, способствующая оптимизации и интеграции учебной и вне учебной деятельности². Дополняя широкий спектр педагогических (образовательных) технологий, информационно-коммуникационные технологии помогают решить вопросы формирования общей коммуникативной компетенции, успешной социализации выпускников. Поэтому актуальность данной проблемы очевидна.

Методика. Современный образовательный процесс трудно представить без качественного обеспечения учебными электронными материалами. За последнее время их видовой состав пополнился такими новейшими педагогическими программными средствами, как электронные

¹ Осин А. В. Мультимедиа в образовании: контекст информатизации. – М.: Агентство "Издательский сервис", 2005. – 320 с.

² Ситникова Л. Д. Использование анимации и компьютерной графики в учебном процессе // Гуманитарные ведомости ТГПУ им. Л. Н. Толстого. 2013. – №1-2. – С. 65–70 с.

учебные пособия, средства компьютерного моделирования, Интернет-сайты, тренажеры, обучающие программы и другие образовательные ресурсы¹.

В условиях научно-технической революции преподаватель, каким - бы эрудированным он не был, какие - бы он не применял современные педагогические технологии и методики, не в состоянии дать необходимую информацию по излагаемой теме. Помочь ему может только научно-техническая оснащённость учебного процесса, т.е. информационная технология, представляющая собой взаимообусловлено-взаимосвязанную систему технических средств обучения, подобранную к каждому занятию в зависимости от цели урока, наличия технических средств и подготовленности преподавателя по использованию ТСО².

Технические средства обучения помогают излагать достаточно сложные научные истины в доступном и легко запоминающемся виде³. Они уплотняют учебную информацию, ускоряют её усвоение и перевод в ряд активных знаний; знания, полученные через их посредство, вступают быстро и основательно в связь со «свежей» учебной информацией, стимулируют поиски этой информации.

В настоящее время актуальным является использование на занятиях возможностей компьютерных технологий – мультимедиа. Качественных характеристик, выгодно отличающих ЦОР от других средств обучения по существу две: мультимедийность и интерактивность.

Под мультимедийностью понимается представление различных по своей природе форматов информации в одном медийном источнике⁴. Такими форматами могут выступать текст, звук, фото- и видеоизображение.

Интерактивность — это принцип организации системы, при котором цель достигается информационным обменом элементов этой системы.

Программные продукты на электронных носителях обладают большим потенциалом и дают возможность: использовать изобразительные возможности (анимация, видеофрагмент, звук) делающие содержание учебного материала более наглядным, понятным, занимательным; сопровождать учебный материал динамическими рисунками; проиллюстрировать сложные химические эксперименты; провести быстрое тестирование учащихся и др⁵.

Применение электронных образовательных ресурсов (ЭОР) в учебном процессе обеспечивает достижение следующих педагогических целей:

- 1) подготовить студента к самостоятельной деятельности, обеспечить развитие конструктивного клинического мышления;
- 2) сформировать навык принятия самостоятельных решений в неоднозначных ситуациях;
- 3) научить работать с литературой и обрабатывать информацию;
- 4) повысить эффективность и качество обучения;
- 5) упрочить междисциплинарные связи при решении задач по различным разделам специальности.

Как известно, все вещества делятся на электролиты и неэлектролиты. В учебной литературе достаточно широко освещены процессы растворения и свойства электролитов. Однако мало внимания уделено растворению неэлектролитов. К неэлектролитам в основном относятся органические вещества⁶.

Учение Д.И.Менделеева о растворах как равновесных химических системах, образованных растворителем, растворённым веществом и продуктами их взаимодействия – основа современной теории растворов. Одним из важнейших ионных процессов в растворах является сольватация (гидратация) ионов. Если сольватация ионов и молекул неорганических веществ происходит в

¹ Галеева А.Г. Стандарты разработки цифровых образовательных ресурсов // Всероссийская научно-практическая конференция. URL: http://ntfmfkonf.ucoz.ru/publ/2014/razrabotka_i_primenenie_informacionnykh_tekhnologij_v_obrazovatelnom_processe_problemy_i_perspektivy_standarty_razrabotki_cifrovyykh_obrazovatelnykh_resursov/26-1-0-201

² Федотова Е.Л. Информационные технологии и системы – Форум, 2009. – С. 240.

³ Зиямухамедов Б., Зиямухамедова С. Новая педагогическая технология. – Ташкент: Издательство медицинской литературы имени «Абу Али ибн Сино», 2002. – С. 118.

⁴ Электронная энциклопедия КМ Wiki (http://wiki.km-school.ru/wiki/index.php/Что_такое_мультимедиа).

⁵ Егерев С. В. Компьютеры в образовании: пределы возможного [Электронный ресурс] / С. В. Егерев. – <http://www.ido.ru>.

⁶ Овчарова Ю.А., Бочкарева И.И. Химия углеводов: учебное пособие – Майкоп: Изд-во «ИП Кучеренко В.О.», 2019. – 125 с.

основном за счёт координационных взаимодействий, образования водородной связи (специфическая сольватация), то для малополярных молекул, прежде всего органических) сольватация осуществляется за счёт диполь – дипольных и дисперсионных взаимодействий (универсальная сольватация). В результате молекулы растворителя оказываются слабо связанными с сольватирующимися малополярными молекулами. В этом случае сольватация напоминает процесс конденсации, т.е. переход вещества из парообразного состояния в жидкое. В случае сольватации молекул органических веществ происходит образование непрочных связей между молекулой и растворителем, вследствие чего явление лучше описывается понятием «кинетической» сольватации¹.

Для более доступного усвоения теоретического материала можно использовать компьютерную анимацию процесса растворения на примере наиболее распространенного органического вещества – сахара. Понаблюдаем как происходит растворение сахара в воде. Попадая в воду, молекулы сахара, находящиеся на поверхности кристаллов сахарного песка образуют с молекулами воды водородные связи. При этом с одной молекулой сахара связываются несколько молекул воды. Тепловое движение молекул воды заставляет связанные с ним молекулы сахара отрываться от кристалла и переходить в толщу молекул растворителя. Молекулы сахара равномерно распределяются, и раствор становится одинаково сладким по всему объёму. Весь выше описанный процесс учащиеся могут увидеть на экране монитора в цветном изображении, динамике и звуковом сопровождении лектора, рис.1.




Рис.1. Процесс растворения сахара

¹ Шевельков А.В. Неорганическая химия. часть 1. – М.: Вольное дело, 2020. – С. 93-94.

Разработанная анимация, являясь дополнением к теоретическому материалу, избавит преподавателя от словесного объяснения «на пальцах» или рисования на доске данного процесса. В то же время поможет студентам доступнее и легче воспринять изучаемую тему.

Отдельного внимания заслуживают и мультимедийные презентации которые привлекают обучающихся благодаря возможности применения красочных видеороликов, звукового сопровождения¹ [10]. Например, при реализации проектного метода, конечный продукт проективной деятельности можно представить в виде мультимедийной презентации² [11]. Когда материал собран и проанализирован, студенты переходят к оформлению результатов и подготовке защиты проекта. На этом этапе они могут использовать мультимедийную презентацию, сопровождаемую анимацией, звуко- и видеозаписями.

Мультимедийные проекты вызывают повышенный интерес, способствуют развитию творческого мышления, воображения, фантазии, являются одним из средств развития творческой активности обучающихся. Мультимедиа является полезной и плодотворной образовательной технологией благодаря интерактивности, гибкости и интеграции наглядной информации, возможности учитывать индивидуальные особенности обучаемых, что способствует повышению их мотивации в работе с мультимедийными проектами.

Результаты и их обсуждение. При помощи ЦОР в образовательном процессе решаются различные обучающие, развивающие и воспитывающие задачи.

Использование ЦОР создает возможность доступа к современной актуальной информации, позволяет управлять познавательной деятельностью школьников, учитывать индивидуальные темпы усвоения знаний и умений, уровень сложности, интересы, повышать мотивацию обучения школьников.

При использовании ЦОР появилась возможность обеспечивать высокую интерактивность и мультимедийность образовательного процесса, использовать самостоятельные, групповые, индивидуальные и дифференцированные виды работ, превышать по объёму соответствующие разделы учебника, не расширяя, при этом, тематические разделы.

Главной целью обучения является развитие личности школьника, способной и желающей овладеть компетенциями (речевой, языковой, социокультурной, учебно-познавательной). Хороший урок невозможно представить без наглядности. Обычно для этой цели использовалась классная доска, на которую записывались тема урока, лексика, размещался необходимый наглядно-демонстрационный материал. Применение мультимедиа-технологий позволяет представить объёмный красочный образ изучаемого объекта, способствует лучшему усвоению материала, актуализирует межпредметные связи информатики с другими предметами. Мультимедиапродукты объединяют текстовую, графическую, аудио- и видеоинформацию, что позволяет существенно расширить поток информации, предоставляемой пользователю. Мультимедийные проекты активизируют ранее полученные знания, развивают логическое мышление, способствуют развитию воображения, фантазии, творческой активности.

Подводя итог можно сказать, что использование ЦОР на уроках является реалией современной действительности. На сегодняшний день можно планировать занятие таким образом, чтобы использование компьютерной поддержки было наиболее продуктивным, уместным и интересным для обучающихся и педагогов.

Использованная литература

1. Осин А. В. Мультимедиа в образовании: контекст информатизации. – М.: Агентство "Издательский сервис", 2005. – 320 с.
2. Ситникова Л. Д. Использование анимации и компьютерной графики в учебном процессе // Гуманитарные ведомости ТГПУ им. Л. Н. Толстого. 2013. – №1-2. – С. 65 -70.

¹ Бизяев А.А., Коннов В.В., Бизяева Н.Д., Кречетов С.А., Поспелов А.Н. Мультимедийная презентация как форма электронного образовательного ресурса в обучающем процессе // Саратовский научно-медицинский журнал. 2017. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/multimedijnaya-prezentatsiya-kak-forma-elektronno-go-obrazovatel'nogo-resursa-v-obuchayuschem-protseste>

² Алимova Ф.А. Проективная деятельность будущих преподавателей химии в условиях цифровизации образования (организация и диагностика). Монография. Ташкент. Издательство "LESSON PRESS", 2022.- С. 84-97.

3. Галеева А.Г. Стандарты разработки цифровых образовательных ресурсов // Всероссийская научно-практическая конференция. URL: http://ntmfkonf.ucoz.ru/publ/2014/razrabotka_i_primenenie_informacionnykh_tekhnologij_v_obrazovatelnom_processe_problemy_i_perspektivy_standarty_razrabotki_cifrovyykh_obrazovatelnykh_resursov/26-1-0-201
4. Федотова Е.Л. Информационные технологии и системы. – Форум, 2009. – С. 240.
5. Зиямухамедов Б., Зиямухамедова С. Новая педагогическая технология. – Ташкент: Издательство медицинской литературы имени «Абу Али ибн Сино», 2002. – С. 118.
6. Электронная энциклопедия КМ Wiki (http://wiki.km-school.ru/wiki/index.php/Что_такое_мультимедиа).
7. Егеров С. В. Компьютеры в образовании: пределы возможного [Электронный ресурс] / С. В. Егеров. – <http://www.ido.ru>.
8. Овчарова Ю.А., Бочкарева И.И. Химия углеводов: учебное пособие – Майкоп: Изд-во «ИП Кучеренко В.О.», 2019. – 125 с.
9. Шевельков А.В. Неорганическая химия. часть 1. – М.: Вольное дело, 2020. – С. 93-94.
10. Бизяев А.А., Коннов В.В., Бизяева Н.Д., Кречетов С.А., Поспелов А.Н. Мультимедийная презентация как форма электронного образовательного ресурса в обучающем процессе // Саратовский научно-медицинский журнал. 2017. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/multimedijnaya-prezentatsiya-kak-forma-elektronogo-obrazovatel'nogo-resursa-v-obuchayuschem-protse>
11. Алимова Ф.А. Проективная деятельность будущих преподавателей химии в условиях цифровизации образования (организация и диагностика). Монография. – Ташкент: Издательство “LESSON PRESS”, 2022. – 151 с.

Рекомендовано к печати проф. Р. Шадиевым

TALABALARDA AFFILIATIV MOTIVATSIYANI RIVOJLANTIRISH

Omonova N.O. (TerDU)

Annotatsiya. Ushbu maqolada talaba-yoshlarning ta'lim jarayonida faolligini oshirish hamda birgalikda munosabat o'rnatish orqali yanada sifatli ta'lim olishlariga imkon beruvchi omillar sanab o'tilgan. Talaba-yoshlar o'rtasidagi ishonchli munosabatni rivojlantirishning afzalliklari ilmiy jihatdan yoritilgan.

Tayanch so'zlar: *affiliatsiya, motivatsiya, talaba, rivojlanish, mulqot, munosabat, birgalik, ishonch, yoshlar, pedagog, fikr, inson.*

Аннотация: В данной статье перечислены факторы, которые позволяют учащимся и молодежи получить более качественное образование за счет повышения их активности в образовательном процессе и установления общего мироощущения. Научно выделены преимущества развития доверительных отношений между студентами и молодежью.

Ключевые слова: Принадлежность, мотивация, ученик, развитие, общение, отношения, доверие, молодежь, педагог, мысль, личность.

Annotation: this article lists factors that allow students to receive better quality education by increasing their activity in the educational process and establishing a joint relationship. The advantages of developing a trusting relationship between students and young people are scientifically covered.

Keywords: affiliation, motivation, student, development, communication, attitude, Solidarity, Trust, youth, educator, opinion, human.

KIRISH

Har bir davlatning rivojlanishi uning o'sib kelyotgan yoshlarining intellektual va jismoniy mulkka ega bo'lib ulg'ayib kamol topishiga bog'liq. Yoshlar shijoatli, ilmi bo'lsa va davlatda buning uchun sharoit yaratilib qo'llab-quvvatlansa bu davlatning ertasi porloq va kelajagi buyuk bo'ladi. Davlatlarning tarixiy taraqqiyot yo'liga nazar tashlaydigan bo'lsak, yurtlarning jadal rivojlanishi, muayyan yutuqlarga erishishi, xalqning farovon bo'lishi o'sha davlatda yoshlar ta'lim-tarbiyasi va kelajagiga beriladigan e'tibor darajasiga bog'liqligi amaliyotda o'z tasdig'ini topgan. Oliy ta'lim tizimida talabalarining kreativlik, komponentlik va hamkorlik motivatsiyalarini rivojlantirish, bugungi globallashayotgan va integratsiyalashayotgan davr dolzarb muammolaridan biri hisoblanadi. Mustaqillik sharofati bilan yurtimizda ham ta'lim tizimida tubdan modernizatsiya qilinib huquqiy asoslari yaratildi va mukammallashtirib borilmoqda.

Bu islohotlarning barchasi inson qadr-qimmatini, shaniga va yorqin kelajagiga xizmat qilishi maqsad qilib olingan. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning "Farzandlarimizni mustaqil fikrli, zamonaviy bilim va kasb-hunarlarini egallagan, mustahkam hayotiy pozitsiyaga ega, chinakam vatanparvar insonlar sifatida tarbiyalash biz uchun dolzarb ahamiyatga ega bo'lgan masala hisoblanadi"-deya aytgan e'tiroflari O'zbekistonda yoshlar masalasi davlat siyosatining eng ustuvor yo'nalishlaridan birilgini yana bir karra isbotlaydi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-son "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida" farmoni¹, 2018-yil 5-iyundagi PQ-3775-son "Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini oshirish va ularning mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida", 2017-yil 20-apreldagi PQ-2909-son "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" Qarorlari va 2018-yil 28-dekabrda Oliy Majlisga murojaatnomasida hamda mazkur faoliyatga oid boshqa me'yoriy-huquqiy hujjatlar maqolaning bugungi kunda dolzarbligiga xizmat qiladi.

USULLAR

Yoshlar masalasiga urg'u berishdan maqsad bugun ular o'z ustida ishlab kasbining mukammal egasi bo'lsa kelgusi avlodlar uchun ham foydali ham ahamiyatlidir. Chunonchi, yoshlar ta'lim jaryonidagi asosiy iste'molchilaridan bo'lib, affiliativ motivatsiyani rivojlantirish bugunning zaruriyati hisoblanadi. Bu atama sof ijtimoiy-psixologik tilda affiliativ motivatsiya (ing. affiliate – birlashtirmoq, birlashmoq, insonni boshqa odamlar davrasida bo'lishga intilish ehtiyoji, motivi) fenomeni deb ataymiz. Affiliativ motivatsiya boshqa shaxs yoki shaxslar guruhi bilan ijobiy ta'sirchan munosabatlarni o'rnatish, qo'llab-quvvatlash yoki tiklash bilan bog'liq hisoblanadi.² Aynan birlashish, muayyan shaxsning boshqalar davrasida bo'lishga intilish tabiiy ehtiyojdir.

Ehtiyojlar insonni boshqa jamiyat bilan yaqin munosabatlarni yo'lga qo'yish va saqlab qolish istagining asosiy atributi sifatida qaralishiga olib keladi. Har bir jarayonda inson faolligini oshirish uchun unda shu jarayonga yoki holatga ehtiyoj paydo bo'lishi kerak. Bu ehtiyoj insonni harakat qildiruvchi asosiy sababdir.

Biz psixologik adabiyotlarda ko'rishimiz mumkin: insonni harakatlanishi va harakatsizligi uchun doimo sabab mavjud bo'ladi. O'sha mavjud sabab motivatsiyadir. Inson muayyan faoliyatni amalga oshirishga intilsa, unda motivatsiya borligini aytishimiz mumkin.

Motivatsiyani o'rgangan olim Jim Myurrey o'zining aniq ehtiyojlar yoki motivlar nazariyasi doirasida ilgari surilgan g'oyasida insonning barcha xatti-harakatlari asosida motivlar yotishini izohladi.

Motiv shaxsning ruhiy jarayonlari va xulq-atvorini qoniqarsiz holatlarni bartaraf etishga va yanada qoniqarli holatni yaratishga yo'naltiradigan psixologik kuch sifatida tushuniladi. Motivatsiyani o'rgangan olim Bakan (1966) tomonidan ilgari surilgan nazariyaga ko'ra, motiv o'leovlari inson shaxsiyatining asosiy jihati sifatidagi muhim xususiyat muloqotligi aniqlanadi³. Muloqotning o'ziga xos xususiyati boshqalar bilan bog'lanish va bog'lanishga intilish, ya'ni boshqa odamlar bilan birlashish, tegishlilik va hamdardlik hissi bilan tavsiflanadi. Muloqot, shuningdek, odamlar o'rtasidagi muloqotdan o'zaro zavqlanishni, hamdardlik, tashvish va hamkorlikka intilishni o'z ichiga oladi.

Muloqotning eng muhim funksiyalaridan biri-hamdard bo'lishdir. U boshqa kishi hissiyotlarini tushunish, boshqalar nuqtai nazarini ma'qullash qobiliyatini shakllantirish jarayonida amalga oshadi va jamoadagi munosabatlarni me'yorga keltiradi. Bunda o'quvchini, uning istaklarini tushunish va bular asosida talabaga ta'sir etish zarurligini anglash o'qituvchi uchun juda muhimdir.

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-son "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida" farmoni.

² Варганова И. И. Структура ценностей в системе мотивации старших подростков и юношей Мир психологии. – 2010. – Т. 2008. – №. 3. – С. 131-142.

³ Bakan, D. (1966). The Duality of Human Existence. Chicago: Rand McNally.

Affiliatsiya (aloqa, muloqot) deganda, insonlar bilan muloqot oʻrnatish (tanish, notanish va kam tanish insonlar) natijasida har ikkala tomonda birday qoniqish hosil qilish, muloqot jarayonini mazmun bilan boyitish va unga kirishib ketishga undovchi ijtimoiy oʻzaro taʼsirlarning maʼlum bir toifasi tushuniladi¹.

Talabalarda affiliativ motivatsiyani oʻrgangan olimlar O.S.Grebenyuk va T.B.Grebenyuklarning fikricha, talabani oʻquv faoliyati davomida aqliy muloqotga chorlovchi maqsadlar, ehtiyojlar (muloqotga intilish yoki muloqotdan qochish) va motivlar (bilishga intilish, oʻzini taʼkidlashga ehtiyoj, hamkorlikka intilish, muloqot uchun muloqot) tizimi affiliatsiyalaridir².

NATIJALAR

Yuqoridagi fikrlarga asoslanib pedagogik muloqotni quyidagi turlarga ajratish mumkin:

- oʻzaro ijodiy faoliyatga qiziqtirishga asoslangan muloqot;
- oʻzaro doʻstlikka asoslangan muloqot;
- muloqot-masofa;
- muloqot-qoʻrqitish;
- muloqot-hazil-mutoiba.

Muloqot madaniyati-boshqalarni tushunishga boʻlgan ehtiyoj va qobiliyatni shakllantirish, oʻzini tushunishga ehtiyoj tugʻdirishdir.

Muloqotdagi kamchiliklar:

- ehtiyotsizlik, shaxsiyatparastlik, suhbatdoshini ortiqcha majburlash;
- passivlik, oʻzini juda yuqori va past qoʻyish;
- haddan tashqari jonbozlik koʻrsatish³.

Bir soʻz bilan aytganda pedagogning muloqot madaniyati doimo ishlov berilishini talab qiladi.

Muloqot – insonlarning maʼlum bir jamoada yoki guruhda hamkorlikdagi faoliyatlari jarayonida vujudga keladigan ehtiyojlaridan boʻlib, faoliyatlari davomida oʻzaro munosabatlarga kirishishi jarayoni hisoblanadi.

Muloqot madaniyati hamma joyda kerak. ish joyda, transportda, uyda umuman shaxs boʻlib oʻz meniga ega insonlarda mavjud, shuning uchun ham biz kim bilan qanday muloqot (muomala) qilishni bilishimiz kerak. Insonning qanchalik bilimli, aql-zakovatli ekanligi uning muloqoti orqali namoyon boʻladi.

Odamlar butun ichki dunyosini, maqsadini, muomala va munosabatlarini bir-birlariga soʻz yordamida yetkazadi, amalga oshiradi. Shu tufayli muloqotda kishilarning muomalalari yoqimli boʻlishi zarur. Bundaylarni odamlar yoqtiradi va hurmat qiladi. Muloqot ham oʻziga xos sanʼatdir. Bu sanʼatni mukammal oʻrganish har bir insonga zarur.

Amerikalik pedagog, yozuvchi Deyl Karnegi odamga yoqimli muomalada boʻlish uchun olti qoidaga rioya etishning yoʻllarini izohlab bergan.

Bular:

1. boshqa odamlar bilan samimiy, sidqidildan qiziqib koʻrish;
2. muomala paytida tabassum qilish;
3. yodingizda boʻlsin, kishining oʻz nomi har qanday tilda eng shirin va muhim tovushlar yigʻindisi sanaladi;
4. ajoyib tinglovchi boʻlish. Boshqalarni oʻzi togʻrisida gapirishlariga qiziqtirish;
5. suhbatdoshingiz qiziqadigan mavzuda gapirishga harakat qilish;
6. suhbatdoshingizni oʻz qadr-qimmatini anglashga, oʻzining izzat-nafsoniyatini baland tutishiga ishonitirish, bu ishni chin yurakdan samimiy ado etish.

Shunday ekan, munosabat mustahkamligi talablarda muloqot birligining oʻsishiga asosdir. Talabalarda birgalikda harakat qilish, oʻzaro ishonch kabi munosabatlarning rivojlanishi uchun ularda affiliativ motivatsiyani rivojlantirish zarurdir. Ular darslar davomida doim ham birgalikda faoliyat olib bormaydilar bu ularning oʻrtasida munosabat birligi toʻla mavjudmasligini isbotlaydi.

¹ Ильин Е. П., Ильин Е. П. Мотивация и мотивы. – Издательский дом "Питер", 2013.

² Гребенюк О.С., Гребенюк Т.Б. Г79 Основы педагогики индивидуальности: Учеб. пособие Калинингр. ун-т. - Калининград, 2000. - 572 с. ISBN 5-88874-169-8.

³ Omonova N.O. Communication culture on the basis of pedagogical cooperation development. Galaxy international interdisciplinary research journal (giirj) ISSN (E): 2347-6915 Vol. 9, Issue 12, Dec. (2021) 301-307-b.

Talabalarning Pedagogik hamkorlikning to'g'ri tashkil etilishi talabalarda o'quv materialini samarali o'zlashtirish bilan birgalikda ular o'rtasida munosabat birligining yaratilishi uchun ham zamin bo'ladi¹.

Ahamiyatli jihati shundaki, agar ta'lim jarayonida talabalarda affiliativ motivatsiyani rivojlantirib borilsa bu orqali biz ularning o'z xohishiga binoan erkin o'z ustida tinimsiz ishlashlariga va ular o'rtasida sof raqobat muhitini yaratish hamda muloqot madaniyatini rivojlantirishga erishishimiz mumkin. Chunki bo'lajak har bir pedagogda muloqot madaniyati rivojlangan va o'z tinglovchisiga ta'sir etish kuchiga ega bo'laolishi zarurdir.

Munosabatning yana bir jihati muloqotga kirishuvchilarning bir-birlarini idrok eta olishlaridir. Masalan, biz bir kishi bilan muloqotga kirishishdan avval uni hurmat qilib yoki mensimasdan munosabatda bo'lamiz. Aynan muloqot davomida uning haddi-harakatlarini kuzatamiz, uning o'zini tutishi va hakozalar tufayli, muloqotdoshimizga qaysidir ma'noda fikrimiz o'zgaradi. Demak muloqot insonning muhim jihatlaridan biri sanalib insonning muloqot ma'daniyati kishilarda salbiy va ijobiy fikrlarni paydo bo'lishini ta'minlaydi.

Muloqot-pedagog faoliyatining eng muhim professional qurolidir.

Noto'g'ri pedagogik muloqot o'quvchida qo'rquv, ishonchsizlik tug'diradi, diqqati, xotirasi va ish qobiliyatini susaytiradi, nutq me'yorini buzadi. Natijada, o'quvchilarda steriotip fikrlar vujudga keladi. Ularni o'qishga va mustaqil o'rganishga, fikrlashga bo'lgan qiziqishlar susayadi. Natijada, o'quvchilarda o'qituvchiga, uning faniga nisbatan muayyan salbiy munosabatlar uzoq vaqt shakllanib qoladi.

X.Xekxaufen affiliatsiyani muloqotga ehtiyoj doirasida o'rgangan bo'lib, uning ta'kidlashicha, affiliatsiya har kunlik, lekin shuning bilan birgalikda fundamental xarakterga egadir. U o'zidan psixik hodisa, motiv, mayl, xohish, boshqa odamlarga intilishni namoyon etadi². Uning asosida muloqotni amalga oshiruvchi inson emotsional va ishonchli aloqalarga bo'lgan ichki ehtiyojni namoyon etadi. Odatda, u yaqin munosabatlar o'rnatishga intilish, har ikkala tomonga qoniqish olib kelish maqsadidagi muloqot jarayoni, birgalikdagi harakatlar majmui ko'rinishida namoyon bo'ladi. Ushbu ehtiyojning maqsadi turlicha bo'lishi mumkin va hatto bir-birini rad etuvchi (yaqin munosabatlarga erishish yoki suhbatdoshdan o'z maqsadi yo'lida foydalanish) ko'rinishida ham kelishi mumkin.

Shunday ekan talabada ta'lim olishida zaruriy ehtiyojidan kelib chiquvchi yondashuvni o'stirish ahamiyatlidir.

Shuni alohida ta'kidlash zarurki, talabalarga ularda o'tiladigan fanlarning ular uchun zarurligini, ahamiyatlilik darajasini tushunishiga ko'maklashishimiz kerak.

Ya'ni talabada darsga, o'qib o'rganish, o'z ustida ishlashga bo'lgan talabni orttirish kerak. Talabadagi mavjud holat uning bilim olishi uchun harakat faolligining ortishiga sabab bo'ladi. Shundan so'ngina unda affiliatsiyani rivojlantirishimiz mumkin. Motivatsiya doimo faoliyat mazmuni va jarayoniga qiziqish, jamiyat oldidagi burch, o'zini o'zi tasdiqlash va boshqa jarayonlarda o'z aksini ko'rsatadi.

Demak, affiliativ motivatsiyani rivojlantirish jarayonini o'stirish uchun, avvalo, talabalarning atrofda doimiy munosabat o'rnatadigan kishilari bilan aloqalarini va maqsadlarini dars davomida birlashtira olish holatining darajasini aniqlash zarur. Buning uchun talabalar guruh ichida kichik guruhlarga bo'linib birgalikda dars davomida hamkorlik qilishlari va shu asnoda ular o'zaro hamfikir bo'lishlari kerak³.

Talabalar o'rtasida hamkorlikdagi ta'limni muvaffaqiyatli bo'lishi uchun beshta muhim element aniqlangan:

- ijobiy o'zaro bog'liqlik;
- individual va guruhli javobgarlik;
- rag'batlantiruvchi munosabat (yuzma-yuz);

¹ Omonova N. Oliy ta'lim jarayonida kooperativ yondashuvni rivojlantirish. central asian research journal for interdisciplinary studies 106 (CARJIS) ilmiy jurnali bilan hamkorlikda. "Yangi O'zbekistonning umidli yoshlari" 1(1)-son 2022-yil 28-fevral. 109-bet.

² Xekxaufen X. Motivatsiya i deyatelnost, t.1. – SPb.: «Piter», 2003. -S. 347-370;

³ Битянова М.Р. Социальная психология: Учебное пособие. 2 - е изд., – СПб.: Питер, 2008. – С. 150.

- talabalarga kerakli shaxslararo va kichik guruh ko'nikmalarini o'rgatish;
- guruhga ishlov berish.

Jahon olimlarining tahlillariga ko'ra, talabalar orasida hamkorlik munosabati o'rnatilganda ularda individual yoki raqobatbardosh ta'lim sharoitlarida bo'lganlarga qaraganda ko'proq yutuqlarga erishadilar, yaxshiroq fikr yuritadilar.

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan xulosa shuki yoshlardagi sog'lom muhit-sog'lom hamkorlikdagi muloqotni shakllantirish manbaidir¹.

Tahlillardan foydalanib talabalarda affiliativ motivatsiyani rivojlantirish jarayonidan kelib chiqib quyidagi taklif va talablar tizimiga duch keldik:

- talabalarda mavzu doirasida boshlang'ich tushunchalarini rivojlantirish;
- talabalar uchun affiliativ motivatsiyaning ahamiyatini tushunishida ko'maklashish, ma'lumotlarni turli yo'llar bilan ongiga singdirish;
- talabaning jamoa bo'lib ishlash malakasini ta'minlab beruvchi ijtimoiy-psixologik treninglardan faol foydalanishni tavsiya etamiz.

Xulosa qilib aytganda, talabalarda affiliativ motivatsiyani rivojlantirish bugungi kun yoshlari uchun tez va aniq ma'lumotlarni olish, kichik guruhlarda hamfikirlikda ishlash imkonini beradi. Qolaversa, muomalaga kirishish uchun ishonchli munosabat o'rnatish usullarini o'zlashtirishga ko'maklashadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-son "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida" farmoni.
2. Вартанова И.И. Структура ценностей в системе мотивации старших подростков и юношей Мир психологии. – 2010. – Т. 2008. – №. 3. – С. 131-142.
3. Bakan, D. (1966). The Duality of Human Existence. Chicago: Rand McNally.
4. Ильин Е.П., Ильин Е.П. Мотивация и мотивы. – Издательский дом "Питер", 2013.
5. Гребенюк О.С., Гребенюк Т.Б. Г79 Основы педагогики индивидуальности: Учеб. пособие Калинингр. ун-т. - Калининград, 2000. – 572 с. ISBN 5-88874-169-8.
6. Omonova N.O. Communication culture on the basis of pedagogical cooperation development. Galaxy international interdisciplinary research journal (giirj) ISSN (E): 2347-6915 Vol. 9, Issue 12, Dec. (2021) 301-307-b.
7. Omonova H. Oliy ta'lim jarayonida kooperativ yondashuvni rivojlantirish. central asian research journal for interdisciplinary studies 106 (carjis) ilmiy jurnali bilan hamkorlikda. "Yangi O'zbekistonning umidli yoshlari" 1(1)-son 2022-yil 28-fevral. – 109 b.
8. Хекхаузен Х. Мотивация и деятельность, т.1. – СПб.: «Питер», 2003. – С. 347-370.
9. Битянова М.Р. Социальная психология: Учебное пособие. 2-е изд., – СПб.: Питер, 2008. – С. 150.
10. Norqulova N.T. Yoshlar ma'naviyatida affliatsiya motivatsiyasi psixologiyasi. – T.: Fan va Texnologiya, 2015. – 107 b.

Наирга н.ф.д. Ш.Нуриллаева тавсия этган

O'QUVCHI FAOLIYATIDAGI KOGNITIV-KREATIVLIKNI SHAKLLANTIRISHDA SHAXS MAS'ULIYATLILIGINING O'RNI VA AHAMIYATI

Muhammadiyah M. (QarDU)

Annotatsiya: ushbu maqolada o'quvchi faoliyatidagi kognitiv-kreativlikni shakllantirishda shaxs mas'uliyatliligining o'рни va ahamiyati, bu borada olib borilgan ilmiy izlanishlar tahlili bayon qilingan.

Аннотация: В статье раскрыты роль и значение личной ответственности в формировании познавательно-творческой активности в деятельности студентов, дан анализ научных исследований в этой области.

Annatation: The article reveals the role and importance of personal responsibility in the formation of cognitive and creative activity in the activities of students, an analysis of scientific research in this area is given.

¹ Norqulova N.T. Yoshlar ma'naviyatida affliatsiya motivatsiyasi psixologiyasi. – T.: Fan va Texnologiya, 2015. – B. 107.

Kalit soʻzlar: *shaxs, faoliyat, faollik, masʼuliyat, jarayon, motivatsiya, taʼlim-tarbiya, oʻz-oʻzini boshqarish, oʻz-oʻzini baholash.*

Ключевые слова: *личность, активность, активизм, ответственность, процесс, мотивация, образование, самоуправление, самооценка.*

Key words: *personality, activity, activism, responsibility, process, motivation, education, self-government, self-esteem.*

Oʻquvchilarda kognitiv-kreativlikni shakllantirishda shaxs masʼuliyatligining oʻrni va ahamiyati nihoyatda kattadir.

Chunki, masʼuliyatli oʻquvchi har bir bajardigan ishi, hatti-harakatiga nisbatan vijdonan, tirishqoqlik bilan yondoshadi. Zero, hozirgi vaqtda taʼlim tizimi insonparvarlik tavsifiga ega boʻlib, unda umuminsoniy qadriyatlar, inson hayoti va salomatligi, shaxsning erkin rivojlanishi ustuvor hisoblanadi. Shu bilan birga, jamiyat aʼzolarining oʻzi yashab turgan jamiyat va tabiat oldidagi, oʻz faoliyati, xatti-harakatlari hamda atrofida (yaqin qarindoshlari, oʻrtoqlari, hamkasblari va sh.k.) oldidagi masʼuliyatini anglashi, his etishi ushbu jamiyat taraqqiyotini belgilab beruvchi muhim kategoriya hisoblanadi. Shu sababli ham uzluksiz taʼlim tizimining asosi boʻlmish boshlangʻich taʼlimdanoq oʻquvchilarda axloqiy sifatlar bilan bir qatorda masʼuliyatlikni tarkib toptirib borish bola shaxsini har tomonlama tarbiyalashda muhimdir. Bolaning nafaqat muvaffaqiyatli tarbiya topishi, balki hayotiy pozitsiyasining shakllanishi kichik maktab yoshidagi bola axloqiy jihatdan qanday tarbiyalanganiga bogʻliq, chunki bu davrda bolada tashabbuskorlik, tashkilotchilik, kommunikativlik, mustaqillik, masʼuliyatlik kabi asosiy shaxsiy fazilatlar shakllanadi. Har davrda va har qanday jamiyatda ham shaxs faoliyatining natijadorligi va yuqori samaradorligi undagi masʼuliyatlik darajasi bilan chambarchas bogʻliqdir. Ijtimoiy hayotda masʼuliyat bilan amalga oshirilayotgan faoliyat natijasida shaxs albatta yuqori samaradorlikka erishadi va shu bilan birga intizomlilik, vatanparvarlik, insonparvarlik, sabr-qanoatlilik kabi yuksak maʼnaviy-axloqiy hamda irodaviy sifatlarni ham egallab boradi.

Masʼuliyat atamasiga “Oʻzbek tilining izohli lugʻati”da quyidagicha taʼrif beriladi: masʼuliyat arab tilidan olingan boʻlib – “javobgarlik”, “hisob berishlik” maʼnolarini anglatadi va u biror ish, xatti-harakat oqibati, natijasi uchun boʻlgan javobgarlik demakdir” (Oʻzbek tilining izohli lugʻati. 2-jild. Toshkent: “Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2006.- 672 b. 555-b).

Pedagogik manbalarda, jumladan, “Oliy taʼlim” nomli lugʻat-maʼlumotnomada masʼuliyat atamasiga “shaxsning oʻz-oʻzini boshqarish shakli, oʻzini amalga oshirgan xatti-harakatlari va ularning oqibatiga sabab deb bilishda namoyon boʻladi, shuningdek, atrof muhitda va shaxsiy hayotdagi oʻzgarishlar sababi boʻlishdagi oʻz qobiliyatini tushunish va nazorat qilishda aks etadi” (Oliy taʼlim (lugʻat-maʼlumotnoma). –Toshkent: “Moliya” nashriyoti, 2003, 456 b.171-b). Yuqoridagi keltirilgan “Oʻzbek tilining izohli lugʻati”dagi taʼrifda “masʼuliyat” tushunchasining lugʻaviy maʼnosi va mohiyati ochib berilgan boʻlsa, pedagogik lugʻatda bu atamaga ijtimoiy fan va shaxsning ijtimoiy faoliyati nuqtai nazaridan izoh berilgan. Masʼuliyatga berilgan taʼriflardan kelib chiqqan holda bir fikrni taʼkidlab oʻtish joizki, oʻz navbatida oʻquvchining kognitiv-kreativligining rivojlanishi ham masʼuliyatlik bilan chambarchas bogʻliq.

Kognitiv soʻzi lotin tilidan olingan *Men bilib olaman*, Bu nima degani **bilish**. Bilish intellektual rivojlanish va tajribaning bir qismi boʻlgan fikrlash, til, idrok, xotira, fikrlash, eʼtibor, muammolarni hal qilish, qaror qabul qilish va boshqalar kabi koʻplab omillarni oʻz ichiga oladi.

Kreativlik (lot. creatio – yaratish, vujudga keltirish) – bu insonning noodatiy gʻoya, fikr bera olish, muammolarni takrorlanmas, original yechimini topish, tafakkurning anʼanaviy shakllaridan voz kecha olishga boʻlgan qobiliyatidir.

Taʼriflardan shuni anglashimiz mumkinki, kognitiv-kreativlik shaxsda oʻz faoliyatiga nisbatan oʻta yuqori masʼuliyat bilan yondashishni talab etadi. Shunday ekan, shaxsning kognitiv-kreativligi ilk bolalik yillaridan boshlab shakllana boshlashini hisobga olib bola tarbiyasiga maʼsul shaxslar bu holatni ilk bolalalik davridanoq toʻgʻri shakllantirib borishlari muhim hisoblanadi. Bu bora Gʻarb olimlardan Tomas Edison “Kreativlik - gʻayriixtiyoriy jarayon”, deydi. Lekin har kuni koʻplab mutaxassislar muammolarga noodatiy yechim topishga zaruriyat sezadi. Ular mana shu gʻayriixtiyoriy jarayonni ixtiyoriylashtirishi mumkinmi? Tabiatda yangi fikrlarni yuzaga

keltiruvchi “sehrli tayoqcha” yo‘q, biroq har qanday mutaxassisning kreativ o‘ylashiga ko‘maklashadigan ko‘plab usullar mavjud. Buning uchun ijodiy fikrlashga vaqt ajratish, ijodiy salohiyatni anglash lozim.

Bola borliq va duyoni his etar ekan, dastlab barcha voqea-hodisalarni o‘z ongida aks ettiradi, analiz va sintez qiladi, olamni o‘z tasavvurida gavdalanitiradi. Unga yangi nom berib, mohiyati va ahamiyatini baholab boradi. Bu esa uning olam, kishilar, narsa va jismlar haqidagi bir butun tasavvur va kechinmalari, orzu-umidlari, qadr-qimmatga ega bo‘lganvoqea-hodisalari, qolaversa, g‘oyalarni o‘z milliy tilida ifoda etish imkoniyatini yaratadi.

Kognitiv-kreativlik - shaxsni rivojlantiruvchi kategoriya sifatida inson ma‘naviyatining ajralmas qismi hisoblanib, shaxsni o‘z-o‘zini rivojlantirish omili, shaxsiy jonbozlikning asosi, shaxs ega bo‘lgan bilimlarning ko‘p qirrali ekanligida emas, balki yangi g‘oyalarga intilishda va o‘rnatilgan stereotiplarni yangilik yaratish jarayonini isloh qilish va o‘zgartirishda, hayotiy muammolarni yechish jarayonida kutilmagan va noodatiy qarorlar chiqarishda namoyon bo‘ladi.

Mavjud manbalarni o‘rganish va tahlillarga asoslanib shuni ta‘kidlash lozimki, bolaning kognitiv-kreativligini o‘stirish qanchalik erta boshlansa, uning intellekti, tafakkuri shunchalik yuksak bo‘ladi. Bunday bolalardan kelajakda buyuk kashfiyot egalari, notiqalar, siyosat va davlat arboblari yetishib chiqadi. Zero, yurtimizning buyuk farzandlari hisoblanmish Abu Nasr Forobiy, Ibn Sino, Beruniy, al-Xorazmiy, Amur Temur, Alisher Navoiy, Bobur, Ulug‘bek kabilar noyob yaratuvchilar va tafakkur egalari hisoblanadilar.

Ushbu masalaning tarixiy ildizlari, pedagogik rivojlanish darajasini o‘rganar ekanmiz, uning rivojlanishi uzoq davrlarga borib taqalishini ta‘kidlashimiz lozim. Ya‘ni inson yaratuvchanligining rivojlanish davri ilk ibtidoiy davrlardan boshlanadi, desak xato bo‘lmaydi. Ibtidoiy jamiyatda yashagan ota-bobolarimiz ov qo‘rollarini yasash, chorvani parvarish qilish, farzand tarbiyasi borasida egallagan tajribalarini yosh avlodga o‘rgata boshlaydi. Ularni o‘zlari bilan birgalikda olib yurib, hayotiy tajribalarini o‘rgatib borganlar. Ma‘lum topshiriqlar berib, yosh bolaning dunyoqarashi, nutqi, tassavvuri, tafakkurini o‘stirib borganlar. Keyinchalik ularning bu topshiriqlari, hayotiy tajribalari ma‘lum pedagogik ahamiyat va xususiyat kasb eta boshlaydi. Ular o‘zlarining bu pedagogik talablarini bolalarning yoshiga xos og‘zaki ijodida namoyon eta boshlaydilar. Shunday qilib dono xalqimiz tomonidan yaratilgan topishmoq, maqol, rivoyat, afsona, ertak, doston, qo‘shiq va boshqalarda bolalar ijodkorligini o‘stirishga alohida ahamiyat berilgan.

Kognitiv-kreativlik tushunchasi so‘nggi yillarda ta‘lim-tarbiya jarayonlarida ma‘lum darajada qo‘llanilmoqda. Lekin bu tushunchaning mazmun va ma‘nosini tahlil etishga hamda insonlarda kreativlikning shakllanganlik darajasini aniqlashga doir qator tadqiqotlar olib borilgan.

Yosh avlodning kognitiv-kreativligini shakllantirish masalasining nazariy va amaliy asoslari pedagog olimlar: N.A., Muslimov, M.H. Usmonboyeva, D.M. Sayfurov kabi olimlarlar tadqiqotlarida namoyon bo‘ladi. Mazkur tadqiqotlarda yoshlar ijodkorligini shakllantirish mezonlari, qonuniyat va shakllari, manba va vositalari ishlab chiqilgan bo‘lib, innovatsion ta‘lim vositasida kreativlikni rivojlantirishga oid ilmiy-metodik tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kognitiv-kreativlikni shakllantirish masalasi xorijiy olimlar: T.F. Bashina, P. Drapeau, A. Dolgorukov, E. Torrens kabilarning ishlarida namoyon bo‘ladi. Mazkur olimlar tomonidan olib borilgan izlanishlarda shaxs kognitiv-kreativligini rivojlantirishning turli yo‘llari va shakllari ishlab chiqilgan. Shu bilan birga, har qanday faoliyat mas‘uliyat bilan bog‘liq ekanligini unutmasligimiz darkor. Chunki, har bir davrda va har qanday jamiyatda shaxs faoliyatining natijadorligi va yuqori samaradorligi undagi mas‘uliyatlilik darajasi bilan chambarchas bog‘liqdir. Ijtimoiy hayotda ma‘suliyat bilan amalga oshirilayotgan faoliyat natijasida shaxs albatta yuqori samaradorlikka erishadi va shu bilan birga kognitiv-kreativligi yuksalib boraveradi. Zero, kognitiv-kreativlik ham faoliyat hisoblanadi.

Bolalardagi kognitiv-kreativlikni rivojlantirishda quyidagilarga e‘tibor qaratish zarur:

- 1) domiy ravishda bolalar tomonidan ko‘p savollar berilishini rag‘batlantirib borish va ularning bu odatini qo‘llab-quvvatlash;
- 2) bolalarning mustaqilligini rag‘batlantirish va ulardagi mas‘uliyatlilikni kuchaytirish;
- 3) bolalarga beriladigan bilim va tushunchalarning xilma-xilligiga e‘tibor qaratish;
- 4) kognitiv bilimlar asosida bolalar kreativligini o‘stirish yo‘llarini takomillashtirish.

Quyidagi omillar o'quvchilarda kognitiv-kreativlikni rivojlantirishga to'sqinlik qiladi:

- 1) o'zini tavakkaldan olib qochish;
- 2) fikrlash va xatti-harakatlarda qo'pollikka yo'l qo'yish;
- 3) shaxs fantaziyasi va tasavvurining yuqori baholanmasligi;
- 4) boshqalarga tobe bo'lish;
- 5) har qanday holatda ham faqat yutuqni o'ylash.

Xulosa sifatida shuni ta'kidlash joizki, bolalar kognitiv-kreativligini shakllantirishda o'quvchi mas'uliyatiga tayanish muammosi bugungi kunda yetarlicha hal etilmagan muammo bo'lib kelmoqda. Ana shu muammoning nazariy va amaliy yechimini izlab topish pedagogik jarayonining asosiy vazifalaridan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Божович, Л.И. Проблемы формирования личности избранные психологические тр. / Л.И. Божович; под ред. Д.И. Фельдштейна. – М.; Воронеж, 1995. – 349 с.
2. Muslimov N.A., Usmonboyeva M.H., Sayfurov D.M., To'rayev A.B. Innovatsion ta'lim texnologiyalari – T.: Sano standart, 2015. – 81 b.
3. Oliy ta'lim (lug'at-ma'lumotnoma). – Toshkent: Moliya, 2003. – 456 b.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. И. / Тахрир хайъати: Т.Мирзаев ва б. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б.

Наишга доц. Н. Орипова тавсия этган

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ БОШҚАРУВИДА КОНВЕНЦИОНАЛ ЁНДАШУВНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ

Бердиев Б.Р. (ҚарДУ)

Аннотация: таълим жараёнининг асосий субъектлари, педагог ва талаба бўлганлиги сабабли, ўрганишнинг қуйидаги фаолият тури - ўқитиш ва ўқитишнинг кесишишини ҳам ўз ичига олади. Педагогнинг фаолияти - бу ривожланишнинг асоси ва шарти сифатида талабалар томонидан ижтимоий маданий тажрибани ўзлаштиришга йўналтирилган лойиҳалаштириш ва бошқариш фаолиятини тақдим этиш масалалари очиб берилган.

Таянч сўзлар: узлуксиз, интенсив, педагогнинг фаолияти, конвенциялар, жамоавий, топологик модел, асосий субъект, ахборот оқимлари.

Аннотация: поскольку основными субъектами образовательного процесса являются учитель и ученик, исследование также включает в себя пересечение следующего вида деятельности - преподавание и обучение. Деятельность педагога - как основа и предпосылка этого развития, раскрываются вопросы обеспечения проектной и управленческой деятельности, направленной на усвоение учащимися социокультурного опыта.

Ключевые слова: непрерывная, интенсивная, педагогическая деятельность, соглашения, коллектив, топологическая модель, основной субъект, информационный поток.

Annotation: since the main subjects of the educational process are the teacher and the student, the study also includes the intersection of the following type of activity - teaching and learning. The activity of a teacher is the basis and prerequisite for this development, the issues of ensuring project and management activities aimed at the assimilation of socio-cultural experience by students are revealed.


Key words: continuous, intensive, pedagogical activity, agreements, collective, topological model, main subject, information flow.

Маълумки, билим узлуксиз айланиб, кенгайиб борадиган ахборот оқимларини қайта ишлашга асосланган ҳолда нафақат фикрни мустақил равишда интенсив ишлаш жараёнида узатилади, шаклланмайди, балки ўзлаштирилади. Бинобарин, мустақил иш олий таълим муассасаси таълим ҳаёт фаолияти жараёнини бирлаштиришнинг ўзига хос туридир. Таълим жараёнининг асосий субъектлари, мазкур тадқиқот ишида таъкидланишича, педагог ва талаба бўлганлиги сабабли, ўрганишнинг қуйидаги фаолият тури - ўқитиш ва ўқитишнинг кесишишини ҳам ўз ичига олади.

Педагогик фаолиятни талабанинг (талабаларнинг) таълим фаолиятини бошқариш учун педагогнинг фаолияти деб белгиланган. “Педагог ва талабалар бир бири билан ўзаро

алоқада бўлишлари билан ўрганиш маълумот узатиш эмас, билимларни қуроллантириш эмас, балки билим ва тажрибага эга бўлганлар билан уларни эгаллаб олганлар ўртасидаги мулоқотни амалга оширишдир”. Ушбу фаолият турларининг ўзаро ҳамкорлик муҳитида таълим алоқалари конвенциялар асосида иштирокчилар ўртасида пайдо бўлади ва бошқариладиган мустақил иш жойлашади. Талаба охир-оқибат профессионал фаолияти айланади ўқув-тадқиқот учун таълим ва билим орқали таълим ўтиш томонидан таълимга ўтади.

2.2-расм. Фаолият турлари



Таълим коммуникациялари тузилмасига мувофиқ тўртта умумий ташкилий шакллар мавжуд:

- талаба алоҳида ўзига хос бевосита мулоқотни амалга ошириб ишлайди;
- жуфтликда бир бирига ўргатади (педагог, дарсдан талабага уйда ёрдам кўрсатувчи педагог, маслаҳатчи);
- жамоавий - битта педагог, педагог гуруҳдаги талабалар сонидан қатъий назар, барчани бир данига маърузага (маъруза) ўқитади; бу ерда ҳамма ёнма ён ишлайди, лекин биргаликда эмас, балки ҳамма ўзи учун жавоб беради.
- жамоавий - ҳар ким ҳар кимни ишининг умумий натижаларига ўз ҳиссасини қўшадиган ва улар учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган (семинар-мунозара, ишбилармонлик ўйини, психологик тренинг ва бошқалар) таълим жараёнининг субъекти сифатида талабаларнинг баҳс мунозарасига ва шахслараро ўзаро алоқаларида ҳар ким ҳар кимни ўргатади.

Мазкур тадқиқот ишида ишлаб чиқилган моделда мустақил ишнинг қўлланиладиган шакллари асосий эътибор қаратилган. Ўз ўзини ўқитиш конвенционал муносабатлар соҳасида алоҳида ажралиб туради, чунки у талабанинг одатда, олий таълим муассасасидан ташқарида олиб бориладиган фаолияти билан таништиради.

Шундай қилиб, таълим бериш ва ўқитишни педагогик жараённинг икки субъекти фаолияти орқали ўтиш мумкин. Бундай ҳолда, ўзаро ҳамкорликлар бевосита ва билвосита, ўзгармас ва ўзгарувчан яъни вариатив, узоқ ва қисқа муддатли, узлуксиз ва эпизодик бўлиши мумкин. Шу маънода мустақил иш деганда педагог ва талаба ўртасида тўғридан тўғри ўзаро ҳамкорлик бўлмаган ҳолда амалга ошириладиган ва билвосита алоқаларни назарда тутадиган (ёки инкор қиладиган) таълим жараёни тушунилади.

5) Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни фаол жалб қилиш шартлари. Илмий тадқиқот ишларида, инсон тараққиёти жараёнининг бошқариладиган томонини бошқа инсонлар билан ижтимоий ва педагогик ҳамкорлик тизимини акс эттирувчи, ўзаро ҳамкорликни педагогик қўллаб қувватлаш сифатида қараб чиқилади. Бунда педагогик ҳамкорлик фаолият, жараён, тизим сифатида ифодаланади.

Анъанавий педагогик шакллардан фарқли ўлароқ, у кўпроқ индивидуал ва мослашувчан бўлиб, талабанинг ўзи динамикасини кўпроқ даражада ҳисобга олади, кўп қиррали, доимий характерга эга. Биргаликда кузатиб бориш жараёнида субъект мустақил ечим қабул қилишда танлов ҳолатида қарор қабул қилиш учун шарт-шароитларни яратиш орқали “ҳамкорлик” ҳақида гапиришга имкон беради. Ишлаб чиқиладиган моделда шартлар мажмуаси бошқарув ва ташкилий педагогик шарт шароитларни ўз ичига олади, бу бизнинг нуқтаи назаримиздан омилни фаоллаштиради ва сифатли таълим олишни таъминлашга ёрдам беради.

Бошқарув шартлари, биринчи навбатда, ташкилотдаги барча ресурслардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган таълим жараёнининг барча иштирокчилари фаолиятини тартибга солувчи норматив, ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир.

Ташкилий компонент барча олий таълим муассасалари педагоглари ва мутахассисларининг фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш, компетентлиликлари ва масъулиятини тақсимлашга йўналтирилган ташкилий ҳаракатлар тўплами тақдим этилади.

Мустақил ишларни бажариш ва мустақил таълимнинг ижобий хусусиятлари олимлардан В.И. Андриянованинг ўзбек мактабларининг 5-6-синфларида рус тили дарсида мустақил иш бажаришни ўргатиш, О.Б. Бердиеванинг геометрия таълимида ўқувчиларнинг мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш методикаси, Э.И. Закиновнинг 6-8-синфларда мустақил ишларни ташкил қилишнинг педагогик асослари, У.Н. Султонованинг физикадан ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш методикаси, Ш. Юнусованинг ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини шакллантириш, З. Нишоновна, Ж. Толипова ва Н. Халиловларнинг мустақил таълим шакллари ҳақидаги тадқиқотларида кўриб чиқилган. Педагог олим С. Матжоновнинг тадқиқот иши ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишга бағишланган бўлиб, унда дарсларда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма ижодий ишларини ташкил этиш масалалари тадқиқ қилинган. Зеро, маънавий баркамол авлодни шакллантиришда ижодий ишлар ва мустақил фаолият юритиш ўз-ўзидан эркин тафаккурни талаб қилади. Мустақил тафаккур, ўз нуқтаи назарига эга бўлмаган ўқувчи ижодкор бўла олмайди, мустақил фаолият юрита олмайди.

О. Қўйсиновнинг касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак бакалавр ўқитувчиларда мустақил билим олишга қизиқиш ва қобилиятни, педагогик маданиятни такомиллаштиришга оид илмий ишларида мустақил билим олиш усулларида тўхталиб ўтган. Тадқиқот ишимиз тажрибасидан келиб чиқиб, талаба мустақил ишларини конвенционал ёндошув асосида амалга оширишни таклиф қиламиз.

Математика дарсида билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, амалда қўллашда мустақил таълим фаолияти муҳим ҳисобланиб, билимларни мустақил ўзлаштириш бугунги куннинг энг долзарб вазифасига айланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан айтганда, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олиши, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ҳамда иқтидори, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Талабларга юқори даражадаги билимни ўқув аудиториясидаги машғулотлар тўлиқ бера олмайди. Буни амалга оширишда мустақил ўқув фаолияти тўлдирувчи-ривожлантирувчи вазифасини бажаради. Шу ўринда мустақил таълим - олинган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, қўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганиш мақсадидаги ўқув шакли эканлигини эътиборга олиш муҳимдир.

Мустақил фаолият математика фанидан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни амалга оширишга хизмат қилади, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ёки аудиториядан ташқарида бажарилади. Фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, мустақил иш турлари бўйича топшириқлар ишлаб чиқилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишнинг конвенционал ёндошуви ўз моҳиятига кўра профессор-талаба ўртасида тузилган конвенцияга асосланиши муҳим. Конвенцияда куйидагилар ўз ифодасини топади.

Бошланғич таълим кафедрасининг профессор-ўқитувчилари ва талаба билан ҳамкорлик

Конвенцияси (ШАРТНОМА) № “ ” 2022 й.

Иш юритувчи Педагогика факультети декани _____ бир томондан,
_____ номидан (талаба И.Ф.Ш.)

Талаба мустақил таълимни ташкил этиш бўйича Низомга асосланиб иш кўрувчи фан ўқитувчиси _____ иккинчи (ўқитувчи фамилияси, отасининг исми) томондан, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида тузилади.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарорига ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома асосида ишлаб чиқилган.

1. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

1.1. Профессор-ўқитувчи:

1.1.1. 5111700-бошланғич таълим йўналиши талабаларига мустақил таълим мавзуларини куйидаги шакллари таклиф этиш:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мустақил иш мавзуси юзасидан ахборот (реферат) тайёрлаш;
- мустақил таълим мавзуларидан фойдаланиб, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- мустақил иш мавзуларида берилганлар асосида ҳисоб-график ишларини бажариш;
- мустақил мавзуларни бажариш жараёнида назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш ва таклифлар бериш;
- мустақил таълим мавзулари асосида илмий мақолалар тайёрлаш, анжуманларда маърузалар билан иштирок этиш;
- мустақил иш мавзуси бўйича электрон ўқув топшириқларини тайёрлаш.

1.1.2. Мустақил таълимни амалга ошириш бўйича фан ўқитувчисининг вазифалари

- Мустақил таълимни режа асосида тизимли бажарилишини назорат қилиш;
- Талабаларга мустақил таълим мавзулари бўйича тегишли дарслик, ўқув қўлланма, илмий рисола ҳамда илмий мақолалар номларини таклиф этиш, танишиб чиқиш бўйича топшириқлар бериш;
- Талабага мустақил таълим олиш учун асосий ва қўшимча адабиётлар билан таништириш, интернет сайтлари ресурслари ва архив материалларини тавсия этиш;
- Талабаларнинг мустақил ишига жадвал асосида маслаҳатлар бериб бориш;
- Талаба бажарган мустақил таълимнинг натижасини тестлар, инновацион технологиялар, кейслар орқали баҳолаш ҳамда кафедра йиғилишларида мунтазам ахборот бериб бориш.

1.2. “Талаба”:

- режа асосида таклиф этилган мустақил таълим мавзуларини пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- мустақил таълим олишда фойдаланиладиган асосий ва қўшимча адабиётларни ҳамда ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш;
- мустақил таълимни бажаришда профессор-ўқитувчидан тегишли маслаҳатлар олиб туриш;
- талаба ўзи бажарган мустақил таълим мавзу(лар)ини кичик гуруҳларда, индивидуал, жамоада муҳокама қилиб бориш.

3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ:

- талаба томонидан бажарилган мустақил таълимда асосий масала ва унинг тадқиқий ечимини аниқланганлиги устидан назорат олиб бориш;
- талаба мустақил таълимини бажаришда берилган мисол- масалаларнинг энг аниқ формулаларини топиши, муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлаш бўйича таҳлилий ёндошув даражасини мунтазам назоратга олиш;
- мустақил таълимни бажаришда математик ечимни топишга оид ҳаракатлар (қўлланилган воситалар, тақдимотлар, усуллар) ва шахсий таклифларни аниқ кўрсатилганлигини эътиборга олиш.

3.2. ТАЛАБА:

- берилган топшириқ ва вазифаларнинг рационал ечимини топиш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш;
- топшириқ ва вазифаларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш.

4. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

4.1.1. Томонларнинг ўзаро ҳамкорлиги давлат таълим стандартлари талабларига жавоб бермаса;

4.1.2. Таълим муассасаси тегишли ҳужжатлар асосида тугатилганда;

4.1.3. Ушбу шартнома томонларнинг барчаси имзолаганидан сўнг кучга киради ҳамда шартнома тўлиқ бажарилгунга қадар амалда бўлади.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ

Бошланғич таълим кафедраси

ТАЛАБА

Қарши ДУ

Манзил: Қарши шаҳар Кўчабоғ

кўчаси 17-уй

Телефон: 0(375)225-34-13,

Факс: (0 375) 221-00-56

Имзо: _____

Манзил:

7 ТТЖ _____

Имзо: _____

Мазкур конвенцияга асосан талаба мустақил ишларини бажаришда бир қатор масъулиятни ҳис қилади. Шунингдек, биринчидан, ҳисоблаш учун берилган вазифаларни бажариш, умумлаштириш ва тақрорланувчи жадвалларни тўлдириш, технологик хариталарни ишлаб чиқиш, лаборатория, амалий ишлар тўғрисида ҳисоботлар тузиш, турли органайзерлар асосида талабалар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаларга эътиборли бўлишини таъминлайди.

Иккинчидан, турли лойиҳаларни тайёрлаш, кесмалар ва кесишмаларни тасвирлаш (айрим детал ва тугунларни чизиб кўрсатиш ва ҳоказо), схемалар, графиклар, диаграммаларни тузиш, амалий натижаларини таққослаш ва шунга ўхшаш вазифаларни бажаришга мойиллик.

Учинчидан, буюм ва маҳсулотларни тайёрлаш, жиҳоз ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш, маҳсулотга ишлов бериш, ҳисоблаш, янги мосламаларни лойиҳалаш, макет ва моделлар, намуналар тайёрлаш каби ишларни амалга оширишга фаолиятли ёндашдилар.

Конвенционал ёндошув асосида талаба мустақил таълимини ташкил этиш талабада билим ўзлаштиришга иштиёқ, масъулият, вазифаларни онгли бажариш имконини беради. Конвенционал ёндошув талабаларни мустақил таълимни ўз вақтида аниқ бажариш - мақсадга эришиши учун қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари борлигини тушуниб етдилар, уларда ҳуқуқий маданият шакллана боради. Чунки, ҳар бир вазифа талаба ва ўқитувчи ҳамкорлигида амалга оширилишига қаратилган бўлади:

- конвенционал ёндошув асосида ташкил этилган мустақил таълим талабаларда ахборотларни ўзлаштириш, олинган маълумотларни хотирада сақлаш ва қайта жонлантириш, қайта ишлаш, аввал эгалланган билимларни тўғри жалб қилиш, фаоллаштириш асосида бажаришга ўргатади;

- конвенционал ёндашув асосида талаба билим, малака, кўникмаларга янгича нуктаи назардан ёндашишни, уларда масаланинг моҳиятини излаш, янгича ечимлар топиш, янгича ғоя, фикрлар билан ифодалашни талаб этиш истагини пайдо қилади;

- талабаларни маъруза машғулотларида педагог томонидан берилаётган назарий маълумотларни ўзлари ўзлаштирган маълумотлар билан таққослашга ўрганиши натижасида аналитик тафаккурини ривожлантириш имконини беради;

- талабаларга конвенцияга асосан аудиториядан ташқари ҳам ўқитувчи билан кўпроқ мулоқот қилиш имкониятини яратади;

- конвенционал ёндошув асосида талабалар томонидан мустақил материалларини матн ёрдамида, визуал ҳамда амалда қўллаш орқали самарали ўзлаштиришини таъминлайди;

- тузилган конвенцияга асосан талабалар томонидан мустақил ўзлаштирилган билим, кўникмалар ҳамкорлик асосида талабалар ўртасида муҳокама қилинади;

- конвенционал ёндошув асосида талабаларнинг мустақил ўзлаштирган билимларининг сифати педагог томонидан назорат қилиб борилади;

- талабалар мустақил ўзлаштирган когнитив кўникмаларини тизимлаштиришга имкон яратади;

- ўқув материаллари юзасидан берилган манбаларни таҳлил қилиш орқали талабалар мустақил мавзуларнинг асосий тушунча ва ғояларини аниқ ўзлаштиришга эришади;

- ўқув материални ўзлаштириш учун сарфланадиган вақтни қисқартириб, талабаларга кўпроқ амалий вазифаларни бажаришга ва янги таклифлар билан қуроллантиришга имкон беради;

- талабаларни замонавий таълим технологияларидан ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида амалий фойдаланишга ўргатади;

Замонавий шароитда талаба мустақил таълимини конвенционал ёндошув асосида ташкил этиш мустақил ишларни бажариш жараёнида талабаларда танқидий, ижодий фикрлаш рефлекслари ривожлантирилади.

Шу сабабли дарс жараёнида ташкил этиладиган мустақил ишларни конвенционал ташкил этиш жараёнида бир қатор замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мустақил таълимни конвенционал ёндашув асосида амалга оширишнинг педагогик технологиялари – ўқишдан ташқари вақтда талабаларнинг ўзлаштирган билим ва кўникмаларини жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзаро ривожлантириш, шунингдек, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг конвенционал ташкил этилишини таъминловчи таълимий характердаги технологиялар ҳисобланади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ажурли арра стратегиясини талаба мустақил таълимини бажаришда фойдаланиш талабаларнинг мустақил бажариш учун тавсия этилган мавзунини пухта ўзлаштирилганлиги, ўзлари эга бўлган билимларни бошқаларга етказиб бериш лаёқатига эга бўлишларига имкон яратади. Бунда мустақил таълимга эътиборсиз талаба яққол кўриниб қолади ва конвенция шартларига амал қилмаслик натижаси ўзи ва артофидагилар (гуруҳ) учун кўплаб ноқулайликлар келтириб чиқаришини онгли равишда англайдилар. Бу эса мустақил таълим олишга масъулият билан қараш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Андриянова В.И. Стратегия формирования у обучаемых способностей самовыражения и самореализации. –Т.: Fan va texnologiya, 2014, – 204 с.
2. Абульханова-Славская К.А. Деятельность и психология личности. – М.: Наука, 1980.
3. Дьяченко В.К. Организационная структура учебного процесса и ее развитие. – М., 1989.
4. Елизарова Г.В. Организация самостоятельной учебной деятельности студентов в логике реализации федеральных государственных образовательных стандартов высшего профессионального образования. – СПб: РГПУ им. А.И. Герцена, 2009.

5. Землянская Е.Н. Моделирование как метод педагогического исследования / Е.Н. Землянская // Преподаватель XXI век, 2013. – № 3, ч. 1. – С. 35-43.
6. Лобанов А.П., Дроздова, Н.В. Самостоятельная работа студентов как рефлексия компетентностного подхода // Материалы Международной научно-практической конференции / под ред. Н. Д. Корчаловой, И. Е. Осипчик. – Минск: Изд. центр БГУ, 2009. – 348 с.
7. Ниязметова Т.Р. Методика самостоятельной работы учащихся на уроках узбекской литературы в IV – VII классах: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Т.:1979. – 21 с.
8. Реан А.А., Бордовская Н.В., Розум С.И. Психология и педагогика. – СПб.: Питер, 2007. – 432 с.
9. Султонова Ў.Н. Физикадан ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш методикаси: Автореф. дис. ... пед. фан. ном. – Т.: 2007. – 22 б.
10. Кўйсинав О.А. Талабаларда мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2008. – №2. – Б. 22–23.

Наширға проф. Р.Шодиев тавсия этган

OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA TALABALARNI PEDAGOGIK FAOLIYATGA TAYYORLASH MURAKKAB JARAYON SIFATIDA

Buriyeva N. (QarDU)

Annotatsiya. Mazkur maqolada talabalarda ijtimoiy faollik ko'nikmalarini shakllantirishda motivlashtirish va motivatsiyaning o'rni hamda ularni amaliyotga tatbiq etishning ahamiyati ilmiy asoslangan holda tadqiq etilgan.

Kalit so'zlar: *motivatsiya, ijtimoiy faollik, shaxs tushunchasi, insonparvarlik, ta'lim-tarbiya jarayonlari, ijtimoiy faoliyat, o'qish, o'rganish, pedagogik jarayonlar, metod, yondashuv, takomillashtirish.*

Annotation. This article examines the role of motivation and motivation in the formation of social activity skills in students and the importance of their application in practice on a scientific basis.

Keywords: *motivation, social activism, concept of personality, humanities, educational processes, social activity, reading, learning, pedagogical processes, method, approach, improvement.*

Аннотация. В данной статье рассматривается роль мотивации и мотивации в формировании навыков социальной деятельности у студентов и значение их применения на практике на научной основе.

Ключевые слова: *мотивация, социальная активность, концепция личности, гуманитарные науки, образовательные процессы, социальная активность, чтение, обучение, педагогические процессы, метод, подход, совершенствование.*

Dunyoda oliy ta'lim muassasalari talabalarining ijtimoiy faolligini rivojlantirish texnologiyasini takomillashtirish, ularning ijtimoiy tashabbuskorligini qo'llab-quvvatlashga doir yangi pedagogik vositalarni ishlab chiqish, ijtimoiy-madaniy va kommunikativ faoliyatni samarali tashkil etish malakalarini rivojlantirishga doir qator ilmiy izlanishlar olib borilmoqda. Ijtimoiy faollikni rivojlantirishning asosiy omillari sifatida talabalarda axloqiy-estetik dunyoqarash va siyosiy ijtimoiylashuvni qaror toptirish alohida e'tirof qaratilmoqda. SHuningdek, ijtimoiy faollikning pedagogik mexanizmlari sifatida talabalar axloqiy, kasbiy va kommunikativ tayyorgarligining ma'naviy-madaniy asoslari, taraqqiyot g'oyalariga ongli munosabati, texnokratik fikrlashini rivojlantirish muhim o'rin tutadi.

Respublikamizda oliy ta'lim mazmuni va kadrlar tayyorlash jarayonlarini ilg'or xorijiy tajribalar asosida takomillashtirish, talabalarda ijtimoiy kompetensiyalarni rivojlantirishga ma'naviy-ma'rifiy ishlarning muhim yo'nalishi sifatida alohida e'tibor qaratilmoqda. Shu bilan birga talabalarining bo'lajak kasbiy faoliyatning ijtimoiy ahamiyatini to'liq anglanishiga erishish, ijtimoiy talab va majburiyatlarga mas'uliyatni munosabatni qaror toptirishning pedagogik mexanizmlarini takomillashtirish zaruriyati yuzaga kelmoqda. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida «Jismonan sog'lom, ruhan va aqlan rivojlangan, mustaqil fikrlaydigan, Vatanga sodiq, qat'iy hayotiy nuqtai nazarga ega yoshlarni tarbiyalash, demokratik islohotlarni chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish jarayonida ularning ijtimoiy faolligini oshirish» kabi muhim vazifalar belgilab berilgan. Bu esa talabalarining ijtimoiy faolligini rivojlantirishning pedagogik-psixologik xususiyatlarini aniqlashtirish, ijtimoiy faollikni

rivojlantirishning pedagogik modeli va auditoriyadan tashqari mashg'ulotlarni tashkil etishning interfaol texnologiyalarini takomillashtirishni talab etadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning BMT bosh Assambleyasi 2017-yil 19-sentyabrdagi 72-sessiyasida so'zlagan nutqida: «Bizning asosiy vazifamiz - yoshlarning o'z salohiyatini namoyon qilishi uchun zarur sharoitlar yaratish, zo'ravonlik g'oyasi «virusi» tarqalishining oldini olishdir. Buning uchun yosh avlodni ijtimoiy qo'llab-quvvatlash, uning huquq va manfaatlarini himoya qilish borasidagi ko'p tomonlama hamkorlikni rivojlantirish lozim, deb hisoblaymiz», - degan fikrlari talabalarning ijtimoiy faolligini qo'llab-quvvatlash yo'nalishida bir qator aniq vazifa va chora-tadbirlarni belgilashga asos bo'ladi.

Oliy ta'lim muassasalarida talabalarni pedagogik faoliyatga tayyorlash murakkab jarayon bo'lib, uni oqilona amalga oshirish bo'lg'usi pedagog kadrning kasbiy yetukligini ta'minlashga xizmat qiladi. Ma'lumki, muayyan yo'nalish va mutaxassislik bo'yicha kadr tayyorlash to'plangan tajriba, ilmiy izlanishlar asosida tartibga tushirilgan ta'lim standartlari, shuningdek, uni huquqiy jihatdan ta'minlovchi me'yoriy hujjatlar, o'quv-metodik adabiyotlar tizimi asosida amalga oshiriladi. Demak, bunda kadrlar tayyorlashda uzoqni ko'zlab ish yuritiladi. Bu kadrlar tayyorlashning asosiy komponenti hisoblanadi hamda unga mamlakatimizda davlat ahamiyati beriladi. Ayni zamonda, uni ta'lim jaryonida qanday qo'llash masalasi ham borki, bu borada ham yutuqlarimiz kam emas. Ko'rinib turibdiki, oliy ma'lumotli kadr tayyorlashda o'zaro uzviy bog'langan ikki jarayon mavjudki, biri strategik mohiyat, ikkinchisi esa taktik mohiyat kasb etadi. Shuning uchun ham kadrlar, xususan, pedagogik kadrlar tayyorlashda strategiya va taktika tushunchalaridan foydalanish to'g'ri bo'ladi. Bu terminlarning harbiy sohaga tegishli ekanligi barchaga ma'lum, lekin ular boshqa sohalarda ham qo'llana boshladi, jumladan iqtisodiyot va menejment yo'nalishlarida bu termindan keng foydalanilmoqda, hatto ayrim fanlar shu termin bilan bevosita atalgan.

Taktika so'zi strategiyani amalga oshirish usuli, tarzi ma'nosini bildirib, ko'zlangan maqsadni konkret sharoitlarda amalga oshirishda qo'llanadigan prinsiplar, yondashuvlar va usullarni qamrab oladi. Shu jihatdan bu termin va tushunchalardan ta'lim tizimini rejalashtirish, uning mazmunini belgilash va konkret sharoitlarda uni amalga oshirishni ilmiy asoslashda, jumladan, pedagog kadrlarni tayyorlash bilan bog'liq ilmiy qarashlarni shakllantirish, uni asoslash hamda pedagog kadrlarni tayyorlash jarayoni modullarida foydalanish maqsadga muvofiq ekanligini ta'kidlagan bo'lar edik. Strategiya terminidan mamlakat, ayrim olingan vazirlik, oliy ta'lim muassasasi miqyosida foydalanish mumkin bo'ladi va uning tayanch tushunchasi strukturasi istiqbol ma'nosi yotadi. Demak, strategiya tushunchasi ta'lim sohasida biror mamlakat, vazirlik yoki oliy ta'lim muassasasi istiqbolni ko'zlab ishlab chiqilgan metodologik hujjatlar, o'quv-me'yoriy hujjatlar, ta'lim resurslarini qamrab oladi va yetuk kadrlarni tayyorlash maqsadini ko'zlaydi. Ko'rinadiki, strategiya pirovard maqsad tushunchasi bilan uyg'unlashib ketadi.

O'zbekiston Respublikasida ta'lim maqsadi "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da aniq-ravshan belgilab berilgan. Shunday qilib, ta'lim strategiyasi jamiyatning ta'limga bo'lgan ehtiyojini qondirish maqsadida ishlab chiqiladigan va ta'lim jarayoniga joriy etiladigan bosh metodologiyadir. Taktika ishlab chiqilgan strategiyani amalga oshirish usulidir. Aytaylik, oliy ta'lim muassasasi 4 yil davomida bakalavr kadrlarni tayyorlab chiqarishi kerak. Buning uchun mamlakatimizda zarur bo'lgan ta'limiy-tashkiliy hujjatlar to'liq yaratilgan. Ana shu hujjatlarni konkret sharoitga tatbiq etish, faqat tatbiq etibgina qolmay, sifatli kadr tayyorlashga qaratilgan innovatsiya va ijodiy ishlanmalarni o'quv jarayonida qo'llash hamda bunda standart va nostandart metod va texnologiyalardan foydalanish, tashkilotchilikda avtorlik pozitsiyalariga ega bo'lish, umumlashtirib aytganda, strategiyaning muvaffaqiyatini ta'minlashga qaratilgan xususiy yondashuvlarni amalga oshirish taktikadir. Taktika strategiyaning hayotiy mazmuni hisoblanadi. Avval ta'kidlaganimizdek, pedagogik kadr tayyorlashning strategik masalalari O'zbekiston Respublikasida to'la hal qilingan, muayyan darajada uni amalga oshirish taktikasi ham ishlab chiqilgan.

Ma'lumki, talabalarni pedagogik faoliyatga tayyorlash ikki komponentdan – nazariy bilimlarni egallash va malakaviy (pedagogik) amaliyotdan iborat. Bu strategik reja bo'lib, har ikki bosqich o'ziga xos taktikani bildiradi, ya'ni nazariy bilimlar egallab bo'lingach, amaliyotni o'taydi.

Anʼanadagi bu tizim oʻzini oqlab kelayotgandek taassurot qoldiradi. Shuning uchun ham bu tizimni oʻzgartirish haqida hech qanday chora-tadbirlar koʻrilmay kelinmoqda. Amalda yosh pedagog kadr pedagogik faoliyat yuritishga qanchalik tayyor ekanligi nisbiy haqiqat boʻlib qolmoqda. Faqat bir martagina, u ham boʻlsa, oxirgi kursda malakaviy amaliyotdan oʻtishning oʻziga sifatli kadr tayyorlashda kifoya emasligini hayot tasdiqlamoqda.

Butun umrini bola taʼlim va tarbiyasi bilan oʻtkazishga hozir turgan, pedagogik faoliyat yuritishga huquq beruvchi diplomga ega boʻlgan shaxs nazariy tayyor boʻlsa ham, amaliy jihatdan uni toʻlaonli uddalay olmayotganligi rasmiy va norasmiy ravishda aytib kelinmoqda. Bu “yozilmagan haqiqat”ni tuzatish vaqti yetdi, balki uni ilmiy asoslarga qoʻyish lozim ham. Buning uchun esa pedagogik faoliyatga tayyorlash taktikasini ishlab chiqish lozim boʻladi. Bu taktik reja toʻgʻrisida avval ham fikr yuritilgan edi, lekin uni amalga oshirish mexanizmlari ishlab chiqilmaganligi va oliy pedagogik taʼlim xizmatchilarida tashabbuskorlik yetishmaganligi tufayli bu taktik reja amalga oshmadi. Maʼlumki, yaqin oʻtmishda uzluksiz pedagogik amaliyot degan tushuncha bor edi, u taʼlim jarayoniga tatbiq etildi ham, uning ayrim joriy hujjatlari yaratildi, lekin uni amalga oshirish taktikasi ishlab chiqilmaganligi uchun ham tezda bekor qilindi. Unga koʻra, pedagogika oliy taʼlim muassasasi talabasi butun oʻquv faoliyati davrida umumiy oʻrta va oʻrta maxsus taʼlim muassasasida quyi kurslarda passiv kuzatuvchi, yuqori kurslarda faol amaliyotchi sifatida qatnashishi koʻzda tutilgan edi, lekin u davrdagi mutaxassis tayyorlovchi oʻquv rejalarida bu oʻquv turiga maxsus vaqt meʼyori ham belgilangan boʻlsa-da, passiv kuzatuvchilik faoliyatining oʻquv-metodik taʼminoti ishlab chiqilmadi, natijada bu reja barbod boʻldi. Hozirgi “Pedagogika” taʼlim sohasiga kirgan Davlat taʼlim standartlari va oʻquv rejalarida bu faoliyatni tashkil etishga vaqt meʼyorlari belgilangan emas, bunga hojat ham yoʻq, chunki pedagogik faoliyatga tayyorlashni oqilona va mavjud imkoniyatlardan unumli foydalangan holda tashkil etish mumkin. Shuni taʼkidlash joizki, nazariy bilimlarni berish va pedagogik faoliyatga tayyorlash jarayoni oliy taʼlim muassasalarida uygʻun tashkil etilishi maqsadga muvofiq boʻladi. Bu taktik rejani amalga oshirmaslik, avval taʼkidlanganidek, pirovard natijada, tayyorlanayotgan pedagog kadrning sifatiga salbiy taʼsir oʻtkazadi. Xorijiy mamlakatlarda nazariy taʼlim va amaliyotni bogʻlagan holda taʼlim berish tizimi “sendvich kurs” deb yuritiladi. Bunga koʻra, har bir modulda nazariy bilim olingach, talabalar shu bilimlarni peshma-pesh amaliyotda yo koʻrib keladilar, yoki shu jarayonda ishtirok etadilar, natijada nazariya va amaliyot uygʻunligi taʼminlanadi. Mamlakatimizda bu tizim oliy tibbiyot taʼlimida muvaffaqiyat bilan ishlamoqda. Aslida “sendvich kurs” barcha oliy taʼlim muassasalari taʼlimida qoʻllanishi zarur boʻlgan taktik rejadir. Ayniqsa, oliy pedagogik taʼlimda uning muhim oʻrni bor. Biz oliy pedagogik taʼlimda “sendvich kurs”ning bosqichlarini quyidagicha belgilashni tavsiya etgan boʻlar edik: 1. Pedagogik jarayonning kuzatuvchisi. Bunda 1-2-kurslardagi psixologiya, yosh fiziologiyasi va gigiyena, pedagogika nazariyasi fanlariga ajratilgan soatlar asosida amaliy va seminar mashgʻulotlari vazifalarini bajarish maqsadida talabalar maxsus ishlab chiqilgan dastur (yoki xarita) asosida umumtaʼlim maktablari va oʻrta maxsus, kasb-hunar taʼlimi muassasalarida oʻquv-tarbiya jarayonini bevosita kuzatadilar va ular toʻplagan materiallar professor-oʻqituvchi boshchiligida muhokama qilinadi. Umumiy psixologiyadan kuzatish dasturi ikki jihatni qamrab olishi zarur: 1) oʻquvchilarning mashgʻulotga ruhan tayyorligi, motivatsiyasi (qiziqishi), diqqati, oʻqituvchi va oʻquvchilarning idrok qilishi, xotirasi, xayoli, fikr yuritishi hamda shu jarayonda ular temperamentining namoyon boʻlishini; 2) oʻqituvchining dars oʻtishga ruhan tayyorligi, oʻquvchilarga umumiy ravishda va yakka tarzda murojaat qilishi, nutqidagi izchillikning saqlanishi va taʼsirchanligi, oʻquvchilarning psixik jarayonini boshqara olish imkoniyatlarini tahlil qilib, qoʻlidagi hujjat (karta)ning tegishli oʻrinlariga faktlarni qayd qilib boradi va u toʻplagan maʼlumotlar dars oxirida psixologiya boʻyicha rahbar boshchiligida muhokama qilinadi. Bu psixologiya fanining seminar mashgʻulotlari mazmuni asosida amalga oshiriladi. Yosh fiziologiyasi va gigiyena fani boʻyicha oʻquvchilarning sinf partalarida oʻtirish holati, ularning yoshiga nisbatan oʻsish darajasi, sinfdagi gigiyena qoidalarining amal qilish holati, oʻquvchilarda sogʻlom turmush tarzi, jismoniy imkoniyatlari, sezgi organlarining sogʻlomlik darajasi kuzatiladi, zarur hollarda bolalar klinikasidagi tibbiy xaritasi bilan tanishish lozim. Bu esa oʻquvchi shaxsini har tomonlama oʻrganish va shu asosda unga individual munosabatda boʻlishni taʼminlaydi.

Pedagogika nazariyasi bo'yicha. Talabalar (ularning miqdori 2-3 nafardan oshmasligi maqsadga muvofiq) sinf rahbariga biriktirib qo'yiladi va sinf rahbarining tarbiyaviy ishlariga to'laligicha yordamchi sifatida faoliyat ko'rsatadi. Ishni sinf rahbari hamda ta'lim muassasasining tarbiyaviy va ma'naviy sohadagi rejalari bilan tanishishdan boshlab, rejadagi barcha masalalarni hayotga joriy qilishda bevosita ishtirok etadi; ikkinchi tomondan, o'qituvchining dars jarayonidagi faoliyatini kuzatadi: dars strukturasi amal qilishi, uning tanlagan o'qitish metodlari, ulardan foydalanish imkoniyatlari, o'quvchilarning o'zlashtirishlarini aniqlashda (baholashda) ularni qo'llab-quvvatlash shakllari, pedagogik taktga amal qilishi, darsliklar bilan ishlash mahorati va boshqalar. 2. O'quv jarayonining passiv ishtirokchisi. 3-kursdagi pedagogik texnologiya, pedagogik mahorat, o'qitish metodikasi fanlarining amaliy va laboratoriya mashg'ulotlari vazifalarini bajarish maqsadida umumta'lim maktablari va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchisiga o'quv-tarbiya jarayonini tashkil etishda assistentlik qiladilar. O'qitish metodikalari kurslarida o'qitish metod va texnologiyalari bo'yicha olingan nazariy bilimlardan so'ng, uning amaliy mashg'ulotlarida shu metod va texnologiyalarni o'qitish jarayonida muvaffaqiyatli qo'llayotgan tajribali mutaxassislarning mashg'ulotlari kuzatiladi va tahlil qilinadi. Ilg'or o'qituvchilarning treningi tashkil etilishi ham maqsadga muvofiq bo'ladi. 3. Amaliyotchi-o'qituvchi. Oliy ta'lim professor-o'qituvchisi rahbarligida maxsus tayyorgarlik ko'rib, mustaqil mashg'ulot o'tadi, tarbiya jarayonini boshqaradi. Bu o'quv faoliyati rasman malakaviy amaliyot, odatda pedagogik amaliyot deb yuritiladi. Pedagogik amaliyotga hozirlik ko'rish uni o'tashga nisbatan murakkab jarayon ekanligini his qilish joiz. Tayyorgarlik jarayonida: – umumiy o'rta ta'lim va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi Davlat ta'lim standartlari, fanning o'quv dasturi bilan chuqur tanishib chiqish va uning natijasi sifatida maxsus testdan o'tishi; – pedagogik amaliyot o'tadigan fanlar bo'yicha darsliklarni to'liq o'rganish, ayniqsa, amaliyot davrida o'tiladigan mavzular va amaliy ishlarni o'rganib chiqish, ular bo'yicha ham testdan o'tishi; – o'qitish metodlari va texnologiyalari bo'yicha ishlanmalarni hozirlab qo'yish, metodist-o'qituvchi ekspertizasidan o'tkazish va boshqa ishlarni amalga oshirishi lozim bo'ladi. Malakaviy amaliyot esa amaldagi Nizom va boshqa joriy o'quv-me'yoriy hujjatlar asosida odatdagidek davom ettiriladi. Muhimi, 1 va 2-bosqichlar talabani malakaviy amaliyotga to'la tayyorlab qo'yadi, ya'ni talaba quyi kurslardan oq umumiy o'rta ta'lim yoki o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tizimi o'quv-tarbiya jarayonida ishtirok etib keladi, bu esa malakaviy amaliyotda ularning o'ziga ishongan holda faoliyat olib borishiga zamin tayyorlaydi. Nazarimizda, bu kursni ratsional tashkil etish maqsadida ishchi o'quv rejasidagi "Umumiy psixologiya" fanini "o'rin almashish" tamoyili asosida ikkinchi kursning 1-semestriga o'tkazish zarurdir, chunki 1-kurs talabasi pedagogik jaryonni psixologik jihatdan kuzatishga hali tayyor bo'lmaydi. Ta'kidlash joizki, "sendvich kurs"ning muvaffaqiyatli ishlashi uni qat'iy tartiblarda tashkil etish va uning nazorat shakllarini oqilona amalga oshirishga bog'liq bo'ladi. Ma'lum bo'ladiki, nazariy ta'lim va malakaviy amaliyot munosabatlarini (strategik va taktik) uyg'un tarzda tashkil etish to'laqonli pedagog kadrlarni tayyorlashning garovi sifatida xizmat qilishi mumkin.

Xulosa qilib aytganda, o'sib kelayotgan yosh avlodni ijtimoiy faollik ruhida tarbiyalash bugungi kundagi dolzarb vazifalardan hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi «O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar Strategiyasi to'g'risida»gi PF-4947-son Farmoni. - O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017 y., 6-son, 70-modda.
2. Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – T.: O'zbekiston, 2017. – 488 b.
3. Elmurzaeva, N. (2019). Organizational and Pedagogical Conditions of Improving Educational Work with Mentally Retarded Children in Republic of Uzbekistan. Eastern European Scientific Journal, (1).
4. Ravshanov, J. F. (2020). Importance of classification of historical terms and concepts. JournalNX, pp. 461-464.
5. Samarova, S. (2018). Forming Creative Vision of Person as Universal Method Enhancing Creativity. Eastern European Scientific Journal, (6).
6. Usarov, J. E. (2017). Formation Competence at Pupils as the Factor of Increase of Education's Efficiency. Theoretical & Applied Science, 53(9), 79-82.

7. Айдаров, Е. Б. (2019). Ўқувчи-ёшларга маънавий-ахлоқий тарбия бериш орқали экологик маданиятни шакллантириш. *Замонавий таълим илмий-амалий оммабоп журнал*, – 5(81)-сон, – Б. 60-66.
8. Ачилова, С. Ж. Коррекционная – логопедическая работа при дизартрии дошкольного возраста. *European research: innovation in science, education and technology*, (2020). – С. 126-129.
9. Кодирова, Ф. У. Методик кластер – замонавий мактабда соғлом рақобат ричаги. Бошланғич таълимнинг долзарб масалалари: муаммо ва ечимлар мавзусидаги республика илмий-амалий онлайн конференция, 2020. 2(2)-сон, – Б. 5.
10. Корасев С. Фанларро узвийлик ва узуро алокани таъминлашнинг узига хос хусусиятлари // *Таълим, фан ва инновация*, 2016, 2(2)-сон. – Б. 45–50.
11. Махкамова Ш. Р., Асадуллаева М. Ёшларни маънавий тарбиялашда цушичилик санъатининг тутган урни, 2020. – Б. 3–4.
12. Мусурманов Р. М., Сотбаров, А. А. Взгляды восточных мыслителей на воспитание ребёнка и семейные отношения в узбекских семьях. *Вестник науки и образования*, 2020. – С. 82.

Nashrga dots. N.Oripova tavsiya etgan

AMALDAGI DAVLAT TA'LIM STANDARTI, O'QUV DASTURLARI, O'QUV-USLUBIY MAJMUALARNING O'RGANILAYOTGAN MAVZU BO'YICHA TAHLILI

Norqulova M.B. (NDPI)

Аннотация. Mazkur maqolada amaldagi Davlat ta'lim standarti, o'quv dasturlari, o'quv-uslubiy majmualarning o'rganilayotgan mavzu bo'yicha tahlili keltirilgan. Ilmiy tadqiqot davomida yig'ilgan ma'lumotlar asosida fikr mulohazalar berilgan. Darsliklardan mavzuga doir mashqlar asoslab ko'rsatilgan.

Таянч со'злар: *ta'lim to'g'iridagi qonun, Davlat ta'lim standarti, Grammatik kompetensiya, ilmiy tadqiqot, kommunikativ vaziyat, o'quv-uslubiy majmu.*

Аннотация. В данной статье представлен анализ действующего государственного образовательного стандарта, учебных планов, учебно-методических комплексов по изучаемому предмету. Мнения даются на основе данных, собранных в ходе научных исследований. Учебники основаны на упражнениях по предмету.

Ключевые слова: *образовательное право, Государственный образовательный стандарт, Грамматическая компетенция, Научные исследования, Коммуникационная ситуация, Учебно-методическая основа.*

Annotation. This article presents an analysis of the current state educational standard, curricula, educational and methodical complexes on the subject being studied. Opinions are given based on data collected during the scientific research. The textbooks are based on exercises on the subject.

Key words: *Education Law, State Education Standard, Grammatical Competence, Scientific Research, Communication Situation, Educational And Methodological Foundation.*

O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishganidan so'ng, jamiyatning har bir jabhasida ya'ni ijtimoiy-iqtisodiy, biznes, tibbiyot, transport, huquq, texnologiya, sanoat va harbiy sohalarida shu jumladan ta'lim tizimida ham ko'plab ijobiy o'zgarishlar sodir bo'lmoqda. 1997-yilda qabul qilingan "Ta'lim to'g'risida"gi qonuni yuqori salohiyat va kasbiy madaniyatga, ijodiy va ijtimoiy faollikka, ijtimoiy-siyosiy hayotda mustaqil harakat qila oladigan, o'z oldiga qo'yilgan vazifalarni hal etishga qodir bo'lgan yangi avlodni shakllantirishga qaratilgan¹. Fuqarolarga ta'lim va tarbiya berish, kasb-hunar o'rgatishning huquqiy asoslarini belgilab beruvchi "Ta'lim to'g'risida"gi qonun va Kadrlar tayyorlash milliy dasturi (1997-yil) bo'lib, uning maqsadi zamon talablariga mos kelajak avlodni yaratish, ularning ta'lim va tarbiyasiga alohida e'tibor qaratib, ilmiy salohiyatini oshirish hamda globallashuv jarayonida o'z o'rnini topa oladigan va xorijiy tillarni mukammal o'rganib o'z hayot yo'lida erkin qo'llay oladigan yetuk kadrlarni yetishtirishdan iboratdir².

O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.A.Karimovning 2012-yil 10-dekabrda "Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 1875-sonli

1. "Uzluksiz ta'lim tizimining chet tillar bo'yicha davlat ta'lim standarti" O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2013-yil 05-avgustdagi 124-son qarori

2. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi 1997.

qarori ijrosini ta'minlash borasida ulkan ishlar amalga oshirildi¹. Xususan, chet tillarni o'qitishning innovatsion uslublarini ishlab chiqish va rivojlantirish Respublika ilmiy-amaliy markazi tashkil etildi. Uzlüksiz ta'lim tizimining Chet tillari bo'yicha Davlat ta'lim standarti (DTS) O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2013-yil 05-avgustdagi 124-son qarori bilan tasdiqlandi va bajarilishi lozim bo'lgan ishlar va chora-tadbirlari belgilandi¹. Respublikamiz maktabgacha ta'lim muassasalari, o'rta ta'lim maktablari, kasb-hunar kollejlari, akademik litsey va oliy o'quv yurtlarining xorijiy til kabinetlari kerakli jihozlar va innovatsion ta'lim texnologiyalari bilan jihozlandi. Mazkur qaror bilan umumiy o'rta ta'lim maktablarida chet tillari sifatida ingliz tili, nemis tili va fransuz tillari birinchi sinfdan CEFR malaka talablariga asosan o'qitila boshlandi. Yangi Davlat ta'lim standarti asosida darsliklar, o'qituvchi kitobi va multimedia ilovalari bosqichma bosqich yaratilmoqda. Bundan tashqari Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 21-avgustdagi 701-sonli "Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida xorijiy tillarni o'qitishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi² qarori hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning 2018-yil 5-sentabrdagi PF 5538-sonli "Xalq ta'limini boshqarish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmonida ham har bir o'quvchining bugungi ko'p madaniyatli dunyoda raqobatlasha oladigan fuqaro sifatida tarbiyalashda chet tillarini bilish ko'nikmasi muhim ekanligi alohida ta'kidlangan³. Mazkur Milliy o'quv dasturi yuqoridagi qaror va farmonlar ijrosining mantiqiy davomi sifatida yaratilgan.

Mamlakatimizda chet tili maktabgacha ta'lim tizimidan o'qitilishi boshlanadi va oliy ta'lim tizimigacha davom etadi. O'rta ta'lim maktablarida o'quvchilar 11 yil ta'lim olishadi. Bunda ular ingliz tilini A1 (beginner) darajadan to B1 (upper-intermediate) darajasigacha o'rganishadi. Maktab bitirguncha bo'lgan davrda o'quvchilar xorijiy tilning o'qish, yozish, tinglab tushunish va gapirish ko'nikmalaridan faol hayotda erkin qo'llay olishlari DTSda belgilangan.

Mazkur maqolada umumiy o'rta ta'lim maktablarida chet tilini o'qitish va o'rgatish holatlari ko'rib chiqiladi. Chet tilini samarali o'qitish nafaqat o'qituvchining bilim saviyasi va mahoratiga, shu jumladan darsliklar, o'quv-qo'llanmalar va o'quv-uslubiy majmualarning sifatiga ham bog'liq. *O'zbekistonning Birinchi Prezidenti I.A.Karimov ta'kidlaganidek, "Davlat ta'lim standartlari, o'quv dasturlari va o'quv adabiyotlarini takomillashtirish, oliy va o'rta maxsus ta'lim tizimidagi ta'lim yo'nalishlari va mutaxassisliklarini bugungi kun talablarini hisobga olgan holda qayta ko'rib chiqish zarur"*⁴.

Uzlüksiz ta'lim tizimining chet tillari bo'yicha davlat ta'lim standarti "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi to'g'risida", O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidentining 2012-yil 10-dekabrda "Chet tillarini o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-1875-son qarori, Yevropa Kengashining Common Europe Framework of Reference for languages: Study, Teaching, Assessment (CEFR) da keltirilgan xalqaro standart talablari[7], Birlashgan Millatlar Tashkilotining bola huquqlari konvensiyasiga asosan tuzilgan. Davlat ta'lim standartiga ko'ra, "O'zbekiston Respublikasida ta'limning barcha bosqichlarida chet tilini o'qitishning asosiy maqsadi o'rganuvchilarning ko'p madaniyatli dunyoda kundalik, ilmiy va kasbga doir faoliyatlar olib borishi uchun chet tilida kommunikativ kompetensiyani (lingvistik, sotsiolingvistik va pragmatic kompetensiyalarni) shakllantirishdan iborat" [1]. Ta'lim mazmuni umumiy o'rta, o'rta maxsus, kasb-hunar va oliy ta'limning fanlar bo'yicha o'quv dasturiga kiritilgan mavzulardan iborat. O'quv materiallari ta'limning barcha turlarida uzviylik, uzluksizlik va davriylikni ta'minlaydi. Bitiruvchilarning chet tillar bo'yicha egallagan bilim, ko'nikma va malaka darajalariga qo'yiladigan talablar ta'lim mazmuniga muvofiq ishlab chiqilgan.

Ushbu DTS ning afzalligi shundaki, u A1 darajadan C1 darajaga doir til o'rganuvchilar bilishi zarur bo'lgan barcha qonun-qoidalarni, baholash mezonlarini va til kompetensiyalarni

3. O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.A.Karimovning 2012-yil 10-dekabrda "Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 1875-sonli qarori.

4. Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 21-avgustdagi 701-sonli "Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida xorijiy tillarni o'qitishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori.

5. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning 2018-yil 5-sentabrdagi PF 5538-sonli "Xalq ta'limini boshqarish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmoni.

6. "Xalq so'zi" gazetasi 2012-yil 22-mart.

mohiyatini o'z ichiga oladi. Bu hujjat o'quvchilarga til o'rganishni rejalashtirish, maqsadlarni belgilash yoki moslashish va rivojlanishni nazorat qilish, XXI asr ko'nikmalari asosida tinglab-tushunish (listening), o'qish (reading), yozish (writing), gapirish (speaking) va ularni integratsiya qilish (integrated skills)da ko'nikmalar hosil qilishda yordam beruvchi hamda yuqorida sanab o'tilgan ko'nikmalarni rivojlantirish imkoniyatini beradigan o'quv materiallarini ya'ni o'quv reja, dasturlar, darsliklar va qo'llanmalarni yaratishda asos bo'lib xizmat qiladi[8]. Hozirgacha o'rta maktab ta'lim tizimida chet tili o'qitish uchun yaratilgan darsliklar tarkibiga biz tadqiq etayotgan mavzu ya'ni ingliz tili grammatikasini ham olgan. O'qituvchilarga yengillik yaratish maqsadida har bir sinf uchun "Teachers' books" ham yaratilgan bo'lib, unda har bir mavzuni o'tish uslubi, qonun-qoidalari va mashqlar javoblari ham keltirilgan. Hozirda amalda bo'lgan A2 darajadagi 5-9 sinflarda foydalanilayotgan ingliz tili darsliklari haqida qisqacha ma'lumotni ushbu jadvalda ko'rishingiz mumkin. (Table 1)

Table 1

N	Grades	Books	Authors	Edited year
1	5 th class	Fly High	Xan S.S.,Djurayev L.X, Kamalova L.	2017
2	6 th class	Fly High	Xan S.S.,Djurayev L.X, Kamalova L.	2018
3	7 th class	Teen's English	Svetlana Xan, L.Kamalova, L.Djuraev	2019
4	8 th class	Teen's English	Svetlana Xan, L.Kamalova, L.Djuraev	2020
5	9 th class	English matters	L.Djurayev	2014

Tarkibiy qismiga ko'ra dastur, kirish, chet tilini boshqa fanlar bilan integratsiyasi, umumiy kompetensiyalar, tavsiyalar, chet tilini rivojlantirish konsepsiyasi, A1-C1 darajalari uchun o'quvchilarga qo'yiladigan talablar va 1-11 sinflar uchun mavzular taqsimotidan tashkil topgan. Dasturda auditoriya mashg'ulotlari mavzusi, soati, baholashning reyting tizimi va nazorat o'tkazish usullari ham keltirilgan.

Ingliz tilini o'rganayotgan 5-9 sinfdagi o'quvchilar- chet tilini A2 tayanch darajasini o'rganuvchilari hisoblanadi. Bu sinflarda o'quvchilarning lingvistik, nutqiy, grammatik, fonetik, leksik, sotsiolingvistik, pragmatik kompetensiyalari va tinglab tushunish, gapirish, o'qish, yozish ko'nikmalari shakllantiriladi. Bitiruvchilar muhokama qilinayotgan masalani asosiy mohiyatini tinglab tushuna oladi, qisqa dialoglarda ishtirok etib, sodda kundalik gaplarni ayta oladi, monologik tarzda tanish mavzuda qisqa taqdimot qila oladi, qisqa matnlarni o'qib tushuna oladi va o'zlashtirilgan leksik birliklarni kontekstda qo'llay oladi. Grammatik jihatdan ular, kommunikativ vaziyatlarda asosiy grammatik va sintaktik tuzilmalardan foydalana oladi, so'z birikmalari va qo'shma gaplarni "ammo", "va", "chunki" kabi bog'lovchilar bilan tuza oladi, fe'l shakllari va sodda payt ravishlaridan foydalanib, hikoyalarni to'g'ri ketma-ketlikda ifodalay oladi¹.

Mazkur dastur grammatikani alohida o'rgatishni ma'qullamaydi, uni kontekstda kommunikativ metod orqali o'rgatish zarurligi uqtiradi. Lekin grammatik tushunchalar, tuzilmalar, kategoriyalarni o'rgatishni inkor etmaydi, darsliklarning so'nggi sahifalarida grammatik qonuniyatlar haqida tafsilotlar keltirilgan. Dasturda ta'lim bosqichlarida qaysi grammatik mavzularni o'zlashtirish kerakligi va qanday o'rgatilib, nimalarga e'tibor qaratish zarurligi ko'rsatilmagan. R.V.Rogova fikriga qo'shilgan holda, shuni ta'kidlash joizki, «*Grammatikasiz nutqning har qanday shaklini o'zlashtirish imkoni mavjud emas, chunki grammatika so'z va tovush tarkibi bilan birga nutqning moddiy asosi hisoblanadi*»¹. Bizning fikrimizcha dasturda o'quvchilarning mustaqil ta'lim olishlarini oshirish maqsadida, innovatsion ta'lim

¹ Рогова Г.В. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. – М.: Просвещение, 1991. – 287 с.

texnologiyalardan foydalangan holda, mavzular tarkibi va mashqlar tizimini ko'rsatib o'tilganda maqsadga muvofiq bo'lar edi.

Tadqiqot ishimizning mavzusi A2 darajali o'quvchilarning grammatik kompetensiyasini oshirish bo'lganligi sababli, biz maktab darsliklari, o'quv qo'llanmalar va o'quv uslubiy majmualar bilan tanishdik. 2019-yilda Toshkent shahrida bosmadan chiqqan 7-sinf 'Teen's English' darsligi batafsil o'rganish maqsadida tahlil qildik. Ingliz tili darsliklari o'quvchilar kitobi, o'qituvchilar kitobi va audio-video yozuvli kompakt diskdan tashkil topgan [10]. Darslik nutqiy ko'nikmalar (o'qish, yozish, tinglash va gapirish)ni rivojlantirishga qaratilgan. Ingliz tili grammatikasi integrallashgan tarzda o'rgatishga mo'ljallangan. Ushbu darsliklar 10 bo'limdan tashkil topgan bo'lib, har biri 7 mavzuni (umumiy 70 mavzu), ish kitobi, grammatik mavzular va lug'atni o'z ichiga oladi. O'quv qo'llanma rang-barang tasvirlar bilan boyitilgan turli mavzulardan tarkib topgan bo'lib, bu o'quvchilarni unga bo'lgan qiziqishini uyg'otadi va visual ko'rish orqali ma'lumotlarni eslab qolish qobiliyatini o'stiradi. Nutqiy faoliyat turlarini integratsiya qilgan holda yaxlit o'zlashtirish, muloqotning barcha sohalarida nutq malakalaridan to'g'ri foydalanishni bilish, ta'lim va tarbiya jarayonini uyg'unlashtirib, o'quvchilarda boshqa millat va elatlarning madaniyati, urf odatlari va an'analariga hurmat tuyg'usini shakllantirish, ularda real hayotdagi voqea-hodisalarga munosabat bildirish, kreativ va tanqidiy fikrlash qobiliyatining rivojlantirilishiga hissa qo'shadi.

Darslikda grammatikani o'rgatishdan maqsad kommunikativ vaziyatlarda o'z fikrini to'g'ri va ravon ifodalay olish, muhokama qilinayotgan mavzu yuzasidagi qarashlarini grammatik strukturalarga tayangan holda erkin bayon eta olish kompetensiyalarni shakllantirishdir. O'quvchilarni grammatikani muvaffaqiyatli o'zlashtirishlari, ko'p jihatdan yangi mavzuni taqdimotiga bog'liq. Grammatikani alohida mavzu sifatida emas balki uni ikki xil tarzda kontekstual va kontekstdan tashqari holatda o'rgatish mumkin. Hozirgi zamon talablaridan kelib chiqqan holda grammatikani kontekstda o'rgatish samaraliroqligi ta'kidlanmoqda. Bunda o'rganilayotgan grammatik qismni gapdagi, matndagi vazifasi, formulasi, strukturasi, so'zlar bilan bog'lanishi, sintagmatik va paradigmatik bog'lanishlarga tayaniladi.

Ayrim grammatik mavzularni darslikdagi taqdimoti va mashqlar izchilligi bilan mosligini tahlil qilib chiqamiz. "Summer holidays are fun" mavzusida (Class 7, Page 6) berilgan matnda o'tgan zamon fe'llari qora harflar bilan belgilanib, so'roqlarga javob berish zarurligi yozilgan. Bunda 6-klassda o'tilgan Past Simple mavzusini o'quvchilarga takrorlatish nazarda tutilgan. "I've brought warm clothes" (page 16) mavzusida ma'lum vaziyatlarda Present Perfect Tense zamonidan foydalanib Ex1 dialog tuzish, Ex 3 savollar bilan javoblarni moslash ko'rsatilgan. "What's it made of?" (Page 41) mavzusida, Ex 1 Passive Voicega aloqador gaplarni Ex 1 suratlar bilan moslashtirish topshirig'i berilgan. Bu o'quvchilardagi visual xotirani yanada mustahkamlaydi. "How do you spend your leisure time?" (Page 54) Ex 1a Guruh bilan ishlang, tableda berilgan so'zlardan foydalanib gaplar tuzing. Bu bo'limda Gerund- Hobby bilan birga o'rgatilgan. "Which continent is the largest?" (Page 63) mavzusidagi Ex 1 da geografik xartaga qarab, so'roqlarga javob bering; Ex 3a textda qolib ketgan so'zlarni, 67- betdagi textga qarab to'ldiring. Bu mavzuda context orqali sifat darajalarini tuzish o'rgatiladi. "The Silk Road" (page 73) the structure of 'as...as' is taught in the Ex 2a by doing the task: answer the questions. For example, 'Is the Aral Sea as big now as it was in 1960?' or 'Is Mount Kilimanjaro as high as Mount Everest'. Har bir bo'lim oxirida, uyma o'qish uchun turli hil hikoyalar berilgan. Bu tekstlarda turli grammatik strukturalarni uchratish mumkin. Ba'zida tekstdagi barcha so'zlarni tushunish, tarjima qilish o'quvchiga murakkablik qiladi, lekin tekstni umumiy ma'nosini yaxshi tushuna olishadi va o'qituvchi bilan fikr almasha olishadi.¹ Ushbu darslikda grammatik-tarjima metodidan foydalanilmagan, uning o'rniga ushbu topshiriqlar orqali matching texts with pictures, answer the questions, filling the gaps, complete the table, work in pairs, say 'true' or 'false'; mualliflar o'quvchilarning ijodkorlik va muloqot qobiliyatini rivojlantirishni hohlashgan. Mazkur jadvalda, Grammatik mavzular sinflar doirasida qanday taqsimlanganini ko'rishingiz mumkin.² (Table 2)

7. "Teens' English" a textbook for Class 8. Tashkent 'O'qituvchi' 2020 y.

8. "Teens' English" a textbook for Class 7. Tashkent 'O'qituvchi' 2020 y.

Umum ta'lim maktab o'quv darsliklari tahlili

Table 2

	Themes	5-sinf Fly high	6-sinf Fly high	7-sinf Teens' English	8-sinf Teens' English	Class 9 English matters
1	Noun	+	+	+		
2	Article	+	+	+	+	
3	Possessive Case	+	+	+		
4	Adjective	+	+	+		
5	Number	+	+	+		
6	Prepositions	+	+	+		
7	Pronouns	+		+		
8	Present Simple Tense	+	+	+	+	
9	Present Continuous Tense		+	+		
10	Past Simple Tense		+	+		
11	Past Continuous Tense		+	+		
12	Present Perfect Tense			+		+
13	Modal verbs	+	+	+	+	+
14	Gerund		+	+		
15	Conjunctions		+	+		
16	Adverb		+	+		
17	Reported Speech				+	
18	Past perfect				+	
19	Passive voice				+	+
20	Compound sentences			+	+	+
21	So'z yasash	+		+	+	+
22	If/wish sentences				+	+
23	List of irregular verbs			+	+	
24	Future Tenses			+		

Darslikni tahlil qilishdan maqsad grammatik mavzular A2 darajasiga erishish uchun mos yoki mos kelmasligini aniqlashdir. Ko'rinib turibdiki, 7 va 8-sinf darsliklari 5 va 6-sinflarning mantiqiy davomi emas. Ammo 6 va 7-sinf darsliklari oxiridagi grammatik ma'lumotlar bir xil. 5 va 6-sinf darsliklari sodda va tushunarli, o'quvchilar topshiriqlarni oson bajaradilar, har bir mavzu uchun darsning yarmi yetarli. 7 va 8-sinf darsliklari ancha murakkab, o'quvchilar ko'pincha har bir dars uchun barcha vazifalarni bajara olmaydilar; O'qituvchilar ularga qo'shimcha uy vazifasini berishadi. 9-sinf darsligi biroz eskirgan, nomlari yetarlicha eski, o'quvchilarning qiziqishini oshirishga yordam bermayapti. Learners have some difficulties to comprehend 'Present and Past Perfect tenses', 'Reported Speech', 'Modal verbs' and 'Compound sentence'.

The categories of grammatical exercises and tasks of the textbooks.

Table 3

	The types of grammar exercises	Grade 5	Grade 6	Grade 7	Grade 8	Grade 9
1	Answer the questions	Ex 4.p14 , Ex 2a.p17, Ex3a p23, Ex 4a p 40,	Ex4a p 24, Ex 3b p64, E,x 2 p 67	ex4a. p6, ex3a.p15, ex3.p26 ex2a.p32 ex2a.p34 ex2bp39 ex1.2.p48 ex2a.p50 Ex1.p63 Ex1c.p64 Ex1.p73	Ex1a.p7 Ex1a.p10 Ex4b.p14 Ex2a.p30 Ex1a.p31 Ex1b.p41 Ex3a/p47 Ex2a.p79	Ex1b,2p6, Ex 2a p 7, Ex1b p 8, Ex1a p 10,Ex2a p 17, Ex1a p 21, Ex1a p 29, Ex1 p 34,

2	Write a short story	Ex 3a p6,		ex4.p14,	Ex2.p35 Ex2a.p41	Ex1 p 25,
3	Match the questions and answers	Ex 5 p 8,	Ex3a p 51,	Ex3.p16, Ex1.p41	Ex2b.p49 Ex2b.p55	Ex3 p 24,
4	Read and match	Ex 3e p 15, Ex 4 p 19,	Ex2a p7, Ex 3a p 16,Ex 5a p30, Ex2a p 32	Ex2a.p18,		Ex2a p13, Ex3ap 17,
5	Complete the text	Ex 3a p7, Ex4 p30,	Ex 2a. p 6, Ex3a p 12, Ex5 p 15, Ex 3 p 19, Ex 2b p 27, Ex 1 p 33, Ex3a p 39,	Ex2b.p25 Ex2a.p31 Ex3c.p46 Ex3.p56 Ex2.p57 Ex3.p59 Ex2b.p66	Ex3a.p6 Ex3a.p10 Ex4a.p22 Ex3a.p24 Ex2b.p47 Ex2a.p56 Ex4a.p57 Ex2b.p58 Ex2.p63 Ex2.p72 Ex3.p73 Ex1.p82	
6	Find 'true' or 'false'	Ex4 p10, Ex2b p16, Ex2 p20,	Ex 3 p 48,	Ex2c.p34 Ex2c.p66	Ex2c.p38 Ex2c.p40	
7	Complete and make a dialogue	Ex4 p 39,	Ex 5a p 22,	Ex5.p41 Ex3a.p48	Ex2a.p33	
8	Put the parts of the text in order	Ex 3a p 12,	Ex 2 p 43	Ex 5a.p42	Ex2c.p26	Ex2cp 11, Ex 3bp19,
9	Make sentences	Ex3 p 21, Ex 4a p 25, Ex 3 p 26, Ex 4b p 31,Ex 3b p 47,		Ex1a.p55 Ex3a.p58	Ex4.p16 Ex1.p39 Ex2c.p42 Ex3.p57 Ex1.p59 Ex3c.p79	Ex4a p18,
10	Write questions to the text	Ex4b p 21,			Ex2a.p16 Ex2a.p17	
11	Read and say	Ex 3 p 33	Ex4b p 10,		Ex3a.p17 Ex4.p23	

Darslik kontekstual va kontekstdan tashqari topshiriqlarni o'z ichiga oladi (Table 3). Tasks which is connected with texts are 'Complete the text', 'Put the parts of the text in order', 'Write questions to the text', 'Answer the questions', 'Find true' or 'false'. Non-contextual tasks are 'Match the questions and answers', 'Read and match', 'Make sentences' 'Read and say'. Bizning fikrimizcha, juftlik va guruhli ishlar yetarli, lekin individual bajariladigan vazifalar kamroq. Yakka tartibda bajariladigan topshiriqlar ko'proq qo'shilsa yaxshi bo'lardi, chunki bu topshiriqlar o'quvchilarning mustaqil ishlash ko'nikmalarini rivojlantirishga yordam beradi.

Tadqiqot davomida biz shunga guvoh bo'ldikki, mazmun-mundarija bilan bog'liq muammolarning asosiy sabablaridan biri bu darsliklarni yaratish tizimida xilma-xillikning yo'qligidir¹. Yaratilgan darsliklar grammatik jihatdan bir-birini mantiqan davomi emasligi, sinflar ketma-ketligidagi darsliklarning juda murakkablashib yoki soddalashib ketganligi qaysidir sinflarda o'quvchilarning fanga bo'lgan qiziqishlarining so'nishiga sabab bo'lmoqda. Masalan, amaldagi 5-sinf ingliz tili fani darsligi "New Fly High 5" 4-sinf ingliz tili fani darsligi "Kids' English 4" mazmun-mohiyati va qiyinlik darajasiga nisbatan uzviy bog'liqligi ta'minlanmagan. 10-11-sinf darsliklari bugungi kun talablari darajasiga moslashtirilgan, ammo bu darsliklarda talab qilingan bilim va ko'nikmalar 6-9-sinflarda shakllantirilmaganligi kuzatilmoqda. Shuning uchun, yuqori sinflardagi mavzularni o'zlashtirishda o'quvchilar qiyinchiliklarga uchramoqda. Masalan, 10-11-sinf darsliklaridagi mashg'ulotlar o'quvchilarning kreativ va tanqidiy fikrlash qobiliyatini rivojlantirishga asoslangan, ammo bu ko'nikmalar quyi sinf darsliklariga yetarli darajada kiritilmagan. Yuqori sinflardagi darsliklarda yangi so'zlar ingliz tilida izohlangan, vaholanki bu ko'nikmalarni 8-sinfdan boshlab asta-sekinlik bilan kiritilsa maqsadga muvofiq bo'lardi.

Tahlil qilingan ingliz-tili darsliklari Vazirlar Mahkamasi tomonidan ma'qullangan bo'lib, o'quvchilarning kommunikativ kompetensiyasini shakllantirish yuzasidan uslubiy jihatdan muvofiq tuzilgan, lekin grammatik kompetensiyani shakllantirishga ko'p e'tibor qaratilmagan, o'quvchilarni mustaqil ishlash ko'nikmalarini kuchaytirishga yo'naltirilgan materiallar soni kamligi, darslik yetarli darajada ishlab chiqilmagan deb tavsiflashga asos bo'la oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. "Uzluksiz ta'lim tizimining chet tillar bo'yicha davlat ta'lim standarti" O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2013-yil 05-avgustdagi 124-son qarori.
2. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi. 1997.
3. O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.A.Karimovning 2012-yil 10-dekabrda "Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 1875-sonli qarori.
4. Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 21-avgustdagi 701-sonli "Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida xorijiy tillarni o'qitishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori.
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning 2018-yil 5-sentabrda PF 5538-sonli "Xalq ta'limini boshqarish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmoni.
6. "Xalq so'zi" gazetasi 2012-yil 22-mart.
7. Yevropa Kengashining Common Europe Framework of Reference for languages: Study, Teaching, Assesment (CEFR).
8. Babaniyazova N.P. Анализ действующего Государственного образовательного стандарта, учебных программ, учебно-методических комплексов в плане исследуемой темы.
9. Рогова Г.В. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. – М.: Просвещение, 1991. – 287 с.
10. "Teens' English" a textbook for Class 7. – Tashkent: 'O'qituvchi', 2020.
11. "Teens' English" a textbook for Class 8. – Tashkent: 'O'qituvchi', 2020.
12. 'Fly High' a textbook for Class 5. – Tashent: 'O'qituvchi', 2017.
13. 'Fly High' a textbook for Class 6. – Tashent: 'O'qituvchi', 2017.
14. 'English Matter' a textbook for Class 9. – Tashent: 'O'qituvchi', 2014.

Nashrga dots. N.Oripova tavsiya etgan

ОИЛА ИНСТИТУТИНИ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ҚАДРИЯТЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Хўжақулов А., Рахмонова Д., Джураева З., Хасанова Ў. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада оила институтини пайдо бўлиши ва унда қадриятли муносабатларни оилада шаклланишининг ижтимоий тизими давлатчиликни пайдо бўлиши натижасида оилавий ҳаёт тўғри йўналишга қаратилиши қабил қаттириши ҳисобига, ҳуқуқий-давлат ташкилотини шакллантириш зарурати илмий-назарий масалалари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган.

Таянч сўзлар: оила институти қадриятли муносабатлар давлатчиликни пайдо бўлиши оила, муҳит, қадрият, муносабат.

Аннотация. В статье рассматриваются научно-теоретические вопросы о необходимости формирования государственно-правовой организации в связи с возникновением института семьи и социальной системы формирования ценностных отношений в семье, в результате возникновения государственности, семьи. жизнь будет направлена в нужное русло благодаря росту племени.

Ключевые слова: институт семьи, ценностные отношения, становление государственности, семья, среда, ценность, отношение.

Annotation. The article deals with scientific and theoretical questions about the need to form a state-legal organization in connection with the emergence of the institution of the family and the social system for the formation of value relations in the family, as a result of the emergence of statehood, the family. life is directed in the right direction, thanks to the growth of the tribe.

Key words: family institution, value relations, formation of statehood, family, environment, value, attitude.

Тарихий-фалсафий шарт-шароитлар натижасида оила институтини пайдо бўлиши ва унда қадриятли муносабатларни оилада шаклланишининг ижтимоий тизими сифатида оила институти атамасини атрофлича таҳлил қилиб чиқишимизга тўғри келади.

Шу сабабдан ҳам тадқиқотимиз доирасида оила ва оилавий тарбия ижтимоий муносабатларини ривожланишининг тарихий ва фалсафий шарт-шароитлари ҳамда болаларда оилага нисбатан қадриятли муносабатларни пайдо бўлиш босқичларини кузатиб чиқамиз.

Қадимги вақтларда оила ижтимоий институтини шаклланиши ва ривожланиши ҳақида фан тарихи гувоҳлик бериб, унда оила анъаналарини ўрганиш кўп минг йиллик тарихга хусусан, Конфуций, Геродот, Афлотун, Арасту ва бошқаларга бориб тақалади. Оила жамоатчилик институти сифатида жамиятнинг пайдо бўлиш жараёнида вужудга келди. Оила тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши қадриятларни мустаҳкамлаш орқали аниқланиб, улар: оила аъзолари риоя қилувчи меъёрлар, ота-она ва болалар, таълим-тарбия, уларни амалга оширишдаги масъулиятлилик ҳисси ва шу қабилардир. Мазкур қадриятлар ўзни тута билиш қоидалари, жавобгарлик ҳисси, эркак ва аёл каби субъектлар ўртасидаги вақт ўтиши даври билан маълум бир шаклни намоён этади. Ушбу қадриятлар оилада ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимланиши ва тартиблаштиришга имкон берган. Жамият ривожининг даслабки босқичларида, бундай муносабатлар урф-одат (қabila, уруғ), ўзида ахлоқий қоидаларни намоён этиб, диний қоидаларга асосланиш орқали назорат қилинган.

Давлатчиликни пайдо бўлиши натижасида оилавий ҳаёт тўғри йўналишга қаратилди. Қабилла каттариши ҳисобига, ҳуқуқий-давлат ташкилотини шакллантириш зарурати пайдо бўлди. Оила бошлиқлари қабилла кенгашига қўшила бошлашади, қабилалар эса бошқа қабилалар билан иттифоқчилик алоқаларини ўрната бошладилар. Шу билан бирга айнан оила барча жамият институтларининг таркибий қисми ҳисобланади. Оила ривожланиши орқали жамиятнинг яхлит ривожланишини кузатишимиз мумкин. Қадимги фалсафачилар жамият муносабатларини оилавий муносабатлардан ажратиб, оила билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларига алоҳида эътибор қаратишади. Ўсиб улғаяётган инсон маънавий қадриятларини ривожланиш жараёнида устоз(ўқитувчи)нинг ўрнига катта аҳамият берилади.

Қадимги фалсафачилар оила табиати ва моҳиятини турлича тушунганлар. Хусусан Афлотун қарашларига эътибор берадиган бўлсак, у оилани “эзгулик” деб баҳолаб, уни иккита бўлинган қисмларни – эркак ва аёлни яхлит биттага бирлашган афсонавий мавжудот (андрогин) деб атаган. Афлотуннинг фикрича “ҳар биримиз – инсоннинг икки қисмга ажратилган қисмларимиз” шу сабабли ҳам ҳар бир киши унга тўғри келадиган ўзининг яримини излайди. “Кимгадир ҳеч бўлмаганда бир маротаба ўзининг яримини учратиш ҳолати юз берса, уларнинг иккаласида ҳам ажиб ҳис бир-бирига кераклик туйғуси пайдо бўлади, қандайдир унчалик узоқ бўлмаган даврда айрилиқнинг бўлишлиги хуш келмайдиган ҳолат. Бирга яшашлари, бу инсонлар бир-бирларидан нимани хоҳлашларини англайдилар дегани эмас... . Бунга асос дастлаб бизнинг табиатимиз бўлган ва биз қандайдир яхлитликни ташкил этганмиз”.

Қадимда, пайдо бўлган оилани бошланғич ижтимоий “ячейка” деб ҳисоблаган, шу билан бирга давлат оилаларнинг бирлашуви натижасида пайдо бўлиши мумкин деб қараган. Аммо, фалсафачи қарашларида изчиллик кузатилмайди. “Идеал давлатда” жамият жипслигига эришиш учун у аёллар, болалар ва мол дунёни умумийники деб қарашни таклиф этган. Афлотун, жангчида оила, болалари ва хусусий мулки бўлмаса у Ватан учун жонини қурбон қилиши мумкин деб ҳисоблаган. Афлотун болалар тарбиясида педагог учун муҳим ўрин ажратган. Унинг тарбия - болалик даврида амалга оширилади деб қараш керак эмас, тарбия бола дунёга келганидан бошланиб, ҳаётнинг охиригача давом этади деган фикрларига асос бор.

Бола учун она – боқувчи, қаровчи, ота – педагог. Ўқиш қобилиятини пайдо бўлиши ва унинг асосида нима ёзилганини таҳлил қилиш натижасида тарбияни англаш мумкинлигини Афлотун исботлаб беради. Айнан шу даврда болани буюк шоирлар асарларини ўрганишига жалб этиш зарур дейди.

Энди Арастуниг асарлари ва унинг мулоҳазаларига диққатимизни қаратадиган бўлсак, унингча “ҳар бир давлат алоҳида оилалар йиғиндисидан яралади”. Арасту ўз диққатини ҳаёт мобайнида болалар ва уларнинг ота-оналари ўртасида амалга ошадиган ҳис-туйғуларга қаратади.

Арасту Афлотуннинг болаларни тарбиялаш ҳуқуқини давлатнинг функциясига бериш лозим деган фикрига қўшилмайди. Чунки, унда тарбия сифати пасаяди деб ҳисоблайди. Арасту ғоясидан хулоса чиқарадиган бўлсак, оила яхлитлигини бузилиши, бола шахсини ривожланиши учун ҳис-туйғуси даражасида муҳим боғланишларини бузилишига олиб келади деб ҳисоблаган. Оиладаги ахлоқий тарбия, тарбия назариясининг асоси бўлиб ҳисобланади. Эр ва хотин ҳар бир ишда оқилона ёндашишлари, оиланинг мақсади хўжалик, болалар ва унинг тинчлиги, хотиржамлиги бўлмоғи лозим .

Ўрта асрларга назар ташлайдиган бўлсак, бу даврда “патриархал назария” ҳукмронлик қилган. Европа эркаклар ҳукмронлигини тан олган. Оилавий кадриятларни тушуниш ва идрок этиш диний ўзига хослик билан бевосита боғланган бўлган. Фалсафачиларнинг асарлари оилавий кадриятларни шаклланишида ўзига хос аҳамият касб этган.

Ўрта асрлар шарқида, мусулмончиликда оила ҳар доим тарбиянинг муҳим ижтимоий институти ҳисобланган. Болалар тарбияси Аллоҳ ва жамият (жамоа) олдидаги мажбурият деб қаралган ва уни оила бошлиғи амалга оширган. Айнан оилада итоаткорлик, камтарлик, ишонч каби ҳис-туйғулар шакллантирилган. Ислолда оила тарбиясида ўзига хослик яъни болалар ва қизлар тарбияси ажратилган ҳолда олиб борилган.

Шарқ мутафаккирлари асарларига мурожаат қиладиган бўлсак, педагогика нуқтаи назаридан оилавий муносабатлар ва кадриятлар билан боғлиқ бўлган аҳамиятга молик ғояларни учратамиз .

Шарқ ва Ғарбда кенг танилиб “Шайх ур-раис” номига сазовор бўлган Абу Али Ибн Синонинг (980-1037) «Тиб қонунлари» ва «Тадбири манзил» асарларида оила, ота-она ҳамда бола муносабатларига оид педагогик ва психологик қарашлари баён этилган. Унинг оилани ижтимоий институт, шахслараро муносабатлар манбаи, ўзаро таъсир ўтказишнинг қулай ижтимоий муҳити, миллий анъаналар таъсирчанлиги, тақлид, юқиш феноменлари негизи эканлиги тўғрисидаги мулоҳазалари то ҳозирги давргача ўз кучини йўқотгани йўқ. У бола тарбиясида ота-оналарнинг умуминсонийлик тамойилларига амал қилишларини таъкидлайди. Тарбиячи, ота-оналарга уни қаттиқ тана жазосидан фарқли ўлароқ, шахсий ибрат орқали тарбиялаш маъқуллигини уқтирган. Ибн Сино оила бошлиғи олдида катта талаблар қўяди, фарзандларни бир-бирига нисбатан меҳр-окибат туйғуси орқали тарбиялаш, илиқ руҳий муҳитни яратишни уқтиради. Оиладаги нохуш тарбия фақат шу оилагагина салбий таъсир қилиб қолмасдан, балки бошқа оилаларга ҳам худди шундай таъсир қилишини оқилона тарбия оила бахтининг муҳим асоси эканлигини таъкидлайди. Ибн Сино бола ёмон характер хислатнинг эгаллашини кутмасдан туриб, уни ижобий фазилатлар билан таништириб, болага яхши одобни сингдириш керак, - деб ёзади. Унинг таъкидлашича, шароит (муҳит) қандай бўлишидан қатъий назар, фарзанд камолоти ота-оналарнинг асосий вазифасидир, улар давлат бошлиғими ёки жамиятнинг оддий бир аъзосими, бари бир тарбия масаласида улар учун бир хил талаб қўйилиши керак, чунки бу ижтимоий эҳтиёждир .

XII асрнинг буюк мутафаккири ва шоири Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» - «Саодатга бошловчи билим» - китобида ва ундан кейинги қатор асарларида ўзининг этика ва оилавий ҳаётга оид қарашларини баён этади. Шоирнинг фикрича, фарзанд кўриш ва унга тарбия бериш ҳар бир инсон учун буюк бахтдир, уларсиз ҳаётнинг маъноси йўқ. Лекин бу нарса ота - онага жуда катта масъулият юклайдики, унинг уддасидан чикмок, ҳар бир ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Абу Хамид ал-Ғаззолий эса болаларни ёшлигидан камтарлик, камсуқумликва адолатлилик руҳида тарбияси шакллантирилса, улар ўз хоҳишларини тийишни ўрганадилар деган. Шу билан бирга ал-Ғаззолий идеал ва тарбияга тақлид қилиш орқали болаларда маънавий сифатларни тарбиялаш зарурат эканлигига эътиборини қаратиш лозим деб ҳисоблаган .

Панднома тарзида ёзилган Кайковуснинг “Қобуснома” фалсафий-дидактик асарининг “Фарзанд парвариш қилмок зикрида” бобида ота-онанинг бола тарбиясига оид

вазифалари ёритилган. Шунингдек, Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Захириддин Муҳаммад Бобур каби мутафаккирларнинг асарларида инсоннинг баркамоллиги муаммоси, бола шахсини такомиллаштиришда миллийлик ва ижтимоий муҳит, оиланинг роли назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган.

Буюк мутафаккир Абдулла Авлонийнинг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар, шахслараро муносабат ғоят катта аҳамият касб этади. Абдулла Авлоний “Шариати исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак таларга фарзи айн, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмак фарзи кифоядур” дейди. Олим “...тарбияни туғилган кундан бошламоқ лозим” деб оиланинг бола тарбиясидаги роли бирламчи эканлигини таъкидлайди.

Маърифатпарвар олим Абдурауф Фитрат ҳам бола тарбиясида оила энг асосий роль ўйнашига эътибор қаратади ва қуйидаги фикрни келтиради: “Болалар сувга ўхшайдилар. Сув қайси рангдаги идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби, болалар ҳам қандай муҳитда бўлсалар ўша муҳитнинг ҳам шундай одат ва ахлоқини қабул қиладилар”.

Хулласа қилиб айтганда ушбу келтирилган фикрлар ва Ислом динидаги ва бошқа кўпгина далиллар оилада бола тарбиясига бағишланган бўлиб, бола тарбияси оиланинг энг зарур мажбуриятларидан бири эканлигига шак-шубҳа қолдирмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Khujakulov A.E. The formation of value relations to the family pre-school as psycho-pedagogical problem. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* Vol. 7 No. 2, 2019
2. Аристотель. Этика. Политика. Риторика. Поэтика. Категории Аристотель. – Минск: Литература, 1998. – 1391 с.
3. Зуннунов А. Педагогика тарихи // Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: 2004. – 335 б.
4. Ильин И.А. Собрание сочинений: В 10 т. Т.1./ И.А.Ильин. – М.: Русская книга, 1993. – 480 с.
5. Педагогика: энциклопедия. II жилд. Жамоа // Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015. – 376 б. – Б. 100-101.
6. Педагогика: энциклопедия. III жилд. Жамоа. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 273 – 424.
7. Хўжакулов А.Э. Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага нисбатан қадриятли муносабатни шакллантириш: Пед.ф.б.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Тошкент: МТМРМҚТМОИ, 2020. – 25 б.

Нашрга проф. Р.Шодиев тавсия этган

OILAVIY MUAMMOLARNI O‘RGANISHGA DOIR ILMIY TADQIQOT METODLARI VA ULARNING TAVSIFI

Oripova N. (QarDU), Aliqulova M. (QarDUPI)

Annotatsiya. Ushbu maqolada oilaviy muammolarni o‘rganishga doir ilmiy tadqiqot metodlari va ularning tavsifi yoritilgan. Shuningdek, maqolada ushbu metodlarni qo‘llash tartibi keltirib o‘tilgan.

Kalit so‘lar: oila, tarbiya, metod, kuzatish, suhbat, anketa, eksperiment.

Аннотация. В данной статье описаны научные методы исследования проблем семьи и их описание. Также в статье упоминается порядок использования этих методов.

Ключевые слова: семья, воспитание, метод, наблюдение, беседа, анкета, эксперимент.

Annotation: This article describes scientific methods for studying family problems and their description. The article also mentions the order in which these methods are used.

Key words: family, education, method, observation, conversation, questionnaire, experiment.

Oilaviy muammolarni o‘rganishga doir metodlar ko‘proq oilada uchraydigan muammolar, nizo va qiyinchiliklarni bartaraf etish, bola tarbiasini samarali yo‘lga qo‘yish usullarini takomillashtirish, shaxslar o‘rtasida munosabatlarni barqarorlashtirish, oilani ijtimoiy va iqtisodiy boshqarish, bolalarni jamoaga moslashtirish kabi masalalar yechimiga qaratiladi.

Bu jarayonda asosan kuzatish, suhbat, pedagogik eksperiment, adabiyotlarni o'rganish, anketa, test kabi metodlardan foydalaniladi. Quyida ushbu metodlarga batafsil to'xtalib o'tamiz.

Kuzatish metodi – tevarak-atrofdagi narsa va hodisalarni rejali, uzluksiz, izchil, mukammal idrok qilishga; voqelikni hissiy bilishga yordam beradi. Kuzatish shaxsga vaziyat omillari, xususiyatlari, qonuniyatlari to'g'risida dastlabki tasavvurlar hosil qilishga ko'maklashuvchi jarayondir.

Kuzatish tadqiqotchi uchun tadqiqot maqsadini amalga oshirish va oldinga quyilgan vazifalarni bexato bajarishga yordam beradi. Kuzatish metodidan qadimdan foydalanib kelinadi. U reja va dastur asosida amalga oshiriladi. Bunda kuzatishning maqsadi, vaqti, muddati, manzili, natijalari kabilar o'z aksini topadi.

Ilmiy manbalarda ko'rsatilicha, kuzatish muddatiga ko'ra ikkiga ajratiladi:

1. Qisqa muddatli kuzatish;

2. Uzoq muddatli kuzatish

Qisqa muddatli kuzatish – o'z nomi bilan tadqiqotchi uchun ob'ektning kundalik faoliyatidagi o'zgarishlardan ma'lum xulosaga kelishiga yordam beradi.

Uzoq muddatli kuzatish - qo'yilgan maqsad, reja va dastur asosida olib borilib, ma'lum ilmiy, yakuniy xulosaga kelinadi. Kuzatish jarayonida kuzatuvchining diqqati, idroki, tafakkuri faol harakatga keladi. Zero, kuzatuvchi diqqat va idrok orqali muammoning asl mohiyatini bilib olishga, xulosa chiqarishga, analiz va sintez qilishga musharraf bo'ladi.

Ilmiy manbalarda kuzatishning ikkita turi borligi aytib o'tiladi. Bular:

1. Obyektiv (tashqi kuzatish)

2. Subyektiv (Ichki kuzatish)

Kuzatish metodidan foydalanganda bir qancha qoidalarga rioya qilish talab etiladi.

1. Kuzatish jarayonida yakka shaxsni emas, balki uning atrofidagi shaxslarni ham kuzatish maqsadga muvofiq. Kuzatishni bu tartibda tashkil etish tadqiqotchini noto'g'ri xulosa chiqarishdan saqlaydi.

2. Kuzatish yashirin holatda olib borilishi kerak. Agar shaxs uni ko'zatayotganliklarini sezib qolsa, o'z harakatlari, xulqini o'zgartirishi mumkin. Hozirgi kunda fan-texnika shu darajada taraqqiy etib bormoqdaki, bemaol oiladagi shaxslarni maxsus yashirin kameralar orqali kuzatish va kerakli xulosalarni olish mumkin. Albatta, kuzatishning bu kabi usulidan foydalanish kuzatuvchi uchun juda ko'p qulayliklarni yaratadi. Biroq, kuzatishning bu turi jonli kuzatishning o'rnini bosa olmaydi.

3. Kuzatilgan faktlarni aniq va atroflicha tahlil qiliish va ayrim holalarda mutaxassislar (psixologlar, sosiologlar) e'rdamidan foydalaniish lozim.

- в) восстановить басню по смысловым вехам;
- г) передать содержание романа в краткой форме;
- д) передать содержание рассказа подробно;
- е) построить диалог на материале драмы «Гроза»;
- з) прокомментировать действия Гринева в «Капитанской дочке»;
- и) побеседовать по проблемам нравственного выбора по произведениям Л. Толстого.

Литература

1. Богданова О.Ю., Леонов С.А., Чертов В.Ф. Методика преподавания литературы. – М., 2002. – 465 с.
2. Кудашева З.К., Магдиева С.С. Методика преподавания литературы. Методическое пособие для студентов педвузов. – Т., 2004. – 537.
3. Методика преподавания литературы / Под ред. Богдановой О.Ю., Маранцмана В.Г. – М., 1995. – 387.

Рекомендовано к печати доц. Ё. Хамраевой

БОЛАЛАР ХУЛҚИДАГИ САЛБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ КОРРЕКЦИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Чориева Ф.А. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни педагогик ва психологик томонлари кенг ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: педагогика, психология, хулқ-атвор, қўполлик, агрессивлик, сабрсизлик, дангасалик, инжиқлик.

Аннотация. В статье широко освещаются педагогические и психологические аспекты негативных изменений в поведении детей.

Ключевые слова: педагогика, психология, поведение, грубость, агрессивность, нетерпение, лень, капризность.

Annotation. The article widely covers the pedagogical and psychological aspects of negative changes in the behavior of children.

Key words: pedagogy, psychology, behavior, rudeness, aggressiveness, impatience, laziness, capriciousness.

Биз таъкидлаётган тизим, яъни оила, таълим муассасалари, маҳалла, тиббиёт муассасалари ва бошқа ташкилотлар ўртасида самарали алоқалар йўлга қўйилмас экан, бу борадаги ишларда бирор-бир натижага эришиш мушкулдир. Негаки, олиб борган кузатишлармизга кўра, болалардаги салбий хулқ-атворнинг намоён бўлиши бевосита оила ва теваарак-атрофдаги муаммолар: катталар томонидан бола тарбиясига эътиборнинг пастлиги, ота-она ахлоқининг болаларга салбий таъсири, нотўлиқ оилалардаги муаммолар туфайли юзага келмоқда. Зеро, оила юқоридаги барча муассасаларни боғловчи ҳалқадир. Демак, болалар хулқ-атворидаги салбий ўзгаришларнинг олдини олишда, мавжуд тизимни такомиллаштиришда дастлаб оила билан боғлиқ тарбиявий ишларни йўлга қўйишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишимиз даркор. Шу билан бирга, оиладаги катталарнинг хатти-ҳаракати орқали бола ўз фаолиятини ташкил этади ва уни бошқаришни ўрганади. Шундай қилиб, агар оилада боланинг хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворидан катталар мамнунлик ҳис қилсалар, келажакда бундай болаларнинг фаол ҳаётий позицияси аниқ ва йўналтирилган бўлади [1;160].

Олиб борган кузатишларимизга кўра, болалар хулқ-атворидаги салбий ўзгаришларнинг сабабчиси бевосита ота-оналардир. Яъни, улар хулқ-атворидаги салбий иллатлар: кўполлик, агрессивлик, сабрсизлик, дангасалик, инжиқлик кабилар болалар хулқ-атворида намоён бўлмоқда. Ўз-ўзидан кўринадики, болалар бевосита ижтимоийлашиш жараёнида ўзлари учун аҳамиятли бўлган турли моделларни ўзлаштириш билан бирга, катталар хулқ-атворидаги барча хусусиятларни ҳам ўзлаштириб борадилар.

Шу боисдан дастлаб ота-оналар билан педагогик ва психологик коррекцион ишларни самарали йўлга қўйиб олиш даркор. Бу жараён шундай ташкил этилиши керакки, у реалликдан йироқ бўлмаслиги ва бевосита ота-оналарнинг ўзлари иштирокида ташкил этилиши шарт. Яъни, ота-она ўзини реал ҳолатда ҳис этиб, бола тарбиясида қандай муаммоларга дуч келаётганлиги, тарбияда нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги ҳамда ўзлари билан боғлиқ бўлган муаммолар, шу билан бирга, бола тарбиясига масъулият билан ёндошиш кераклигини ҳис эта олишлари зарур. Албатта, бу жараёни ташкил этишда малакали мутахассислар: педагог-психолог, педиатрлар иштирок этиши ва аниқ бир дастур асосида ишларни ташкил этмоғи лозим бўлади. Негаки, биз тадқиқ этаётган муаммо йўл-йўлақай, бирданига ёки тасодифий ҳал этиладиган масала эмас. Балки бирмунча вақт талаб этадиган, изчил равишда амалга ошириладиган жараёндир. Маълум бир дастур асосида ишлаш эса хулқ-атворида салбий ўзгаришлар кузатилаётган болалар билан ишлашнинг самарали воситасидир. Дастур асосида мутахассис ҳаракат учун режа тузиб олади ва амалий ишларни бошлайди.

Дастур амалга ошириладиган коррекцион ишларни режалаштиришнинг ўзига хос усули ҳамдир.

Шу билан бирга, дастурни амалга ошириш ва ота-оналар билан ишлаш жараёнида мутахассислардан маълум бир тартибларга риоя этиш талаб этиладики, бу ташкил этилаётган ишлар самарадорлигининг ошиши ва иштирокчилар қамровининг кўпайишига олиб келади. Бу талаблар қуйидагилар:

1. *Мотивацион* – бунда ҳар бир ота-онанинг ушбу муаммонинг ечимига қизиқишини ошириб бориш ва унинг фаол иштирокчисига айлантириш ҳамда уларда ҳар бир топшириқни бажариш истагини вужудга келтириш.

2. *Мувофиқлаштириш* – бу жараёнда мутахассислар ота-она билан бола ўртасидаги муносабат, ҳиссий-руҳий ҳолатни бир маромга келтиришга эришиши назарда тутилади. Чунки аксарият болалар хулқ-атворидаги салбий ўзгаришларнинг келиб чиқишининг асосий

сабаблардан бири ҳам улар ўртасидаги муносабатларнинг мувофиқлашмаганлигидадир.

3. *Релаксацион* – ота-оналарнинг ўз фаолиятлари, жумладан, шу кунга қадар фарзандлари тарбиясидаги хато ва камчиликларга назар ташлашларига ундашдир. Бу жараёнда ота-оналар ўз камчиликлари ва хатоларини англай бошлайди ва келгусида уларда фарзандлари тарбиясига янгича ёндашув пайдо бўлади.

4. *Адекватлилик* – бола ва ота-она ўртасидаги муносабатларнинг бир-бирига тўлиқ мослиги. Ҳар иккала тараф хоҳиш-истаклари, интилиш ва қизиқишларининг усма-уст келишини таъминлаш. Айниқса, ота-оналарнинг фарзандлари тарбиясида уларнинг шахси ва темпераментига мос йўлни танлашига кўмаклашиш ва бошқалар [2; 49].

Ушбу талабларга эътибор қаратадиган бўлсак, унда кўпроқ ота-оналарнинг фарзандлари шахсини шакллантиришга эътибор қаратишлари лозимлиги назарда тутилади. Жумладан, улар тарбия жараёнида фарзандларининг ички кечинмаларини англай олишлари, бола характер хусусиятларини билишлари ва тарбияда мана шу жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлиги, уларда мустақил фикрлаш ва иродани шакллантириб боришлари керак.

Ушбу дастурга эътибор қаратадиган бўлсак, ота-оналар билан амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирларда кўпроқ улар билан жамоавий тарзда ишлашга эътибор қаратилади. Чунки бугунги кунда болалар хулқ-атворидаги салбий ўзгаришлар деярли ўхшаш ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам бир хил. Шу сабабдан биз дастур тузишда жамоавий машғулотларга эътибор қаратдик. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, ота-оналарга ҳам биргаликда муаммони ечишга ҳаракат қилиш маъқул бўлади. Негаки, улар айрим машғулотларда бошқа ота-оналарнинг камчилигини кўриб, бу камчиликнинг ўзларида ҳам мавжудлигини ҳис қила бошлайдилар. Шундай қилиб ота-оналарда биргаликда ҳаракат қилиш шаклланади.

Демак, ота-оналар жамоасининг психологик-эмоционал таркиби коррекцион-методик ишларнинг самарадорлигини оширишнинг кучли воситаси бўлиб ҳисобланади. Олиб борилаётган тадқиқот ишининг энг муҳим вазифаси ҳам шу воситадан фойдаланиш, унинг объектив равишда амалиётга тадбиқ этилишига эришишдир.

Демак, биз тавсия этаётган дастурни шаклига кўра икки турга ажратиш мумкин:

1. Жамоавий.
2. Якка тартибда.

Дастурни тузишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш зарур: жамоадаги иштирокчилар сони, машғулотлар кўлами, давомийлиги, вақти, керакли жой ва жиҳозлар кабилар. Яъни иштирокчилар сони бизнингча 12-15 нафар кишидан иборат бўлиши лозим. Иштирокчилар сонининг бундан кўп ёки кам бўлиши ташкил этилиши назарда тутилган машғулотларнинг самарасиз бўлишига олиб келади. Агар жамоада иштирокчилар сони кўпайиб кетса, баъзи ота-оналар пассив иштирокчилигича қолиб кетаверади. Ёки иштирокчиларнинг кам бўлиши ҳам машғулотларнинг қизиқарли бўлмаслигига олиб келади. Шу боисдан агарда жамоа аъзолари кўпайиб кетса, яна янги жамоа тузиш тавсия этилади.

Дастурни амалга ошириш жараёнида қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ота-оналар имкониятларини инobatга олиш;
- жараён иштирокчиларини бирдек фаолликка ундаш;
- ота-оналарда болалар тарбиясига доир билимларни эгаллашга нисбатан мотивацияни ривожлантириш;
- ота-оналарда муаммоли вазиятлардан чиқиш усул ва воситаларини излаб топиш кўникмаларини шакллантириш ва бошқалар.

Юқорида биз дастурга қўйиладиган талаблар, уларнинг мазмуни билан танишиб чиқдик. Галдаги вазифамиз дастурнинг босқичлари ва бу босқичларда бажариладиган ишлар тартибига тўхталиб ўтмоқчимиз. Демак, дастур уч босқичда амалга оширилади. Булар:

1. Танишув-диагностик босқич. Бу босқичда оила ҳақида тўлиқ маълумот тўпланади. Шу билан бирга, ота-она шахсидаги ўзига хосликлар аниқланади, яъни уларнинг психик ҳолатлари, темпераменти, қадриятлари ва қизиқишлари, муаммолари кабилар ўрганилади. Айниқса, бу жараёнда бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган факторлар

аниқланади ва уларни келиб чиқарган сабабларга эътибор қаратилади. Ҳар бир оила учун картотека шакллантирилади, керакли маълумотлар қайд этиб борилади ва қайси соҳа мутахассисининг ёрдами кўпроқ даркорлиги ҳам назардан қочирилмайди.

Шу билан бирга, мазкур босқичда ота-оналар жамоаси шакллантириб олинади ҳамда улар ўртасида танишув амалга оширилади. Бунинг учун қуйидаги машғулотдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Машғулот номи қисқа ва лўнда “Салом” деб номланади.

Машғулотнинг мақсади: ота-оналар ўртасида танишув жараёнини амалга ошириш ҳамда жамоада ижобий ва илиқ муҳитни шакллантириш.

Машғулотнинг бориши: мутахассис ҳар бир иштирокчи учун унинг фақатгина исми ёзилган бейжик тарқатади ва бундан кейин бир-бирларига исмлари билан мурожаат қилишлари лозимлиги тушунтирилади. Агарда жамоада ёши каттароқ киши бўлса, хурмат нуктаи назаридан исмининг ёнига “опа”, “ака” сўзини қўшиши мумкинлиги айтилади. Шундай қилиб, иштирокчилар бир-бирларини кўришга қулай тарзда айлана шаклида ўтириб олишади. Ихтиёрий бир киши ўнг тарафидан бошлаб ёнидаги киши билан эркин, ўзи хоҳлаганича саломлашиб, сўрашади. Шундан сўнг жамоадаги ҳар бир киши юзида табассум билан барча билан саломлашиб чиқади, саломлашиш жараёнида ҳеч бир киши назардан қолмаслиги лозим. Энг муҳими, уларнинг ҳар бири бир-бирларига “Сиз билан танишганимдан жуда хурсандман” иборасини айтиши лозим.

Мутахассиснинг навбатдаги вазифаси ота-оналарни дастур билан таништириш ва уларда ташкил этиладиган машғулотларга нисбатан қизиқишни оширишдир. Бунинг учун кичик гуруҳларда ишлаш таклиф этилади. Кичик гуруҳлар қандай шакллантирилади? Ота-оналар қизиқишини ошириш учун қуйидаги кўринишда кичик гуруҳни шакллантириб олиш мумкин. Ота-оналардан бир қатор туриб олишлари (кетма-кет 1, 2, 3 ёки 1, 2, 3, 4, яъни нечта жамоа ҳосил қилиш керак бўлса, шунча сон саналади) каби саналади ва 1 лар битта жамоа, 2 лар иккинчи жамоа, 3 лар учинчи жамоа тарзида жамоа ҳосил қилинади. Баъзан рақамлар ўрнига гуллар: лола, райҳон, атиргул, чиннигул, фиалка кабилардан фойдаланиш мумкин. Чунки иштирокчиларнинг кўпчилик қисми оналар бўлганлиги учун рақамлардан кўра гуллар уларнинг кайфиятини кўтаради.

2. Назарий ва амалий ёндашувлар интеграцияси босқичи. Ота-оналар билан олиб борилган сўровномаларга кўра, бугунги кунда болалар хулқ-атворидаги салбий ўзгаришлар келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири ота-оналарнинг болалар физиологияси ва психологиясидаги ўзгаришларга эътибор қаратмасликлари ёки улар ҳақида тўлиқ билимларга эга эмаслигидадир. Шу боисдан дастлаб ота-оналарга мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши тўғрисида назарий билимлар бериш жоиз деб топдик. Мазкур босқичда ота-оналарга қуйидагилар ҳақида назарий билимлар бериш кўзда тутилади:

1. Мактабгача ёшдаги болаларнинг физиологик ривожланиши (ёшга кўра тана вазни, бўйи, сезги ва нафас ва бошқалар).

2. Болалар психологияси (ёш даврлар, диққат, хотира, тафаккур, хаёл, нутқ кабилар).

3. Болалар касалликлари (туғма ва орттирилган).

4. Бола тарбияси ва улар шахсини шакллантиришга доир билимлар [3; 42].

Сўзсиз бу жараёнда малакали мутахассислар иштирокидан фойдаланилади ва уларнинг роли етакчилик қилади. Ота-она эса оддийгина тингловчи сифатида қатнашади. Бундаги ҳолат худди анъанавий таълим жараёнини эслатади. Бу машғулот турида кўпроқ ота-оналарга билим беришнинг кичик маъруза шаклидан фойдаланилади. Шунингдек, дастурнинг бу босқичида мутахассислардан чуқур билим ва маҳорат эгаси бўлишлик талаб этилади. Мутахассислар ҳар бир маърузага жиддий тайёргарлик билан кириши, фикрлари тизимлаштирилган, илмий асосланган бўлиши керак. Албатта, берилаётган билимларнинг ҳар бири ҳаётий мисоллар билан изоҳланиши лозим. Негаки, билим ҳаёт билан боғланган тақдирдагина, у ота-оналар қизиқишининг ортишига, тушунишлари осон бўлишига олиб келади. Ота-оналар учун маъруза тайёрлашда қуйидаги мавзуларга эътибор қаратиш керак. Масалан, “Болаларнинг гўдаклик давридаги парвариши”, “Кичик ёшдаги болалар психологияси ва физиологиясидаги ўзига хосликлар”, “Мактабгача ёшдаги болалар нутқиға қўйиладиган талаблар”, “Бола тарбиясига қандай ёндашмоқ керак?” каби мавзуларда маърузалар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

3.Коррекцион-методик босқич. Дастурнинг муваффақиятини таъминлаш ва оила билан олиб бориладиган профилактик ишлар самарадорлигини ошириш учун коррекцион-методик босқичда аниқ йўл ва усуллардан фойдаланиш талаб этилади. Ана шу сабабдан ҳам бу босқич асосий босқич ҳисобланади. Чунки мутахассисларда юқоридаги босқичда амалга оширилган ишлар туфайли ҳар бир оила, ота-она ҳақида тўлиқ маълумот тўпланган ва улардаги қайси муаммога кўпроқ эътибор бериш кераклиги маълум бўлади.

Шу билан бирга, ота-оналарда ҳам жамоага мослашиш ҳисси шаклланган, бир-бирлари билан дўстона муносабат ўрнатган ва ўзларини эркин ҳис қилиш ҳолати шаклланиб улгурган бўлади. Айниқса, ота-оналар жамоа ва мутахассислар билан ўз муаммоларини эркин бўлиша оладилар. Шу боисдан мазкур босқичдаги коррекцион машқларда улар бажонидил иштирок этадилар.

Коррекцион-методик босқичда дастлаб ота-оналарга: *“Реал ҳаёт билан тўқнаш”*, *“Нишон”*, *“Бошқарув”*, *“Кўзгу”* усуллардан унумли фойдаланилди

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, дастурни амалга ошириш жараёнида ота-оналар учун қулай ва самарали педагогик шакллар, метод ва воситаларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бунда турли усул ва машғулотлар тўпламидан фойдаланиш биз танлаган муаммо ечимининг самарали бўлишига олиб келади. Машғулотлар тўпламидан фойдаланиш ота-оналарда ўз-ўзини англаш ва бошқариш, ҳаётий мақсадларини амалга ошириш, мураккаб вазиятдан тез ва осон чиқиб кета олиш, ахлоқ, эътиқод, ишонч ва тўғри қарор қабул қилиш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Мавлонова Р. ва бошқалар. Педагогика. – Т.: Янги авлод асри, 2003. – 211 б.
- 2.Беруний Абу Райҳон. Рухият ва таълим-тарбия ҳақида. – Тошкент, 1992. – 93 б.
- 3.Зуннунов А., Хайруллаев М., Ҳотамов Н., Шодиев Д. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1996. – 351 б.
- 4.Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2006. – 208 б.

Наширға н.ф.д. Ш.Нуриллаева тавсия этган

БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Махамов Х. Т. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада бўлажак технология фани ўқитувчиларининг креативлик сифатларини шакллантириш, ўқитувчининг ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришни психологик жиҳатдан босқичларда амалга ошириш, ўқитувчида креативликни, ижодий фикрлашни, тасаввурни, ташаббускорликни ва ижодкорликни шакллантириш омилларига оид маълумотлар ёритилган.

Таянч сўзлар: *креативлик, касбий креативлик, креативлик сифатлари, ижодкорлик, ижодкорлик фаолияти, ижодий фикрлаш, тасаввур, ташаббускорлик, антиквар, конструкциялаш, тадқиқот иши, ижодкор-яратувчи шахс.*

Аннотация. В статье представлена информация о формировании творческих качеств будущих учителей технологии, психологически реализующих развитие творческих способностей учителя поэтапно, факторах формирования творческих способностей учителя, творческого мышления, воображения, инициативы и творчества.

Ключевые слова: *креативность, профессиональное творчество, творческие качества, креативность, творческая активность, творческое мышление, воображение, инициатива, антиквар, конструирование, исследовательская работа, творческая личность.*

Annotation. The article provides information on the formation of the creative qualities of future technology teachers, who psychologically realize the development of the teacher's creative abilities in stages, the factors in the formation of the teacher's creative abilities, creative thinking, imagination, initiative and creativity.

Key words: *creativity, professional creativity, creative qualities, creativity, creative activity, creative thinking, imagination, initiative, antique dealer, design, research work, creative personality.*

Инсоният тараққиётининг барча давларида ижодий меҳнат башариятни олға ҳаракатлантирувчи асосий омил бўлиб келган. Шундай экан ёш авлодни ижодий фаолиятга ўргатиш, уни ўз замонасининг энг илғор билимлари билан қуроллантириш барча даврларда ҳамма халқлар учун энг долзарб вазифа ҳисобланган.

Ўқувчи ёшларни ижодий фаолиятга тайёрлаш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва техникавий тафаккурни ривожлантириш учун мактаб ўқитувчиларининг креативлик сифатларга эга бўлиши тақозо этилади.

Креативлик (инг. “create” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – шахснинг янги ғояларни ишлаб чиқишга тайёрлигини тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликни англатувчи ижодий қобилият ҳисобланади.

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис туйғуларида ва муайян фаолият турларида намоён бўлади.

Бўлажак технология ўқитувчиларида креативлик сифатларини шакллантириш учун бир бирига ўзаро боғлиқ вазифаларни эътиборга олиш лозим: талабаларнинг ижодкорлик фаолиятида мустақил фикрлашни ривожлантириш; илмий техникавий билимларни эгаллашга интилувчанлик ва дунёқарашни шакллантириш; ўзлаштирилган билимларни таълимда ва амалий фаолиятда мустақил қўллаш олишга ўргатиш. Бунинг учун:

– эгалланаётган билим ва амалий кўникма, малакаларнинг мустақил ва мукамаллигига эришиш;

– мустақил фикрловчи шахс хислатларини ўзлаштириш;

– ақлий ва ижодкорлик фаолиятларини мунтазам ривожлантириб бориш талаб этилади.

Ижодкорлик фаолиятига эҳтиёж психологик жиҳатдан қараганда бир қанча босқичда амалга ошади. Булардан биринчиси ҳавас – эҳтиёжнинг энг содда шакли бўлиб, у инсон томонидан онгли бошқарилади. Иккинчиси хоҳиш – у ҳам инсон томонидан онгли бошқарилади ва шахснинг маълум буюм ёки ҳодисага нисбатан муносабатларини ифодалайди. Учинчиси эса энг мураккаб босқич бўлган – қизиқишдир, у ҳавас ва хоҳиш асосида юзага келади. Қизиқиш ҳаётдаги ва таълим-тарбиядаги ташқи таъсирлар асосида шаклланиб боради. Бу ҳолатлар психологик омиллар – диққат, хотира, идрок, тушунча, сезги, фикрлаш, ирода каби хислатларга сезиларли таъсир кўрсатиб, шахснинг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Ижодкорлик фаолияти жараёнида ўқувчиларда ижодий фикрлаш қобилияти шаклланади ва ривожланади. Агар ўқувчи қуйидаги мантикий операциялар:

-тизимлар ва уларнинг элементларини комбинациялаш;

-сабаб ва оқибат боғлиқлигини англаш;

-тадқиқотчилик операцияларини (муаммони шакллантириш, тадқиқот режасини тузиш, муаммони ечиш учун кузатиш, ўлчаш, синовларни ўтказиш, фаолият натижаларини тадқиқ қилиш ва баҳолаш) қабиларни бажаришга қодир бўлса, ижодий фикрлай олиши психологияда исботланган.

Ўқувчиларда ижодий фикрлашни ривожлантириш учун алоҳида-алоҳида ижодкорлик масалаларини эмас, балки юқорида кўрсатилган мантикий операциялар шаклланадиган ва ривожланадиган ижодкорлик масалалари тизими зарур.

Ўқувчиларни ижодкорлик фаолиятига тайёрлашда қуйидаги тўртта босқичга амал қилиш лозим:

1.Тасаввурни шакллантириш – бу босқичда ўқувчилар янги тизимнинг умумий белгилари билан танишадилар ва унинг умумий функцияларини ўрганадилар.

2.Билимлар ва репродуктив (амалий) кўникмаларнинг шаклланиши – бу босқичда ўқувчилар асосан, репродуктив, назарий ва амалий топшириқларни бажарадилар.

3. Илмий ва ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш – бу босқичда ўқувчилар тўғри кўринишдаги ижодкорлик топшириқларини бажарадилар. Бу иш жараёнида илмий ижодкорлик кўникмалари шаклланади.

4. Илмий тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш – бу босқичда ўқувчилар ижодкорлик ва тадқиқотчилик топшириқларини бажарадилар. Бу иш жараёнида илмий ва тадқиқотчилик кўникмаларнинг шаклланиши амалга оширилади.

Ҳозирги кунда мактабларимизда ўқувчиларни ижодкорлик фаолиятига йўналтиришнинг дастлабки икки босқичи амалга оширилади. Охириги икки босқични амалга ошириш муаммо бўлиб қолмоқда.

Технология ўқитувчилари дарс жараёнида ўқувчиларни ижодкорлик фаолиятига тайёрлашда ижодкорлик топшириқларини бажариш ва ўқувчиларда илмий тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга эътибор бермайдилар. Чунки илмий ва ижодкорлик, илмий тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришнинг замонавий методларидан ўқитувчининг ўзи ҳам хабардор эмас. Ундан ташқари, технология фани мазмуни: стандартлар, ўқув дастурлари, дарсликларда ҳам ўқувчиларни илмий ижодкорлик ва илмий тадқиқот ишларига жалб этиш ўз аксини топмаган.

Шундай экан, технология ўқитувчисининг касбий креативлик сифатларини шакллантириш билан бир вақтда таълим мазмунини: стандарт, ўқув дастури ва дарсликларни ҳам қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Касбий креативлик – ўқитувчининг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал этишдан иборат.

Технология ўқитувчисининг креативлик сифатлари унинг тафаккурида, мулоқотида, унинг ҳис туйғуларида ва муайян фаолиятида акс этади.

Технология ўқитувчисининг креативлик сифатлари анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равишда қуйидагиларда намоён бўлади:

- тафаккурнинг тезлиги ва эгиливчанлиги;
- янги ғояларни яратиш қобилияти;
- бир қолипда фикрламаслик;
- ўзига хослик;
- ташаббускорлик;
- ноаниқликка тоқат қилиш;
- заковатли бўлиш.

Одатда технология ўқитувчисининг креативлик сифатларига эга бўлишлари таълим муаммоларини ҳал қилишга интилиш, илмий тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади.

Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак технология ўқитувчиларининг креатив сифатларга эга бўлишлари учун талабалик йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда бўлажак технология ўқитувчиси ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. У ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, технологик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Муаммоли масала ва зиддиятларни ҳал қилар экан, ўқитувчи масала ечимини топишга ижодий ёндошиши унда ҳиссий-иродавий сифатларни ривожланишига ёрдам беради. Ўз олдига муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлар ва ҳаётий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишга нисбатан эҳтиёж сезади.

Креативлик сифатларини шакллантириш учун қуйидаги ёндошувларни амалга ошириш лозим:

- мақсадли-мотивли ёндошув – ижодий фаолият кадрият саналади ва у ўқитувчининг қизиқишлари, мотивлари ва фаолиятини ташкил этишга интилишида кўзга ташланади.
- мазмунли ёндошув – ўзида педагогик, психологик, махсус ва инновацион характердаги билим, кўникма ва малакаларни акс эттиради.
- тезкор-фаолиятли ёндошув – ўзида маълум фикрий-мантиқий фикрлашга доир ҳаракатлар, шунингдек, амалий (махсус, техник, технологик) фаолият усулларини эгаллайди.
- рефлексив баҳолаш – бунда шахсий ижодий фаолият моҳиятини англаш, ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш назарда тутилади.

Юқорида қайд этилган назарий масалаларни бўлажак технология ўқитувчиларининг креатив сифатларини шакллантиришда ёғоч материалларидан антиквар буюмлар тайёрлаш бўйича “Ёш конструкторлар” тўғарагида синовдан ўтказдик. Талабаларга буюмларни жиҳозлаш, антиквар буюмлар конструкцияси ҳамда қисмлари параметрларини назарий асослаш, буюм деталларининг технологик хариталарини ишлаб чиқиш, антиквар буюм деталларини яшаш ва йиғиш каби топшириқлар берилди. Берилган топшириқларни бажариш жараёнида креатив сифатларни шакллантиришга оид ёндошувларга эътибор қаратилди.

Машғулотлар жараёнида талабаларга антиквар буюмлар тўғрисида тушунча бериш билан бир қаторда уларнинг яратилиш тарихи, материаллари ва ишлатилиш соҳаси ҳақида маълумот берилганда уларда қизиқиш ва мотивация ҳосил бўлганлиги, ўзлари қизиқиб ишга киришганлиги кузатилди. Антиквар буюмларнинг танланиши талабаларда мантиқий фикрлаш, инновацион ва техник технологик муаммоларни ечиш, конструкциялаш ва моделлаштириш, технологик хариталарни ишлаб чиқиш, буюм деталларини яшаш ва йиғиш каби операцияларни амалга оширишга ижодий ёндошиш кўникмалари шаклланди.

Буюм тайёрлангандан кейин уни таҳлил қилиб, унга баҳо бериш жараёнида фаол иштирок этишди. Бу эса бўлажак технология ўқитувчиларида креативлик сифатларини эгаллашга хизмат қилади.

Креативлик сифатларига эга ўқитувчилар ўзида қуйидаги малакаларни намоён эта олади:

- бажариладиган вазифанинг моҳияти ва аҳамиятини белгилай билиш;
- масаланинг қўйилишини таҳлил қила олиш;
- масалани ҳал қилиш режасини тузиш;
- масалани ҳал қилишда самарали методларни қўллаш;
- масалани ҳал қилиш усулларини танлай олиш;
- қабул қилинган қарорнинг тўғрилигини асослаш ва қайта текшириш;
- масалани текширишда кичик тадқиқот олиб бориш;
- масалани ҳал қилиш шароитлари, жараённинг бориши ва масала ечими яқунларини умумлаштиришга оид далилларни расмийлаштириш.

Бўлажак технология ўқитувчиларини илмий-тадқиқот ва илмий ижодий лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш, уларда креативлик сифатларини такомиллашишига ва ривожланишига ёрдам беради. Натижада технология ўқитувчиси ижодий фикрлашга одатланади, илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш кўникмаларини пухта ўзлаштиради, янги ғоялар ва илғор тажрибаларни мустақил таҳлил қилади ҳамда уларни амалий фаолиятида қўллашга ўрганади. Бу эса мустақил иш фаолиятида ёш авлодни жамиятимизни олға ҳаракатлантирувчи ижодкор – яратувчи шахс қилиб тарбиялашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Барышева Т.А., Жигалов Ю.А. Психолого-педагогические основы развития креативности. – Москва: Речь, 2006. – 118 с.
2. Башина Т.Ф., Илбин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – Петербург: 2009. – 56 с.
3. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълим ўқувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: Фан, 2004. – 59 б.
4. Махамов Х.Т. Ёғоч материаллардан антиквар жиҳозлар тайёрлаш технологияси. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2022.

Наишга доц. Н.Орипова тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ДАВРИДАГИ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ

Сулейманова Ш.А. (ТДТУ)

Аннотация. Ушбу мақолада ҳозирги инновацион ривожланиш даврида мамлакатимиз тўқимачилик саноатининг ривожланиш динамикаси таҳлили, экспорт салоҳияти таҳлил қилинган. Тўқимачилик саноатини ривожлантиришда қўлланилаётган инновацион технологиялар ва ишлаб чиқарилаётган инновацион маҳсулотлар ҳажми ҳамда бу йўналишда вужудга келаётган муаммолар кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: *тўқимачилик саноати, экспорт, инвестиция, инновация, инновацион технологиялар, инновацион маҳсулот.*

Аннотация. В данной статье анализируется динамика развития текстильной промышленности нашей страны в текущий период инновационного развития, а также анализируется экспортный потенциал. Рассмотрены инновационные технологии, используемые в развитии текстильной промышленности и объемы выпускаемой инновационной продукции, а также проблемы, возникающие в этом направлении.

Ключевые слова: *текстильная промышленность, экспорт, инвестиции, инновации, инновационные технологии, инновационный продукт.*

Annotation. This article analyzes the dynamics of the development of the textile industry in our country in the current period of innovative development, and also analyzes the export potential. The innovative technologies used in the development of the textile industry and the volume of innovative products produced, as well as the problems arising in this direction, are considered.

Key words: *textile industry, export, investments, innovations, innovative technologies, innovative product.*

Глобализм концепцияси доирасида жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш имкониятларининг ҳозирги кўринишда тугаши жаҳон иқтисодиётининг янги моделга ўтишини олдиндан белгилаб беради. Ушбу режимнинг ўзига хос хусусияти миллий манфаатларни, биринчи навбатда, миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишдир. Ҳатто пандемия даврида корхоналар ишлаб чиқариш салоҳиятини барқарор ушлаб туриш учун фавқулудда вазиятни самарали бошқариш мақсадида турли хил стратегиялардан фойдаланишди. Бунинг натижасида Жаҳон статистик маълумотларига кўра, ҳозирда компанияларнинг 77 фоизи ҳамон пандемиядан олдинги даражадан узокда, атиги 24 фоизи айланма ва маҳсулдорликнинг пандемиядан олдинги даражаларига қайтганини даъво қилмоқда¹.

Инновациялар орқали диверсификация ва тузилмавий муаммоларни ҳал қилиш қулай бизнес муҳитини яратиш, бозор рақобатини кучайтириш ва фирмаларни бошқа мамлакатлар ёки тармоқларда ҳаётийлиги исботланган ғоялар, бизнес моделлари ва технологияларни тизимли равишда ўзлаштириш ва мослаштириш учун қўллаб-қувватлашни талаб қилади.² Ўртача даромади паст бўлган давлатлар қатори Ўзбекистон учун ҳам катта потенциал фойда чет элда муваффақият билан қўлланиладиган билим ҳамда технологияларни мослаштириш ва ўзлаштириш каби қўшимча инновациялар импортидан иборат. Муваффақиятнинг энг муҳим омили инновация тамойилларидан фойдаланишдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, тўқимачилик саноати иқтисодий фаолиятнинг жуда жозибали тармоғи ҳисобланади.³

Пахта хом ашёси Ўзбекистон экспорт даромадининг катта қисмини эгаллаган ҳолда ЯИМнинг 12,3 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича жаҳонда олтинчи ўринни эгаллаб, жаҳон пахта етиштиришнинг 4-5 фоиз ва жаҳон экспортининг 10 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистонда ҳар йили 1106500 тонна пахта етиштирилади. Иқтисодиётнинг бу

¹ fonte Euler Hermes, ottobre 2021

² United nations economic commission for Europe. Innovation for Sustainable Development. Review of Uzbekistan. Geneva, 2022 © United Nations, 14 p.

³ Мотуз С., Никитина Л., Юань З. К вопросу о развитии текстильной и швейной промышленности в КНР // Международный журнал прикладных инженерных исследований, вып. 10–20, 2015.– С. 41011-41017.

йўналиши мамлакатимиз иқтисодиётига 1,4 миллиард долларга яқин даромад олиб келади. Ўзбекистон тўқимачилик саноати саноат ишлаб чиқаришининг тез суръатлар билан ривожланаётган асосий тармоқларидан бири бўлиб, бунга ўз хом ашё базасининг мавжудлиги, давлат сиёсати, арзон ишчи кучи, қулай демографик кўрсаткичлар, солиқ сиёсати ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талабнинг тобора ортиб бориши каби омиллар кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда.


Хорижий инвестиция иштирокида фаолият юритаётган корхоналарга давлат томонидан бир қатор имтиёзларнинг берилиши тўқимачилик саноатининг инвестицион жозибadorлигини оширишда ўз хиссасини қўшмоқда.



1-расм. Инвестицион лойиҳаларнинг умумий қиймати (2017-2021 йй)¹ (Манба: Ўзбекистон Давлат статистика бўлими маълумотлари)

Ушбу расмни таҳлил қиладиган бўлсак, 2021 йилда умумий лойиҳа қиймати 733,3 млн. долларлик 85 та инвестицион лойиҳа амалга оширилган бўлса-да, бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан деярли 10 тага кам бўлиб, ўша йилда инвестицион лойиҳалар сони 91 тани ташкил этган (832,3 млн.долл). Бундай тенденцияда стабиллик кузатилмаган бўлса ҳам, яратилган ишчи ўринларида ижобий динамика сақланиб қолган, яъни 2021 йилда 22070 та ишчи ўринлари яратилган бўлиб, 2018 йилга нисбатан икки баробар кўпдир. Демак, 2017 йилга нисбатан 281, 3фоиз ўсиш суръати кузатилади.

Солиқ имтиёзлари, импорт-экспорт операцияларини бажаришдаги эркинлик, лицензия ва квоталашнинг олиб ташланганлиги ва баъзи бир мажбурий тўловлардан озод этилганлиги инвесторларнинг мамлакатимизда эркин иқтисодий фаолият олиб боришини таъминламоқда.



2-расм. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатининг инвестиция лойиҳалари (2017-2021 йй) млн. сўмда² (Манба: Ўзбекистон Давлат Статистика кўмитаси маълумотлари)

¹ Ўзбекистон Давлат статистика бўлими маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

² Ўзбекистон Давлат статистика бўлими маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Ушбу жадвалда тўқимачилик саноатида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар таҳлилини кўриб чиқамиз. Унга кўра, 2019 йил энг юқори қийматли инвестицион лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, 832,3 млн. сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан деярли 3 баробар кўпдир. Бироқ пандемиядан сўнг 2020 йилда икки баробар тушиб 474,1 млн. долларни ташкил этган бўлса, мамлакатимизда яратилаётган қулай инвестицион сиёсат туфайли 2021 йилда 154,7 фоизга ошиб, инвестицион лойиҳанинг умумий қиймати 733,3 млн. долларни ташкил этган. Хорижий инвестициялар ҳажми охириги 2021 йилда сезиларли даражада 447,3 млн. долларга ошиб кетган, шахсий маблағлар ва тижорат банклари кредитлари миқдори 2019 йил энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб, мос равишда 291 млн. доллар ва 372 млн. долларни ташкил этган. Бу кўрсаткич ўтган 2018 йилга нисбатан 106 фоиз ва 141,6 фоизга ўсган. Аммо кейинги йилларда бу кўрсаткичлар тенденцияни пасайишини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон миллий иқтисодиёти учун тўқимачилик саноатининг ривожланиши инновацион сиёсатини амалга ошириш доирасидаги мезон бўлиб, саноатни сезиларли даражада ўзгартиради.

Энди биз тўқимачилик саноатининг бир қатор жозибадор томонлари ва унинг иқтисодий таҳлилини кўриб чиқамиз.

Иқтисодий фаол аҳоли бандлигини оширишга ҳисса қўшади, чунки ушбу тармоқ кўп тармоқли ва маҳсулотлари кўп меҳнат талаб қилувчи фаолият ҳисобланади.

1-жадвал.

Тўқимачилик саноатида бандлик кўрсаткичи¹

Йиллар	Жами саноат (минг нафар)	Тўқимачилик соҳаси иш ўринлари (нафар)	Ҳажми
2017	1826,8	148 750	8,2 фоиз
2018	1802,9	247 460	13,5 фоиз
2019	1821,5	326 780	17,8 фоиз
2020	1789,7	344 150	18,8 фоиз
2021	1892,2	405 970	22,2 фоиз
2025	1943,621	637 048	32,8 фоиз
2030	2035,356	909 538	44,7 фоиз

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти.


Жадвалда кўриниб турибдики, жами саноатда банд бўлганлар таркибидаги тўқимачилик саноатида банд бўлганлар сони бир маромда ўсиб бормоқда. Сўнгги беш йил давомида соҳада иш билан таъминланганларнинг сони 2,7 баробарга ошиб, 2021 йилда 405970 нафарни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2016 йилда 100,5 минг нафар бўлган. 2020 йилга нисбатан 2021 йилда иш билан бандларнинг сони 117 фоизга ошганини кўрсатади. Беш йилликнинг ўртача ўсиш суръати коэффициенти 1,4 га тенг.

Аҳоли эҳтиёжларини бевосита қондиради ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳисса қўшади. Истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг ўсишини рағбатлантиради. Мамлакат саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 2016 йил 7,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб қарийб 2 баробар – 14,7 фоизни ташкил этди. «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Президент фармони лойиҳасига кўра тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробарга кўпайтириш, тўқимачилик саноати экспорт ҳажмини ошириш бўйича дастур ишлаб чиқиш, малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта ўқитиш ҳамда сонини кўпайтириш ва қўшича ишчи ўринлар яратиш каби вазифалар ижроси тегишли мутасадди ташкилотларга юклатилган эди.² 2017-2021 йиллар давомида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ошганини кузатиш мумкин. Статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2021 йилда умумий экспорт ҳажми 16,6 млрд. долларни ташкил этган бўлса, тўқимачилик маҳсулотлари экспорт ҳажми умумий экспорт ҳажмининг 17,6 фоизни ташкил этган.

¹ Ўзбекистон Давлат статистика бўлими маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 179 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини ўрнатган. Ташқи савдо айланмасининг энг катта ҳажми ХХРда (19,1 фоиз), Россия Федерациясида (18,1 фоиз), Қозоғистонда (9,9 фоиз), Туркияда (8,6 фоиз), Корея Республикасида (4,9 фоиз), Қирғизистонда (2,4 фоиз) билан қайд этилди. Пахта толаси (55,2 фоиз), шунингдек, тайёр трикотаж ва тикув маҳсулотлари (22,6 фоиз) тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилишда асосий улушни эгаллайди.¹ 2021 йилда 2 931,2 млн. АҚШ долларлик тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилиниб, умумий экспорт ҳажмининг 17,6 фоизини ташкил қилди ва 2020 йилга нисбатан 52,3 фоизга ўсади.



2-расм. 2016-2021 йилларда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти
(млн. долларда)²

Ушбу жадвалда маълум бўлишича, тўқимачилик маҳсулотлари умумий экспорт ҳажми 2017 йилдан бери ўсиш суръати сақланиб келинаётган бўлса, 2020 йилдан бошлаб кескин кўтарилиб, 2931,2 млн. долларни ташкил этган. Экспорт таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, асосий экспорт маҳсулоти бу калава ип ҳамда тикув-трикотаж маҳсулотлари эканлигига гувоҳ бўламиз. Бу турдаги маҳсулотларда кескин ўсиш динамикаси 2021 йилда кузатилиб, олдинги йилга нисбатан калава ип-170,8 фоиз, тикув-трикотаж маҳсулотлари 136,2 фоизга ошган.

“2020-2021 йилларда ички ва ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури” га биноан 21 турда саноат кооперацияси учун маҳсулотлар ҳамда 15 турдаги тайёр маҳсулотлар маҳаллийлаштирилиши амалга оширилмоқда. 2021 йилда умуман саноатда 37 трлн. сўмлик маҳсулот маҳаллийлаштирилган бўлса, шундан 249960 млн. сўмлик маҳсулот тўқимачилик саноати томонидан ишлаб чиқарилган. 2022-2023 йиллар учун саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришни янада кенгайтириш масалалари бўйича устувор вазифалар этиб қуйидагилар белгиланди:

- 2455 та лойиҳа асосида 37 триллион сўмлик янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш;
- йирик корхоналар билан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида “маҳсулотбай” кооперация йўлга қўйилиши ва 15 трлн. сўмлик шартнома тузиш режалаштириш;
- 283 турдаги импорт қилинаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича бизнес-режа ишлаб чиқиб тадбиркорларга таклиф этиш;
- саноат ярмаркалари фаолиятини тубдан кўриб чиқиш;
- хорижий мутахассисларни жалб қилиш харажатларининг ярмини қоплаб бериш;
- маҳаллий маҳсулотларни хорижда сертификатлаш харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилди;

¹ Invest.gov.uz инвестицион портали маълумотлари.


² “Ўзтўқимачиликсаноати” уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

–маҳаллий маҳсулотларни экспорт қиладиган тўқимачилик корхоналарига маълум бир турдаги имтиёзларни бериш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 10 млн. доллар маблағ ажратилади.¹

4-жадвал.

Тўқимачилик саноатида маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот (2017-2021 йй)млрд. сўмда



Ушбу жадвалда кўришиб турганидек, 2020 йилда маҳаллийлаштириш дастури асосида тармоқ корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 2019 йилга нисбатан 6 баробар ошиб, жами 1130 млрд. сўмни ташкил этганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Айнан ўша йилда 73,8 млн. АҚШ доллар қийматига эга машина ва асбоб ускуналар, 4,1 млн. АҚШ доллари хом ашё ва сунъий тола, 20,3 млн. АҚШ доллари аралаш толали калава ип, 46,9 млн. АҚШ долларилик аралаш толали ип газлама, 35,2 млн. АҚШ долларилик техник газлама, 3,8 млн. АҚШ долларилик синтетик газлама, 8,2 млн. АҚШ долларилик эҳтиёт қисмлар, 1,4 млн. АҚШ долларилик бўёқ маҳсулотлари ҳамда 10,3 млн. АҚШ долларилик маҳаллий галантерея маҳсулотларини ишлаб чиқаришга эришилди². Аммо 2021 йилга келиб маҳаллийлаштириш ҳажми деярли икки баробарга тушган бўлса, 2019 йилга нисбатан 3,35 фоизга ўсиш суръати кузатилиб, 566,8 млрд. сўмни ташкил этган. Ўртача пасайиш суръати коэффиценти 1,67 тенг. Умумий ҳолатда бу тенденция ижобий ҳолатни сақлаб қолган бўлса, маълум бир чора-табдирларни қўллаган ҳолда муаммоларни бартараф этиб, импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга янада кўпроқ эътибор бериш зарур.

Тўқимачилик саноати учун жуда жиддий муаммо бу янги техникаларни ўз вақтида модернизация қилиш, технологияларни янгилаш ҳамда корхоналарнинг ўз ва жалб қилинган маблағлари ҳисобидан инновацион технологияларни қўллаш орқали ишлаб чиқаришни ташкил этишдир. Ривожланган мамлакатларда усукунани янгилашнинг ўртача даражаси йилига 15-17 фоизни ташкил қилади, яъни уларнинг эскириш муддати 10 йилдан анча кам³. Ривожланаётган мамлакатларда, масалан, Россияда усукунани янгилаш даражаси йилига 3-4 фоизни ташкил қилади. Ускуналарни модернизация қилишнинг паст даражаси ишлаб чиқариш қувватларининг қисқаришига таъсир қилади. Янгиланишдан мақсад харажатларни камайтириш, саноат корхоналарининг рентабеллиги ва рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Бу сиёсат давлатнинг инвестиция сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак, унинг мақсади тўқимачилик саноатини ривожлантиришдир. Тўқимачилик саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш технологик базасининг эскирганлиги маҳсулот сотиш ҳажмининг камайишига ва натижада бозор улушини йўқотишига олиб келади. Тўқимачилик саноатининг жадал ривожланмаганлиги қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, кимё саноати (хом ашё, бўёқ, тўқимачилик ёрдамчилари) каби бошқа тармоқларда ҳам салбий оқибатларга олиб келади. Тўқимачилик саноатини ривожлантиришда кечикиш эскирган


¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 136-сонли Қарори. 10.03.2020.

² Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

³ Юань, Л.Н. Никитина, «К вопросу о системе управления в легкой промышленности КНР», Экономика и управление системами управления. 4.2 (18), стр. 230-234, 2015.

асбоб ускуналарни ишлатиш учун энергия сарф харажатларининг ошиши ҳисобига харажатларнинг ошишига олиб келади. Натижада нафақат тўқимачилик саноати, балки бошқа турдош тармоқлардан ҳам маҳсулотлар импорти ортади.

Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси томонидан корхоналарда инновацион фаолиятни олиб боришга тўққинлик қиладиган омиллар борасида сўровнома ўтказиб келинади. Ушбу сўровноманинг 2011 ва 2021 йил натижаларини таққослаймиз ва иқтисодий ҳолатнинг қай даражада ўзгарганини кузатамиз:



4-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича корхона ва ташкилотлар томонидан амалга оширилган инновацияларнинг таъсир даражаси (“Жорий қилинган инновациялар натижаларининг таъсирини кузатиш саволномаси” бўйича ўтказилган танланма кузатув натижалари, фоизда)¹ (Манба: Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари)

Ушбу диаграммани таққослаш натижасида шундай хулосага келишимиз мумкин, яъни 2011 йилда энг актуал муаммо бу молиявий маблағларнинг етишмаслиги бўлсада (51фоиз) 2021 йилга келиб бу муаммо деярли икки баробар қисқарди (23 фоиз). Икки даврда ҳам ишлаб чиқарувчилар янгиларга интилмаётгани, “комфорт зона”ни тарқ қила олмаётгани ачинарли ҳолат, яъни иккинчи ўринга турувчи муаммо бу аввал амалга оширилганлиги сабабли янги инновацияларга зарурат йўқлиги (29 фоиз ва 16 фоиз мос равишда) деб ҳисоблашмоқда. Аммо умумий тенденцияда 2021 йил натижаларига кўра 2011 йилга нисбатан муаммолар сезиларли равишда ошган.

Тўқимачилик санаотида инновацион ва инвестиция фаоллигининг етакчи мамлакатларга нисбатан пастлиги қуйидагилар билан боғлиқ бўлиши мумкин:

–бошқарувда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам янги “ютуқ” инновацион технологиялар асосида тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш учун зарур инвестициялар етишмаслиги;

–илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш ҳажмининг камайиши тадқиқот ва ишланмалар самарадорлигининг пасайишига, шунингдек, инновациялар яратишга қодир олимларнинг йўқолишига олиб келади.

–тадқиқот натижаларидан фойдаланишнинг паст даражаси; бу харажатлар, рентабеллик, маҳсулот ишлаб чиқариш ва маҳсулот ассортиментини янгилаш тезлигига салбий таъсир кўрсатади.

Тўқимачилик саноати тизимли муаммолари кўлами ва чуқурлигини, унинг Ўзбекистон миллий иқтисодиёти учун аҳамиятини, инновацион технологияларни қўллаш аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, уларни ҳал этишда тегишли усул ва механизмлардан фойдаланиш ниҳоятда муҳим:

–ишлаб чиқариш, савдо, импорт ва экспорт, тариф-божхона ва солиқни тартибга солиш, тўқимачилик саноати корхоналарининг хом ашё ва асбоб-ускуналар етказиб берувчилар билан ўзаро ҳамкорлиги соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш;

¹ Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

– ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш жараёнида давлат муассасаларини қўллаб қувватлаш;

– тармоқ фанини ва унинг илмий-тажриба базасини ривожлантириш, шунингдек, тармоқ корхоналарини ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишни қўллаб қувватлаш;

– маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни контрабанда ва контрафакт маҳсулотларидан қонун билан ҳимоя қилиш, замонавий истеъмол маҳсулотлари бозорининг самарали фаолият юритиши ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш;

– божхона ва тариф қонунчилигини ўз вақтида такомиллаштириш, бу эса бир томонлама тартибда тариф имтиёзларидан фойдаланадиган мамлакатлар рўйхатини аниқлаштириш билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш имконини беради.

Инновацион технологияларни кенг жорий қилиш асосида тўқимачилик саноатини ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ биринчи вазифа истиқболли стратегик иқтисодий зоналар ва саноат кластерлари рўйхатини аниқлаш, уларнинг қувватларини прогноз қилиш¹, шунингдек, корхонанинг мумкин бўлган улушини аниқлашдан иборат. Стратегик бизнес йўналиши – бу компания ўз маҳсулотларини сотадиган ёки сотмоқчи бўлган муайян маҳсулотларга мижозлар талабининг бир хиллиги тавсифланган алоҳида бозор сегменти. Тўқимачилик саноатини ривожланишини белгилаб берувчи иккинчи вазифа – корхонанинг йўналишини аниқлаш, яъни, прогнозга мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ассортименти бўйича бозор эҳтиёжларини энг яхши қондирадиган корхона ҳолатини аниқлаш. Бундан ташқари, тор ихтисослашувдан вертикал интеграцияга ўтиш концепциясига мувофиқ, корхонага чиқариш учун таклиф қилинадиган маҳсулотларнинг қиймат занжири бўйлаб бир нечта бизнес бўлинмаларини киритиш мумкин. Учинчи вазифа – жалб қилинган инвестицияларни минималлаштириш асосида ҳозирги ҳолатни кўришга мувофиқ корхона архитектурасининг эволюцион ўзгаришини таъминлайдиган инвестиция ва инновацион сиёсатни аниқлаш. Бизнинг баҳолашимизга кўра, Ўзбекистон тўқимачилик саноати динамикаси амалда ЯИМ ва саноат ишлаб чиқариш динамикасига мос келади. Саноатнинг барча соҳаларини модернизациялаштирамасдан туриб, сезиларли яхшиланишларга эришиш мумкин эмас.

Тўқимачилик саноати тобора юқори технологияларга эҳтиёжи ортиб бормоқда, бу эса рақобатбардошликни ошириш учун инновацион маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни тақозо этади. Бу тенденция агросаноат мажмуасида ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятлари билан ҳам кимё саноатидаги инновациялар билан ҳам белгиланади. Бинобарин, ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши, унинг таркибидаги ўзгаришлар ва тўқимачилик саноат турларининг янгиланиши бевосита ушбу тармоқларнинг ривожланишига боғлиқ. Замонавий илмий ишланмалар ишлаб чиқариш жараёнига инновацион технологияларни, янги технологик жараёнларни жорий этишни рағбатлантиради^{2,3} жумладан:

– лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш;

– матоларни якуний қайта ишлаш усуллари;

– рангли рақамли босма усуллари.

Тўқимачилик саноатида ишлаб чиқаришни байналминаллаштириш ҳам қўшма корхоналар ташкил этиш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, тажриба ва ахборот алмашиш, сармоя ва ресурсларни бириштириш, айниқса, илмий техникавий соҳада амалга оширилади.

Стратегиянинг ушбу хатти-ҳаракати орқали ишлаб чиқарувчилар танлов ва арзон нархларни кенгайтириш орқали якуний истеъмолчиларга фойда келтирадилар. Шундай

¹ Цзян Лан, Ван Чэнцзюнь и Чжан Вэй. Исследование системы оценки эффективности управления промышленным кластером МСП на основе развития беспроводной сети // журнал EURASIP по беспроводным коммуникациям и сетям, 2019. DOI: [10.1186/s13638-018-1318-8](https://doi.org/10.1186/s13638-018-1318-8).

² Броусек Н. Fertigung technischer Textilien und Hochleistungsgewebe mit Profinet und SPS», Melliland Textilber, t. 94, нет. 3. С. 159-160, 2013.

³ Ngai E.T., Peng S., Alexander P. и Moon K.L. Поддержка принятия решений и интеллектуальные системы в цепочке поставок текстиля и одежды: академический обзор исследовательских статей // Expert Systems, Приложения, т. 41, вып. 1. – С. 81-91, 2014.

қилиб, узлуксиз қиймат занжирида маҳсулотни лойиҳалаш ва саноат ишлаб чиқариш операцияларни мувофиқлаштириш енгил саноатни ривожлантиришда жуда истиқболли йўналиш ҳисобланади. Барча иштирокчилар учун бундай ҳамкорликни ривожлантириш тор ихтисослашувдан фойда олиш концепциясидан маҳсулотларнинг бутун қиймат занжири бўйлаб харажатларни минималлаштириш концепциясига ўтиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. United nations economic commission for Europe. Innovation for Sustainable Development. Review of Uzbekistan. Geneva, 2022 © United Nations. Pp. 14.

2. Мотуз С., Никитина Л., Юань З. К вопросу о развитии текстильной и швейной промышленности в КНР // Международный журнал прикладных инженерных исследований, вып. 10, 2015. – С. 41011-41017,.

3. Юань Л., Никитина Н. К вопросу о системе управления в легкой промышленности КНР // Экономика и управление системами управления. 4.2 (18), – С. 230-234, 2015.

4. Цзян Лан, Ван Чэнцзюнь и Чжан Вэй, «Исследование системы оценки эффективности управления промышленным кластером МСП на основе развития беспроводной сети», журнал EURASIP по беспроводным коммуникациям и сетям, 2019. DOI: [10.1186/s13638-018-1318-8](https://doi.org/10.1186/s13638-018-1318-8).

5. Броусек Н. Fertigung technischer Textilien und Hochleistungsgewebe mit Profinet und SPS. Melliand Textilber, t. 94, нет. 3. – С. 159-160, 2013.

6. Ngai E.T., Peng S., Alexander P. и Moon K.L. Поддержка принятия решений и интеллектуальные системы в цепочке поставок текстиля и одежды: академический обзор исследовательских статей // Expert Systems, Приложения, т. 41, вып. 1. – С. 81-91, 2014.

Наширға проф. А.Очилов тавсия этган

ҚарДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

Индекс: 4071

Теришга 03.10.2022 йилда берилди.
Босишга 18.10.2022 йилда рухсат этилди.
27.10.2022 йилда босилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60x84, 1/8.
Times New Roman гарнитураси.
Нашриёт ҳисоб табағи 20,25.
Буюртма рақами: № 88.
Адади 100 нусха. Эркин нархда.